



Ёшлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ ОРГАНИ

ОЙЛИК
АДАБИЙ-
БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-
СИЕСИЙ
ЖУРНАЛ

Бош редактор:
Эркин ВОҲИДОВ

Редакцион коллегия:

Саид АҲМАД,
Эркин АЪЗАМОВ,
Баҳодир ЖАЛОЛОВ,
Гулчеҳра ЖУРАЕВА,
Андрей ДЕМЕНТЬЕВ,
Олимжон ИСМОИЛОВ,
Фёдор КАМОЛОВ,
Муроджон МАНСУРОВ
(бош редактор ўринбосари),
Омон МАТЖОН,
Хайриддин СУЛТОНОВ
(масъул секретарь),
Худойберди ТУХТАБОВЕВ,
Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ,
Улмамбет ХУЖАНАЗАРОВ,
Урие ЭДЕМОВА,
Ўткир ҲОШИМОВ.



1983
ЙИЛ,
ЯНВАРЬ

ТОШКЕНТ
Ўзбекистон ЛКСМ
Марказий Комитетининг
«Ёш гвардия» нашриёти

МУКОФОТ МУБОРАК!

„Ёшлик“ журнали редколлегияси ўтган йили эълон қилинган энг яхши асарларни кўриб чиқиб, қуйидаги авторларга журналнинг йиллик мукофотларини беришга қарор қилди:

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстга — „Дашту далаларда“ ҳикояси (1-сон) учун;

Шоир Юсуф Жумаевга — „Қалдирғоч“ рубрикаси остида эълон қилинган (4-сон) шеърлари учун;

Журналист Саъдулла Сиёевга — „Тоғлардаги гулхан шуъласи“ ва „Гавҳар йўқотган одам“ (11-сон) публицистик мақолалари учун;

Рассом Баҳодир Жалоловга — Х. Султоновнинг „Саодат соҳили“ қиссаси (1-сон) ва Н. Норматовнинг „Бисот“ қиссасига (6-сон) ишлаган расмлари учун.

МУҚОВАДА:

Биринчи ва тўртинчи бет:
Рассом **Ҳ. Солиҳов**нинг «Янги йилнингиз кутлуг бўлсин!» асари,
Иккинчи бет: **Омон Азизов**нинг «Байрам таронаси» асари.
Учинчи бет: **Н. Корнилов**. «Янги ҳосил».

МУНДАРИЖА

НАСР

Асқад **МУХТОР**. Жар ёқасида чақмоқ. Қисса 5
Салоҳиддин **СИРОЖИДДИНОВ**. Маржон. Ҳикоя. 36

НАЗМ

Муҳаммад **АЛИ**. «Рамаёна» оҳанглирида. Шеърлар туркуми 33
Усмон **АЗИМОВ**. Янги йил кечасида қайта-қайта айтиладиган бир тилак. Шеър 3
Хуршид **ДАВРОН**. Шеърлар 3

ҚАЛДИРҒОЧ

Сироҳиддин **САИДОВ**. Чавандозлар. Шеърлар. 41
Сулаймон **ОБЛОҚУЛОВ**. Кичик ҳикоялар 42

ҚУТЛАЙМИЗ!

Пўлат **МУМИН**. Шоир туғилганининг 60 йиллигига. Шеърлар 45

УСТОЗЛАРИМИЗ

Жуманиёз **ЖАББОРОВ**. Қомусий билим ва илҳом 51
Юсуф **ШОМАНСУР**. Шайхзода сабоқлари 53

ДАВРА ГУРУНГИ

«Литературная учеба» ва «Ёшлик» давра суҳбати. «Шакл — томир, мазмун — қонми?» 55

АДАБИЙ ТАНҚИД

Шухрат **РИЗАЕВ**, Бобир **АЛИМОВ**. Бош мезон — маънавият 66

НАФОСАТ ЧАМАНИ

Юлий **ГАЛКИН**. Фидойи 68

ОИЛА — ЖАМИЯТ КЎРКИ

Шароф **УБАЙДУЛЛАЕВ**. Сен муҳаббат ёшидасан 46

ПУБЛИЦИСТИКА

Омон **МАТЖОН**. Сочилган дурлар диёри 72

«ЁШЛИК» ПОЧТАСИ

М. Турдиқулова, А. Норқулов, И. Усмонова, Ф. Аҳмадалиева, М. Сафарова, Ҳ. Хушматов. «Беҳуда хомийлик ёки пайраҳа хиди» мақоласи юзасидан хатлар 76

«ЁШЛИК»НИНГ АҚЛ ТИШИ

Қувноқ **ҚИТМИР**. Омад кулиб боққанда 78

Анвар **МУҚИМОВ**. Тўйдан кейин ногора. Интермедия 79

Анвар **ОБИДЖОН**. Янги лауреатлардан янги йил интервьюси 80

Қувноқ **ҚИТМИР** саволлари. Анкета 80



УСМОН АЗИМОВ

Янги йил кечасида қайта-қайта айтиладиган бир тилак

Хуршид ДАВРОН

* * *

Уч юз олтамиш беш кун қуёш теграсин
Сайр этиб келган, эй, сайёҳ — Она ер,
Янги йил олдидан дил не тиласин —
Қандай орзу билан ёзай сенга шеър.
Байрамда сўз айтиб ўрганмаганман,
Не дейин! Атрофга қарадим — оппоқ.
Она Ер, фалақдан кукун ёғмасин,
Қоринг оппоқ бўлсин — имон каби пок.
Дарахтлар бир сергак уйқу қўйнида,
Балки ухлашмаган — кафтларида қор.
Улар жим туришар шамол ўйида,
Келса, устидан қор сочишлари бор.
Она Ер, тилайман тинч бўлсин Замон,
Уқлар чирт узмасин дарахт новдасин.
Боғларда қолмасин безга, сарсон —
Бебахт бир одамнинг бежон гавдаси.
Қани, жим!.. Қаерда йиғлар чақалоқ!
Ёш жувон — оналик тажрибаси кам —
Эмиза олмайди — сўт оқар оппоқ,
Сўт оқар боланинг лаби, юзидан.
Шу аёл фарзандин доғин кўрмасин,
Кезсин Бахт-Саодат қасрларини!
Тўйларга бош бўлсин, ёши ювмасин
Номаълум Аскарнинг қабрларини.
Буни... мен кўрмадим, сездим қалб
билан —

Боғ аро таралди бўса овози.

— Йўқ, йўқ, айрилмайман ҳеч қачон
сиздан,

Кўп ҳам хафа бўлманг... Майли, мен
рози...

Демак, сурнайчига ташвиш топилди!..
Она Ер, тилимда бир тилак бот-бот:
Мамот жанггоҳида Улим чопилсин,
Ғолиб туғ кўтарсин қадрдон Ҳаёт.
Ҳаётнинг умрбахш қучоқларида
Юртим Ўзбекистон гулласин шўх-шаён.
Она Ер, коинот пучмоқларида
Сен ҳам айланавер то абад хуррам.

Оқшомда бошланар
Қорнинг ўйини.
Ҳаво ҳам топ-тоза, юракда виқор.
Қоп-қорайиб ётган боғлар қўйинини
Оппоқ сукунатга
Кўмиб ташлар қор.
Қор тинар
Ва совуқ пичоқларини
Ойга тутар, атроф кетар ярақлаб.
Йиғиштириб олар оёқларини
Яланғоч,
Ҳўмрайган бўжур дарахтлар.
Кимдир шошиб борар
Пастқам кўчада,
Кимдир эринганча мудраб бош қашир.
Кимдир деразадан боқади ўйчан,
Қор устига
Ёза бошлар шеър.

Қор тушган кун...

Мен қандай сўз топай тасвирлаш учун
Майсалар рангини қор ёққан кун,
Қордан чиқиб турган гиёҳлар учун,
Юлдузлар совуқдан музлаган тунни.
Ой билан сайр этиб юрган чоғимда
Пойимда музларнинг «қисир-қисир»ин,
Ва тунги, ардоқли шаҳар боғида
Совқотган дарахтнинг илиқ сирини,
Сиргадек осилган ол дўланалар
Юлдуздек ёнишин йўлак четида,
Тунлар қор учқунини шўх парвонадай
Қўнишин, эришин бўш ҳовучимда,
Ва булар барчаси мисли шамчироқ
Ёритиб туришин юрагим ичин
Қўзғатиб ғалати, ёввойи титроқ —
Мен қандай сўз топай тасвирлаш учун.





АСҚАД
МУХТОР

ЖАР ЁҚАСИДА ЧАҚМОҚ

МУҚАДДИМА

ҚИССА



иллар ўтиб, ёш улғайган сари ҳаётда, айниқса, болалиқда кўрган-эшитган воқеаларингиз, таниган-билган одамларингиз хотирада тобора сараланиб, алланечук йириклашиб, моҳияти юзага қалқа борар эканки, куч-қуввату фурсат етса, уларнинг ҳар бири ҳақида биттадан китоб ёзиш мумкин.

Мен Фарғонадаги биринчи сон болалар уйида тарбияланганман. Тенгдошларимнинг ҳар биттаси замонага ярашиқ ғаройиб бир тақдир, биз кечирган йиллар ибратли воқеаларга бой эди. Маълумки, болалиқ хотиралари бир умрга татийди; етимликда бошингни силаган одам қиёфаси эса ўчмас бўлиб дилга муҳрланиб қоларкан.

Ана шундай кишилардан бирини, унинг бизга сўзлаб берган ғаройиб саргузаштларини тез-тез эслаб тураман. Бу гал уларни сизга ҳам ҳикоя қилиб бермоқчи бўлдим.

У унча ёш эмас, эллик олтиларда эди, чамаси. Соч-соқолини тоза қирдириб, белига энли камар боғлаб юрганиданми, хийла ёш кўринарди,

Расми О. БОБОЖОНОВ чизган

биз уни негадир «Аҳмедов ака» деб ўрганган эдик. Қаншари паст, қулоғининг гўштдор солинчоқлари осилган, нимдош дўппи устидан қийғини салла қилиб, ёқаси пилтали эски гимнастёрка кийиб юрадиган хунуқкина одам эди. Аммо, қизиқки, бир умр эшик санаб санғиган етим-есир, назаримда, фақат шу кишининг меҳрига сиғиниб, фақат шу одам туфайли очликка ҳам, юпунликка ҳам кўниб, етимхонада муқим қолиб кетар эди. Чунки бола деса жонини берадиган одам эди у.

Тузукроқ овқат есак, оғиз чапиллатишимизга завқланиб қараб турар, чеҳрамизда кулги кўрса, юз-кўзи чарақлаб кетар, кийимдан ҳам, ўйиндан ҳам, меҳнатдан ҳам фақат қувонишимизни истар эди.

Аҳмедов ака тарбиячи эмас, тарбиячи бўлганида

унинг болага меҳри ҳақида таъкидлаб гапиришим балки унча жоиз ҳам бўлмас эди. Гап шундаки, у болалар ўйда оддий хўжалик мудирини бўлиб ишларди, биз эса мураббийларимиздан ҳам кўра кўпроқ шу киши атрофида парвона эдик. Шу ваздан баъзи тарбиячиларимиз болажон Аҳмедов акага ғайрилик ҳам қилишар эди.

Лекин биз бари бир шу хунуқ одамнинг соясига сиғиниб, оғизга тикилганимиз тикилган...

«Болаларда гап кўп, — дер эди Аҳмедов ака қандайдир ўксик оҳангда. — Биз — катталар энди улардай софдил, улардай кучли бўлолмаймиз. Қолган кунларимизни шуларга бағишлай билсак, бас. Хусусан, менинг ўзга ниятим йўқ, қолган умрим — шулар туфайли, ҳаётим ҳам — шулар, давлатим ҳам...»

1. НҲҒОЙ МУАЛЛИМ

Ҳали сумбула кирмаган, лекин эрталабки офтобнинг тафти одамга ёқадиган бўлиб қолган эди. Бомдод маҳали, жимжит, катта ҳовли ҳувиллаб ётибди, сомонхонада кеча қулунлаган байталнинг курт-курт беда майнагани ашитилади, холос.

Тоғдаги чўпон-чўлиққа чакмон-чориқ олгани келган Мамат тандир ёнида қора қурум деворга суялганча офтобрўяда чўнқайиб узоқ ўтирди. Рўпарасидаги тезак-тапли устида уймалашган ялқов пашшаларга, юмалаб ётган чўян офтобага, нарироқдаги ҳовуз бўйида чувалиб ўсган пўпанак ўтларга, қари кундак толга тикилиб хаёл сурар, ичкарида жойномозга чўккан хўжайиннинг «во раҳматулло»сини кутар эди.

Шу маҳал кўча эшик ғийқиллаб, нўғой муаллим кйриб келди. Мамат уни кўкламда ҳам бир кўрган эди: ўша-ўша қилтирик, юпун, тиззаси йиртиқ, елкасида нон-дон тўла қопу хуржун, бир қўлида икки кажвава, бир қўлида тугун, белбоғида сўйилган жўжа бўйнидан осиллик, оёғида қат-қат ямоқ тушган тоштовон, соқоли ўсган, кўзлари ғайнолидек...

Дарвозахонага кириши билан қайси бир халтасининг ипи қочиб, гарданидаги юкларни эплломай кийналиб қолди: бирини қўлтиғига қисса, бири тушиб кетади, унисини боғласа, буниси узилади.

— Ҳой сўпоқ, қарашворсанг-чи! — деди у Маматни кўриб.

Мамат халта кўйлак этагидан тиззаларини зўрға чиқариб ўрнидан турди-да, пойма-пой чоригини кийшиқ босиб, у томон юрди.

Нўғой муаллим қаердадир етимхона очган. Очган-у, қаҳатчилик бўлиб, болаларни ҳукумат ҳам боқолмай қолган; энди тарбиячилар қишлоқма-қишлоқ юриб, ўзига тўқроқ одамлардан бақадри имкон у-бу тилаб, етимларнинг насибасини териб юришибди. Буни нўғой муаллим ўтган сафар ўзи гапириб берган эди.

Мамат унинг елкасидан сирғалиб тушган хуржунни кўтаришиб, тўрт бурчидан танғилган оғир қопнинг канопини ҳам кифтидан ўтказиб қўйди. Инқиллаб ҳансираган муаллимнинг жиккак гавдасидан тер, қайши, сузма, пўпанак ва қоқ нон ҳиди анқир эди. Кекиртаги туртиб чиққан ингичка бўйнини буриб: «Бароқалло», деб қўйди.

Мамат яна офтобрўя пешайвоннинг даҳанасига бо-риб оёқларини осилтириб ўтирди.

Бу пайт, унниқиб қолган мовут чакмонини елкасига ташлаб, меҳмонхонадан бой ота ҳам чиқиб келди. Бегим-бегим, деб турадиган кичик хотини тўлғоғида ўлиб, бой ота бир оз одамови бўлиб қолган эди. Ичкарида катта хотини кўлдан буён рамақдажон, кўзи ожиз, бир чўриси билан ёлғиз ўтирар эди. Бой ҳам у шўринг қурғур пушти совуққа қарамай кўйган. Неча йилдан бери ичкари-ташқарининг рафти-омадини ол-

ган Мамат бу гапларнинг баридан хабардор. «Тўрасийлов»га улуш қўшмагани учун бўлисининг пешволари бой отани яккалаб қўйишганини ҳам билади. Бой отаси ҳозир хилватнишин, уйқуси йўқ, сўфитабаит бўлиб қолган. Фикри-зикри икки бебош ўғлида: у бетайинларнинг бири қизиллар билан кетган, бири оқлар билан. Эшик тиқ этса чакмонини ёпиниб чиқади, ўша бебошлардан бирон хабар келдимикан, деб.

— Келинг, домла, — деди у нўғой муаллимни кўриб, — етимларнинг ризқини довлаб, савоб халтангизни елкалаб юрибсизми?

— Э-э, юртда қуту барака йўқ, бойларда диёнат қолмади, тақсир... — Муаллим қопу хуржунларини ерга қўяркан, сурп кўйлагининг йиртиқ жойларидан елкалари кип-қизил бўлиб шилиниб кетгани кўринди.

— Нечта ўзи болалардан?

— Ҳозир уч юзу тўққизта бўлди, тақсир.

— Эвоҳ, бу қопчиқларингиз уларга урвоқ ҳам бўлмайди-ку?

— Ҳай, бир тўйиб есалар ҳам... — Муаллимнинг ўзи кўлдан бери тўйиб овқат емагани кўриниб турарди.

— Бари мусулмонми?

— Ўзбак, қирғиз...

— Узингизни кийнаб қўйибсиз, — деди бой юкдан бўшаган муаллимнинг тиззалари қалтираганини кўриб. — Мунча тўпламасангиз бу ошхўру жомадарронни?!

— Э, сиз уларни бир кўрсангиз эди, бой ота! Анов йили қора ўлат юртни чирқиратиб кетди, биласиз, кўча-кўйини етим-есир босиб... ноилож эдик. Энди мана...

Ҳа, ўша мусибатли кунлар Маматнинг ҳам ёдида. Рўза айни саратонга тўғри келиб, аввал қариялар тутдай тўкилди. Кун ловиллаб ёнар, шўрлик деҳқон далада ютоқиб ўлдими, вабоданми — билиб бўлмас эди. Қишлоқни дуд, нола, ваҳима тутди. Соғу дардчил — ҳаммага тенг эди бу бало-қазо. Бўлмаса, Маматнинг дадаси ўладиган одамиди! «Қулочкаш полвон» дер эдилар отини, елкасида етти қадоқли кетмон, мардикорлик қиларди, қишда эса ғиштхумдонда туякаш...

Ҳа, ҳаммаси эсида Маматнинг. Мунғлуғ онаси ҳам ўлик тепасида бир кечаю кундуз фарёд чекиб, шу ўтирган жойининг ўзида жон таслим этди. Иккаласини, шариятга хилоф бўлса ҳам, бир қабрга қўйдилар. Нима қилишсин, гўрковлар ҳам бири ўлиб, бири қочиб қораси ўчган эди-да. Қишлоқ бир ой деганда ҳувиллаб қолган эди. Ким етаклаб олиб чиқиб кетди қишлоқдан — фақат мана шуни эслолмайди Мамат.

Ушандан бери мана шу бой отани билади. Қўрасида кунда қовлаётган мардикорлар билан бир коса гўжа ичдию нон-насиба экан, шу ерда қолиб кетди. Бой ота-

си унга маъқул эди. Узи бўзу алак киймаган кўхнаби-сот бойлардан бўлса ҳам, Маматқулга сарқитини ичирмади, «сағирга жавр қилганнинг косаси оқармайди», дея бошини силади. Олти ёшидан мол кетида юриб катта бўлган Мамат ҳам ёлчитиб ишлар эди-да.

Ҳозир у йиғидан кўзлари шишиб шу ҳовлида пайдо бўлган кунларини эслади. Эсладию чуваккина гавдаси титраб-қақшаб турган анов тиланчи муаллимга жуда раҳми келиб кетди. Қопчигига бир жомошов тариқ тўққач, унинг ориқ қўлларининг қалтирашига қараб туриб, бой ота ҳам сўради:

— Қаерда ўзи етимхонангиз?

— Симда, тақсир, Симнинг ўзида.

Бой ота: «Узоқ йўл экан», деб, Маматга имо қилди. Мамат югуриб кириб, патнисда кулча нон билан чой олиб чиқди. Нўғой муаллим супага омонат ўтириб, чойни ичди-ю, нонни ушатишга кўзи қиймади чоғи, у ёқ-бу ёғини айлантириб, суқ билан бир ютингач, хуржундаги бошқа нонлар ёнига солиб қўйди.

Сўнгра Мамат унинг туғуну қопчиқларини елкалатиб, тер ҳиди анқиб турган қайишларини қўлтиғидан ўтказишиб қўйди. Одамнинг кифтини шилиб тушадиган бундай халта-хуржунлар Маматга яхши таниш: эл тўплаган

қоқ нону ҳалим оши солинган хумчаю халталар чўлиқларнинг гарданидан гоҳо ҳафталаб тушмайди.

— Уларингиз... бари ёшми?— деб сўради Мамат.

— Бари сендек пучуқ,— деди юкдан букчайиб, халитдан юзига реза тер қалқан муаллим, кўса юзида жилмайишга ўхшаш мулойимлик сезилди.

— Мен ҳам етимман... — деди Мамат, «Сиз хафа бўлманг», дегандай тасалли оҳангида. Муаллим унинг дилидаги меҳр-оқибат туйғусини ҳам, ёлғизлик, етимлик мунгини ҳам, ниманидир кўмсаш ва юрак талпинишини ҳам сездди.

— Бой отанг ҳамиятли киши, иссиқ жойингни совитма, молнинг ёнида ўлмайсан, — деди бўш қўли билан унинг елкасига қоқиб. Шунда чўлиқ шошиб қўйнига қўл солди, анча урингандан кейин, чети ушатишган сафар зогорасини чиқариб, муаллимга узатди. Нўғой муаллим аввал олсамми-олмасамми, дегандай озгина иккиланиб турди-ю, кейин секин олиб хуржунга соларкан, кўзидан ёш чиқиб кетганига ўзи ҳам исза бўлиб, аста жўнаб қолди.

Бой ота ҳовли тўрида, Мамат чўлиқ дарвозахонада унинг кетидан жимгина қараб қолдилар. Нўғой муаллим узоқда чўлоқ туядай лўкиллаб кетиб борарди.

2. ОЛИМ БИЛАН ҲАЛИМ

Мамат ҳўжайиннинг аҳволига ачинар эди. Мана, нўғой муаллим кетди. Ҳадемай Мамат ҳам жўнайди. Хуржунга зогора нон, туз-туршак, кўрпақавиқ игнею яна алланамаларни жойлаб, чориқ-чакмонларни ҳам жун арқон билан танғиб, тахлаб қўйибди. Тоғда чўпон-чўлиқ унинг йўлига кўз тикиб ўтиргандир. Бой эса яна отабезор ўғилларининг надомати билан юзма-юз, ёлғиз қолади. Яқиндагина атроф-теварақда жами катта-кичикни ўтказиб-турғазиб юрган кимсан Салим чорванинг эндиликда дардлашиб, кўнгил чигилини ёзадиган бағри гирён бир маҳрама бўлмаса-я, ё таваба! Қари хотини ичкарида, кўзи кўр бўлса ҳам, ёноғидаги пашахўрда доғига ўсма суриш билан андармон, бенамоз.

— Баҳай, бойбува... энди хизмат? — деди Мамат кетишга ижозат сўраб.

Бой чорвадорларга хос қоқоқи чакмонини елкасига ташлаб, куя тушган сур теллагини бошига қаққайтирганча сўрида хуфтондай бўлиб ўтирар эди.

— Менга қара, Маматқул, жума ўтиб борарсан яйловинга, — деди у, — ичкари-ташқарига сув пуркаб, супуриб қўй. Долонда йўлпашша ғужғон уриб турибди, биров келиб қолиши бор...

Чикмаган жондан умид. Биров келиб қолармиш, жувонмарглардан бирон хабар етармикан, деб кўнгли халак. Аслида у, молу қолга ружу қўйган очофат бойлардан эмас, моли мардумхўр золим ҳам бўлмаган, отамерос мулкани, топган туёғини болаларимга деб асрайди. Ушаларнинг ҳам, худойимнинг ҳам омонатини эсон-омон топширсан, дейди, ўзга муддаоси йўқ.

Ҳай, яйлов яна қолди. Тоғдаги ялангоёқ шўрликлар дийдираб етти пуштининг гўрғига гишт қалаб сўкишади энди Маматни.

Маматнинг болаликдан одати шунақа эдики, бир нафас бир жойда бекор туролмасди — хаёллари ҳам, қўл-оёғи ҳам ҳамиша ҳаракатда. Ичкари-ташқарини ёғ томса ялағудек қилиб супуриб-сидиргандан кейин, оғилхона йўлагидаги арқон каравотда мушак сабини кирсиллатиб еб, савағичдан сават тўқиб ўтирди. Бу хунарни унга Ҳалим ўргатган. Ака-укаларнинг каттаси. Ун тўққизга кирганми-кирмаганми, ҳамма ишдан хабардор, айтганини икки қилдирмас, қаттиққўл эди. «Сенга ўхшаган бекорчи танбалнинг касби бу! Урган!», дерди Маматга Арқоғидан жиндек адашса, сувдан савағич олиб, чирс этиб бармоғига туширар, кажава майишиброқ кўринса, пошнали сағри этиги билан тепиб-эзгилаб ташлар эди.

От жинниси, улоқчи чавандоз эди Ҳалим бойвачча. Қўшқўрғондаги сайисхонаю йилк бостирмалари ўшаники. Бичими йўғон, сағриси супадек тўдакаш қорабайирлари ўша ерда бегона кўздан яширин. Узоқ-ёвуқдан кўпқари овозаси эшитилса бас, Ҳалимни на отаси, на онаси қишлоқда ушлаб туролоди. «Хоназоти кўпқарида соврин олибди», деган шон-шавкатга ишқибоз эди. Отчопардаги чортахт устида ўтириб соврин улашадиган почапўстинли бойларга ҳавас қилар, улоқчи от боқадиган баззоз бўламан, дер эди. Кийикдай енгил, сулув бир чавқари бўларди. Қамчинни тишига тишлаб, ўша чавқарни минганида ўзини ҳалиги бойлардай ҳис қилиб, узангига оёқ тираганча қишлоқмақишлоқ от чолтириб кун ўтказарди.

Бир куни елкасида қўшотар, белбоғ устидан ўқдоё тақиб келиб, эгардан сакраб тушдию кўпқариларни тилга олмай қўйди. Ушандан бери жуда ўзгариб қолди, отхонада чикмайди, камгап, баъзан яхши кўрган чавқарини яқка миҳга боғлаб, бекордан-бекорга савалайди.

Тўсатдан отасига ўдағайлаб қолди:

— Биласизми бунинг бари омонат эканини?!

— Нима омонат, болам?

— Туриш-турмушимиз, орзу-ҳавасларимиз, бу молдунё — бари омонат. Сиздек сасиб ётган бойларнинг молини тортиб олиб, ўзини сургун қиялпти.

— Биламан, болам, хабарим бор, нима қилиш керак?

— Сўқимдай йиқилиб бериш керак! — деб бақирди Ҳалим бойвачча ва эртасига чавқарини миндию ғойиб бўлди. Кўп ўтмай, босмачилар тўдасига қўшилибди экан, деб гап тарқалди.

Укаси Олим бундан беҳабар, ўқишга кираман, деб кетганича Жалолободда юрибди. Қўшни қишлоққа қатнаб, бир кунжак муаллимниқиди халфа бўлиб юрган эди, шу муаллим, энди шаҳарда ўқигин, деб йўлдан урибди, ўшандан бери шаҳарда тоғавачалариникидан дам «ўқишга кирдим», деб, дам «кирмоқчиман» деб хат келади, хуллас, гапининг тайини йўқ.

Олим ўзи мулла бўлса ҳам муллаваччалардай нозик эмас, бўйга акасида ҳам катта, ҳеч ким уни ўн саккизини энди қоралаб келаётган йигитча демайди. Шаҳарни, ҳар хил ўқишларни ҳавас қиларди. Замона қалқиб, Ҳалим бебош ҳам ғойиб бўлгандан кейин, бой бува Олимжонидан қаттиқ хавотир олиб қолди. Узи сустроқ-да, бой бува, иккаласини ҳам мол-қолли қилиб кишанлаб қўймайдими, рўзғор бўлса, ана, худога шукр.

Ахир Олимжондан тайинлироқ хат ҳам келди. Кўз кўриб қулоқ эшитмаган гап: қизил гвардияга ёзилиб кетибди.

Ана энди ўзингиз ўйланг. Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, деб шунга айтадилар. Тақдирнинг мундоқ фаройиб ўйинлари бор экан, қаранг, бир отанинг болалари-я!

Бой буванинг «оқларга ҳам, «қизилларга ҳам унча ҳуши йўқ, фақат болаларнинг дейди, унга бу отабезорларнинг иккаласи ҳам азиз. Бошига тушган воқеалардан кейин у ночор бир келатада довдираб қолди: бир қарашда рўзгор билан унча иши йўқ, ҳар замонда қуръон тиловат қилиб савобини кичик хотинининг арвоғига бағишлайди. Гоҳо эса энг яхши йилки уюрларни улгуржи пуллашга киришади. Отбоқарларнинг кўпи кетиб қолди. Бостирмада иккита қорабайир билан бир улоқчи гўнан, бир аравакаш байтал пишқириб турибди, холос. Қўрада бир пой ҳўкиз бор эди, эрта баҳорда оғилхонада ёмонлаб қолиб, пичоқ тортиб юборишга ҳам одам топилмади. Энди тоғдаги уч кўра қўй хавф остида, хўжайин ҳали уларни ҳам пуллаб, сандиқдаги «дуржи бекунж»га жойламаса...

Мана шундай бетайин кунларнинг бирида бостирма орқасида кулранг товўқ қақағлаб қолди. Томорқа эстаги кенг оғилхона, яна қўшқўрғон, у ёғи қирга туташ... У томондан ким келган бўлиши мумкин?

Бу Ҳалим эди. Ташида узун чопону қўш белбоғ, ичидан икки қаторли ўқдон, дандон сопли дудамма... ғирт босмачи. Ҳансираб келиб, отаси билан ялаб-юлашиб кўришдию кейин атрофга аланглаб:

— Келдими? — деди бирдан.

У укасини излар эди. Важоҳати ёмон.

— Қани? Қаерда у?

— Бил-билмасам... — деди ота хурсандчилиги бир зумда мусибатга айланиб.

— Нега? Нега билмайсиз?! — дея бақириб берди Ҳалим. Маматнинг назарида, у ҳозир отасини кўраётгани ҳам йўқ, унга фақат Олимжон керак эди. Хонадондаги аҳволни ҳам суриштирмади, онасини ҳам сўрамади, бир пиёла чой ҳам ичмади.

— Қайтгудай бўлса, боғлаб қазноққа ташланг, ўзим келиб ўлдирман! Қўлдан чиқарсангиз, менинг қорамни кўрмайсиз! — деди-да, келган томонидан шошиб чиқиб кетди. Бир зумдан кейин от дупури эшитилиб, қўрғон орқасидан хумдон тутундай чанг кўтарилди.

Ота шалвираб қолди. Худойим-эй, ҳали бу кўргиликлар ҳам бор экан-да...

Шу тариқа, баҳор келиб, ҳут кирди, деҳқоннинг пайтавасига кўрт кирди. Бой буванинг эса томорқаси ҳам чопилмаган, юлғун босиб ётар эди. Бир кунни, шотераклар кучаласини ташлаб, бўтана сувлар қалқиб оққанда яна от дупури эшитилди. Уғилларидан умидвор бўлиб, шошиб кўчага чиққан бой бува бегона одамларга дуч келди. Улар учта эди, уч отлиқ, учаласи ҳам

ёш, чиройли йигитлар, ҳали унқиқмаган беқасам, қундуз теллак... Ўгли Ҳалимнинг шерикларига ўхшайди, бирор хабар эшитиш илинжида ҳаммасини ичкарига таклиф қилди. Бой бувасининг имоларини тез тушундиган Мамат дарвор тузоғлиқ латнис кўтариб чиқди. Лекин йигитлар таомга қарамадилар.

— Қаёқлардан сўраймиз, мулла йигитлар? — деди бой ҳали ҳам нимадандир умидда.

— От керак, бой ота, отга келдик, — деди қоши чаплаган, бароқ мўйловлиси.

Бойнинг умиди пучга чиқиб, ҳафсаласи пир бўлди.

— От... от йўқ бизда, йигитлар.

— Йўқ? — Бароқ мўйлов шерикларига қараб жилмайди. — Сизда бўлмаса, кимда бўлади, бой ота? Ебарини қизил гвардияга бағишлавордингизми?

— Ажабмас, ўғилларини аямаган бўлсалар, отни аярмидилар қизиллардан! — деб кесатди иккинчиси.

— Менинг ўғлим...

Қоши чаплаган йигит қамчиси билан этик кўнжигга уриб, унинг гапини бўлди. Мамат қараса, бу биринчи кўришдагидай чиройли йигит эмас экан, бирпасда кўзига қон тўлиб, важоҳати хунук бўлиб кетди.

— Биламиз ўғлингизни!

— ...катта ўғлим...

— Уша катта ўғлингиз айтворди, олиб чиқинг отларни!

«Катта ўғлингиз айтворди», дегани эшитгандан кейин бой яна юмшаб, бўшашиб, самимият билан тушунтирмоқчи бўлди:

— Гапимга ишонинглар, йигитлар, отларни...

Бу вақт бароқ мўйлов учинчи, жиккакроқ йигитга имо қилди. Униси сакраб туриб орқа ҳовлига ўтди-да, бойнинг қора кунга сақлаб қўйган тўдақаш қорабайирларини якка миҳдан ечиб олиб, худди ўзиникидай эркалаб, ишайганча етаклаб чиқиб келди.

— Бари шуми?

— Ҳа, аммо-лекин... — Жиккак йигит қорабайирнинг йилтиллаган сағрисидан чапанича чўпиллатиб ўпиб қўйди.

— Биз сизни большевиклардан муҳофаза қиламиз, бой, иккита отга мунча тумшўғингизни осилтирмасангиз?! — деди қоши чаплаган йигит. Кейин унинг имоси билан қорабайирларни эгар қошига боғлаб отландилар-да, жўнаб қолдилар. Тўзон ичиде ноилож қолган бой буванинг қарғиши эшитилди:

— Ол, исоқтинга ярат, ҳаромилар! Шунинг учун босмачи дейди-да сенларни...

Мамат дарвозахонада пусиб турар, отларни қизганибми, бой бувасига раҳми келибми, кўзларига ёш тўлган эди.

Ҳозир ҳам у, савағичдан сават тўқиётиб, энги билан қуруқ кўзларини беҳтиёр артиб, бурнини тортиб қўйди.

3. ЯНА ОТ ДУПУРИ

Тоғ-яйловнинг гашти бўлакча. Инон-ихтиёрнинг ўзингда, тепангда осмон, қарамоғингда бир кўра мол, кун билан «қур-эй-қур-эй»лаб қўй қайтарасан, кечқурунлари чўпон-чўлиқ билан чақчақлашиб чавати нонга сузма суртиб еб оласану жийда пўстлоқ чойдан кейин гулхан иссиғида, қора кўмғоннинг жиғиллашига қулоқ соли-иб хаёл сурасан, кечалари ҳайида укпар тақя кийган толма белли қизалоқлар тушинга киради.

Мамат ўн беш кун яйради яйловда. Лекин чўпонлар ҳар ишга Маматни югуртиришади: хўжайин унинг айтганини сийлайди-да, аччиқ-тиззиқ гап қилмайди. «Бор, пахталик олиб кел!», «Бор, иккита кигиз сўра!» Мамат эса гап қайтармайди, оёк-қўли чаққон. Пучқулиги етмагандек, яна чўтир, қаншари паст, лаблари дўрдоқ, дўнг пешона, башараси ясси, пачоққина бола бўлса

ҳам бойдан тортиб қаролгача ҳамма унинг бор-йўқлигини сезиб турарди.

Тинчгина юрган жийда қишлоққа бир юмуш билан тушдию яна ғаллага дуч келди. Қўрага ўн-ўн бешта от боғланган, ҳар қаерда эгар-жабдуқ, бақирӣқ-чақирӣқ, от пишқириғи, отлиқ чопарлар келиб-кешиб турибди. Қош қорайган бўлишига қарамай, ичкари-ташқарида тўп-тўп одам, меҳмонхона ҳам гавжум, бири пилик ёндирган, бири қуриллатиб чилим торган, хуллас, ҳовлини бегона одамлар босиб ўз уйидагидек хўжайинлик қилар эди. Мамат аввал, Ҳалим бойвачча шериклари билан келибди-да, деган ўйга борди. Лекин орада бойвачча йўқ эди, бой буванинг ўзи ҳам кўринмасди.

Мамат қаттиқ ҳазотир олиб, ичкарига киришга ҳам юраги дов бермай, қайтиб кетишни ҳам эп кўрмай,

довдираб турди-да, кейин негадир бостирма устундан томга тирмашди. Ёзда бостирилган хашак ғарамини пана қилиб, оғилхона томига ўтди, ундан меҳмонхона билан туташ ғуломгардишнинг чордоғига эмаллаб кириб, ётиб олди. Бу ер хушбўй пичан тўшалган жуда қулай жой экан: меҳмонхонадаги гаплар баралла эшитилади, кирган-чиққан кўриниб турибди, сени эса, агар писиб ётаверсанг, ҳеч ким пайқамайди.

Илгари бойнинг қорандалари ётадиган ғуломгардишнинг шифти омонат, баъзи жойлари очик, тешик; тундан исланган вассалари, шувоқсиз, баланд тоқчалар Маматга шундоққина кўриниб турарди. Ҳозир бу ер янги туғилган кўзи-бузоққа барра беда сақланадиган жой бўлиб қолган эди. Ёгин-сочинда қолмасан деб панага олиб кириб қўйилган иккита катта сўрига ҳам хашак бостирилган, қуруқ беда гули анқиб ётибди. Уша бедага ўтириб олиб, катта ҳаммом дудбуронидай қуриллатиб чилим тутатаётган кўса киши кирган-чиққанга чинқириб буйруқ бериб турибди. Ҳовлида кўй сўйишган шекилли, жиэза ҳиди келди. Меҳмонхонадаги суҳбатга овози ёқимли, ҳар замонда иймангансимон секин томоқ қириб қўядиган бир одам бошчилик қилпти.

— Танангизга ўйланг, бой ота...

«Бой отани эшитганда Маматнинг қулоғи динг бўлди. Демак, шу ерда. Афтидан, остонада ёки бир бурчакда чўкка тушиб, ғарибгина бош эгиб ўтирибди. Ҳалиги ёқимтой овоз эса уни гўё аврарди:

— Танангизга ўйланг, одамларни бир-бирига ит-мушук қилган биз эмас, ана улар, ўшаларнинг фирқачи пешволари. Мана, ўзингизнинг ёшгина ўғлингиз «изм-пизм» деб юриб одам ўлдиради ёки ўзи ўлиб кетади...

Бу мулоим овоз шафқатсиз, Маматнинг назариде, бой отани тобора бурчакка сиқиштириб борар, эзар эди. Яна кимдир ғўнғиллаб сўз қотди, чапиллатиб гўшт чайнади, лекин бой бувадан садо чиқмади. Ёқимтой томоқ қириб давом этди:

— Биз қон кечиб юрибмиз. Ким учун? Сиз учун, бой! Еримиз, элимиз учун, динимиз, имонимиз учун, эзгулик учун! Сиз бўлса иккита ширин гапингизни аяйсиз!

— Менинг ҳеч нарсам қолмади, биродарлар...

— Сиз бўлса яширасиз... бегонасирайсиз...

— Кўриб турибсиз-ку...

— Кўрмаяпмиз! — деб бақирди ҳалиги ғўнғиллаб ўтирган одам оғзини чапиллатишдан тўхтаб. Бу одам ҳар гапиде «Мунча надомат!», деб хитоб қилар, Мамат ҳозиргача унинг гапидан фақат шу сўзларни уқиб олган эди. Энди бўлса бақирди... — Мана, қасам ичинг, шу қоғоз пуллардан ғайри бошқа нарсам йўқ деб, кейин биз ишонайлик! Мунча надомат!

Гиламга алланарса тап этиб тушди. Бойнинг олдига Қуръонни отворишди чоғи. Нима бўляптикин? Маматнинг нафаси ичига тушиб кетди. Жимлик уни борган сари бетоқат қилар эди. Туриб кетишига сал қолди.

Шу вақт нимадир тўқ-тўқ этди. Бирпасдан кейин яна такрорланди. Кимдир деворни уряпти. Тўқ-тўқ. Тўқ-тўқ. Бўғиқ овоз. Ташқаридами, ичкаридами?

— Бу ерда тахмонни шуваб ташлабсизми? — деди ёқимтой овоз.

Ҳа, ичкарида экан. Яна тўқ-тўқ... Йўқ, бу гал пўк-пўк этди. Жимлик. Нақ Маматнинг тағидаги сўрида чилим қуриллар эди, холос. Кейин ичкарида гуп этган ларзали товуш эшитилиб, шитирлаб девор тупроғи тўкилди. Кўп ўтмай меҳмонхона эшигининг иккала табақаси бирдан очилиб, шарақлаб қулганча ёшгина, дароз, қотма бир одам чиқиб келди. Бошида оқ чўғирма, хушмўйлов, чағир кўзлари чарақлаган бу одам ўша ёқимтой овозли жўрабоши эди. Қўлида чоғроққина, ярим юмалоқ ёғоч қути; бу хонадонда бу буюмини камдан-кам одам кўрган, бойнинг маҳрамлари уни «дуржи бекунж», дейишар эди, қора сирли қопқоғи садаф билан нақшланган, ёпилса очилмайди, сир-асро-рини бой буванинг ўзи биларди, холос.

Жўрабоши ҳанг-манг бўлганидан сўрининг четиға ўтириб қолди. Ҳамма унинг устига ёпирилди, кимдир

касатиб теладан машъала тутди. Жўрабоши, ҳар куни шу ишни қилиб юрган одамдек, пичоқ учи билан қаеригадир сал теккан эди, қути қопқоғи қирс этдию очилди-кетди. Ҳамманинг дами ичига тушиб, жим бўлиб қолди: олтин, ёқут, лаъл йилт-йилт товланарди!

— Мунча надомат! — Пақанагина, бўйни йўғон бу одам ҳамон оғзини чапиллатиб нимадир ер, унинг бемаъни хитоби яхши вазиятга ҳам, ёмон вазиятга ҳам тўғри келаверар эди. У жуңдор панжалари билан жўрабоши ушлаб турган қутидан кўш-кўш шода маржон, тиллақошу зебигардонларни лағмондай чўзиб чиқариб, кўз-кўз қилаверди. Атрофдагилар кўзининг оқи чиқиб, сўлагини йиғиб ололмай, ҳанг-манг бўлганча бақрайиб туришаркан:

— Роса жамғарипти-е, зиқна!

— Йўқ, дейди-я тагин, қасамхўр! — дея хитоб қилишар, гўё бой буванинг ўзи бу ерда йўқдек, шалоқ сўзлар билан уни қаро ерга қоришар эди.

Мамат шифтнинг тирқишидан бой бувани энди кўрди. У оппоқ оқарган, аянч бир аҳволда тиз чўкиб ёлворар эди:

— Жон биродарлар, икки ўғлимга тўй қилиб берман, уйли-жойли қиламан, деб орзу-ҳавас билан бир умр тер тўкиб жамғарганим, ҳаппаи-ҳалол буюмим шу, инсоф қилинглр!..

Кўхна ғуломгардиш шарақлаган кулгидан титраб кетди.

— Жон ука! — дерди бой тиззалаганча жўрабоши томон силжиб қалтироқ қўлларини чўзаркан. — Олло имонингизни саломат қилсин, ўғлим тенги экансиз, синни-солим бир жойга борганда қақшатиб кетманг, увол бўлади, иним... Зиёфат берай, улфатларингиз билан азонгача маишат қилинглр...

Яна қаққаха янгради.

— Зиёфат! — Жўрабоши оғиз очиши билан ҳамма яна жим бўлиб қолди. — Зиёфат... яхши! Бўза борми?

— Бор, бор! — деди бой бува умидвор бўлиб оёққа тураркан. — Шоди бўзагарнинг равотида бўза ҳаммиша қайнаб ётади. Шундоққина муюшда. Ҳозир...

— Йўқ, ўзимиз топиб келамиз!

Бой бува тўхтаб, қўл қовуштирди. Жўрабоши имо билан ҳалиги бўйни йўғонни чақирди:

— Менинг қийғиримни ол-да, бекнинг ҳузурига уч: худди мўлжалингиздаги бўлди, эрталаб етиб келишад-ди, дегин!

— Мунча маломат! — деди пакана қамчисини силтаб.

— Отни аяма!

Бўйни йўғон қийиқчада сочилиб ётган хазинага суқ билан яна бир қарадио оғзи қулоғида, кўштиғи елкасида, отилиб чиқиб кетди.

Жўрабоши ўтирган ерида танга кўзли олтин узуклар, кокилли исирғалар, қўчқорбошли билагозуқлар, бозбанду қашқарбалдоқ, ойбалдоқ, лўлибалдоқлар, жиғаю тангажевак, зулукзира, шоҳмардон, пешонага-жак, ҳожизуқ, тилла сочвоқ, қумуш туморчаю олтин тангаларни қўшқовучлаб қутига солди, устига қават-қават маржонларни, зилзиласирғаю балоғардонларни аста жойлаб, қопқоғини қирс этиб ёпди-да, ҳазинани бутунича салмоқлагандай бир кўтариб яна сўрига қўйди. Қўтининг оғирлиги рух бағишлади чоғи, у бахтли, хушнуд, қарашлари меҳрибон эди.

— Йигитлар! Бугун шу ерда тунаб қоламиз, бўза-хўрлик бўлади! — деди. Кейин бой бувани меҳмонхонага бошлаб, у остонадан ичкарига ҳатлаши билан эшикни шартта ёпди-да, устидан қулф солиб қўйди. — Фақат эрталабгача, бой ота, айбга буюрмайсиз, ўзингиздан қолар гап йўқ, шундай қилмаска, тинч ухломмайсиз. Уғилларингиз бўлса... Улар яқинда бир-бирларини бўғизлаб сизни бу ташвишлардан мосуво қилишад-ди. Қуйманг.

Эски ғуломгардиш жўн бўлса ҳам, худди улфатчиликка мослангандай ўзига яраша файзли жой эди. Эшик кесақисиде, яна икки устунда чирсиллаб машъала ёнади, ўртада ўчоқ, ўчоқ атрофида қорақумғон, со-

пол косалар, иккита чилим, кенг сўриларга гулли беда тўшалган орқароқда ҳам девор бўйи қилиб хашак ғарамланган.

Кўп ўтмай мешларда бўза, дастурхонга тугилган яхна гўшт келди. Йигитлар (улар тўққиз киши эди) қўшотарларини бурчакка сепоя қилиб, отлардан хабар олгандан кейин, бири сўрида, бири бўйрада қуруқ пичанга ёнбошлаб, сопол косаларда бўза сипқара кетишиди. Учоқда чирсиллаб ўт ёнар, машъалалар биқисиб сасир, чилимлар тутар, гурунг тобора қизир эди. Этти ёғочли кенг гардиннинг сасиб-тутаб кетганини ҳеч

ким пайқамас, ҳамма бўзадан ҳам кўра бугунги сеҳрли ўлжадан бадмаст эди.

Юқорида тутуну ис, сассиқ кекиртақ бадбўйига базур чидаб ётган Мамат бир нарсадан хавотир: хашакка чўғ тушиб, бало-қазо юз бермаса эди. Унда бу маст-аластлар қўшотарини олиб ура қочади-ю, ичкарида қулфлоглиқ бой бува шўрлик худди тириклайн жижза бўлади-я, худо сақласин! У бахтиқаро шундоқ ҳам ҳозир қора гўрда ётгандай, ранги қув ўчиб, қалтираб ўтиргандир. Эрталабгача ўзини бир нима қилиб қўймасин ишқилиб...

4. ЛАЪНАТИ ҚУТИ

Чақирилмаган меҳмонларнинг сомонхонани бошига кўтариб ўтиргани ҳам тузук экан. Меш бўшагандан кейин бири у ёқда ағанаб, бири бу ёқда эснаб-керишиб, мастона гурунг тина бошладу Маматнинг аҳволи қийинлашди: қимир этолмайди, оч биқинига хашакпоя тигдай санчилса ҳам, тош қотиб ётишга мажбур. Синчковлик ўлсин, ҳалироқ ола-ғовурда тушиб қочмайди-ми, эсипаст.

Кейинроқ баттар бўлди. Ҳамма тинчиб, яккам-дуккам хуррагу онда-сонда хашак шитирлаши эшитиларди, холос. Учоқни кул босди, машъалалар биқисиб ўчди. Маматнинг кўзи шифт тирқишида. Унинг нақ тагида, сўрига бедани қалин тўшаб ётган жўрабоши, ҳамма жим бўлганда боши остидаги қутини олиб чакмонига ўради-да, ёнбошидаги баланд тахмонга жойлаб, устидан хашак бостириб қўйди. Кейин, эшикни тамбалаб келгач, ханжарини ёнбошига босиб ётиб, ухлаб қолди. Дарвоқе, ухладими-йўқми, буни айтиш қийин. Шунча хазинанинг ёнгинасида ётиб уйқуга кетиш ҳам ўзи бўлмаса керак.

Ҳар ҳолда, жимлик, азобли, оғир жимлик чўқди. Маматнинг аъзои бадани увишиб кетди. Ағдарилиб чигилни ёзиш у ёқда турсин, нафас олишдан қўрқади. Хашакнинг халта кўйлақдан ўтиб баданга қадалгани майли, бекордан бекорга шитирлагани-чи! Ухлаб қолиш ҳам хавфли — хуррак тортиб ё акса уриб юборса борми, тамом, оёғидан судраб тушиб осишади — ўртада бир қути тилла бор-а!

Тун ярим бўлганда Маматнинг кўзлари қоронғига кўникиб, атрофдаги у-бу нарсани аниқ кўра бошлади. Бошини қайириб қараса, ўнг ёнбошида ғира-шира ёруғлик. Дарвоқе, ухладими-йўқми, шу жойда шифтнинг хариси чириб синган, очиқ жой хаспўшлаб қўйилган экан, ўчоқдаги чўғнинг ёруғи шу ердан таралиб турибди. Маматнинг юраги орқага тортиб кетди: бу — худди тахмоннинг тепасида-ку! Худо урди! «Жим ёт, жим ёт», деди Мамат кўнглида негадир ўзини сабр-тоқатга ундаб. Қутининг нақ ёнгинасида эканини тасаввур этди. Бу ҳол аллақандай даҳшатли ва ғалати эди. Гўё йиртқич билан ёнма-ён ётиб қолгандай. Бояги аҳволи ҳам бирнав экан, у тамом тинчини йўқотди. Юраги тезлашиб, нафаси ҳавони янгратаётганга ўхшарди. Мамат бир зум ўзини йўқотиб қўйди, тинчини эмас, ҳаловатини, илгариги ўзлигини йўқотди у. Гоҳо шу вазиятда ётганига ўзини мард сезади, ҳовлиққан юрак фавқуллодда бир воқеани ҳис этади...

Энди астойдил ўйлаш керак. Бу ерда узоқ ётиш хавфли. Шошилиш ундан хатарли. Кетиш эса бари бир зарур. Шунинг учун... шунинг учун... нима қилиш керак? Уй келақолса экан, калла баттар ғовлаб кетяпти, хашак шитирлаши тоғ кўчкисидай эшитилади

Ниҳоят, пастдан эшитилган ғарғарадай хунук бир хурракдан фойдаланиб, ўнг қўлини сал қимирлатди. Бу нарса хийла умид туғдирди. Агар ҳар шарпани пана қилиб қўлини шундай оз-оздан силжитаверса, ёруғ таралиб турган юлқа хас-хашакни суриб дарча очиш мумкин. У ёғи... У ёғи бир гап бўлар.

Лекин бу иш Мамат ўйлаганчалик мушкул бўлмади.

Пастда, бир барака топкур очофат бўзахўр, уйқуси нотинч экан, тушида бир нималарни гўдраниб, кетма-кет ағдарилди. Сўри ғирчиллаганда Мамат хашакни анча суриб олди. Уйқуси безовта йигит тинчиганда бўйинни чўзиб қараса, не кўз билан кўрсинки, ёнламалаб ётган қутининг қора биқини чакмоннинг чокидан чиқиб йилтиллаб ётибди.

Уш... Энди тонг ёришиб қолмаса бўлгани. Мамат бу ердан қутисиз чиқиб кетмасликка аҳд қилди. Нега? Қачон бу қалтис қарорга келди? Кейин нима бўлади? Ҳазир ҳам билмайди. Шайтон кўнглига солди, тамом! Одамларни ноҳақ қақшатадиган бу талончиларнинг таъзирини бериш керак, хонаси келиб қолди!

Маматнинг бадани ёниб кетяпти. Бадани ёняпти-ю, бурни оқади. Қоқиб ташлашнинг иложи йўқ. Енги билан товушсиз артиб, қўлини қути томон чўза бошлади — ҳар нафасда бир энлик. Биронтаси уйғоқ бўлса, буни сичқон шитирлаши, деб беларво ётаверади. Шу йўсинда Маматнинг қўли анча жойга бориб қолди. Бироқ шу маҳал пастда кимдир қаттиқ бақириб юборди: «Қилич сол!» Мамат, юраги ёрилай деса ҳам, ётган жойидан қимир этмай, калтакесақдай қотиб қолди. Қўли шифтдан пастга осилиб турар эди, олмади. Ҳалиги одам босинқиради шекилли, ёнида кимдир: «Бўкирмай ў-ў-ў!», деб бир сўкиндио шу билан яна ҳамма-ёқ жимжит бўлиб қолди.

Лекин Маматнинг юраги чиқиб кетай деган эди. Бақириб юбормай, сапчиб турмай, ўликдай қотиб ётишга қаердан куч толганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Жимлик чўққанда аъзои бадани бўшашиб кетди. Лаънати қути! Қора илонга ўхшаб йилтилламай ёниб кет! «Қўлимга тушсин-чи, тилла-пйлласи билан ёндирвораман!», деб қўйди Мамат ичида.

Бир оз хотиржам тортигандан кейин фикридан қайтди: йўқ, ёндирмайди, жонини жабборга бериб қўлга туширади-ю, ёндирадими! Бечора бой буवासига қайтариб беради. Ҳозир дераза қопқоқлари тамбаланган, эшиги қулфланган, тахмони бузилган чанг-тупроқ меҳмонхонасида бир ҳолатда ўтиргандир бетавфиқ болаларини ўйлаб, шўрингга шўрва тўкилгур.

Бирпастдан кейин «сичқон»нинг шитир-шитири давом этди. Шу хашак бўлмаса-ку, осонгина кўчадиган иш эди-я. Тағин азда терлаб-пишиб томга ўзи ташиган бу ем-хашакни аҳмоқ бўлиб. Шунисини эсласа, баттар алам қилади... Нималарни ўйлаяпти ўзи? Ҳозир бутун фикри-зикри қўлда, панжаларида бўлиши керак. Бармоқ учлари ўта сезгир бўлади. Мана, чакмоннинг сирилган ёқаси. Мана, бўшлиқ. Мана... Маматнинг юраги шиг ётиб, бадани жимирлаб кетди: қутининг муздекини, силлиқ биқини. Бармоқлар унинг рангини ҳам сезаётгандай: совуқ-қора, йилт-йилт этади... Мамат энди панжага зўр берди, жойидан қимирлатиб олса бас. Йўқ, силлиқ қути чакмон ичидан енгил сирғалиб чиқа қолди. Чикди-ю, энди уни қуруқ хашак орасидан суғуриб олиш мушкул эди. Аксига олиб, ҳаяжоннинг зўридан қўл ҳам қалтираб қолди. Ҳовлиқиб ураётган юрак қурғур панд бериб қўймаса бўлгани.

Мана, дуржи бекунж... бағрида! Кўрган-у қўлига олган эмас эди. Оғир экан лаънати! Мамат уни қўйнига тикди, лекин бу аҳволда эмеклаб бўлмаслигини англади. Белбоққа тугиб судраса — тунда хашакнинг шитири оламни бузди. Энди нима қилиш керак? Энг мушқули бу ёқда экан-ку! Чордоқдан чиқиб олиш — олтиетти қадам йўл, аммо... сира иложи йўқ.

Омаддан рағбатланган Маматнинг мияси ҳозир тегиримон тошидек айланган роса ишлар эди. Дўнг пешонасидан шариллаб тер оқиб кетди. Топди! Кутини икки қўллаб ушлаб, аста юмалайди. Лекин жуда секин, жуда эҳтиёткорлик билан!

Аммо шу пайт қутилмаган воқеа юз берди: ғулмогардишнинг эшиги тақиллаб ташқаридан ҳовлиққан овоз эшитилди:

— Мунча маломат! Тур, бандаи ғофиллар!

Жўрабошининг чопари қайтиб келган эди. Овозига қараганда, буйруқни бажарган.

Бу ёғи қандоқ бўлди? Иш пачава-ку! Энди булар бари уйғонади. Жўрабоши турасолиб аввало тахмонга қўл узатади, албатта. Тамом, энди қутилиш йўқи.. Мамат фалаж бўлгандек, тугал тўкилиб ўрнидан қимирлаёлмай унсиз йиғлаб юборди. Қўлидаги илондек совуқ нарсани отиб юборай деса, дармони етмади. Пастда ғала-ғовур кучайди, кимдир чопарга эшик очди, кимдир болохонадор қилиб сўкинди, бирининг қўлида истибро кесаги — панага югурди; кимдир кичик бир ашулани хиргойи қилиб, ўчоқдан чилимга чўғ қидирарди, шифтнинг тирқишидан ёруғ тушди.

Шу пайт Маматнинг калласига ғаройиб фикр келди: ҳозир туриб қочса, айна пайти-ку! Бу ола-ғовурда

унинг оёқ шарпасини ким пайқайди? Шу пайт тепасида туриб шаталоқ отсанг ҳам эшитмайди булар.

Мамат таваккал қилди. Унинг бошқа иложи ҳам йўқ эди; барибир қаёққадир гумдон бўлиш керак. Ё айна шу топда, ё...

Юқини маҳкам тугиб қўлтиққа қисди-да чордоқдан эмеклаб чиқиб, оғилхона тоmidан гўнгтепага гуппа ташлади. Ундан девор ошиб кўрага, кейин томорқадан уват ёқалаб борди-да, бағрини ёндириб юборай дейётган омонатни захкаш кўрғондаги тош охурнинг тагига тикди. Устидан гўнг чаплаб, чориғи билан тепкилаб қўйди. Кейин орқа-ўнгига қарамай, йўлда давом этди. Юлғун, туронғи оралаб, енгил туман ястанган далага чиққанида тонг бўзарган эди.

Энди — тикка яйловга!

У дўзахдан қутулиб чиққандай, эркин кенгликларга талпинар эди. Пойма-пой чориғини елкадан ошириб ташлаб намчил тупроқни оёқяланг босиб бораркан, шундай енгил тордики, гўё тунни уйқусиз, азобли ҳаяжонда ўтказган эмас, тўйиб-тўйиб ухлаб олгандек. Кўксига ҳаво тўлиб, руҳи тиниқиб кетди. Узи ҳам етти ухлаб тушига кирмаган омад келди-да. Уйлаб қилибдими, ўзидан-ўзи бўлди бари. Қандай ақли етганига ўзи ҳам ҳайрон. Аммо-лекин, боппади! Энди уларнинг ҳангманг бўлиб, жазавага тушганини бир томоша қилиш керак эди. Биридан-бири шубҳаланиб, қирличоқ бўлди, десанг-чи! Қирилиб кет! Ит бўлиб искаса ҳам тополмайди кутини. Гўнгнинг тагига ётибди тилла. Жойи шу. Мамат уни ўзи учун олибдими! Кераги йўқ. Кир иштонга зар жияк. Гап-сўз тинганда Мамат лаънати кутини, бой буванинг сўзи билан айтганда, эгасининг амну омонига топширади.

5. ЕТИМ ҚЎЗИ

Уч кун деганда Мамат яна бир важ топиб қишлоққа тушиб кетди. Тезроқ бориб бой бувасини хурсанд қилиши керак. Ҳойнаҳой, жони чиқар-чиқмас бўлиб ётгандир ҳувиллаган ивирисқ ҳовлида. Мамат ҳозир унга қайта жон бағишлайди. Зўр иш бўлди-да! Садаф гулли қутичани кўрганда не ҳолатга тушаркин?!

Узи ҳам ўлгудек жўн одам. «Чорва» деган лақаб унинг чорвадорлигига эмас, аслида мана шу соддалигига ишора. Ахир, меҳмонхонанинг эшиги бўлмаса, тешиги бордир, дарчаси бордир, тунни билан йиғлаб-сиқтамай бир йўлини қил, деворни тешиб чиқ, дод сол, бошингга одам тўпла. Уз молинг-ку!

Шундайку-я, лекин бу гаплар ўша кечаси Маматнинг ҳам калласига келмади-да. Шошганда лаббай топилмас экан...

Аммо-лекин Мамат қойил қилди. Эсласа, ҳозир ҳам дили яйраб кетади.

У ўзича жилмайиб қўйди. Тоғнинг кунгай ёнбағридан биланглаб тушган ёлғизоёқ сўқмоқ йўл унга ёд бўлиб кетган, пастда кўроқ далалар... Сал сўлгин, қалин тутзорларга куз ҳали қўл урмаган бўлса ҳам, энди ёз эмас эди. Шунинг учун водий ҳам Маматга чалароқ жилмайиб қаради. Ўз боласи-да, Мамат шу водийда катта бўлди, чўпонлар орасида дунё таниди. Бировнинг оғир кунда жонига ора кириш кўнглини ўстиради. Уч соатлик йўл бу гал уни қиттак ҳам чарчатмади.

Кўрғонга етгач, сўқир пахса девордан ошиб тушган аймоқнинг соясидаги омбордан эмеклаб ўтди-да, аввал ҳовли томонга қулоқ солди. Ҳаммаёқ тинч. Лекин тош охурга яқинлашмади, юраги дукурлаб, узоқдан кўз қирини ташлаб ўтди, холос. Қани, аввал ичкәридан хабар олсин-чи, кейин шунга қараб...

У сомонхонанинг якка табақали эшигини ғирчиллатмасдан очиб орқадан катта ҳовлига кирди. Кирди-ю, қаққайиб тўхтаб қолди: гўё уч кечаю кундуз довул бўлгандай — қозонлар тўнқарилган, томдаги хашак ғармлари ағдариб ташланган, эшиклар ошиқ-мошиғи

билан суғуриб итқитилган, деразалар синиқ... Ҳалиги аламзадаларининг иши. Жонжаҳд билан тинтиган-да. Хайрият, ўт қўйиб кетмабди. Қўлдан келарди!

Шу ғарибона вайронагарчиликда оқ сурп яқтак кийган Салим чорва сийрак соқолини чимдилаб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Ориқлаб, кўзлари косасига чўккан, хунук бўлиб кетган рангпар юзида ҳасратли ғазаб сояси ўйнар эди. Маматни кўрдию гавдаси қилтиллаб кетди:

— Ҳа.. ҳаромий! Қаёқда улоқиб юрибсан? — деди ғайритабиий ўксик оҳангда ва бирдан йиғлаб юборди. Мамат бунақасини сира кутмаган эди. Бой бувасини ажина-пажина чалиб кетганми нима бало! У Маматни умрида бундай сўзлар билан таҳқирламаган, ахир.

— Итдан бўлган қурбонлиққа ярамас, деб шуни айтади-да! Бой бувангни қон-қора қақшатиб, хонавайрон қилиб кетишса-ю, сен худо бехабар неча кундан бери қорангни кўрсатмасанг! — деб бақирди яна Салим чорва. — Кераксиз вақтда ҳуда-беҳудага оёқ остида ўралашар эдинг-ку, жувонмарг! Етим қўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой бўлар, етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг қон бўлар деганлар... — У захрини сочгани одам тополмай турган экан, роса аламини олди. Маматнинг онасини гўригача ғишт қалади.

Маматнинг ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам, иззат-нафси бор эди, бу гаплар суяк-суягидан ўтиб кетди. Ер ёрилса киргудай бўлиб, бош эгиб қолди. Эҳ-ҳэ... ҳамма гап қутичада экан-ку! Меҳр-оқибат ҳам, одамгарчилик ҳам, сидқидил хизматнинг қадри-қиммати ҳам... Қутича йўқ — одам ҳам йўқ. Ундай бўладиган бўлса... мана!..

Мамат узун енгининг ичида қўлини мушт қилиб, икки бармоқ орасидан бошмалдоғини чиқарди. Буни бой бувасига кўрсатмади-ю, лекин шу билан дилини ғазабдан анча бўшатди.

Яхши ният билан келган эди у. Шу одам учун қалтиш ишга қўл уриб, шу одам учун жон чекиб юрибдими ҳали!..

Бир чеккаси, Салим чорвага ҳам қийин, албатта. Мамат қўшқўрғонга ўтиб, иккита қари отбоқар билан гаплашган эди, ўша кун и азонда ўзи чордоқдан чиқиб қочгандан кейин бу ерда бўлиб ўтган воқеаларни эшитиб, вужуди зир титраб кетди.

...Жўрабоши кўзини йириб ўрнидан туриши билан тахмонга қўл узатиб, хазинанинг сирли бир тарзда ғойиб бўлганини кўргач, чиройли қошлари орасида катта тугун пайдо бўлади. Узини йўқотмасдан, шерикларига қадалади:

— Масхарабозликни бас қил, ким бўлсанг ҳам! — деди шерикларидан бири ҳазиллашяпти деб ўйлаб. Йигитлар аввал тушунишмайди; уларнинг бири ҳали иштончан, бири эринчоқлик билан керишиб хашак уюмида ағнаб ётган, бири турибоқ чилимга ёпишган, бири бепарво, лекин жўрабошининг товушида кескин таҳдид тобора кучаяди.

— Ажал билан ўйнашма! — деб бақиради жўрабоши. Шунда ҳамма бирдан ҳушёр тортиб қолади. Жўрабоши тахмондаги чакмонини, хас-хашакни ерга улоқтиради. Ҳамма саросимада, кўзининг пахтаси чиқиб, оғзини очиб қолади: қути йўқ!

Хийла давом этган ваҳимали жимликдан кейин бўйни йўғоннинг таниш овози эшитилади:

— Мунча маломат!

Бироқ бу сўзлар ҳам ўша ханг-манглик ҳолатидан бошқа нарсани ифода этмасди.

— Ҳеч ким қимирламасин! Эшикларни қулфла! — деб буюради жўрабоши.

Бўйни йўғон сўридан иртқичдай сакраб, қўштиғини қўлига олади-да, кўксини кериб, эшикка кўндаланг бўлади. Жўрабошининг ўзи салмоқ билан юриб, меҳмонхона эшигига яқинлашади. Кўриниб турибдики, унинг биринчи шубҳаси Салим чорвадан. Қўли қалтирароқ қулфга қалит солади. Уймакор эшикнинг иккала табақасини бирдангача очса, бўздай оқарган Салим чорва остонада кеча қандай ўтириб қолган бўлса, ҳали ҳам худди шу ҳолатда ўтирган экан. У ҳали ўз мусибатидан ҳалак, буларнинг талвасасидан беҳабар эди. Уни қўлидан тортиб чиқарадилар. Жўрабоши чала кийинган, бир пой этигини судраганча қоронғи меҳмонхонани гир айланиб тинтиб чиқади, кейин ғулмогардишга қайтиб, сўрига сакрайди, оёқлари билан хашакни тита бошлайди. Шерикларининг ҳар бирининг ёқасидан ушлаб кўзига тикилади, кечаси бек ҳузурига чопар бўлиб кетган бўйни йўғондан бўлак ҳамма муҳшиш шубҳа остида эди...

— Мунча маломат! — деб қичқиради эшикни тўсиб турган бўйни йўғон. — Маърака сарқитига тўйган итдек қотиб-тиришиб ухлайберибсанлар-да! Бекка нима деймиз?

Тушгача бошқа ҳеч бир иш қилинмайди. Уй эгасининг кўз олдида ғулмогардишнинг шифтини бузиб ташлайдилар, сўриларни олиб чиқиб улоқтирадилар, ҳамма хоналарда тахмонларни, деворларнинг кавакла-

рини, тандир-ўчоқларни, ҳатто бадраф ўраларини тинтиб, бузиб чиқадилар.

Кун бўйи қора терга ботиб қилинган бу ишдан кейин жўрабоши ўйлаб қараса — бари бемаъно: ахир, бу сирли ишни қилган инсонни топиши керак, инсон эса йўқ. Шериклари ҳам ўзидан баттар гаранг. Эшиклар қулф бўлса... Ким ахир?! Инсу жинсми?!

Йигитлар учун бу — ғайритабиий бир тилсим эди, холос. Лекин жўрабоши учун мудҳиш тақдир! Ҳазина унинг қўлида эди, бекка чопар юбориб, суюнчисини у олган. Энди нима дейди? Йўқотдим, деганига, ақл бовар этмас бу гапга ким ишонади? Бек уни омон қўйиши маҳол... Шунинг учун у ҳаммани бир-бир сўроқ қилади, тинтиydi, отиб ташлайман, деб ҳар бирининг жонини олади. Бек номидан ҳар нарсга қилса бўларди, лекин ғурур, номус кучли экан шекилли...

Чиройли юзлари бўздай оқариб у ёққа боради, бу ёққа келади, асабий ер тепинади, бошини чангаллаб узоқ ўтиради, бақиради, бўкириб йиғлайди, шивирлаб калима келтиради...

Намозшомадан кейин оғилхонада унинг ўлигини топадилар. Қўндоқни қалин гўннга тираб, яланг оёғининг бошмалдоғи билан тепкини босибди-да, ўзини ўзи нобуд қилибди.

Йигитлар бунга унча ҳайрон бўлмайдилар, чунки бек уни бари бир тирик қўймаслигига уларнинг ҳам ақллари етарди.

— Омонатини топширибди, эгасига керак экан, жойи жаннатда бўлсин... — дейишади.

— «Иннолилло ваалайкум роҷнуно...» — дейди кимдир калима келтириб.

— Мунча маломат! — деб йиғлаб юборади садоқатли бўйни йўғон. У энди йигитларга бош бўлиб қолган эди. Уша заҳотиёқ ўликни отга ўнгариб тапир-тупур жўнаб қолишади.

...Мамат буларнинг ҳаммасини кўз олдида келтириб, ҳовли йиғиштирарди. Қул, тупроқ уюмларини, сопол синиқларини супуриб, синиқ хонтахта, бузуқ сандиқларни қазноққа олиб кириб тахлади. Томдан тушган оғир харини қулаган тандир тагидан сўғуриб олишга уринаётганида бой бувеси аста келиб бир учидан ушлади, индамай уни кўтаришга кўмаклашди. Мамат унинг паст келиб, бўйин қисишини, кўзида афсус-надомат ифодасини пайқади-ю, аммо ўзининг алами босилмаган эди, ён бермади.

Йўқ, бой бува, яхшилик қулфатда синалади, биз қадримизни энди билдик, деди ичида Мамат, сўз яраси битмас, дейдилар, қанча суйкалсангиз ҳам, энди бўлмайди, биз қайдик. Майли, гўнгда чириб кетсин ўша лаънати қути!

Лекин нўғой муаллимга топширса, Мамат бу зил юкдан қутулардику-я, бироқ унинг келиши маҳол-да. Қайси қишлоқларда эшикма-эшик тиланиб юрганийкин. У албатта тўппа-тўғри етимхонага элтарди, ўша Мамат тенги оч-есирларга... Лекин, қани энди!

6. МАМАТ АҲДИДАН ҚАЙТДИ

Замонанинг кетма-кет зарбаларидан кейин Салим чорва анча гангиб қолди. Бу зарбаларнинг қаердан келаётганини билмас, нуқул тақдирдан нолир, гуноҳларидан кўрар эди. Ёлғиз ибтидоий майллар билангина яшаш одамни жуда жўн қилиб қўяркан; на ғазабни билади, на муҳаббатни. Ҳеч ким билан иши йўқ, фақат икки ўғлини кутади. Ушаларни деб қўй-қўраларини улгуржи пуллашга тушди, ўйламайдикки, хўжалик тамом синган, пул эса — омонат. Бўйни йўғон пакана йигитнинг «Ўғилларинг бир-бирини бўғизлайди», деган қутсиз гапи калласидан чиқмайди, бордию биронтаси келиб қолса, қазноққа қамаб, ҳеч қаерга чиқармаслигини ҳам кўнглига тугиб қўйди.

Лекин қамамайди, ялинади, ёлворади, тиз чўқади, қолган-қутган мол-дунёсини оёқларига тўкиб, иккаласини муросага келтириш, уйли-жойли қилиш учун жонини жабборга беради.

Бунинг ҳеч ёмон томон ийўқ, албатта. Шунчаки одамгарчилик, орзу-ҳавас. Аммо ўғиллари бунинг тушунишармикин? Розини-ризаликсиз кетиб, отани бу аҳволга солиб қўйган бефаросат тошбағирлар. Мамат уларга негадир унча ишонмайди. Ота чеккан маломатларнинг, отамерос молу ҳолнинг қадрига етадиган болалар эмас.

Салим чорва кўпинча орқа қўрада ивирсийди, яхши кўрган аравакаш байталини сули билан боқади.

Ундан ташқари, бу қўрадан қишлоқнинг ҳамма йўллари кафтдағидай кўриниб туради. Узоқдан бировнинг қорасини илгаса, паншахага ягини тираб кўз тикади-да, то кимлигини танимагунча жойидан қимирламайди.

Бир куни қир ошиб уч отлиқ келиб қолди. Салим чорва хавотир аралаш бир умидворлик билан кўзини қисиб тикилиб турди-ю, биронтасини танимади. Аммо отлиқлар ўтиб кетишмай, тикка эшикка келиб тўхтадилар. Отларни тол сосидаги қозиққа бойлаб, ҳовлига кириб келишди. Бири калта чарм камзули тагидан тўппончасининг катта ёғоч қини туртиб чиқиб турган орик, чўлоқ одам эди. Ёнидаги муовини бўлса керак, живовини олиб, эшик очиб турибди. Учунчиси — шу ерининг шўро раиси, қишин-ёзин қирғиз қалпоқ киядиган сўзамол жиккак одам эди.

— Ҳовлида ов този бўлар эди... — деди у хавотир олиб алангларкан.

— Йўқ, йўқ, кираверинглар, — деди Салим чорва. Меҳмонларни ғуломгардишдан олиб чиқиб ташланган, синиқ оёғи ўрнига ғишт қўйилган катта сўрида қабул қилди.

— Омин! Қаерлардан сўраймиз, азизлар?

— Ўзганданмиз, бой ота, — деди чарм камзулли.

— Ҳай, эсон-омонлик бўлсин... — Уй эгаси одатдагидек чой-нон буюрди. Мамат югуриб-елиб патнис тузар экан, калласига бир фикр урибди: «Қизиллар!» Мамат уларнинг от-улов сўрабми, ишқилиб, бир ваз билан келиб қолишдан умид қилиб, ҳатто кўнглининг бир чеккасида ишонч сезиб ҳам юрар эди. Улар бир-да эмас, бирда албатта келиб қолади, деган ўй миясининг аллақоерида ийлт этиб, уни чўчитар, ҳоҳ ҳая-жонлантирар эди. Мана улар, келиб ўтиришибди. Шўро билан келгандан кейин қизиллар бўлади-да! Мамат ҳеч иккиланмасдан аҳд қилди: садаф қутини мана шуларга беради! Улар шўрога етказса шўро ҳалиги есирларга озик-овқат олиб беради. Етимхонани шўро ҳукумати очган-ку!

Мамат қўшдаи енгил олиб дастурхон ёзди, чой дамлади. Сўрида суҳбат давом этарди. Қизиллар! Мамат улар ҳақида эндиғина ўйлаётгани йўқ. Қутини аллақачон шўрога элтиб топширар эди. Лекин ҳалиги сўзамол жиккакка ишонмайди. Мана, у ҳозир ҳам фаросатсизлик билан гуруннинг маромини бузиб ўтирибди. Салим чорва ўғилларидан, орзу-ҳавасидан гапирди шекилли, сўзамол жиккак дарров оғзиға урди.

— Тўғилмаган бузоққа қозиқ чопиб нима қиласиз, бой ота! — деди у чойнакдаги чойни шопириб. — Нуқул нолийсиз, ана, икки тахмон бахмал кўрпача!.. Менинг битта бўйрам ҳам йўқ...

— Бу билан мақтаниб бўлмайди, раис... — деди чарм камзул кийган чўлоқ секин.

Мамат бу гапларга қўлоқ солиб ўтирмади — у ўз режалари билан банд эди. Бой бува меҳмонлар билан чалғиб турганда қутини олиб гўнган тозалаш керак. Хўш... кейин-чи, уни чарм камзулликка қачон, қаерда тутқазди? «Қаердан олдин?», деса-чи?! Ҳижжалаб тушунтиришга фурсат йўқ, хонаси ҳам эмас. Бой бува пайқаб қолса... унда — тамом, худо уради...

Мамат режасини икир-чикиригача ўйлаб пишитди. Назарида режа энди бенуқсон эди. Лекин шу маҳал сўридаги суҳбат қутилмаганда кескинлашиб кетди.

— Босмачилар келганда ҳамма нарса муҳайё: от ҳам, ош ҳам, — деди чарм камзулли овозини кўтариб, — қизил гвардия деганда — камбағал бечорасиз, гадосиз!

— Оқ-қизилини билмайман, биродар...

Салим чорва бош эгиб ростини гапирар эди. Бироқ меҳмон жаҳлга миниб ўдағайлади:

— Ҳа, билмайсиз! Бекнинг йигитларига кечалари машат қилиб беринг! Олтин-кумуш билан таъминланг!

— Улар мени шип-шийдам қилиб кетди, биродар! Хонавайрон қилди! Инонмасангиз, тинтув қилинг, отхонага киринг, битта аравакаш байталиб бор, хўп, деса-сангиз ўшани берай...

— Бизга келганда битта қирчанғи байтал қолибди-да? Ҳалим бойваччанинг зулукдай чавқарлари, улоқчи тўдақашлари қани? Босмачи шерикларига совға қилдимиз? — деб сўз қистирди сўзамол жиккак.

— Ё калака қилиясизми? — Бошлиқ жаҳли чиққанда чўлоқ оёғининг тиззасини уқалар эди.

— Нима керак ахир мандан? — деб ёлворди уй эгаси.

— Гўшт керак, бой! Қизил гвардия тузаяпмиз, уни таъминлаш, мустаҳкамлаш, унга янги кучлар жалб қилиш керак, энди тушундингизми? Биз тилхат берамиз сизга, босмачи ўғлингизнинг ҳаётини сақлашга ваъда қиламиз, яна нима дейсиз!

Ўғлини эслаганлари учунми, меҳмоннинг шафқатсиз овозиданми, бой отанинг букчайган елкаси титраб, унсиз йиғлаб юборди. Меҳмон буни рад жавоби деб ўйлаб, кескин ўрнидан турди, сўри четидида пиёла ерга тушиб синди, шериклари ҳам шартта туриб, кетишга шайландилар.

— Душманга ёрдам берганингиз учун мол-мулк-кингишни мусодара этиб, ўзингизни бадарға қиламиз, бой, билиб қўйинг!

Салим чорва ўтирган жойида баттар букилиб тушди, бутун вужуди билан қалтираб йиғлади. Уни кўриб Маматнинг ҳам хўрлиги келиб кетди. Буларда ҳам одамгарчилиқ йўқ экан-ку? «Душман», «бадарға»... Ўлганининг устига чиқиб мунча тепкиламаса! Анов сафарги жўрабошининг ўрнида бўлса, бу ҳам қутини чирқиратиб олиб кетарди. Йўқ, бундай одамларга хазинани бериб бўлмайди.

Мамат яна аҳдидан қайтди.

Отлиқлар кетидан тўзон босилиб, ҳовли тагин жимжит бўлиб қолганда Маматнинг юраги сиқилиб кетди. Икки ўтнинг орасида шалвираб ўшалар бой бувасини ҳам кўнгли тусамай қўйди, нолиш-сиқташдан бошқасига қурби етмаган бу шўрпешона энди Маматда на ғазаб, на меҳр уйғотарди.

Эндиликда Маматнинг ягона ташвиши — тошоҳур тағидаги дуржи бекунж. Уни у ерда узоқ сақлаб бўлмайди. Қаёққа қўйиш керак? Маматга унинг зарурати йўқ албатта, лекин бари бир уйқу бермайди. Бир яхши одам ҳам йўқки, сирини айтиб дардлашса! Ҳеч ким билан ҳол-жонини бир қилолмайди, сиқилиб кетгани ҳам мана шу ёлғизликдан.

Ҳа, жўнаб қолиш керак бу ердан! Энди ҳеч ким ҳам келмайди. Салим чорва хонадонининг путури кетди. Қутини сақлаб қолиш керак. Мамат уни етимларнинг ҳақи деб билади. Фақат ўшалар муҳтож бунга.

Борди-ю, ўзи етимхонани кидириб кетса-чи? Отда, пиёда, оташаравада, қанча йўл бўлса ҳам сўраб топса бўлади-ку? Мамат кечаси ўрнидан сақраб туриб ўтирди. Бу унга ажойиб саргузашт бўлиб туюларди. Лекин ҳалиги дардисар билан-а? У шундай лаънати нарсани, биров сал ҳидини олса бас, инсоф ҳам қочади, диёнат ҳам. Калланг кетиши ҳеч гапмас. Ундан ташқари, қўрқинчли: номаълум йўллар, оёғида йўқ, очин-тўқин тентириш, куз охирида қоляпти... Аммо бошқа илож борми?

7. ҚАЛТИС КЎЧА

Бўғотда фотмачумчуқ чирқираб тонгдан дарак берганда Мамат оёқда эди. Оғилхона йўлагидида арқон каравотда унинг рахт хуржунини билан сафар халтаси тайёр турибди. Йилига бир тўқни билан бир эчкига

ёлланган эди, муҳронасини ҳам тиламай кетяпти — бой буваси қарғамас. Мамат хизматини беминнат қилди. Ноҳақ таҳқирига ҳам чурқ этмай қўлоқ осди... Шундай бўлса ҳам, йўлга чиқиш олдидан кўнгли



бир хил бўлиб кетди. Ариқ ёқасидаги кўқонгуллар қовжираган, шотутнинг барги сарғаймай тўкиляпти. Мамат кетгандан кейин бари етим қолади. Ҳали нималар кечаркин файзи қочган бу ҳовлида?.. Узининг бошида не савдолар бор? Манзилу мароҳилсиз, номаълум йўллари йўлаб, юраги увишиб кетди.

Момосидан қолган кулранг мурсакни тўшак остида сақлаб қўйган эди, ўшани кийиб олди. Эски мурсакнинг таҳидан қалампирмунчоқ ҳиди келиб кетди. Чорғининг юпка товоғига бармоқ ботарди, лекин майли, пойма-пой бўлса ҳам узоқ йўлда кор келади. Пайтава ўраб қийди. Қоқ нон билан жиндак талқон, жийда-туршак солинган чўлиқ халтанинг ипини қўлтиғидан ўтказиб елкасига осди-да, рахт хуржунни девордан ошириб иргитди. Кейин ўзи ҳам ўчоқ бошидаги раҳнага оёқ қўйиб, кўрага ошиб тушди. Тандир устидаги лойтувоқ тап этиб ерга тушиб, тарновда кукулашган мусичаларни чўчитганда Мамат хавотирда бирпас жимиб турдию, кейин томорқадан уват ёқалаб юриб, захкаш кўргондаги тошоҳурга яқинлашди. Атрофга аланглаб олиб, чорғи билан гўнгни титкиларкан, бояғи-бояғидай йилтиллаб ётган садаф қути юрагини ўйнатиб юборди. У қандайдир ваҳимали, қалтис кўчага киреётганини фаҳмлар эди. Лекин энди уни фақат давом эттириш мумкин, бошқа йўл йўқ. Қутини энги билан артиб-артиб, олаҳуржуннинг катта кўзига солди, сал ўйлаб тургач, кичик кўзидаги эҳтиёт пайтава билан қийиқдаги яримта зогорани ҳам устидан бостирди. Катта кўзини олдинга, кичик кўзини орқага қилиб, сафар халта устидан ошириб ташлади-да, яғири чиққан гилам дўппини бостириб кийиб йўлга тушди. Қадди юкдан хиёл букчайган, оёқ учиде қадам босар эди. Томорқалардан ўтгач, аввал қир ёқалаб кетган пода сўқмоғидан айлиниб бориши, ундан катта йўлга тушиши керак. Ўзи қишлоқдан нари чиқмаган бўлса ҳам шаҳар йўлини Мамат билади: Ҳалим бойваччани неча марта кўпқарига отлантириб, кузатиб қўйган. Шаҳарга етиб олганидан кейин эса — тамом, у ерда Симга қатнайдиған оташарава албатта бўлса керак. Шаҳар бўлади-ю, бўлмайди! Мамат уни топиб олади. Фақат мана бу кўкрагидаги лиқиллаб кетаётган қути ноқулай дўмпайиб турибди, атайлаб кўрар кўзни ўзига тортаётгандек. Устига устак, ўлғудай оғир. Оғирлиги майли-ку, кўкрагини негадир қизитиб, босиб тушяпти. Пода йўли ўнқир-чўнқир, қум-шағал. Маматнинг пешонаси ҳозирдан нам тортиб, босган қадами унмас эди.

Аммо унга йўл босиш чўт эмас. Ҳозир эса, айниқса: у гўё кўпчилик билан бирга, уни интизор бўлиб кутишяпти, у кимларнидир қўтқазгани кетяпти, хуржунда уларга нажот элтмоқда. Ҳар қанча йўл бўлса босади, ёлғиз эмас.

Бироқ ғира-шира тонг ёруғида йўл ёқасида кимнингдир қорасини кўриб, бўрига йўлиққандай сесканиб тушди. Хайрият, саҳархез қария экан шекилли, туронги тагидан туриб, иштонбоғини ушлаганча томорқага ўтиб кетди. Мамат энгил тортиб, жилмайиб қўйди-ю, одам шарпасидан кўрқиб кўнглида ғашлик бўлиб қолди. Наҳотки бундан буён шундай бўлаверса? Уғри эмас-ку у? Уғри эмас... Лекин бу — кимнинг қандай ўйлашига боғлиқ. Одамлар эса ҳар хил бўлади. Ҳали Мамат не-не нусхаларга дуч келаркин...

Бир ўйласа, ҳаёт-мамоти қил устида. Бундай юкни кўтариб юрган одам жаҳонда неча эмиш! Е етказиб боради, ё... Шу қалтис ишга таваккал қилиб жонини тикди, орқага қайтадиган йўл ҳам ёпик.

Бой бува ҳам бомдоддан кейин ҳовлига чиқади, албатта. Аввал Маматни йўқлайди, Мамат эса йўқ. Ҳай, оғилхонада ивирсиётгандир ё бўлмаса яна чўпон-чўлиқ улфатларини кўмсаб, яйловга улоқиб кетгандир, деб ўйлайди...

Мамат хўжайинининг «чорва»лигини ўйлаб, жилмайиб қўяди. Бой буванг «бой ота» қилган мана бу қути эди. Энди у Маматнинг елкасида шалдираб кетяпти. Чиндан ҳам, Салим чорва айтгандай, тақдирнинг ғаройиб чалғи ўйинлари бўлар экан...

Пода сўқмоқ тоққа қайрилиб, қадрдон тезак ҳидла-

ри орқада қолди. Шаҳар йўли тўпиқдан тупроқ экан, товони тешик чориқ бирпасда оғирлашди. Кун қиёмдан оққанда Мамат йўл четида ўтириб, яримта зогорани еб олди; тупроқдан шабнам кўтарилиб, ер исиб қолган эди, чорғини ечиб хуржунга — қутининг ёнига тиқштирди. Бу маъқул иш бўлди — бегона кўзни ҳарна шамғалат қилади.

Кун қизиби, йўл ҳам, нафас ҳам оғирлашди. Узоқ-узоқ яйлов йўлларини ялангоёқ босадиган Маматни сертупроқ арава йўли тез толиқтирди. Гилам дўппи тагидан тер оқиб, бошининг қўтирлари ачиша бошлади.

Кечга яқин сомон ортган бозорчига ялиниб туясига мингашигга мажбур бўлди. Лекин туякаш билан ёнма-ён бўлишнинг бетиним хавотири йўл азобидан ҳам оғир эди: кимнинг боласисан, хуржунингда нима бор, деб сўраб қолиши ҳеч гап эмас... Қайрилиб қараса ҳам юраги шув этади, гапга оғиз жуфтласа ҳам. Одамдан ҳайкиш — бу янги туйғу, ғалати, оғир, бегона туйғу эди. Умрида одам боласидан хавотир олмаган Мамат ўзига ўзи ёмон кўриниб кетди.

Хайрият, бозорчи тўнғроқ одам экан, ўз хаёли билан бандми, бора-боргунча бир оғиз ҳам гап қотмади. Кечқурун, бир қишлоққа яқинлашганларида Мамат сомон тиқилган чипта қоплар устидан сирғалиб тушди-да, «Куллуқ, амаки!», деб, чанг ичиде яна пиёда лўкиллаб бошлади. Лаънати қутидаги лаш-луш бетиним шалдираб ғашига тегар эди...

Сомон ортган туя қишлоқнинг сертерак кўчаларига кириб йўқолди. Маматнинг қадами борган сари сустлашар эди. Куз кечаси бирдан босиб тушади, қўналга топиши керак. Кўча-кўйда ётиб қолиб бўлмайди, ҳаммом, хумдон ҳам тўғри келмайди — кўрар кўзга шубҳа уйғотиши мумкин. Бу маҳалда биров эшигини очини эса амримаҳол.

Мамат култетада уймалашган дайди итлардан узоқроқ айлиниб бориб, гузарга кирди. Омадни қарангки, катта йўл устида чойхона бор экан, шекилли, чироғи кўринди, толзордаги ховузнинг зах нафаси юзига урилди. Мамат шу толзордаги ёзги сўрида, қоронғида ўтириб сўнги чойхўрларнинг тарқалишини кутди. Ниҳоят, самоварчи лампачирогининг пилигини тортиб, бўйра-палосларини қоқиб, ўзига кўрпача сола бошлаганда Мамат кириб борди.

— Самоварчи ака, ётиб қолсам майлими? — деди у ўзининг таваккалчилигиндан юраги ўйнаб.

Самоварчи лунжи осилган, паст бўйли, семиз киши эди, илжайишидан меҳрибонгина кўринди.

— Пулинг борми?

— ...Етимхонаданман. Қишлоғимга борувдим...

Мамат ёлғонни дўндирганига ўзи ҳам қойил бўлди. Ёлғон ҳозирги аҳволига жуда ярашиб тушган эди. Чиндан ҳам шундай бўлиши мумкин-да...

— Э-ҳа... — дея самоварчи Маматни кўздан кечирди. Маматнинг назарида, у хуржуннинг катта кўзига бир зум тикилиб қолгандай бўлди. Балки ундай эмасдир, балки Маматнинг ўз фикри-зикри шунда бўлганидан шундай кўрингандир.

— Етимхона қаерда?

— Симда, амаки.

— Оҳ-ҳо-о! — деб юборди самоварчи осилган лунжини чўчқайтириб. Бу ҳам Маматга шубҳаланшидай бўлиб туюлди. Лекин бу хавотир тезда босилди: самоварчи ёмон одамга ўхшамас, ўзи ҳам, сўзи ҳам қандайдир юмалоқ-думалоқ эди. Ҳозир Симга борадиган йўлни суриштириб олишнинг зап наоси келган эди-ю, Мамат ўйлаб қолди: йўлни билмасанг қишлоққа қандоқ келгансан, деб сўраб қолиши бор.

— Қирақол бўлмаса, биз ҳам савобининг бандасимиз, — деди самоварчи. — Ҳов устуннинг тагига чўзил.

Мамат сўрига чиқиб, устуннинг тагидаги бўйрага чўккалади-да, юкни ерга қўйди. Чойхона файзли иссиқ, нон ҳиди келиб турарди. Зирқираган баданлари юкдан бўшаб, яйраб кетди. Энг даҳшатлиси — тун,

энг хавфлиси — уйку, деб кўнглидан кечириб келаётган эди, энди у мижжа қоқмай шундоқ ўтириб тонг оттиришга ҳам рози. Хуржунни ёстиқ қилиб, устидан мурсакни ёпди, халтанинг оғзини ечди — у-бу еб олиши керак.

Самоварчи ҳам ётиш олдидан кўрадаги чойнакни олиб, қора чирогини ёқиб келди.

— Қани, мусофир, чойга кел, — деди наматга чорсисини ёйиб.

Мамат чўчиб тушди.

— Й-ў-ў.. раҳмат, амаки, талқоним бор...

— Кел, келақол, иссиқ чой ичмасанг ҳордигинг чиқмайди.

Унинг кўлини қайтаришга ҳеч қандай важ йўқ эди. Лекин... хуржунни нима қилади? Унинг ёнига кўтариб бориб бўлмайди-ку? Қолдириб кетиши ҳам... Мамат юрагини ҳовучлаб, биринчи марта хуржундан узоқлашди. Кутининг туртиб турган биқинини бир ушлаб устига эски чоригини бостириб қўйди-да, таваккал, самоварчининг ёнига борди. Самоварчи камгап эди, битта жоноқи олмани Маматнинг олдига суриб, чой қуйиб берди. Қумғончой ичиб ўрганган чўлиққа самоварчой ёқмадини ёки хавотир олаверганиданми, чой ичгандай бўлмади. Фақат шунисидан кўнгли тўқ эдики, самоварчи яхши одам экан, бир оғиз ортиқча гап сўрагани йўқ.

Иккаласи ҳам эндигина ўз ўрнига ётиб тинчиганда, учта улфат кириб қолиб, бунинг ҳиссасини чиқаришди. Бўзахўрликдан келишяптими, гап-гаштакданми, ишқилиб, беорроқ, суронли улфатлар экан. Самоварчини бемаҳал оёққа тургазишди, биттаси саситиб наша эзди, биттаси нуқул бақириб гапирар эди:

— Ким у ётган, самоварчи?

Самоварчи тушунтириб берди: етимча, шунақа-шунақа экан...

— Қани, бу ёққа чақиринг-чи, бир чақчақлашайлик! Маматнинг кўтир бошида сочининг томирларигача музлаб кетди.

Мамат шаҳарни биринчи кўриши. Кўрмагани маъқул эди-е! Қишлоқ чойхонасидан чиқиб кетганида онда-сонда кўринган одам шарпасидан чўчиб, юрагини ҳовучлаб етиб келган Мамат бу ерда гуж-гуж тумонатга дуч келди. Қош қорайиб қолганига қарамай, кўчаю майдонларда қумурсқадай гимирлайди-я, у ёққа ўтади, бу ёққа ўтади, шунча одам қаёққа бораркин бемаҳалда? Мамат ҳайрон бўлганидан елкасидаги хатарли юкни ҳам эсидан чиқараёзди. Эсидан-ку чиқмайди-я, лекин энди қаёққа боради? Қуни билан йўл юриб, тиззасида дармон қолмаган, товонлари тилиниб кетганидан тошкўчага оёқ босолмайди; чоригини кийиб олди-ю, аммо оёқ баттар зирқираб оғрияпти. Рахт халта-ку тамом бўшаган, хуржунда лъанати кутининг ўзи, бироқ унинг бу қадар оғирлигини Мамат энди сезяпти. Бунинг устига, одамлар; мунча кўп булар! Бозорга ўхшайди-я, бир у ёққа туртиб ўтади, бир бу ёққа. Хайриятки, бери беларво, сенда сариқ чақалик иши йўқ, фақат ўз ташвиши билан шошгани шошган. Бўлмаса, Мамат ўзидан хавотир олавериб адои тамом бўларди. Энди анча «эти ўлиб», қимир этган шарпадан хавотир олишлар камайди. Баъзан ҳатто дуч келган одамдан бир-икки оғиз гап сўрашга ҳам журъат қиладиган бўлди. Ҳаммолга ўхшаган букирроқ бир кишидан оташараванинг қаердалигини сўраган эди, ҳалиги одам аввал ҳайрон бўлиб кейин илжайганча Маматни бошдан-оёқ кузатиб чиқди.

— Истансами?

— Ҳа-ҳа...

— Батта бўмайди истанса. Жалловотта, байдан тўрт кунлик йўл, — дедию жўнаб қолди.

— Кўйинг энди, мулла, шунча йўл босиб келган болақар. Сизга улфат бўлармиди, бир мишқи-да.

Самоварчи улфатларга қуюқ чой дамлаб, патнисда жиндак ғалвирок бодом билан уч чақмоқ қаҳрабо новот олиб келди. Наша ҳиди чиқди.

— Қаёқдан биласиз?... Эҳтимол, хўжайинининг тил-лосини ўмариб қочаётгандир, — деди ҳалиги бақироқ. — Ҳозир шунақангилар ҳам бор...

Мамат ётган жойида яхлагандек қотиб қолди. Бош остидаги кутининг қирраси миясига санчилиб кираётгандек эди. Ҳозир туриб қочиш зарур бўлса, бўғинлари ҳам дармондан қолди чоғи... Энди нима бўлади?

У шундай қалтираб ётганида чойхона бир қалқиб, нималардир жаранглаб кетди: улфатлар қаҳ-қаҳ уришар эди.

— Худо урсин агар! Ҳозир ҳамма касофат мишқилардан чиқяпти, — деди бақироқ банги оғзидан бадбўй тутунни шифтга пуркаб. У аллақайси бойнинг уйига ўт қўйиб қочган хизматкори ҳақида бақириб гапирди. — Ё камсомон кўяди отини, ё гуардия. Узи, сиз айтгандай, мишқи. Чилим борми? Топиб келинг.

Чойхоначи бечора катта боши билан ярим тунда қаёққадир югурди.

Мамат устун тагида хуржунини кучоқлаб, ғужанак бўлиб ётар, бир нима қиладиган бўлса, илинган жойини тишлаб узиб оламан, деб бутун кучини бир жойга йиғиб ётганидан, вужуди бир тугундек кичкинагина бўлиб қолган эди.

Сершовқин улфатлар тонготарда чиқиб кетишди.

— Даф бўлларинг-э! — деди энсаси қотган чойхоначи эшикка занжир соларкан. — Ҳузур-ҳаловатниям ҳаром қилдиларинг! — Самоварга олов ташлаб, жойига секин ёнбошлади.

«Ҳузур-ҳаловат...», деб пичирлади тун бўйи мижжа қоқмай қалтираб чиққан Мамат. Ҳузур-ҳаловат қолиб-дими! Унга энди ҳеч қаерда ҳузур-ҳаловат йўқ.

8. ШАҲАР

Ана холос! Ҳали оташарава бу ердан юрмас экан-да?... Маматнинг ичиде аллақаерини мушук таталагандай бўлиб, олдинда ҳали бир умрлик йўл азоби бордек туюлиб кетди. Таталаган — очлик эди. Аммо Маматни ҳозир очликдан ҳам кўра, ётиб қолишга бирон жой топиш ваҳимаси босган эди. Тун яқин, улкан, нотаниш шаҳар, чойхона ўрнига нуқул шовқин-суронли қовоқхоналар, гузарларда маст-аласт. Мамат бир-иккита эшикни чертиб ҳам кўрди, уй эгалари шубҳа билан олайиб, шу заҳоти эшикни занжирлаб, дераза қопқоқларини тушириб олдилар. Шаҳар бу!

Юрай деса оёғи қизиб оғрийди, бирон ёпиқ дўконнинг олдида чўккалаб нафас ростлай деса, биронтаси, нима қилиб ўтирибсан, деб суриштириб қолиши бор. Елкасидаги манов тавқи лъанат бўлмаса эканки, суриштирганга бошлаб жавоб берса! Е олло! Қачонгача ўғридай жон ҳовучлаб юради? Бирон бадрафхонанинг ўрасига улоқтириб кетса бўлмасмикин бу ғурбат юкни? Жони тинч, тўрт томони қибла, тараллабебод, одам қатори юрарди!

Мамат тўсатдан инграб юборди. Чориқ қаттиқ азоб берарди. Ичаги ичига ёпишиб, кечаги талқоннинг юкни сўрарди. Тунги аёз ҳам дийдирата бошлади, «Чиди! Чиди!», деди Мамат тишини тишига босиб.

Кўчаларда одам сепсилиб қолган эди. Ҳар қадами бир жазодай, чоригини судраб анча юрганидан кейин тун қоронғисида сал шабада билан хирагина қуврай ётган култепага дуч келди. Ҳаммом яқин бўлса керак, гўлаҳонадан чиқариб ташланган кул иссиғига тортиб турар эди. Бундай жой холи бўлмайди, бехавотир эмас, албатта. Лекин Мамат кетолмади. Илқ тортиб турган кулга келиб йиқилдию бирпасда бутун-

лай эриб кетгандай, ғафлатга толди. «Чида, чида!», деб пичирларди уйқуга кетаркан.

Азонда барвақт уйғонган экан, қараса — атрофида ўн-ўн бешта ўзига ўхшаган етим-есир дайди болалар иссиқ кулда юмалаб ўхлаб ётишибди. Буларнинг орасида ҳойнаҳой безорилари ҳам бўлади. Уларга ҳеч нарсада бас келиб бўлмайди. Шунинг учун Мамат аста туриб хуржунини елкалади-да, нарироққа чиқиб мурсагини, дўпписини қоқдию вақтида жўнаб қолди.

У ўхлаб олиб, пича дармонга кирган эди. Энди бир амаллаб нонушта қилиб олиши керак. Кўп юрмай гувлаган бозордан чиқди. Айна мудао. Қоринни фақат бозорда тўйдириш мумкин. Қопингда нима бор, деб биров сурштирмайди ҳам — бозор-ўчарчилик.

Чиндан ҳам, сарибозор майдонидан кириб бориши билан иштахани кутуртирадиган ҳар хил ҳидлар димоғига урилди. Аввал мурчу зира, аччиқ саримсоғу қалампирмунчоқ иси ёйилган, кейин обани чалпақ, қовоқ сомса, гўштқуйди бўй таратган расталардан ўтди. Бироқ бу ҳидлар толиққан меъдани баттар ютоқтирар эди, холос. Даллоллар шовқини авж олган гавжум жойни оралаб ўтаётганида Мамат ҳолсизликдан гандираклаб кетганини ҳам пайқайди, бироқ жон-жаҳди билан йиқилиб тушмасликка тиришди. Бир бозорчи атторнинг ёнбошида қизил шираси оқиб, пашша ёпирилиб ётган тарвуз пўчоқларни ҳам кўрди-ю, анча қараб туриб, олишга журъат қилмади — бунчаликка ўрганмаган. Бой буваси унга сарқит едирмас эди. Ҳа, бой бува-я! Шу ёшга бориб у ҳам яшашни билмас экан-у, Маматга йўл бўлсин! Олтин елкалаб юриб очидан ўлиб кетмасайди. Оғилхона йўлагиди арқон қаравотда ўтириб тутшинига зоғора ботириб еганлари эсига тушса, бундай хаёлларни тезроқ ҳайдашга уринар эди. Бу ерда, бозор ғала-ғовурида овқат ҳақидаги азобли ўйлари ҳам бўлмайди — бари кўз ўнгиди; ўчакшишгандай, ҳар қадамда рўпарасидан чиқади. Ғўзапоя бозорида қўқонаравани лайлак қилиб қўйиб, соясига пўстақ ташлаб ўтирган деҳқон нонушта тараддузда эди. У хумчадаги ҳовури чиқиб турган жўҳори гўжани қатиқлаб, баракали мусулмон қошиқ билан шундай тушира бошладики, Мамат таққа тўхтаб қолди. Бир-иккита шошқалоқ бозорчи бехос туртиб ўтмаганда, деҳқоннинг олдида тиз чўкадиган ҳолатда эди. Хуржунни туртиб ўтганлар ҳушёр тортирди. Маматнинг ҳов ўша офат йилларидаги етимлик бардоши бирдан қайтиб келгандай бўлдию оғирган жағидан сўлагини артиб, олдинга юрди. Йўқ, ҳозир биров билан танишиш ё дўст орттириш унга қўл келмайди. Дардманд топса, ёрилиб қўйишини ўзи билади-да...

Йиг бозоридан ўтиб, бешик растасида устунга суянди. У ёғи — заргарлик эди...

Ҳожидўппи кийиб чўққи соқолига хина қўйган, ойдаи оқ юзли заргар бадавлат харидорига чой узатади. Ширин суҳбат орасида улар ойна тағида қора бахмалга терилган тилла тақинчоқларни таърифлайдилар. Мамат билибми-билмайми, сал яқинроқ силжийди. Заргарга бошқа харидорлар ҳам келиб «ҳорманг-бор бўлинг» қилишади, қимматбаҳо буюмларга суқланиб, суҳбатлашишади. Мамат барини кўриб турибди: бахмалда шуъла сочиб ётган зулуқзира, румча балдоқлар, ёқутли исирға, тиллақошу зебигардонлар дам олинди, дам жойига қўйиларди — харид қилувчи кам. Кўпи савдолашиб-савдолашиб бош чайқаганча кетиб қоляпти: қиммат. Мамат талпиниб-талпиниб қўяди, елкасини босиб тушган юкнинг оғирлигини ҳам унутиб, бутун бадани қизиб ўй ўйлайди, гоҳо телбадай пичирлайди: «Хуржунимдагилар бундан қолишмайди! Лекин мен бўлсам, бундай қиммат сўраб ўтирмас эдим. Ақалли биттасини... арзимаган биттагина канабалдоқни... Ярим Баҳосига!»

Заргарлик дўконидан узоқлашиб кетаётган бойваччасифат бир харидорга қараб интилмоқчи эди, оёқ остида бир нима қирс эди: қараса — янги сумак. Бешикчи тоvon тўлатмасдан туриб жўнаб қолиш керак...

Мамат бу ердан четлашди. Лекин заргарлик кўз ўнгидан кетмасди. Ҳожидўппининг тилла тишларини

йилтиллаб илжайишини эслаб, Мамат ҳам сал жилмайиб кўйди. Бозорнинг подшоши деб ўйлайди ўзини. Билмайдик, унинг бутун дўконини олаҳуржунига ямоқ қилмайдиганлар бор!

Мамат ўз «юки»га анча ўрганиб қолди. Энди, мана, ғала-ғовурда ҳам кўрқмай юрибди. Айниқса ҳозир, кўксида ғурур ҳиссини сезиб, нимадандир дадилланиб кетди. Фақат сомсапазликдан келаётган ҳидлар қорин очлигини эсга солиб, куракдами, умуртқадами — қаердадир ичаклар ёпишган жой сўриб-сўриб оғрияпти. Бой буванинг биттагина занглаган ҳожиузугини арзонгаровга сотиб ейиш катта гуноҳ эмас, албатта. Насиб бўлиб, етимхонага эсон-омон етиб борсаю бу мусибатларни яхшилаб тушунтирса, тенгдошлари ҳам уни кечирар эди, эҳтимол. Лекин бошқа томони бор: у бадбахт узукни қандоқ пуллайди? «Қаердан олдинг?», «Кимники?», «Ўзинг кимсан?», «Отинг нима?», «Қаерликсан?», «Хуржунда нима бор?» Йў-ў! Чидайсан, Мамат. Бу саволларга жавоб беришдан кўра ҳар нарсага чидаган яхши, бўридай ув тортиб йиғлаган яхши, очдан ўлган яхши. Балки ўша етимхонадаги гўдаклар ҳам очидан ўлаётгандир. Бекордан-бекор... Маматнинг бўлса арзийдиган сабаби бор.

«Арзийди!», деб кўйди Мамат юк босиб тушаётган елкасини силкитиб. Шилина бошлаган жойи ачишиб кетди.

Нарироқда одамлар тўп бўлиб, қаландар талқинини тинглашарди. Шу баҳона билан, шилинган елкасига қиттак дам бериш учун Мамат ҳам юкини қўлга олди-да, жулдур одамлар ёнига бориб чўқди. Қаландар қаландар эмас, шунчаки тиланчи, лекин яхшигина машрабхон экан. Узоқ тебраниб, йиғлаб ўкиди:

**На отам бор, на онам бор,
Ҳеч кимим йўқдир манинг,
Ҳар қаерда бекасу
Бечорага ҳамхонаман...**

Шу жойда Мамат ҳам ўксиб, кўзига ёш келди. Кейин эса йиғлабоқ юборди. Кўнглига эрк бериб яхши қилган экан, бўшашиб, аъзои бадани илиб, ёнида мунгайиб ўтирган ғарибу гурабо ўз одамларидай яқин кўриниб кетди. Кўзини энги билан артиб қараса, қаландар кашкулига тушган бир мирини бериб, ёнидан ўтаётган нонвой боланинг бошидаги саватдан нон оларди.

**Ё дўст, ё олло,
Садақа — радди бало...—**

деб, иккита иссиқ нонни кир белбоғига жойлади...

Ўша бир мирини Мамат ўз кафтида кўргандай тасаввур этди. Ақалли шу қорайиб кетган пакир қўлида бўлса эди ҳозир... Яна йиғлагиси келиб кетди. Ичи ғулдиради эди. Бу сафар ўрнидан туриши ҳам қийин бўлди — бўғинлари қалтирарди.

У ўзи ҳам билмасдан яна ўша заргарлик растасига судралиб бориб қолди. Бу гал йўли дўконларнинг терс томонидан тушган эди. Бу ернинг ўз ивирсиқ дунёси бор: югурдаклар хушоматда, пихини ёрган даллоллар харидорнинг қўлини юлиб олгудай сиқиб силкяйди, паранжили оймчалар буюртмасини сўраб келган... Шоғирдларнинг бирида мисқол тарозу бири жажжи қўрачага дам тортади. Уста заргар ангишвонадеккина қолипнинг кумуш тутқисидан ушлаб, унга эриган олтинни қўяди. Нозик хилол шаклидаги исирға дам ўтмай жаз этиб пиёладаги сувга тушади. Уни кичкина шоғирд дарров пардозлаб ҳам чиқади. Лекин ҳозиргина извошдан тушган хотинчалиш харидорга исирға ёқинқирамади. Чиндан ҳам, яхши сайқал топмаган, бежало, йилтилламас эди. Маматнинг қўтисидида бу хилдаги сирғанинг шунақа антиқаси борки, кўзингни олади! Э-э, солиштириб бўлар эканми!..

Мамат, дармонсиз тиззалари қалтираб, безовталанади. «Хотинчалиш харидорни муюшга имла, — дейди шайтон, — арзон берсанг, индамай гумдон бўлади». «Ҳай-ҳай, доми ризқ, бу, баднафслик билан бутун ишни пачава қилиб қўйиш мумкин-а, — дейди Мамат

шайтонга, — ишгина бузилса бир нав, жонинг хавф остида қолади, бола!»

У бутун кучу иродасини тиззаларига тўплаб, орқасига қайрилди, ўзича кескин бурилиб, бу ердан тез узоқлашаётгандек, лекин аслида оёқларини зўрға судраб борар эди. Бозор қайнаб ётибди, бакириқ-чакириқ; ўғри-тўғри — ҳамма ўз насибасини қидириб тинмай изғигани изғиган. Узун чакмонли, ичидан қат-қат белбоғ танғиган барзанги, шопмўйлов бир одам ориқина киссавур боланинг қулоғидан тортиб оломон орасидан чиқди. Бола кўкариб кетган, оёқ учиде йўрғалаб борар эди. Оломон қолмай эргашар, ким кимга хайрихоҳ — билиб бўлмасди. Иккаласи яна оломон орасида кўринмай кетди, лекин киссавур боланинг томирлари тортишган кичкинагина аянчли юзи Маматнинг кўз ўнгида қолди: қулоғи узилиб чиқса аҳволи нима кечади?

Бозор ҳамон беҳаловат, тинимсиз. Маматнинг гангиган бошига ғазабли ўйлар келиб кетди: ким бошқарида бу ғала-ғовурни, нима қайнатади? Ҳалигидай бағри-тош барзангиларми? Соқолига хина қўйган ҳезимкаш дўкондорларми? Улар мунча керилмаса ҳам бўларди: Маматнинг уларни бутун бозор-мозори билан сотиб олишга кучи етади! Лекин у ҳам беором, бозор оралаб изғиб юрибди-ку? Қандай ўт қайнатаяпти бу бозорни, одамларни изғитиб қўйган ким?..

Курак суягининг остида бир нима чўғдай жазиллаб, боши айланиб кетди. Белбоғдаги зоғора ушоғини капалаб оғзига солгани — кеча эрталабмиди? Ё ўтган куними?.. Қаердандир седанали ширмон ҳиди келди. Нон бозордан чиқиб қолмаса бўлгани, сўраб-сўрамай қўл чўзишдан ўзини тиелмаслиги мумкин. Ё олло, имонини саломат қил... Кўзига бир нималар кўрина бошлади: қулоғи таг томиридан узилиб, юзи қора қонга қоришиб ётган киссавур бола... Ё бу ўнгидами?..

Узингни ўнглаб ол, Мамат, йиқилиб қоласан! Унда иш чаток...

У энди кийим-кечагини бозорга солиш учун ёймачилар томонга юрди. Бу фикр қачон ақлига келди — ўзи ҳам билмайди. Чориққа-ку ҳеч ким қайрилиб ҳам қарамайди, албатта. Гилам дўппини ҳам яғир босган, харидор жирканиб бурнини жийирса керак. Эгнидаги мурсак-чи? Ҳа, раҳматли момосидан қолган мана шу кулранг мурсак жонига ора киради. Уни ечганида ёқалари тердан ҳилвираган йиртиқ қўйлақдан елка суякларни чиқиб қолди-ю, лекин нима қилсин, бошқа илож

йўқ. Ёймачилар қаторидан қафтдек бўш жой топиб, хуржунига ўтирди, мурсакни олдига ёйди:

— Келқолинг! Яп-янги...

Овози чиқдими-йўқми ёки бозор суронига кўмилиб кетдими — билмайди. Унинг эсини оғдирган нарса яна ошқат ҳиди эди. Бу сафар мурчланган, тухум дўлмали, йўтангазга қиймали лағмон ҳиди келди. Қараса — ёймачиларнинг илонизи бўлиб кетган эгри-бугри сафлари лағмонпазликнинг мушоғига келиб кескин қайрилган экан. Мамат шу ердаги одамлар ўтиб турадиган бўш жойга ўтириб қолибди. Нарироқда кўн пешгирли ёшгина уйғур йигит қулочкашлаб лағмон чўзар эди. Орқасида катта қозон сезилар-сезилмас буғланиб биқирлайди...

«Қочиб керак...», деган фикр келди Маматнинг кўнгилига. Лекин ўрнидан туролмас, нимадир сеҳрлаб қўйгандай, теласидан оғир босиб турар эди... Бир маҳал унинг рўпарасида юзлари ўчоқ оловида қизарган ҳалиги уйғур йигит пайдо бўлди. Мурсакни икки қўллаб олиб, эгнига тортиб чамалади. Унинг кўкраги кенг эди, заифона мурсак кўксининг ярмини ҳам қопламаганини кўрган Маматнинг ҳафсаласи пир бўлди.

— Ситилиб кетибди... — деди йигит, лекин мурсакни ҳамон қўлидан қўймай, ниманидир чоғлар эди. — Нач пул?

Маматнинг сўник кўзида умид йилтиллади.

— Менга пул керак эмас, охун ака,— деди у,— мусофирман, белбоғимга тўртта нон қистирсангиз бўлгани...

Тўртта... нега тўртта? Яна тўрт кунлик йўлни мўлжал олдимми? Ҳай, оз бўлса оздир. Лекин кўп сўрамади чоғи: «охун» кетмади, чўчимади ҳам, қайтага нима учундир Маматга қараб илжайди:

— Юр-чи...

Маматни лағмонхонага етаклаб кириб, сўрига ўтқазди. Бирпасдан кейин, буғланиб, аломат ҳид бурқиб турган бир коса лағмонни олдига олиб келиб қўйди.

— Биз нон ёпмаймиз, шуни еб ол.

Ширин ҳидлар бутун вужудини бўшаштирган Мамат ўзини йўқотаётган эди, охуннинг гапи қулоғига кирганда бир талпинди-ю, эътирозини айтолмади: икки қўли билан сопол косанинг иссиқ ёноқларидан маҳкам ушлаб қўйган эди — энди уни қўйвориши қийин!

Момонинг мурсаги охун йигитнинг қўлида кетди. Эртасини унутган Мамат очкўзлик билан косага ёпишди...

9. ТУШ

Қорин тўйгандан кейин Мамат бозордан чиқди. Бозордан чиқди-ю, шаҳардан чиқиб кетолмади. Номалум, олис йўл учун белбоғда жилақурса яримта нон бўлиши керак. Бунинг устига, қош қорайиб қолган эди.

Бозорнинг ғала-ғовуридан кейин кимсасиз теракзор кўчадаги намозшорим жимлиги Маматнинг елкасидан оғир босиб тушгандек, бирдан бўшаштириб юборди. Кўни билан очлик тетик тортириб юрган эканми, чўзма лағмоннинг лаззати бутун вужудини элтиб, маст уйқу босиб келди, оёқлари каловланиб, кўзи юмилиб кетаверди. Яланғоч терак шоҳларида зағчалар қўналға талашиб ивирсигани элас-элас қулоғига чалинар, боғ кўча эканлигиданми, одам шарпаси сезилмас эди. Мамат қоронғида хазон уюмига тойиб кетди-ю, хайрият, юмшоққина юзтубан тушди. Гавдасини кўтариб оёққа туришга ҳам, катта кўча йўлкасида ётиб қолишнинг хавф-хатарини ўйлаб ўтиришга ҳам қурби етмади. Хуржунни қучоқлаб, илиқ сувга шўнғигандай пинакка кетди, жони ором оғушида, ўзи шивирлар эди: «Жиндаккина... мен биламан — мумкин эмас, лекин озгина, қиттаккина...»

Унинг «жиндаккина»си саҳаргача давом этди. Узоқдан сўфининг овози эшитилганда ич-ичидан қалтираб

ўрнидан турди. Қараса, хазон уюмларини қиров қоплаган, атрофида нотаниш шаҳар мудраб ётар эди. Тиши тишига тегмай қалтираётган Мамат сарғиш, нам терак япроқларини эгнидан қоқиб, қуш уясидай чуқурча бўлиб қолган иссиқ ўрнига маънос жилмайиб боқди-да, хуржунни елкалаб, юриб кетди. Энди эгнида иссиқ мурсак йўқ эди, звазига келган бир коса лағмон ичдан иситиб, уни тунги совуқдан асради. Лекин эртага-чи? Мана, биринчи қиров ҳам тушибди. Энди нима бўлса ҳам поездга етиб олиши шарт. Унинг ўтхонаси бўлади, дейишади, иссиқ бўлса, эҳтимол. Шунинг учун шу атрофдан бир илож қилиб иккита нон топиб, истанса қайдасан, деб тезроқ жўнаб қолиши керак.

Теракзор кўча хийла узун экан, гузарга чиққунча Маматнинг қалтироғи қолди, исби кетди. Ариқда юзқўлини чайиб, тўрт томонга қараб кетган, онда-сонда одам кўриниб қолаётган чанг йўлларга аланглади. У бошида яланғоч қирлар, тепаликлар кўзга чалиниб турган олчазор кўчага кирди. Эшиклар ҳали ёпиқ эди. Мамат бирининг тирқишидан мўралаб, бирига аста қулоқ осиб, чертгани юраги дов бермай анчагача тентиради. Ким билсин, бу довлларда шунчаки аҳволнинг айтсанг, битта нонини аямайдиган яхши кишилар ҳам бордир балки. Лекин одамни билиб бўлмайди-да...

Ниҳоят, бир эски, оғир, ўймакор эшикни таваккал қилиб қоқди. Узига тўқ хонадонга ўхшайди, балки шундан ёруғлик чиқар. Ичкаридан аввал кўксовдек йўтал, кейин «Ҳозир!», деган беҳафсала товуш эшитилди.

— Ака, дастёр керак эмасми? Утин-чўп териб келаман... — деди Мамат.

Дарвозахонада елкасига пахталик тўн ташлаган, жундор кўкраги очик, гўлабирдай, бадқовоқ бир одам кўринди-ю, индамай оғир эшикни тарақлатиб ёпди.

Мамат қадамини тезлатди. Бунақасидан узоқроқ бўлгани маъқул. Доми ризқ, дейдилар, қўлга тушиб ўтириши бор. Агар бахтинг кож келса, атала дандон синдирар. Ҳушёрликни бой берма, Мамат!

Кўчанинг у бошида яна бир эшикни қоқди:
— Дастёр керак эмасми? Утин-чўп териб келай?
Ичкаридан овоз чиқмади. Пахсаси нураб кетган экан, ночоргина ҳовли кўриниб турибди. Ичкарида ҳеч ким йўқ.

Шу пайт кўчанинг нариги бетидан товуш келди:
— Ҳой, бола!

Қараса, худди раҳматли момосига ўхшаб, эски бахмал камзул кийган кампир рўмолининг учи билан даҳанини тўсиб имлаб турибди. Мамат дарров кўчани кесиб ўтди.

— Во-ой, ушоққина экансан, болам... — деди кампир унга ачингандай тикилиб.

— Нима эди, хола?

— Дастёр керакми, деганинга... кундаков керак эди.

— Кавлаймиз, хола! Теракникими?

— Теракники-да, болам, бақатерак эди, қурбинг келмас.

— Келади, хола, келади. Қани, кўрсатинг!— Мамат ғайратланиб, ҳовлиқиб кетди: момосига ўхшаган бу кампирнинг овозидан дилига иссиқ югуриб қолган эди.

Кампир унинг гапига ишонмади-ю, лекин боланинг чин кўнгилдан чираниши ёқди. Жилмайиб, ичкарига бошлади, ҳовли этагидаги иккита катта кундани кўрсатди.

— Бошлаймиз, — деди Мамат хуржунни ариқ ёқасига эҳтиётлаб қўйиб.

— Бошлайқол, барака топкур,— деди кампир яна жилмайиб. У билардики, бақатеракнинг томирини топиш учун супадек жойни кавлаш керак, болага бу камида уч кунлик иш. «Бошлайқол, болам», деди кампир яна. У ноғирон набираси билан ёлғиз яшар экан, ҳовлида бир тирик жон қимирлаб туриши унинг учун жуда муҳим эди чоғи.

— Кетмон билан болта... ана, қазноқда, болам, — деди-да, ўзи айвонга ўтиб кетди.

Бир уй, бир айвонли ҳовли-жой анча ночор, хонадонда эркак йўқлиги нураб тушган бўғотлару ўт босган ариқларданоқ билиниб турар эди. Кампир набираси билан ниманидир қувониб гаплашар, ўчоқ бошида тинмай ивирсир эди. Набираси жуда ёш бола эканим, овози ингичка, заиф эшитилди.

— Заррагул, сени ҳозир айвонга олиб чиқиб қўяман, акангни ишини томоша қилиб ўтирасан, — деди кампир.

«Заррагул...» Қиз бола экан-да. Касалми, нима бола? Унинг «ака»си чорикнинг «оғзи»ни каноп билан боғлаб олиб, ишни бошлаб юборди. Қиров кўтарилган, ер намчил, юмшоқ эди. Мамат бирпасда анча тупроқни ағдариб қўйди. Бақатеракнинг тарвақайлаган илдиэлари ҳали анча чуқур бўлса ҳам, иш юришиб кетганидан хурсанд эди.

Туш пайти кампир бир коса гўжа иситиб чиқди. Мамат ишчан қиёфада қўлларини чайиб айвонга ўтди. Кунгай бурчакда оёқларини кўрпачага ўраб Заррагул ҳам ўтирар эди. Лабида сариқ жездан чанқовуз, ҳазин бир куйни эринмай, қайта-қайта машқ қиларди. У унчалик «ёш бола» эмас, ўн икки-ўн учларга кирган қизча экан, фақат овози шундай заиф, бетобликдан бўлса керак...

— Қайси худо ярақлаганинг жигарисан, болам?—

деб сўради кампир Маматдан, сал нарироқда устунга суюнганча чўккалаб ўтириб. У бармоғини лунжига тираб Маматнинг эркаларча иштаҳа билан овқат ейишича ҳавас билан тикиларди. — Кимни қора тортиб бу ерларда юрибсан?

Кампирнинг содда, мушфиқ аёл экани овозидан сезилиб турар эди. Кейинги кунларда бундай саволлардан таҳликага тушиб юрган Мамат бу гал хуржундаги қутидан бўлак ҳамма нарсани, ҳамма воқеаларни қисқача сўзлаб берди. Косани ялаб ўрнидан турди ҳамки, унга меҳри тушиб қолган кампир ҳамон гапга тугарди:

— Етимхона деганинг сенга асқотармикан, болам?..

— ...

— Ҳай, пешонангни худойим ўзи силасин.

Кечгача Мамат кундани анча очиб қўйди. Эртага ўктомирларини ҳам топиб қирқса, кўпоради, насиб бўлса. Лекин, аъзои бадани шундай зирқираб оғрир эдики, қаерда ухлаб қолганини ҳам эслаёлмади. Эрталаб қараса, эчки боғланган бостирма тагидаги хашак орасида хуржунини кучоқлаганча иссиққина бўлиб ётибди, тепасида эса пақир ушлаган кампир жилмайиб турибди.

— Жой солиб берай десам, ётиб қолган экансан. уйғотмадим. Чарчабсан, болам. Яхши ётиб турдингми?

— Жуда яхши ухладим, хола, куллук.

Мамат ёнидаги хуржунга ҳайрон: уни қачон олиб келиб бош остига солганини эслолмайди; бу фалокатни кучоқлаб ётиш унга ғайриихтёрый бир одат бўлиб қолди чоғи. Мамат ўзича жилмайиб қўйди. Бу ерда хавотирланмаса ҳам бўлади, жони тинч. Кампир ҳам соддагина экан, унга кундани кавлаб чиқаришдан ҳам кўра, Маматнинг ўзи билан гаплашиб ўтириш қизиқроққа ўхшайди. Ҳали ишнинг тайини йўқ, эчки сүтидан ширчой қилиб, нонуштага чақирди. Заррагул кечаги жойда офтобга тобланиб ўтирарди.

— Сизни кетиб қолдилар, деб кўрққан эдим, — деди у ёш боланикидай ингичка овоз билан. Мамат ялт этиб қаради: «Кўрққан эдим!» Нега кўрққанди? У қизчанинг рангпар, нозик юзига тикилиб боқди. Қизча ингичка қора қошларини кўтариб, кулимсиради.

— Кундани ағдармасдан кетмайман, Заррагул, — деди Мамат.

— Ундан кейин-чи?

Қизчанинг овозида ҳазин ёлвориб оҳанги бор эди. Мамат нима деярини билмай, ҳайрон бўлиб қолди.

— Ундан кейин ҳам кетмайман, Заррагул, сен билан гаплашиб ўтираман... — деди бошқа жавоб тополмаганидан.

Кунда бугун ҳам ағдарилмаса уят бўлар, деб Мамат тушликка бормади. Атрофида қизғиш тупроқ уюми белдан келиб қолган эди.

Шомда уст-бошини қоқиб айвонга ўтса, Заррагул йиғлагудай бўлиб ўтирибди.

— Заррагул, нега кириб ётмадинг?— деб сўради таажужланиб.

— Ётмайман, гаплашиб ўтирамиз, дегансиз.

Унинг зардали овозидан Мамат ғалати бўлиб кетди. Қўлидан ушлаб, сочини сийпаб юпатгиси келди. «Кичкинагинам... Шундай бир синглим бўлсайди...», деди ичида ўқсиб.

— Заррагул, қаеринг оғрийди?

— Оёғим. Кўкламда тузалади. Табиб амаки айтганлар. Кўкламда шундай ўт ўсар экан қирда. Дори ўт. Бувим уни топиб келадилар, иннайкейин...

Бу ҳам ҳамма қизчалардай қақилдоқ экан, тўхтатиб бўлмайди-я! Мамат қизнинг чиройли чимирилган қошларига қараб, меҳр билан жилмайди.

— Иннайкейин... сиз кетиб қолмайсизми?

— Мен ўша баҳорда, сен опоқ бўлганинга яна қайтиб келаман, Заррагул.

— Ростданми? Алдамайсизми?

Кампир келиб суҳбатни бўлди.

— Ҳай, қиз ўлмагур, аканга унақа дема, ўргилай болам. Юр, жойингни солганман, — деб Заррагулни кўрпачаси билан даст кўтариб олиб кириб кетди.

Мамат ҳайрон эди: пардай енгил экан, бечорагина. Ҳадди сифса Мамат уни қўлида кўтариб юриб тузатиб оларди. Маҳзун овози қулоғида, яна аллақандай дардли, бегуноҳ поклик жозибаси кўксида қолди.

— Сенга шу айвонга жой қилдим, болам, — деди кампир чиқиб. — Кеча оғилхонада ётиб қолиб одамни зап уялтирдинг... — У Маматнинг юз-кўзида гуссали хаёлчанлики пайқаб, ёнига келиб ўтирди. Устунга осиглиқ лампачироқ айвонни хира ёритиб, чирсиллаб ёнар эди.

— Мушкулинг бўлса, айт, болам... — деди кампир секин. — Кўнглингда бир дард бор, сезиб турибман.

— Йўқ, хола...

— Уша етимхонанга ҳам оёғинг тортмаётганга ўхшайди.

— Нимага, хола?..

— Сен ҳам етим экансан, биз ҳам етим... Қолақол. Онанг ўрнида она бўлай. Мана, ҳовли-жой сеники. Заррагул ҳам сиҳат топиб кетар... Ҳадемай катта бўлади. Кўнглинг бўлса, уйлаб қўяй. Яхши қиз, Заррагул, асли.

— Ҳа, — деб юборди Мамат беихтиёр. Лекин кейин дарров ҳушини йиғиб, қўл силтади, орқароққа силжиб ўтирди. — Йўқ, йўқ-э, хола, нималар деяпсиз...

— Яхши йигитча экансан...

— Йўқ, сиз мени билмайсиз, хола, мен...

— Ёқмадик сенга... — деди кампир ва жим қолди.

Мамат ҳам жим эди. Лекин фақат юзадан, ичида эса — ғалаён. Дам ўзини сўкади: бир коса гўжага кунда қавлаб балога қолиб ўтирмаса эди ҳали! Дам яна бўшашади: «Ёқмадик...» Жуддан умид узмагин-у, лекин қанда қандай! Ёқдинлар-у, қани энди қола олса! Ҳозир муруватпешалик кетмайди-да унга. У ҳозир хуржундаги кутининг қўли!

Кампир қашшоққина дастурхонни йиғиштириб, ўрнidan турди.

— Нон-насиб, болам. Паловига қарздормиз, — деди йиғлагандек товушда. Кейин чироқни пуфлаб ўчирди. Унинг овози қаровсиз ҳовлига чўккан шу кузги тундек ҳазин эди. Мамат кампирни хафа қилганига юраги ачишиб, наматга ўзини ташлади. Салим чорванинг қутисини лаънатлаб, анчагача дам у ёнбошига, дам бу ёнбошига ағдарилиб, тўлғаниб ётди. Заррагул аста чанқовуз чалар эди. Чанқовузнинг заиф, мунгли овози узоқларда қўй-қўзиларнинг маърашига қўшилиб кетди. Маматнинг кўзи илинган эди.

Мамат бирпасда қир ошиб, дала йўлига чиқиб олди. Узоқда уфқ бўзариб, куз офтобининг совуқ мис баркаши кўринди. Лекин ҳали тиккага келса, иситиб юборади — ҳавонинг тозалигидан, тут қаторларига илиниб қолган мезон толаларидан билиниб турибди. Мамат бундай эрталарни кўп кўрган: қиров, софлик, мезон ипаги — ҳамма вақт кўннинг баракали бўлишдан нишона.

У бугун анча йўл босишни мўлжаллади. Қорин тўқ у оёқ бут, дам олиб олган, белбоғда, шукр, нон бор, кун яхши. Энг муҳими — ниманидир енгиб ўтгандай, ўзидан мамнун, руҳи енгил. Энди бу ёғига ҳам омад панд бермаса бўлгани. Омаддан умид узмагин-у, лекин ўзинг ҳам бўш келма, деганлар. Бундан буён қишлоқлардан, катта йўллардан четлаброқ юриш керак. Одамлар яхши-ю, аммо унча киришиб кетишининг хосияти йўқ ҳозир. Вақти келиб Мамат ҳам ажойиб дўстлар ортирар, дуч келган билан эл бўлиб, тўйгунча чақчақлашар... Симда ўзига ўхшаган уч юзта оч-юпун етим-есир кутиб турибди. Улар Маматни бошларига кўтаришади, ўзлари билан бирга ўқишга олиб қолишади, чунки Мамат уларга нажот элтяпти.

Куни билан ёлғиз йўл юриб, роса ўй сурди. Қиш-

...Тушида карнай-сурнай, ажойиб маросимда юрганмиш-у, негадир бели зирқираб оғирмиш. Кейин билса, ўша лаънати қути оғритаётган экан. Бор-э, деб қути-путиси билан сотиб, кампир энанинг бўғотларини шуватиб, ёнига қўша-қўша уй-айвонлар солдириб, кунданкиг ўрнини гулзор қилибди. Чунки бу унинг тўйи эмиш. Заррагулга уйланаётган экан. Кампир бирам хурсанд, бирам хурсанд.

«Момо, мурсагингиз қани?», дермиш Мамат нуқул. Бу чиндан ҳам унинг момоси эмиш.

«Мен шу ерда қолдим, мен ўғлингиз бўламан, ҳамма тиллаларимни сарфлаб, Заррагул билан иккинги-ни бахтли қиламан, хола, йиғламанг!», дермиш Мамат. Кампир ҳамон йиғлармиш.

Мамат саҳарда кўзини очса, нарироқда кампир ҳақиқатан ҳам йиғлаб ўтирган экан. Лекин Мамат унга қараб илжайди. Ажабо, бунақаси фақат тушда бўлиши мумкин. Мамат нимадандир хавотир олиб, бош остидagi қутини пайпаслаб кўрди. Тур, банди! Ғофил! Тезроқ жўнаб қолиш керак.

Кампир унинг ивирсиганини пайқаб, ёнига келди:

— Нима берсам рози бўласан, болам?

— Иккита нон, хола. Йўлга иккитагина нон, кейин оқ фотиҳа беринг.

— Иккита?

— Ҳа, едим-ичдим, яхши гапингизни эшитдим. Худо қувват берсин, неварангизнинг бахтини кўринг.

Кампир ўйлаб туриб, ичкарига кирди. Заррагулни уйғотиб қўймаслик учун оёқ учида қайтиб чиқди. Қўлида тўртта нон, ўлиб кетган ўғлидан — Заррагулнинг отасидан қолган сурп яттак, белбоғ, эски этик...

— Жанда бўлса ҳам, ганда бўлмасин, деганлар. Кийиб ол, куз салқин келяпти...

Маматнинг кўнгли тўлишиб кетди-ю, билдирмади. Яттак узунроқ экан, лекин белбоққа тортиброқ кийилса билинмайди. Этик... эркакка этикнинг катта-кичиги бўлмайди. Аммо, нонни иккита дедими, иккита! Тамом! Ортиғини олмайди.

Кампир бу бегона етимчани кўксига босиб, пешонасидан ўпгиси келди-ю, «ясаниб» олган Мамат ўзи билан ўзи банд эди. Эна чўккалаб дуо қилиб, фотиҳа берди.

— Омон бўлсак кўришармиз, мен Заррагулни кўргани келаман, хола. Йиғламанг.

Хола сассиз йиғлаганча орқасидан термилиб қолди.

10. «МАСТРАПЛАР»

лоқларга кирмади, дала-қирда сўқмоқ йўллардан юриб, хушбўй бедаполярни ёқалаб ўтди, ўтлоқларда ювош тойчоқларнинг ёлини силади, муздек булоқ сувларига нон ботириб еди, саргайган тутзорларда ўтириб, пайтавасини қайта ўради, нафасини ростлади, кимсасиз бир чакалакзорда жиндек мизғиб ҳам олди. Лекин одамсиз қийин экан, юриб чарчамади-ю, бир оғиз гап қотадиган кимса бўлмаганидан сиқилиб, руҳи толиқиб кетди. Шунинг учун, қош қорайганда узоқдаги қир этагида милтиллаб кўринган ўт юрагини ҳовлиқтириб юборди. Бу — подачи болаларнинг гулхани. Мамат бунга ўзигагина маълум қандайдир белгилардан сезибтаниб турибди. Қировли майсани қиртишлаган от гижинг бўлади, сирти диркиллаб туради, деган гап бор ишқибоз уюрчиларда. Шунинг учун одатда пода қайтгандан кейин ўсмирлар бундай жойларда йилқи тушовлаб, гулхан ёқишади, кўрга думбул кўмиб, бия сути ичиб олиб, бўридан, қизлардан гап очишади, гоҳо далада ётиб ҳам қолишади. Гулхан атрофидаги бундай кечаларнинг гаштини яхши билган Мамат ўзини тиёлмай, узоқдан бўлса ҳам бир кўрай деб, ўша томон юрди.

Борса, чиндан ҳам шундай — гулхан чирсиллаб

ёниб ётибди, тун қўйнида тушовланган отларнинг шарпаси эшитилади, лекин ўсмирлар иккитагина: жиддий юзларида гулхан шуъласи ўйнайди, бири чўккалаганча гулхан чўғига тикилиб ўтирибди, бири ёнбошлаб олган. Бия сути ҳам йўқ, гап ҳам қизлар ҳақида эмас...

Меҳмон билан танишгандан кейин яқинроқдаги чопиб ташланган кузги томорқадан қизилча топиб келиб кулга кўмишди. Яхши болалар экан. Ёнбошлаб ётгани (қизилча кавлаб келган ҳам ўша) шалпангкулоқ, юзига бўжама тошган, хунук бўлса ҳам эсли, оғир. Этаги судралиб юрган эски чопонини Маматга ҳам етадиган қилиб ёйиб солди. Наригиси жуда ориқ, ёши кичикроқ бўлса ҳам феъли тез, баджаҳл бола эди. Маматнинг қаёққа кетаётганини билибоқ, заҳарханда қилди:

— Поезга эмиш... Поеззи куйиб кетганини эшитмангисан? Яхшиси — орқанга қайт, бола.

— Поезд эмас, истанса ёнган, — деди каттаси. — Поезд темирдан бўлади, темир ёнармиди?

— Уч кечаю уч кундуз ёнган, тутуни Ушгача етган, дейшади.

— Вагон ёнган, истанса ёнган, билдингми? Темир ёнмайди. Поездининг изи ҳам темирдан, ўзим кўрганман. Боравер, оғайни, насибанг ўша ерларга сочилган бўлса, бир бало қилиб етиб оласан. Фақат кечаси кўчада юрма, Жаллоботта кечаси юрганларни тутиб олиб кетяпти экан.

— Нима, босмачи борми?
— Босмачи эмас, мастраплар*.
— Улар қанақа?
— Ҳаммаси бир гўр! — деди баджаҳл бола.
— Булар казак саллотлар, — деб тушунтирди каттаси, — зўр кийинган, отлик, «Здрас-пажалиска» қилади. Лекин болаларни найзага олишар экан. Холдор холани қизил аскарнинг онаси деб эмчагини кесишган... Ўлиб кетди шўрлик.

— Сен кўрганмисан? — деб сўради Мамат.
— Бизнинг қишлоққа келишганда қизиллар бир тиқиратган эди уларни. Яна келишаётганмиш.

— Энди нима қиласизлар?
— Бувим уйда ўтираверди, қариб қолган, мен дўнаним билан қирнинг орқасида... Мастраплар гумдон бўлгунча куним ўтар... Лекин мана бу Эргашга қийин. Дадаси қизил гвардияга ёзилиб кетган. Энди ойиси билан буни яшириш керак, шунинг хаёлини қилиб ўтирибмиз. Сен келган томонлар тинчми?

— Тинч, тинч! Эргашни ойиси билан ўшаққа юборинлар. Мен бир ҳовлида кундаковлик қилдим, ўша ер... — Мамат кампир энанинг ҳовлисини қандай топиб боришни узоқ тушунтирди. Кейин Эргашга зимдан қараб қўйди: «Заррагулга кўз олайтирмасмикан?...»

Бу маҳал кулга кўмилган қизилча ҳам юмшаб қолган эди. Эргаш пичоқ билан пўстини арчиб, ўртадаги чипта қоп устига тилим-тилим қилиб териб қўйди, қипқизариб кетган бармоқларининг учини бир-бир ялагач, пичоғини ҳам қолга арчиб, қинига солди.

Унинг деҳқонча устамонлигига ҳавас билан қараб турган Мамат ҳам қийғидан битта нон олиб, сахийлик билан ушатди. Улар бир-бирларига жуда ёққан эдилар. Жимликда тамадди қилишди.

Гулхан биқсиб қолган, нарироқда отларнинг пишқириси эшитилар, Маматни ваҳимали ўйлар босганидан, қада пишган қизилча оғзида маза-матрасиз туюлар, иштаҳасиз чайнаб хаёл сурар эди.

Болалар қўри ўчган гулхан атрофига чўзилиб уйқуга ҳам кетишди, Маматга ҳаловат қайтиб келмади. Бу йигитчалар жойини топар, иккаласи ҳам эслигинага ўхшайди, режаларини олдиндан ўйлаб қўйишибди; Маматнинг эса танлайдиган йўли йўқ. У орқага ҳам қайтолмайди. Таваккал қилиб, лекин энди ўн бор эҳтиёт билан олдинга силжиши керак.

* Оқ гвардиячи офицер Монстров бошчилигидаги «Деҳқонлар армияси» деб аталган аксилинқилобий кулак-казаклар қўшини бу жойларда Мадаминбек билан бирга иш кўрган.

Шунинг учун пайтавасини гулхан тафтида сал иситиб қайта ўради-да, этини тозалаб кийиб, кечасиги қировда оғирлашиб қолган хуржунини яна елкасига ташлаганча, тонг қоронғисида аста йўлга тушди.

«Хайр, яхши болалар, раҳмат. Омадларинг келсин!» Мамат қишлоққа кирмаслик учун айлана йўлдан, пода сўқмоқларидан юрди. Сўқмоқ жўхориюпа билан жарлик орасидан пастлаб борарди, кўзи қоронғиликка энди ўрганганда узоқда уфқ бўзара бошлади. Мамат арава йўлига чиқди, тўпикдан келадиган чангни тунги шабнам ҳам босолмаган эди, тўзон димоққа урди.

Кўп ўтмай олис-олислардаги гуҷум дарахтлари, яккам-дуқкам чайлалар, қўрғонлар қорайиб кўзга ташланди. Қуёш кўтарилганда узоқдаги катта йўлдан аллақандай отлиқлар йўртиб ўтди, Мамат уларнинг изидан кўтарилган оғир чанг булутига хавотир билан тикилиб қолди. Қаёқлардандир куюк иси келарди. Одатда кигиз ўтовга ўт тушса ёки оғилхона ёнса, шундай ҳид таралади. Шубҳасиз, олдинда шаҳарчами ёки катта қишлоқ бор эди. Унинг ким қўлида эканлиги номаълум. Айланиб ўтадиган йўлни эса яқинроқ боргандагина аниқлаш мумкин.

Чиндан ҳам, қуёш оққанда Мамат пайдо бўлган тепаликдан шаҳарчанинг узоқ-узоқларга ёйилиб, уфққа туташиб кетган чегаралари кўринди. Буни айланиб ўтиш учун бутунлай бошқа томонга, ҳатто аввал орқага қайтиш керак эди. Шаҳарча қандайдир яланғоч, дов-дараҳтсиз, бир қаватли уйлар бетартиб, сийрак жойлашган, кимсасиз кўчаю майдонларнинг эса офтобда чанги чиқиб ётибди. Мамат томорқалар оралаб, чекка кўчалардан бирига чиқди. Мана, жимжит, қаровсиз гузар, икки акас соясида ҳазони супурилмаган пачоқ сўрилар, пастда, бузук тегирмон канорасида бир ариққина тиниқ сув шилдираб оқиб ётибди. Маматнинг шу сувдан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичгиси келди-ю, пастликка тушиб ўтирмади — очиқ жойдан тезроқ ўтиб кетиш маъқул эди. Чунки нарироқдаги тошкўчадан тапиратурур қилиб яна бир отлик ўтиб кетди. Бу тапир-тупур гўё бутун шаҳарни бузгандек эди. Туёқ товуши тинганда Мамат девор соясига писиб, ўзини бошқа кўчага урди. Юраги бир нимани сезгандек, ваҳима босарди. Жимжитликнинг ваҳимаси ёмон бўлади. Мамат ўзи ҳам билмай, саросимада кўчадан югура бошлади. Ўзи ёлғизликдан, жимликдан кочаётгандег-у, шарпа сезса, бир товуш эшитса, чўчиб орқага тисарилади, панага биқинади.

Ўзингни бос, Мамат, бу юришингда оддий ўткинчи ҳам сени кўриб гумонсираб қолиши мумкин!

Ўзини хиёл босиб, катта кўчада девор ёқалаб бораркан, олдинда қандайдир овозлар эшитилгандек бўлди. Қизиқ, бу ерда ҳар қандай овоз қутсиз, совуқ эшитилар, бадани жимирлатар эди. Сал нарида, кўндаланг кўчадан яна ҳалиги отлик (ўшами, бошқасими?), кетидан бешта казак солдат бир тўда ўпоқ-сўпоқ, ювуқсиз, жулдур болаларни олдига солиб ҳайдаб ўтди. Мамат ўзини дарров панага олди. Казаклар... ҳаммаси кўк тасмали шапка кийган, этиклари чанг бўлса ҳам белда қайиш камар, «здрас-пажалиска...» Эргашлар айтган «мастраплар» — шулар, бу аниқ. Лекин манави шўрлик жулдурвоқилар нима иш қилиб қўйдийкин? Ё ўғри, киссавурларми?... Ҳар ҳолда, нарироқдан юриш керак.

Мамат жинкўчаларда изғиб юриб бир вақт яйдоқ майдондан чиқиб қолди. Ногоҳ қулоғига чалинган қийчудан чўчиб, беихтиёр орқага чекинди. Бироқ майдондан кўзини ололмади: унинг нариги четидеги баланд девор бўйида ҳалигиндай болалар тирбанд. Саллотлар яна бошқа кўчалардан ҳам тўп-тўп ҳайдаб келиб катта тўдага қўшар эдилар. Майдоннинг олди эса тахта тўсиқ билан айлантириб олинган. Катта-кичик, яланг оёқ, кир-қўтир, жулдур болалар девор бўйида гўж бўлиб, фимирлаб ётар эди. Буларни бутун шаҳар бўйлаб, бозордан, вайроналардан, ҳаммом кулдонларидан, хумдонлардан тутиб келишяпти чоғи, бари кўча-кўйда юрган ўғри-тўғри, қаровсиз болалар... Ёки етимхонага оляптими?..

Нима бўлса ҳам, бу манзаранинг Мамат учун хосияти йўқ. Секин гумдон бўлиш керак.

Мамат оёқ учидан ён кўчага ўтиб, муюлишга қайрилмоқчи эди, аллақайёқдан эшитилган отликлар дупури уни тақа-тақ тўхтатди. Ёнгинасида бир суворий пайдо

бўлганини сезмай қолди. Қараса, жез мўйловли, чиройлигина офицер. У эгар устида туриб эгилганча Маматнинг қулоғидан шундай ушлаб тортдики, офтоб бирдан ўчиб қолгандай бутун олам қоронғилашиб кетди, зимистонда нимадир «Чинг-чинг!» этиб учқунлар сачради...

11. ҲАММОМ

Мамат офицернинг кўк шапка тагидан бир чаккасига кўпириб чиққан жингалак сочларини, бежирим жез мўйловини, илжайганда оппоқ, тоза тишларини худди ёнгинасида кўриб, тамаки ҳиди анқиган нафасини сезиб турибди, оёқлари дам судралаиб, дам одимлаб бораяпти... Йўқ, у ҳушини йўқотгани йўқ, мана, кўз ўнги ёришди. Лекин қаёққа олиб кетаяпти бу! Бари бир эмасми... қаёққа олиб борса ҳам — иш пачава. Шунча азоб билан шу ерга етиб келганида...

Мамат қулоқнинг оғриғини унутган, аччиқ-аччиқ йиғлаб, отнинг оёқлари остида этигини судраб зўрга одимлар, икки кўли, бутун фикри-зикри хуржунда эди. Юлқиниб кўрди — йўқ, бу мастрал ҳазиллашаётгани йўқ, қулоқни томир-помири билан узиб олиб ҳам қараб ўтираверадиганга ўхшайди. «Болаларни найзага олишаркан... Холдор холанинг эмчагини...» Мамат баджаҳл Эргашнинг тунд башарасини эслади. Ёнгинасида гижирлаб кетаётган эгар қайишининг ҳидидан кўнгли айнаб ўқчиди... Ҳушидан кетиб қолмай туриб бир чора кўриши керак. Кимдир кулар, кимдир бақирар эди. Мамат охиригича кучини тўплаб, офицернинг енгига тармашиб, ердан сал кўтарилди-да, қулоғидан маҳкам чангаллаб олган жундор, сепкилли кўлни жон-жаҳди билан гарчча тишлади. Шунда жезмўйловнинг чинқирганини эшитдию сўнг... от сийдиги анқиб ётган майдон тупроғига узала тушганини билади. Тепасида кулги янгради. Миясига келган биринчи фикр шу бўлди: қулоқ жезмўйловнинг қўлида қолиб кетди-ёв!

Шу зумдаёқ тамом ҳушёр тортди — хаёлига хуржун келган эди. Туриб ўтирди: хайрият, хуржун кучоғида экан!.. Бир этиги нарироқда ётибди; уст-боши, юз-кўзи чанг, оғзи тўла тупроқ. Атрофига боқса — ҳалиги болалар. Жезмўйлов от устида туриб қаттиқ тепган экан шекилли, нақ девор тагига келиб тушибди. Тупроққа беланган хуржунни кучоқлаганча оёққа турди. Болалар уни қўраб олишди... Демак, ҳали тирик, демак, ҳали иш тамом пачава эмас. Мамат кўзлари билан ҳалиги офицери қидирар эди. Тахта тўсиқ орқасида бир неча милтиқли саллотлар юришибди-ю, отликлар йўқ, жезмўйлов ҳам кўринмайди. «Ўзи ҳам жон томирини узиб олдим, чамамда...», деб ўйлади Мамат. Энди унутмайдиган бўлди. Лекин Мамат ҳам уни бир умрга эслаб қолади чоғи: жингалаксоч, чиройли офицер, сариқ сепкилли кўллар... Тамаки ҳиди эса димоғига ўрнашиб қолиб, ҳали ҳам кўнглини беҳузур қияпти.

Атрофидаги болалар қикир-қикир кулишарди. Мамат уларнинг масхаромуз гапларига эътибор бермади, сўйлоқ тиш, мишиқи, чўтир-кўтир, кир-чир башараларни, йиртиқ-ямоқ, жулдур, юпун кийимларни, латта-путта билан ўраб-чирмалган оёқлар, эски кавуш, пой-ма-пой чориқлар, ёрилиб кетган товонларни кузатар, буларнинг нега бу ерга тўпланганига, нега бепарво, лоқайдлигига ақли етмас эди. Булар ҳаммаси Мамат тенги ё ундан кичикроқ, лекин жуда кўп, юзтача келар, худди навбат кутгандай девор бўйлаб тизилишган; бири қалтирар, кичикроқлари сабабсиз йиғлар, кимдир толганини кавшар, кимдир зўрлигини кўрсатар, пишиқроқлари шу ерда ҳам буюм айирбошлар, бири эса девор тагига чоптирар, хуллас, болалигини қилар эди.

— Нима қилардинг олишиб... — деди бошини яра

босган бир бола Маматга ачингандай, — сенинг фойданга қиялпти-ку. Ҳаммомга тушасан.

— Ҳаммомга? — Маматнинг негадир кўнгли чоғ бўлиб кетди. «Ўзинг ҳаммомбоп экансан. Менга шарт эмас», демоқчи бўлди-ю, ўрни эмас эди. Ҳаммомгина бўлса, ҳеч гап эмас экан-ку?..

— Ҳаммомга навбат турибсизларми?

Болалар кулишарди. Мамат уларнинг нега кулаётганини тушунмади. Шу пайт қирғийбурун, қасмоқлаб кетган қизил дўппили новча бола келиб:

— Да... Йўлка-палка! — деди Маматга қараб. — Қулоқ супрадай бўлиб кетибди-ю! — Кулганларни бир ўкрайиш билан тинчитди. Мамат қулоғини ушлаб кўрса, ҳақиқатан ҳам, кулчадай бўлиб шишиб кетган экан, қўл теккизиб бўлмайди. Оғриғини ҳам шундагина сезди.

— Чиндан ҳам фақат ҳаммомга туширадими? — деб сўради у новча боладан. Эслироғи шу экан шекилли.

— Қулоғинг қизилчадай бўлиб кетибди, — деди бесўнақай кавуш судраб олган кичкина бола ҳам.

— Ҳаммомда бундан баттар қизаради, — деди яна бири.

— Қизил эмас, кўкариб кетибди! — деди бир нечаси бирдан.

Булар орасида соддаю заифлари ҳам, индамас муғомбирлари ҳам, пихини ёрган, дунё кўрган безорилар ҳам бор эди.

— Нега бўлмаса... Нега бўлмаса саллотлар...

— Мажбур қилмаса, булар умрида бир марта ҳам ювинмайди, — деди новча ёнидагиларга мөнсимай қараб. Мамат: «Сен-чи, сен жуда тоза бўлсанг, нима қилиб юрибсан булар орасида?», деб сўрамоқчи эди, эҳтиётдан тилини тийди. Орада муостақилроғи шу шекилли, муомалани бузмаслик керак.

— Бу оддий ҳаммом эмас, — деди кўтир бола. — Битинг, сирканг, касалинг — бари ўлади.

— Касал?

— Шаҳарда ўлат тарқаганидан хабаринг йўқми? Қарерликсан ўзинг?

— Касални ҳаммомда даволайдими? — Мамат гаранг, ноўрин гап айтиб қўйишдан ҳам кўрқар эди.

— Бу шундай ҳаммомки, аввал сочингни паққос қиради. Уст-бошингни, лаш-лушингни — барини ўтга ташлайди.

— Кийим-бошини-я? Кейин қандай қилиб...

— Ўтга ташламайди, буғда тоблайди.

— Қандай қилиб?

— ...Темир сандиққа солади.

— Кейин-чи?

— Шу.

Мамат ҳали ҳам унча тушунмаган эди. Бу жулдур-воқиларнинг покизалиги саллотларга нега зарур бўлиб қолди экан?

— Кейин-чи? — деди яна. — Кейин ўз кийимимизни кийиб қиқиб кетаверамизми?

— Тўрт томонинг қибла, йўлка-палка! — деди Новча. Ҳадеб суриштираверганига жаҳли чиқди шекилли. — Дезинфекция дейилади! Карантин! Тушундингми? Шаҳарда тиф бор. Сенинг мана бу йиртиқ яктагингу могор босган хуржунингни деб казак саллотлар тифдан қирилиб кетсинми?! Йўлка-палка!

Э-ҳа... Аҳвол Мамат ўйлаганчалик жўн эмас экан шекилли. Наҳотки, шу ерга келиб ҳаммаси тамом бўл-

са?! Маматни совуқ тер босиб, ўйлари чувалиб кетди. Хуржунни тагига босиб ерга ўтирдию худди карахт бўлгандек, бир фикрнинг ипини тутолмай, қалтирай бошлади. У ҳали ҳеч қачон бунчалик қўрққан эмасди. Шу ланъати қутини деб кўрмаган азоби қолмади. Саллим чорва ҳам шунинг дастидан хор бўлган эди-да. На еб бўлса, на ташлаб кетиб бўлса! Ёпишган бир дарди бедаво. Маматнинг-ку олиб борадиган манзили бор, буни бир умр ўзи билан олиб юрадиганларнинг аҳволи не кечаркин?

— Ҳай, сў бўлиб кетибсан... — дея боши қўтир бола унинг ёнига чўккалаб, овозини пасайтирди: — Терлама бўлсанг, қалтираганингни билдирма. Саллотлар олиб кетади. Кетганлар қайтиб келмаяпти...

Мамат тетик тортиди. Ҳақиқатан ҳам, бўшашиб, тақдирга тан беришига озгина қолган экан. Ўйлаш керак, ўйлаш керак... Наҳотки, йўли топилмаса?

У саллотларга аста зимдан қаради. Йўқ, бу томон мустаҳкам, соқчилар зич. Орқада девор ҳам баланд, тешик-тирқиш йўқ. Кечаси бўлса экан... Бирдан-бир очик йўл — ҳаммом томонда эди. Лекин у ерга кириш... қутини қўшқўллаб топшириш деган сўз.

Олти кишидан киргизаяпти, ҳали навбат катта, вақт бор. Ўйла, Мамат, каллани ишла!

Бир киши, албатта, ҳеч нарса қилолмайди. Шерик топиш керак. Лекин бу жулдурвоқиларнинг қай бирига сир айтиш, қай бирига ишониб мумкин? Бири жонини олдирган, бири муғомбир ўғри, бири мишқиқ... Булар билан тил топишга уринишнинг ўзи хавфли. Лекин бошқа йўл борми?

— Менга қара, — деди Мамат ҳалиги болага, — бу... ўзимиз ташлаймизми кийим-бошни... ҳалиги темир сандиққа?

— Сандиқ эмас, камера! — Қўтир бошли боланинг ўрнига Новча жавоб берди. — Дивизордан олиб келишган. Сени яқин йўлатмайди. Ёйдиганинг борми? Нимага кўтариб юрибсан бу хуржунни?

Маматнинг сақлаб қўйган икки тишламгина қотган нони бор эди, хуржун ҳақидаги гапни чалғитиш учун, дарров олиб берди.

— Менга қара, сен ўрисчани қаёқдан биласан? Новча нонни курсиллатиб, мақтана кетди:

— Қазак саллотлардан ўргандим. Ҳов бирда ҳам келишган эди-ку, эсингдами? Шаҳар ёнган йили. Ёз эди ўшанда. Битта фельдфебель билан ошна бўлиб олган эдим. Ҳар кун эрталаб келамаман квартирага. Отини менга ишонарди. Миниб бориб Узгансойда чўмилтираман. Йилт-йилт қилади жонивор! Тўрт ойдан кейин қизиллар келиб, булар жуфтакни ростлаб қолди.

— Ҳозир қани ўша?..
— Ким?
— Ўша... фибил?

— Фельдфебель, дегин! Э, ҳозиргилари бошқа-да. Бўлмаса, мен бу ерда сенлар билан ўтирармидим, йўлка-палка! — Новча чирс этиб туфлаб қўйди.

«Йўқ, бу тўғри келмайди, — деди ичида Мамат, — бу сотади. У шахринга ўт қўйса-ю, сен унга малайлик қилиб... Тиш орасидан курсиллатиб туфлашни ҳам ўша фибилдан ўргангандирсан?»

Хўш, буларнинг қайси бирига ишониб мумкин?

Мамат болаларга бир-бир разм солар, вақт ўтиб кетаётганини ўйлаб шошар, бир қарорга келолмас эди. Бу ерга тўпланганларнинг ҳаммаси ориқ-тирик, касал, захил, оч-юпан болалар. «Шаҳарликлар-да, дала кўрмаган», деб ўйлади Мамат. Унга пишиқроқ, чайир, эслироқ шерик керак эди. Унақаси эса — битта, ўша найвон. Энг муҳими — унинг бўйи керак эди Маматга.

Фурсат ўтяпти. Болалар олтита-олтитадан бўлиб кириб кетишяпти ҳаммомга. Саллотлар олазарақ, пойлаб, санаб туришбди. Маматга ҳам навбат яқинлашиб қолди. Таваккал қилиш керак.

— Менга қара, — деди вақт шомга борганда Мамат ёнида очликдан мудраб ўтирган Новчага. — Қўрқоқ эмасман?

— Нима-нима? — деди Новча керилиб, лекин бир

гап борлигини сезиб, эгилди. Мамат овозини пасайтирди:

— Сир сақлашни биласанми?
— Очиқ мазорман! Тўпроқ ейми?
— Йўқ, сен ўғрилиқ деб ўйлама. Мана шу хуржунни бу ердан олиб чиқиш керак. Ҳаммомга киргизмасдан.

Новчанинг оғзи очилиб қолди. Ингичка бўйинини чўзиб атрофга аланглади.

— Хўш, қандоқ қилиб?
— Мен олдин кираман ҳаммомга. Сен бир иложини қилиб, кирмай турасан. Мен чиққанимдан кейин деворнинг нарёғида қурбақа бўламан. Унгача қош қорайиб қолади. Қурбақани эшитишнинг билан девордан ошириб отасан. Уқдингми?

Новча буни эшитгандан кейин қошларини чимириб Маматга, хуржунга шундай тикилиб қолдики, Мамат унга ёрилиб хато қилганини дарров англади, вужудига титроқ тушди.

— Бу нима ўзи, йўлка-палка? — деб Новча хуржунга ёпишди. Мамат унинг қўлларини кескин четлатди. Бу ҳаракатдан Новча Маматнинг ўзидан кучлироқ эканини чамалаб, сал паст келди:

— Менга нима фойда бу қалтис ишдан?
— Жим... Мана, этик бераман. Эски эмас, чангини артсанг йилтиллаб кетади.

Этикни кўриб Новчанинг кўзлари мойланди-ю, бироқ хуржундаги сирли нарса, ютқазиб қўймайманми, деган ўй ором бермасди унга. Анчагача индамай ўтирди. Нималарни ўйлаяпти? Маматни борган сари ваҳима босарди. Жуда қалтис кетди лекин...

— Хўш, Новча? — дея баландроқ келишга қасд қилди Мамат.

— Нималигини айтмасанг, овора бўласан, — деди у ҳам.

Энди орқага қайтишнинг иложи йўқ эди.
— Тилла... — деди Мамат секин.

Новча аввал тиржайиб кулди. «Гапингга ишонишимга сал қолди, зўр ҳазилкаш экансан, йўлка-палка!», деб, Маматнинг елкасига туртиб, ўридан турди. Лекин бирпасдан кейин қайтиб келиб, Маматнинг жиддийлигини кўргач, яна чўккалади.

— Энди ростини айтақол, ниманг бор?

Мамат уни имлаб, қўлини хуржунга тикиди-да, узоқ ивиришиб, қутини узоқ тиқирлатиб, кейин қирс этиб қопқоғини ёпгач, бармоғига илинган бир нимани хуржун оғзидан Новчага кўрсатди. Лўлизирак йилт этдио йўқолди. Иккаласи ҳам ҳеч нарса кўрмагандек, атрофга қарашди. Навбат кутаётган ипириски болалар пашша кўрир, ошиқ ўйнар, зериккан саллотлар эса тамаки тутатишар, атроф тинч, осойишта эди.

— Хўш? — деди Мамат четга қараб.
— Сенга тилла-ю, менга эски этикми? — деди Новча ҳам четга қараганча.

Яна жимлик чўқди. Новча туриб кетмаяпти. Шуниси ҳам Маматнинг ютуғи. Туриб кетса, ўзини қаёққа қўярди? Новча ўтирибди. Илинди.

— Нима дейсан бўлмаса?
— Ушани берасан, — деди Новча.

Йўқ, бу осонликча илинадиганга ўхшамайди. Лекин энди кеч. Маматнинг тақдирини шу найвон билан боғлаш керак эди. Унинг аҳволини сезса, бу аблаҳ яна ҳам катта кетиши мумкин. Кўниб қўяқолишга тўғри келади. Бу ланъати лўлизирак бозорда ҳам сал бўлмаса кетган эди, буюрмаган экан шекилли. Қутини шу ердан эсон-омон олиб чиқса, бугунги қилган аҳмоқлиги ўла-ўлгунча сабоқ бўлади.

— Майли, — деди Мамат.

Лекин Новчанинг кўзида йилтиллаган қувончни кўрмади. У, худди шундай бўлиши керакдек, хотиржам кўринар эди. Унинг узоқ индамай ўтириши Маматни эзиб юборди. Анчадан кейин, «Қимирламай ўтир», деб туриб кетгани эса ўлганнинг устига тепган бўлди. Ана кутади — йўқ, мана кутади — йўқ. Маматнинг сирини олиб қаёққа гўмдон бўлди бу? Бир балоканони бошлаб келмаса эди. Мамат, сабр касоси тўлиб, шу даражага келдики, ўзича саллотларнинг ора-

сидан ўтиб ура қочишни ҳам чамалай бошлади. Бунинг муқаррар ҳалокат эканини биларди, лекин нима қилсин? Нима чора бор?

Новча ярим соатлардан кейин лалайиб етиб келди. Титроққа тушган Мамат унинг кўзига термилди. Новча ҳам айёр: Маматга тикиларкан, ўзининг устунлигини яна ҳам аниқроқ сезди.

— Бўлди, — деди у ишонч билан.

— Нима «бўлди»?

— Бу ёққа юр.

Новча унинг енгидан ушлаб етаклаганча девор бўйлаб юрди. Ёишт, тош, пахса аралаш урилган бу эски девор жуда баланд, таги сассиқ, ифлос эди. Новча Маматки унинг нариги бошигача айлантириб олиб келгач, яна жойига ўтқазди.

У ҳаммомнинг орқа эшигидан боши тап-тақир бўлиб, илик, нам кийимидан қўланса дори ҳидларини аниқтириб чиқиб келганида қоронғи тушган эди. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонгач, узун девор бўйлаб юриб эски омборни топди. Аланглаб туриб, ариқдаги балчиққа чанг солди. Димоғини ёраёзган сассиқ ҳидга, ҳаммомнинг иссиқхонасидагидек баданини қора тер босганига қарамай, тирноғи қайрилиб, нимагадир тилиниб қонаб кетган панжалари билан неча йиллик балчиқни бирпасда ағдариб ташлади. Бармоғи хуржунга текканида қарахт вужудига илиқлик югурди. Уни бор кучи билан тортиб чиқарганда эса, ҳушини йўқотгандай, ям-яшил бақатўн устига ўтириб қолди. Қизиқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам хуржунни пайпаслаб, қутини сал қимирлатиб қўйиш унга туғма бир одатдай бўлиб қолган эди. Бироқ бу сафар шунга ҳам улгурмади: девор ортида ҳалиги «давай-давай»чи саллотнинг хирироқ, палағда товуши эшитилди:

— Стой, долговязый!

— Қўйвор, йўлка-палка! — деган чинқириқдан кейин бир нима гул этиб ерга тушди.

Қарахт бўлиб балчиқ устида ўтирган Мамат бирдан ҳушёр тортиб, хуржунни кучоқлаганча ўрнидан турдида, ўзини қандайдир қоронғи дарахтзорга урди. Қаёққадири пастлаб бораркан, ҳансирагани, оёқ остидаги қуруқ акас кўкакларининг шилдираши узоқларгача эшитилаётгандек эди. Йўл танлашга ҳам қурби келмай, бетўхтов югурар, уни ўз қадамининг даҳшатли товуши қувлаб борар эди. Сал ўтмай, йўли қандайдир жарликка тушиб кетди, қуриб қолган сой ўзани эканми, ҳар қадамда тошга қоқилиб йиқилар, яна туриб югурар эди. У ҳеч нимани ўйлаётгани йўқ, фақат бир нарсани билади: югурибми, судралибми, ишқилиб, жонихолича бу ерлардан узоқроққа кетиши керак.

У то саҳаргача тўхтамай югуришга қасд қилган эди. Аммо бунга ҳоли келмади, бу жойда оёғи қизил жар балчиғига ботдию йиқилиб, ўрнидан туролмай қолди. Бутун оламни унинг қадам товуши тутган эканми, ҳозир атроф жимжит эди. Шунга қулоқ солиб этиб, миясига ўйлар кела бошлади: қаерда этибди? Шаҳардан чиқиб кета олдимиз? Дала жой шекилли, шаҳарда бундай сангзор жарликлар бўлмайди... Наҳотки, қутулган бўлса? Новча уни бопплайман, деб ўзи панд еб қолди, чамаси. Баттар бўлсин, очофат, девордан осонгина ошаман, деб қўлга тушди. Туядай бўй бергандан, тугмадай ақл берсин, деб шуни айтади-да...

Пича нафас ростлагандан кейин, оёқларини базўр суғуриб, қизғиш балчиққа беланган этигини жуфтлаб хуржун устидан елкасига ташлади-да, ғира-ширада яна пастлаб кетди. Анчадан кейин, тонг ёришга бошлади-ми, жилдираб оққан тоғ жилғаси бўйлаб кетаётганини англади. Жилға уни бир меъёрда шовиллаб оқаётган сой ёқасига олиб чиқди. Захкаш сохилда кўм-кўк майса кеч кузда ҳам сақланиб қолган эди, Мамат буни

— Омборни кўрдинг-а?

«Омбор» дегани сираям омбор эмас, лой билан кўмилиб, сасиб ётган эски ариқ эди. Ундан каламуш ҳам ўтумласа керак.

— Кўрдим... — деди Мамат.

— Мен ўшанинг устида хуржунни тагимга босиб ўтираман. Сен мана бу дўзахдан чиққанингдан кейин, — Новча ҳаммом билан дезинфекция камераси тарафга ишора қилди, — нариги томондан ариқнинг лойини таталайсан, то хуржунга қўлинг етгунча... Кейин уни суғуриб оласан, уқдингми?

Мамат буларнинг ҳаммасини кўз олдига келтирди, лекин...

— Сен-чи?

12. ХИЗР БУВА

қизиб кетган товонлари билан сезди. Майсанинг муздек шабнамани тўкиб, сой ёқалаб бораркан, тонг ёруғи салмоқ билан оқаётган сой сувини шундай тиниқ қилиб кўрсатдики, Мамат тун бўйи югуриб чанқганини энди пайқади, кўксини ерга бериб этиб, тўйиб-тўйиб ичгиси келди.

Муздек сой суви шундай ширин эдики, Маматнинг вужуд-вужуди яйраб кетди. У яйлов булоқларида ҳам бундай сув ичган эмасди. Наҳотки, фақат қаттиқ ташналикдан бўлса? Йўқ, бу — аломат сув. Мамат ичиб сира тўёлмади, ичган сари ичгиси келиб, ҳордиғи чиқиб, дили ҳам кўз ўнгидек ёриша бошлади. Қирғоққа кўксини бериб этибди-ю, сира бош кўтаргиси келмайди. Сал нарироқда, қирғоқдаги қизғиш тошга читтак келиб қўнди. Маматни кўрди-ю, чўчимади, бир фурсат жойнинг азмойишини олаётгандай, узун оёқларида тебраниб-тебраниб турди-да, кейин сув ҳўплаб тумшугини осмонга кўтарди, ютди. Яна шундай қилди, яна маза қилиб ютди. «Ширин, ширин», деди Мамат қушчага қараб жилмаяркан. Тонг ёришиши билан унинг кайфияти ҳам кўтарилиб, ҳамма кечирган азобларини бир зумда унутгандек, читтак кетидан осмонга қараб қолди. Урнидан туриб ўтирди. Осмон ҳам тиниқ, сой суви сингари кўм-кўк, сокин эди. Фақат кўк гумбаз қаърида нимадир чинғиллайди, бир разм солса — узоқда турғай сайраётгандек. Лекин Мамат билардики, куз эртаси бу иккаласининг ҳам мавриди эмас. Шунчаки, жимликдан қулоғи зингилаётган бўлса керак. Аммо бу — куй эди. Дам ҳазин, дам қувноқ, лекин бетиним. Мамат Заррагулни, унинг қамиш баргидек қошларини, аллақандай айтилмаган орзудек гоҳ балқиб, гоҳ ёлвориб тургувчи кўзларини эслади. Ва бирдан англадики, бу куй унинг лабларидаги чанқовуз садоси эди. Чанқовуз куйи қулоқларига ўрнашиб қолган экан...

Бир маҳал бу куй ҳам, Маматнинг ўйлари ҳам туйқусдан бўлинди: узоқда одам шарпаси кўринди. У сойнинг нариги соҳилидан эшақда келяпти. Оқ салла, оқ ятак, оппоқ соқол. Одам зотига кўринмасликка аҳд қилган Мамат негадир ундан қўрқмади, ўзини четга олмади. Қайтага, сеҳрлангандек талпиниб, тикилиб қолди. Яйловдаги кекса чўпонлар ҳазрат Хизр тўғрисида гапиришарди. У ҳам шундай — оппоқ кийимда, оппоқ соқолли бўлармиш, кимга дуч келса, ўшанинг кўнглидаги ҳамма орзу-умидлари ушалармиш, дейишарди. Ҳазрат Хизр шу бўлса-я?! Чиндан ҳам жуда-жуда ўхшайди!

Маматнинг кўнглига даставвал Заррагул келди. Елкасидеги омонатни эгаларига элтиб топшириб, тавқи лаънатдан қутулса, аввало Заррагулдан хабар олади. Чилвир сочларини силаб туриб, сеҳрли кўзларига тикилиб, уни яхши кўрганини айтади... Йўқ, Заррагулни даствал энг яхши табибларга кўрсатиши керак. Бунинг учун эса аввало ўқиб, ишлаб, пулу обрў топиб, шаҳарликлардай ясашиб кириб бориши керак. Ҳа, шундай

қилади, етимхонадагилар, уларнинг мураббийлари, балки нўғой муаллим ҳам ўша ердадир, унга албатта ёрдам беришади, ахир, ўшалар учун азият чекиб юрибди-ку!

...Лекин сой ёқалаб келаётган чол Хизр бува эмас эди. Мамат буни аввал унинг эшагидан билди: эшак оқ эмас, қайтага, анча жайдари, рангини билиб бўлмайдиган даражада туллаб кетган, қари, ҳорғин эшак экан. Бобонинг ўзи ҳам, эски кавушини қўлига олиб, яланг оёғини узангига тираганча «их-их»лаб келяпти. Йўқ, Хизр эмас. Бироқ шундай бўлса ҳам Маматнинг димоғи чоғ, ёрқин хаёллари ўчмади. Қандайдир сўнмас умид, Заррағулнинг хаёлдаги чехраси унинг дилига чироқ ёққан эди.

— Ассалому алайкум, ота! — деди у саҳархез йўловчига.

— Ваалайкум ассалом, ота ўғли, жўлинг ўнгсин! — деди чол нариги соҳилдан эшагини йўрттириб ўтаркан.

— Утараванинг йўли йироқми?

— Жақин қолди-ғў, — деди бобо, — ҳо-ов Кўгарт кўпригидан ўтганидан сўғин чапга жур, ота ўғли, тўпқашайин жетасан, ишалла.

— Қуллуқ... бува...

«Хизр бува», дейишига сал қолди. Ўзи ҳам кулиб қўйди. Хизр бувадан нимаси кам, эзгу хабар бўлса шунчалик бўлади-да: темир йўл яқин! Ҳаммаси ўйлаганидек — ғаламислардан қутулдигина эмас, манзилнинг ҳам нақ ўзидан чиқди.

Бобо ўтиб кетганидан кейин Мамат, ҳамма орзулари ушалгандай бемалол ўтириб олиб, яна жимликка қулоқ солди. Кўм-кўк осмон ҳамон чинг-чинг қилар эди. Мамат жилмайиб бош қайчаб қўйди. Этигини тиниқ сувага ювиб силқитганидан кейин, пайтавани яхшилаб ўраб кийди-да, йўлга тушди.

Чиндан ҳам, Кўгарт кўпригидан ўтиши билан, олисларгача тўлқин-тўлқин бўлиб тизилиб кетган, чангли йўллар тилкалаган тепаликлар оша, узокдан қадоқ кафтда турган ўйинчоқдай бўлиб темир йўл станцияси кўринди. Мамат озгина юргач, темир йўлга ҳам чиқди. Ростакамми, дегандай, совуқ рельсини икки қўллаб ушлаб кўрди-да, қорамойга беланган шпаллардан ҳатлаб, станция томон тезлаб кетди. Димоғига яна ўша таниш куюк иси урилди. Лекин бу сафар ис қандайдир ёқимли эди, кечадан бери оғзига бир ушоқ нон олмаганини ёдига солди. Очлик ичакларини сўра бошлади. Шунинг учунми, ҳеч нарсага қарамай, станцияга ҳадисиз кириб борди. Жимжит, бирор кимса йўқ, йўлларда пачоқ қизил вагонлар тартибсиз уймалашган, ҳаво бузуқ, офтобшувоқдаги ахлат уюмларида кузнинг хира пашшаси ғужжон уради. Мамат у ёққа югуриб, бу ёққа югуриб, йилтироқ соябонли шапка кийган, уст-боши қорамойга беланган бир стрелкачини топди.

— Утаравага қаердан ўтиради, амаки?

Стрелкачи қорамой тўла пақирини ерга қўйиб, болага разм солди.

— Поездми? Поезд йўқ. Ана, мастреплардан сўра... ҳаммаёқни ёндирворишди.

Чиндан ҳам, нарироқда ёниб кул бўлган вагонларни, қора қурум босган бинолар, куйиб қовжираган дарахтлар, тутаб ётган эшелонларни энди кўрди. «Мастреплар!» Демак, бу ерда ҳам... Мамат ажойиб хаёлларини ҳам, очлик азобини ҳам бирдан унутди, елкасидаги юк яна вужудини ёндирди бошлади. Баданидан таниш совуқ тер қуюлди. Атрофга аланглаб боқди-да, бош эгиб орқага қайтди.

— Ҳой, бола!

Мамат қайрилиб қаради. Стрелкачи ўша ҳолатда уни кузатиб турарди.

— Қаёққа борасан ўзи?

— Симга, — деди Мамат.

— Сабр қил. Уч-тўрт кунда... балки поезд ҳам бўлиб қолар.

Унинг сал пасайган овозида қандайдир сир, шу билан бирга яширин бир ишонч, қатъият бор эди.

Демак, уч-тўрт кун... Уч-тўрт кунга Мамат чдайдди. Бир йўлини қилади. Фақат, аввал мана бу худо урган

қутини яшириб, шунчаки кўча-кўйда саргардон юрган етимча бўлиб олиши керак.

У ёнган-куйган вайроналарни оралаб, ўзини пасткам йўлларга урди. Анча юргандан кейин қовжироқ буталар орасидан ўтиб, ёввойи тиканак босган дўнгликлардан чиқди. Ҳавони бирдан булут қоплаб, шом тушмасданоқ кун қоронғилашиб кетди. Мамат дармондан қолаётганини сезар, қуруқ тиканакзорларни оралаб, ҳансираганча ҳамон юрар эди. Бир вақт қорайиб турган кўҳна мазорнинг рўпарасидан чиқиб, қўрқиб кетди — қабристон оралаб юрибдими, нима-бало?! Қош қорайганда-я?

Мамат тинкаси қуриб, ўтириб қолди. Энди нима қилади? Қаёққа боради? Тун чўкяпти, бу ёқда гўристон, у ёқда мастреплар... Шу ерга келиб қониға ташна бўлиб кетди Мамат. Тиззаларида дармон йўқ. Лекин нима бўлса ҳам бу ердан жўнаб қолиши керак. Гўристонда ухлаб-нетиб қолса, ажина чалиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас.

У бор кучини йиғиб, қаддини ростлаганда калласига бир фикр келди. Сал нарироқда чўкиб ётган бир қабр устига борди-да, атрофига қараб, жойнинг азмойишини олди, кўҳна мазор билан қабр ораллигини қадамлаб ўлчади. Кейин, чўккан қабрнинг оёқ томонини икки қўллаб шоша-пиша очди-да, хуржунни икки буклаб, лаҳадгами, чўкиб қолган бўшлиқами — ичкарироққа тикиб, устидан тупроқ тортиди. Хас-хашак ташлаб қўйди.

Бошини кўтарганида қош қорайиб қолган эди. «Таввақал!», деди Мамат қабрдан сал нарироқ бориб атрофини яна бир яхшилаб кузатга. Жойни пухта эслаб қолиш керак эди. Тагин бир нафас турди. Енгил, айни пайтда алланечук ғалати сезди ўзини. Шунча чигириқлардан олиб ўтгани бу сеҳрли юкдан биринчи марта узоқлашиши эди. Бу фавқулодда қўрқинчли бўлса ҳам, Мамат ўзига таскин беришга уринди: тўрт кун... поезд келгунча туради. Бу ташландиқ гўристонга зоғ ҳам йўламайди ҳозир.

У пастликка, темир йўл томонга тушиб кетди. Бояги куюк иси ўша томондан келар, Маматни ўзига тортар эди. Станциядан нарироқда ағдарилган вагонлар, темир йўл устида қоп-қора тепаликлар тутаб ётар, ҳалиги ис ўша ёқдан бурқсаб келар эди. Яқинлашганда Мамат ўша тепаликларда қандайдир шарпалар кўрди. Энди одам зотидан қўрқадиган жойи йўқ, дадилроқ яқинлашди. Тепаликлардан бирига оёқ қўйса — иссиқ, тутундан нон ҳиди анқийди. Ушлаб қаради: дон, буғдой. Тоғдай-тоғдай буғдой хирмонлари ёниб, аста тутаб ётибди. Мамат, қўллари куйишига қарамай, пайпаслаб, ҳовучидаги иссиқ донни тишлаб кўрди. Куйган бўлса ҳам нон мазасини беради, Мамат ёпиша кетди. Куймаганларини кавлаб топиб каппалар, шошиб-ютоқиб чайнар эди. Гоҳо оғзига тамоман ёнган донлар, кул-кўмир кирса туфлаб ташлар, яна пуфлаб каппалар эди. Худо берди, энди Мамат оч қолмайди. Лекин... Лекин бу нимаси? Нера вагон-вагон буғдой ёниб ётибди? Шунча очлар, очликдан шишиб ўлаётганлар бор-ку? Нўғой муаллимнинг етимхонадагилар ҳақидаги гаплари ёдига тушди. Оғзидagi кул-қурумни туфлаб ташлаб, иссиқ «тепа»дан тушди-да, ўз-ўзидан хўрлиги келиб йиғлаб юборди. Нималар бўляпти ўзи?

— Нимага йиғлаляпсан?

Чўчиб тушган Мамат қайрилиб қараса, қоронғида ўзига ўхшаган жулдур-юпун бир бола вагон соясида турибди.

— Бу ёққа кел, ҳозир ёмғир ёғади.

Унинг ёнига боргач, ҳозиргина йиғлаб турган Маматнинг пиқирлаб кулиб юборишига сал қолди.

— Ҳай, ажина эмасмисан?

— Ўзинг ажина!

— Башарангни қара, қурумга беланиб кетибсан.

— Ўзинг-чи?!

Мамат қўлларига қараса, чиндан ҳам... Бунинг устига, ҳали шошиб хўз ёшини артганида қора қурумни юз-кўзига чаплаган бўлса керак, туфурган туфуги ҳам қоп-қора эди. «Ўзинг ажина», деганича бор. Мамат кулиб юборди. Бола ҳам қўшилиб қулди. Биргалашиб

кулдилар. Мамат, кўнглидан бир гашлик кўтарилган-дек, ногох енгил тортиди.

— Ёмғир ёғмайди, юр, дон терамиз, — деди у янги танишига.

— Юр, бу ерда нима қилиб юрибсан, охирги вагонларда қурумсиз бор, энди ўт оляпти, пишган, лекин ёнмаган. Тандирдаги ноннинг ўзи. Бугун болалар бари ўша ерда.

— Улар кимлар?

— Узимизникилар. Сен қайси истансадансан? Ҳозир бу ерга бошқа истансадан ҳам келишяпти. Уларда ҳам бор экан-у, керосин ҳиди келаркан. Керосин сепиб ёндиришган. Бизники ўздан ўзи ёниб ётибди. Ёнгунча тўйиб оламиз, бизга етади.

— Ким ёндиряпти?

— Сен қаёқдан келгансан ўзи? — дея анқайиб қаради бола. — Ким ёндирарди, саллотлар-да! Большевиклар Симга олиб кетмасин, деб!

— Аблаҳлар! — деди Мамат қурумли қўли билан пешонасини сидириб. Улар тез юриб боришар, ҳаво дим, ёмғир гўё ёғолмай қийналар эди. Охирги вагонга етиб боргунларича уфқнинг бир чети ёришиб қолди.

— Ҳа, бизга бир вагони ҳам етарди, — деди бола, — ҳаммасини ёндириб нима қилади, аблаҳлар!.. — У — кичкина, бўйни ингичка, қорни катта бола, Мамат ёқди шекилли, унга ўхшаб юришга, унга ўхшаб гапиришга уринар эди.

Охирги вагондан тўкилган буғдой уюми энди бир четдан биқсий бошлаган, уни ҳали ўчириш ҳам мумкин эди. Мамат билан унинг шеригини яна олтита жулдувроқни кўтиб қолди. Улар ичида Маматдан каттаси йўқ, ҳаммасининг башараси қурум. Хиёл очилган уфқ

ёғдусида уларни кўздан кечириб, Мамат ўзининг устунлигини ҳис этди.

— Нима қилиб турибсанлар?! — деди дўқ уриб. — Ейсанлар-у, ёнишига бемалол қараб тураверасанларми? Одамнинг ризқи-ку ахир бу?

— Биз нима қилардик, бари бир ёнади... — деди бир бола.

— Нима қилардик, эмиш... Еб кетаверасанми? Ажрат буни ёнаётганидан! Қўлинг билан, оёғинг билан! Таёқ билан, тахта билан!

Мамат ўзи бошлаб берди. Хирмоннинг ёнаётган қисмини ҳали ўт олмаган қисмидан ажратиш кераклигини болалар ҳам билишар эди. Қўл билан, вагондан синдириб келинган тахта билан, эски тунука билан буғдой курай бошладилар. Бирпасда жуда қизиқиб кетишди, қоринлари тўқ, бақириб-чақириб, кулиб-ҳазиллашиб ишлашар эди.

— Менга қара, Чўтир, зўр экансан, фаросатинг жойида!

— Ёмғир ёғмади-да, бари ўчиб қоларди.

— Учган билан энди на тегирмонга, на уруғликка ярайди.

— Эҳ, ҳозир сув бўлсайди!

Мамат қаддини ростлаб кир энги билан пешонасини энди артмоқчи эди, кимдир билагидан маҳкам ушлади. Катта, кучли одамнинг қўли. Маматнинг димоғига қандайдир таниш ҳидлар ҳам урилди. Фира-ширада бирдан кўзи тушди: сариқ жун босган сепкилли қўл! Ялт этиб юзига қаради. Тепасида жингалак сочи шап-касида тошиб чиққан чиройли офицер, ўша жезмўйлов, илжайиб турарди. Бурқисган тамаки ҳиди шу заҳоти Маматнинг кўнглини ағдарди.

13. КУТИЛМАГАН УЧРАШУВЛАР

— Саники яхши баранчук, ўтир! — деди жезмўйлов скамейкани кўрсатиб. Ўзи тўрдаги шалоқ, исқирт стол ортига ўтиб ўтирди. Бу ер собиқ станция бошлигининг хонаси бўлса керак, деворда йиртилиб, сарғайиб кетган поезд жадвали, синиқ деразаларда занглаган темир панжара, Мамат ўтирган скамейка эса қорамойга белани йилтиллаб кетган эди.

— Саники зачем бу жерда гулять, а? — дея билиб олгани беш-ўнта ўзбекча, қирғизча сўзни аралаштириб гапирётган чиройли офицер негадир ўзича жуда мамнун, гўё Мамат билан учрашганига ниҳоятда хушнуд эди. Мамат эса ичидан зил кетиб ўтирибди: наҳотки танимаган бўлса? Йўғ-э, атиги бир марта кўрган ахир. Бўлмаса, кўчада юрган бир бола нима учун керак бўлиб қолди бу «мастрап»га?

— Саники яхши баранчук... Қайда этот... как его... — У елкасига бир нима ташлагандай ҳаракат қилиб кўрсатди: — Хурджум!

Маматнинг юраги шува этиб кетди. Демак, хуржунда нима борлигини билади. Қаердан, қандай қилиб? Нима бўлса ҳам, иш пачава. Изидан кузатиб келган бўлмаса эди. Лекин хуржунни Маматдан сўраяпти-ку, бундан чиқди, қаерда эканини билмайди.

Мамат бу фикрдан дадилланиб кетди: «Овора бўласан, мен шунчаки кўча-кўйда юрган қаровсиз боламан».

— Янгилишяпсиз, амаки, мен сизни танимайман, қанақа хуржун? — деди у тик туриб.

Офицер беозор жилмайди. Чамаси, у кутини қўлга туширганига амин эди.

— Саники хитрий-митрий... — деди яна кулиб. Шапалоғини қулоқ қилиб, силкиб кўрсатди: — Қулоқ оғриган, саники эшак қулоқ бўлган, помнишь?

— Менинг отим Митрий эмас, мен Маматман.

Офицер яна босиб кулди.

— Ҳа, Мамат, Мамат! Саники дезинфекция, ҳаммом, посёлок Благовешенск тоже не помнишь? — деди ҳазиллашяётгандай ер остидан кулиб қараб. Демак, ўша фалокат босган шаҳарча Благовешенск деган жой экан-да! Таниб қолибди ланъати мастрап!

— Билмайман, амаки, — деди Мамат.

Офицер яқинроқ келиб энгини шимариб кўрсатди. Унинг жундор билагида Маматнинг тиш излари ҳали битмаган, қўтири яллиғланиб турар эди.

— Саники бунда не помнишь?! Но я помню! Саники калла совсем тешик!?

— Билмайман, — деди Мамат ўшанда бу аблаҳнинг қўлини тишлаганига энди пушаймон еб. Бироқ энди оғир бўлиш, маҳкам туриш керак. Маматни энди мана шу «содда-меров»лик ҳолатидан чиқариб бўпти бу талончи! Минг илжайсин, минг товлансин, овора бўлади!

— Слыш, Чўтир, где хурджум, давай, гапир, махлаш будет! — деди офицер жиддийлашиб.

Мамат ўздан хафа бўлиб кетди — шу чўтирлиги бир кун бошига етмаса-да. Қаерга борса, лақаб бўлиб чиппа ёпишади. Бу жезмўйлов ҳам шу чўтирлигини эсида сақлаб, шундан таниб қолган. Чўтирлик ҳам бир бало экан — юздан сидириб ташлаб бўлмаса...

— Қанақа хуржун? Билмайман.

— Маники биламан! — деб шапалоқ тортиб юборди офицер. Маматнинг кўзидан ўт чиқиб кетди. Майли, Мамат бунга чидайди, биринчи марта калтак еиши эмас. Лекин ҳозир «содда-меров»ликдан қолмаслиги муҳим, шунинг учун беғуноҳ боладек йиғлай бошлади. Офицер ҳам негадир юмшаб, ялинишга тушди.

— Кечир, саники яхши баранчук, маники аҳмоқ... — У Маматнинг бошини силаб, тамаки ҳиди анқиган ифлос кафти билан унинг кўз ёшларини ҳам артки. — Саники сирота, маники санга папашка, яхши папашка бўлади, рубашка, этик янги беради, ақча беради, много-много, шаҳар борасан, конфет, много хўрозқанд, ншалда покупай... хўпми? — Сочлари жингалак, чиройли офицер Маматнинг олдида тиз чўкди, унинг қора қурум бўлиб кетган жулдур яктагини бармоқлари билан қоқиб, нималариндир пуфлаб гапираркан, пешонасини жийирар, ширин-ширин сўзлар топишга қийналиб, чучмал ва аянчли илжаяр эди. — Истайсан: генералга айтаман, саники солдат бўлади, командир бўлади, тўппонча бор, қилич бор, хайт-два, хайт-два! — У хонанинг чирик тахта полини титратиб, танталли ҳарбий юриш қилиб кўрсатди. Ҳансираб, яна Маматнинг ёнига келди: — Все будет! Неси хурджум! — Меники хуржун йўқ, билмайман, — деди Мамат ҳам унинг «тили»га ўтиб.

Жезмўйловнинг тиши ғижирлаб кетди. Пешона терини сидириб-сидириб артганча, хонада асабий юрди. Кейин синиқ деразадан ташқарига қараб қичқирди:

— Рядовой Юхнов!

Бу товушга ташқарида — яланғоч акасга осиб қўйилган станция қўнғироғи остида турган солдатлар жонланиб қолди. Кўп ўтмай, бесўнақай солдат кириб, жезмўйловнинг имоси билан, Маматни нуқиб олиб чиқиб кетди.

— Подь, голубчик!

Елкасидаги милтик оғирлигидан букчайиб қолгандек ҳорғин, ювуқсиз солдат уни олдига солиб, вокзалнинг нарёғидаги деразасиз ғиштин бинога олиб борди. Қизилга бўялган темир эшигини очганида ичкаридан совуқ зах ҳиди юзга урилди, икки томонга фанер яшиқлар қалаб ташланган, цемент полига хашак тўшалган баланд хона эшик ёпилганда зимистондай қоронғи бўлиб кетди. Шифтга яқин жойдаги панжара туйнукдан хиёл ёруғ тушиб турарди, холос. Бу — вокзалнинг почта омбори бўлса эҳтимол, эски яшиқлардан сўрғич, елим, сирач, мулланган каноп ҳиди келиб турибди. Эшикка ташқаридан тамба тушиши билан Мамат ўзининг қаерда эканини тушунди: авахта. Мастраплар омборни қамоқхонага айлантиришган чоғи. Бундан мосроқ жой топиш ҳам қийин ўзи: ғишт девор, темир эшик, цемент пол, панжара туйнук...

Мамат пайпаслаб бориб, остонадан сел наридаги хашакка ўтирди, хонага яна бир кўз югуртирди. Ҳўш, «кўчада юрган содда бола» бундай ҳолатда нима қилиши керак? Уша-уша гўллигича қолиши керак.

Ҳа, қанчалик қийин бўлса ҳам, ўзгармаслиги шарт. Жезмўйлов энди авахта билан пўпса қиялпти. У ҳеч нарсани билмайди, билолмайди ҳам.

Лекин ҳали у кўп товланса керак, осонгина қўйвормайди, бу — аниқ. Ҳар нарасига тайёр бўлиш зарур, тилланинг нуқси кўзларига уриб қолибди, дам айёр ялтиллади, дам даҳшатдан қизаради. Ҳеч нарсадан тап тормайдиганга ўхшайди.

Мамат захданми, дилидан қувган ўйларданми — бехос титраб кетди. Шу қулфлаганча кетиб қолишса нима бўлади? Бу тош тобутда каламушларга ем бўлиш ёки зулматда ёлғизликдан жинни бўлиб қолиш, ё бўлмаса оқдан ўлиб кетиш ҳеч гап эмас... Дилидан қувиб турган ўйлари шу эди. Бунинг устига, худди шу маҳал нимадир шитир этди. Чиндан ҳам каламушми? Йўқ... бу бировнинг нафас олишига ўхшайди-ку? Одам... Одам бор!

Маматнинг кўзи қоронғиликка, қулоқлари жимжитликка бир оз ўргана бошлаган, ҳар шарпага сезгир эди. Ростдан ҳам қоронғида кимнингдир нафас олгани аниқ эшитилапти.

— Ким? Ким бор?! — деди Мамат хавотирда, аини пайтда негадир сал енгил тортиб.

У ёруғ тушиб турган девор тагига зўр бериб тикилди. Шарпа қимирлади. Ҳа, кимдир бор-у, индамай ўтирибди. Маматнинг кўзлари қоронғиликка тугал ўрганиб, энди аниқ кўрди: ҳамхонаси қоронғи бурчакка қараб ўтирибди. Мамат аввал уни «Занжирлаб кетиш-

ганмикан?», деб ҳам ўйлади. Кейин разм солса, кекса одам, намоз ўқибган экан, қиблага мутаважжих бўлиб, бор дунёсини унутибди.

Юрагига балли-е, ким бўлса ҳам! Шу зимзиёда ҳам намоз, кириб келган одамнинг овозига лоақал қайрилиб қарамаса-я! Ана чидам! Мамат бўлса...

Лекин бу шўринг қурғур нима қилиб ўтирибди авахтада? Маматнинг елкасида тавқи лаънати — олтини бор. Бу чолдан нима керак экан мастрапларга?

Мамат сал яқинроқ силжиб ўтириб, индамас намозхонага яна разм солди. У кимса ияги билан чап елкасига қайрилиб, «Во раҳматулло!..», дея пичирлаганида Маматнинг вужуди музлаб кетди. Жинни бўлиб қолмадимми, тушини эмасмикан, деган фикрлар йилт этиб хаёлидан ўтди, биқинини чимчилаб кўрди. Йўқ, уйғоқ, тирик. Наҳотки... Намозхон ияги билан ўнг елкасига қайрилиб яна пичирлаганда Маматнинг сувқ бадини сув бўлиб кетди. Салим чорва! Ҳа, бу — ўша эди. Маматнинг хўжайини, бой буваси...

Нималар бўляпти ўзи?

Шошма, Мамат, ўзингни бос, оғир бўл, ўйла! Аини каллени ишлатадиган пайт келди. Борди-ю, қути масаласида ҳамма нарса буларга аён-у шунинг учун бунини ҳам тутиб келишган бўлса-чи? Унда нима бўлади?

Маматнинг фикрлари чувалиб кетди. Йўқ, ҳозирча бу чигалини ечиб, калаванинг учини топиш мушкул.

Намозхон ўша-ўша, индамас эди. Е кар бўлиб қолганми? Уриб эсини оғдириб қўйишганми? Бой буваси... бир келатада, кўзлари киртайиб, юзлари озиб, кўксини оппоқ соқол босиб кетибди, чеҳрасида тирикликнинг нуқси йўқ. Е жинни, ё тарки дунё қилиб художўй бўлиб қолгани аниқ; бошида ҳажжулоҳ, эғнида кир яқтак, ҳожи бўлиб ҳожи эмас, дарвеш бўлиб дарвеш.

Нима бўлса ҳам, у билан гаплашиб, аҳволни ойдинлаштириш, ҳар қандай қор-қолга тайёр бўлиб туриш керак.

Мамат хашакни шитирлатиб, яна яқинроқ силжиб, энди «Бой бува...» дейишга оғиз жуфтлаган эди, темир эшикнинг тамбаси жаранглаб тушди.

— Эй, шенок! — деди кун ёруғида остонада пайдо бўлган ҳалиги бесўнақай Юхнов. — Подь!

У Маматни турткилаб олиб чиқиб кетди. Куннинг иссиқ тафтида уст-бошидан зах кўтарилиб, танасига илиқлик югуриб бораркан, калласи зўр бериб ишларди: ҳозир ҳамма нарса ойдин бўлади, жезмўйловнинг ҳар бир саволига, ҳар бир қарашига эътибор бериб, унинг сиёсатини билиб олиш керак. Бой нега бу ерда, бунинг Мамат билан, қути билан алоқаси борми, умуман, мастраплар бир нимани билишадими ёки бари тахмин...

— Ну, — деди солдат, — познакомился с муллою?

— Мулла?

— Ну, с этим... со шпионом?

Мамат ҳеч нарасга тушунмади. Лекин анча енгил тортиди. Демак, Салим чорванинг бу ерда пайдо бўлиши Маматга алоқадор эмас. Қутини бу ерда Маматдан бошқа ҳеч ким билмайди. Ҳеч ким!

Маматнинг хаёли бўлиниб, оғзи очилиб қолди. Эрталаб сўроқ бўлган хонанинг очиқ эшиги олдида муттаҳам Новча турарди.

— Ҳа, йўлка-палка, шу ерда экансан-ку! — деди тиржайиб. — Қочиб қаёққа ҳам борардик сен билан биз! Мана, оёқнинг сингани қолди, — дея тиззасидан тангис боғланган чап оёғини кўрсатди у.

Ичкарида уларни жезмўйлов кутарди. Соқчи солдат иккаласини ҳам ичкарига итариб, эшикни ёлди. Собих вокзал бошлигининг столида ўтирган жезмўйлов Новчага қаради:

— Шума?

— Шу-да, йўлка-палка. Ўзингиз ҳам танийсиз-ку!

— Вот... — деди офицер елкасини қисиб қўлларини ёяркан, — меники билади, зачем отпираться...

Э-ҳа-а... гап бу ёқда экан-ку! Новча чаққан экан. Маматнинг шунга ақли етмабди, қаранг. Албатта! Ўзи қўлга тушиб, қуруқ қолган, аламига чидаёлмай жезмўйловга бориб чаққан: ундоқ-мундоқ, қутисида у бор, бу бор, тутинлар, нон урсин! Ҳа муттаҳам, бун-

дай яшасанг оёгинг тугул, бўйнинг ҳам синади ҳали... Яна гувоҳликка келиб ўтирибди, аблаҳ!

— Ну?! — деди офицер Маматга қараб.

— Мен билмайман, тушунмадим, бу болани танимайман! — деди Мамат. У бир оз дэдилланди, чунки уни, бутун воқеани бой буvasи билан боғлашаётгани йўқ. Салим чорвани, нима бўлса ҳам, бу ерда тасодифан учратиб турибди. Ҳа, кутини Маматдан бошқа ҳеч ким билмайди, Мамат кўчада юрган қаровсиз бола, Новчани эса танимайди, вассалом.

— Танимайсан! — деб Новча хонани янграгиб кулиб юборди. Жаҳли чиқиб турган офицерга бу негадир ёқмади.

— Йўқот! — деб бақирди у соқчи солдатга. Гувоҳни судраб олиб чиқиб кетдилар. Новча чўлоқ оёгини остонадан олиб ўтолмай, бесўнақай солдат устига гуп этиб йиқиларкан, соқчининг милтиғи бехосдан отилиб, ҳаммаёқ гумбураб кетди. Ташқарида, яланғоч акас шохларидаги тўда-тўда қарғалар қағиллаб учиб осмонни қоплади. Бу бемаъни, ҳозир жуда кераксиз, кулгили машмашадан офицернинг баттар жаҳли чиқиб, Маматга дўк ура кетди.

— Биласан саники! Хурджум топасан! Топмасанг —

ана, битта ўк, бабах — и аллах учасан! — деб қарғаларни кўрсатди.

Мамат унинг гапини тушунмади. Ҳай майли, бу жезмўйлов оғзига келганини вайсапти: дам генерал бўласан дейди, гоҳ отаман, қарға бўласан, дейди. Ҳаммаси ожизликдан. Ҳеч нарса қилолмайди.

Бир маҳал қарс этиб лунжига мушт тушдию гандираклар кетди, то эсини йиққунича яна бир мушт қулоқчақкасида янгради...

Мамат полда ётар, боши деворга суялиб қолган эди, оғзи-бурнидан иссиқ қон келди.

— Юхнов! — деб бақирди офицер. — Ҳушига келтир бун!

Кейин Маматни ўша бесўнақай Юхнов урди. Устидан совуқ сув сепади, яна урди.

— Шомполом! Шомполом! — деди офицер ғазоби ортан сари ваҳшийлашиб. Ҳар иккаласи қора терга ботди, иш баттар бўлаётганини, бу аҳволда бола умуман гапиролмай қолишини кўриб, аламдан қутуриб, яна урдилар. Ҳолдан тойиб, ҳафсалалари пир бўлгандан кейин, Юхнов чалажон болани судраб омборга элтиб ташлади.

14. САЛИМ ЧОРВА

Мамат кўз очганида атроф зимзиё эди. Мўматалок бўлиб кетган аъзон бадани зирқираб оғир, бош кўтариб у ёқ-бу ёққа қарашга мажболи йўқ, айниқса, ўнг биқини ловиллаб ёнаётгандай, қимирласа, оғриги миясигача чиқиб борар эди. Жигари эзилганми, қовурғаси синганми — пайпаслаб бунни билолмади, фақат қон юқи йўқлигини кўриб, «Хайрият», деб кўйди ичида. Қаерда ётганини биларди: почта омборхонасидаги сичқон, каламуш ҳиди кечаёқ димоғига ўрнашиб қолган. Уша таниш ҳид ҳозир очлиқни ёдига солди. Очлик ҳар қандай дарддан ҳам ёмон нарса, эсга тушди-ми, ёпишиб кетган ичаклар гўё бир-бирини илондай сўра бошлайди. Мамат оғриқдан инграб, қўлини пахталикнинг чўнтагига чўзди: шукрки, кечаги куйган дондан ҳали бир ҳовучча қолган эди, олиб, тишсиз жағи билан эзгилаб чайнади. Азиз нон таъминдан бадани яйраганда Салим чорва эсига тушди. Балки у ҳам очдир... Дарвоқе, ҳамхонаси борми ўзи ё йўқми? Ё мастраплар олиб чиқиб кетишдими шўринг кўрғурни? Бўлмаса, энди Мамат у билан ҳайиқмай гаплаша олади: унинг бу ерларда пайдо бўлиши Маматга ҳам, лаънати кутига ҳам дахлдор эмас экан.

Шу маҳал худди кечаги жойда, панжара туйнук тагида шарпа эшитилди. Мамат оғриққа ҳам қарамай, бор кучини йиғиб, бошини кўтарди-да, туриб, эшикка суяниб ўтирди. Кўнглида англаб бўлмайдиган қувонч, далда сездди. Оғзидаги бугдой донларини қуруми билан аралаш ютди-да, ўша томонга тикилди. Туйнукдан тушган тонг ёруғида Салим чорванинг жуда ўзгариб кетган, ғалати қиёфасини аниқ кўрди. Кўрдию баданига илтиқ югурди. Чол аллақандай, жуда ҳам ёт, бегона кўринса-да, Мамат талпинди — гўрдай зах, зимзиё бу омборда номазълум қисмат, ёлғизлик даҳшатли эди. Бу кимса эса, ҳар ҳолда, таниш, тирик жон...

Мамат азобли оғриқларини ҳам унутатэди. Амаллаб яқинроқ силжиди. Қизиқ, бу одам соғми ўзи: кеча ҳам индамади, кириб-чиққан кимса билан ҳам иши йўқ, инграб ётган ҳамхонаси билан ҳам. Соқолини селкиллабтиб бир нималарни пичирлагани пичирлаган. Соядек...

— Бой бува!.. Эшитмаяпсизми, бой бува, бу менман, Мамат...

Салим чорва бир сесканиб, бошига алланима тушишини кутган одамдек, қимир этмай қолди. Анча жимликдан кейингина қайрилиб қараб, узоқ тикилганча турди. Ишондими-ишонмадими, узоқ тикилди. Фира-

ширада Мамат унинг сўник кўзларини кўрди. У жуда қариб, ориқлаб, боши қалтираб қолган, афт-башарасидан — тамом бошқа дунёга ўтиб кетган одамдай туюлар эди.

Худди кўрмаётгандек, Маматга узоқ, жуда узоқ қараб турди-да, гуппи чопонини ёзиб, бомдодга ўтди... Оббо, энди яна анчагача гап олиб бўлмайди бундан. Маматнинг эса гапи кўп.

— Бой бува, нега индамайсиз? Мен Маматман... Ё кетиб қолганимга шунчалар хафа бўлганмидингиз?

Салим чорва бир ракаатдан кейин намозни бўлди-ю, Маматга эмас, ерга қаради.

— Нима қилган бўлсанг — ўзингга, бўтам. Мен эса бандаси билан ҳисоб-китобимни қилиб бўлганман.

Бу гапнинг маъносига ҳам, нечун мунча ғамгинлигига ҳам унчалик тушуниб етмаган Мамат ҳамхонасининг ниҳоят гап қотганига суюнди. Сухбатдошининг ер тагидан чиқаётгандек бўғиқ, заиф товушига эътибор ҳам бермади.

— Бу ерга қандай тушиб қолдингиз, ахир?

— Банияти савоб, ҳажга отланганман, бўтам, бу жонинг тинчимагурлар бўлса, мени айғоқчимми, васвасчимми деб, ҳибсга олишди.

— Мастрапларми?

— Ким бўлса ҳам осий гумроҳ, ҳукм юргизаман, дейдиган. Аммо, Або Муслими соҳибқирон ҳам дунёга устун бўлмаган, бўтам... Хўш, сен нима қилиб юрибсан бу ерларда?

— Бошим оғиб келиб қолдим, бой бува, доми ризқ...

— Ҳа, бандасининг боши — тақдирнинг тоши, бўтам. Бировни бировга сабаб қилиб қўйибди худойим...

— Мени ҳам, мана, бекордан бекорга қамаб қўйишди, уришди...

— Узига қилади, бўтам. Сен худо дегин, олло-таолонинг минг бир муборак отига ҳамду сано қўшиб санаб чиқ.

Маматнинг бу одамга бирдан раҳми келди. Узи пуф деса ўчадиган шамдек пирпираб ўтирибди, гаплари бўлса...

— Хафа бўлманг, сизни қўйиб юборишади, айғоқчиси нимаси, қари одам... Лекин ҳаж жуда узоқ йўл, дейишади.

— Бу — ниятингдай оқу ойдин йўл, бўтам. Бу ердан Ушга бир қадам. Ундан нари Эргаштанг доводидан ошиб, Ёрентга, кейин Қорағулжа йўлига ўтиб олсам...

Рамазон боши Хўтандан Аматохуннинг карвони жўнайди, ўшанга улгуришим керак.

— Оҳ-ҳо! Сиз бўлсангиз, бу аҳволда... на нон, на дармон дегандай.

— Бу йўлда нону жон қайғуси бўлмайди, бўтам. Жон — омонат, ўлим — ҳақ. Ҳаж сафарига ўлим оллонинг иноятидир.

Мамат чўчиб кетди: бу дунёни тарк этиб, ўлимни буйнига олиб қўйган бу шўрлик ўша Салим чорвами ё бошқами? Унинг мол-мулки, хонадони, оиласи болалари бор эди, ахир. Баридан кечиб, бу қадар тушқунликка тушиб, бу гадо халтаси билан, кулоҳ кийиб рўй-рост ўлим йўлига чиқиш учун қандайдир фожиялар ўтган бўлиши керак.

Маматнинг қишлоқдан чиқиб кетганига неча ҳафта бўлди ўзи? Наҳотки, шу қисқа вақт ичида шунча ўзгариш юз берган? Ё бу одам.. шунчаки касал... ақлдан озганми? Ундай деса, гаплари силлиқ... даҳшатли бўлса ҳам дон-дона, равон...

— Жуда ўзгарисиз. Уйда нима гап, бой бува? Утарлар бутми? Олим акам келмадиларми? Ҳалим акам...

Боши кўксига тушиб ўтирган Салим чорванинг елкалари бирдан титрай бошлади. Қария унсиз йилларди. Мамат баданидаги зирқирашларни унутиб, хашак устида гавдасини судраганча у томон яна бир оз силжиди.

— Тилга олма у лаъиннинг отини!.. Оқ қилганман, лаънатлаганман!

Мамат унинг қоқсуяк энгагидаги яккам-дуккам соқоли тамом оқариб кетганини энди пайқайди. Ҳа, бандаси билан ҳисоб-китоб қилиш сиз айтгандай осон эмас чоғи, бой бува...

— Гапиринг, ҳаммасини гапиринг, ичингизни бўшатсангиз, энгил тортасиз...

— ...Ававаллари ҳар кеча орқа оғилхонадан бўридай ошиб кириб келарди у лаъин... — дея босиқроқ сўзлай бошлади Салим чорва катта ўғли Ҳалим бойваччанинг отини тилга келтирмай. — Укасини — Олим акамни қидирар эди. «Қани у? Бугун топмасам, мени итдай отиб ташлайдилар!» деб ёкамдан олар, бурчакка улоқтириб тепкилар эди. «Ҳар кун бекдан жонимни тилаб олиб юрибман, бугун нима дейман?», «Ўз болангизни ўз қўлингиз билан бўғизлаясиз-ку, имонсиз чол!», деб бақирарди, аста-фуралло. Кошки мен у сўраган итваччанинг қаёқдалигини билсам! Билганимда ҳам уни бу қашқирга тутиб бергани виждоним йўл қўядими, бўтам?... Отаман-ё, бу иккала оқпадарга, аттанг, отаман, ота эдим...

— Йиғламай гапиринг, бой бува, бўлар иш бўлибди... — Мамат аллақайерига зангалаган миҳ санчилгандек, биқинини чангаллаб инграб юборди. Дардли ҳаёли узоқларда кезган Салим чорва буни пайқамай, шифтнинг қоронғи бурчагига тикилганча, соқолини селкилатиб сўзларди:

— Келганида укасини тополмай, «Бекнинг газабини шу билан қайтариб турарман», деб, уйдан ҳар сафар бир нималар олиб кетарди. Буюм, кийим, аравада дон-дун, бир уюр қўй... Охириг отни ҳайдаб, рўзгорни остин-устин қилиб кетганида онаси шўрлик остонада йиқилиб жон берди. Азобу гуноҳлардан халос бўлди, жойинг жаннатда бўлгур... Дунёда бир ота-она бошига тушмаган гуноҳ-шумлик кўргиликлар бир ўзимга қолиб кетди. Ўзгарисиз, дединг, бўтам. Кўтардим-да, ўша кўргиликларни кўтариб юрибман. Оллога шукрим, яқин фурсатда барини елкаман ташлайман.

«Алҳазар... — деди Мамат ичида, — ўз ўлимнинг фурсатини ҳам белгилаб қўйибди!»

— Гапиринг, бой бува...

Салим чорванинг сўзлари Маматга ўз оғриқларини сал унутишга ёрдам берарди.

— Айтинг, кейин нима бўлди?

— Азвдан кейин ҳам ҳувиллаб қолган қаровсиз ҳолида бир ўзим қақшаб-қалтираб, ўша модаркушни кутардим. Бундан кўра гўр азоби афзал. Уша лаъин

туфайли ҳамқишлоқларимиз ҳам, сенинг яйловдаги улфатларинг ҳам хабар олмай қўйишди. Онасини учта букчайган қари ҳассакаш билан бориб ерладим... Куз кечалари узайган, уйқу йўқ, дам Олимни кўмсаб, келса, дийдорини бир кўриб қолардим, деб худодан тиламан, дам акаси ёдимга тушиб, бу кўнглим учун ўзимдан жирканаман. Жинни бўлиб қолишдан қўрқаман. Рўзи рамазон қаёқда эдинг, билмайман, кечаси қаттиқ довул бўлди, бостирмаларни, қирда янчилмаган хирмонларни, орқа ҳовлида хашак, гўзапоя ғарамларини учтириб кетди, барини кўра-била туриб, ғуломгардишнинг бурчагида писиб ўтирибман. Алланимани сезгандек қалтираб, калима келтираман. Энди менинг кутадиган нарсам йўқ эди. Бир илинжим — Олимжон. Охириг илинжим. У келса, бир ёмонлик бўларини биллиб турибман-у, ҳамон кўзим тўрт. Кўрай, дейман, кейин нима бўлса майли. Гуноҳ эди бу, оғир гуноҳ эди. Ё олло, ўзинг кечир бандангнинг заифлигини!.. Кўнглим сезганича бор экан: Олим акам пайдо бўлди. Ярим кечада. Худди довул қаъридан чиқиб келди. Лекин юзида қувонч бор эди. «Дада!», деди. мен кўрқиб, оқариб кетдим. «Бекор келибсан, болам!», дедим қучоқлаб. Акасининг ниятию вазоҳатини айтдим. Кетгин, дедим, бағримдан қўёлмай. Йиғладим. У кулди. «Акамдан кўрқяпсизми? Довулда келолмайди,— деди,— борди-ю, келса ҳам, онаизори қазо қилибди, сал тушар, ота остонасида сиз айтган ёмонликни қилмас... Бунинг устига, уларнинг энди шашти пасайиб қолган, дада». «Кимларнинг?», деб сўрашга оғиз жуфтлаганимни биламан, зйвон томондаги дераза шарақлаб очилдию хонанинг ўртасига ойна синиқлари билан бирга сачраб, ўша лаъин даррандаёй учиб тушди. Кўрмай қолибман, кўз очиб юмгунча укасини арқон билан чирмаб ташлабди. Ерга йиқилиб ёлвораман, қани энди қулоқларига кирса! Буниси ҳам бир гапдан қолиб, «ака» дея қолса, икки оғиз яхши гап айтиб муро-сага келса бўларди-ку. Қаёқда! «Газандасанлар, битангини қўймай қирамиз!» — деди.— «Сўзак бўлиб бурнигача чириб кетган ўша бегининг ювиндисини ичиб, битга ем бўлиб юрибсан, қайт, ўзим ора қираман жонингга, бу қиргинлар тугайди, тинч яшаймиз!», деди. Кейин... кейин қоронғида бир нима ялт этди, нимадир шарақлади, гурсиллади, кимдир хунук товуш билан бўкирди, қўланса ҳид чиқди...

Салим чорва ҳибсхонанинг цемент полига юзтубан ётиб қолган эди. Мамат унинг ёнига боришга, тўлғанаётган гавдасига қўл тегишига кўрқди.

— Бой бува...

— Чопиб ташлади!.. Лаънат! Чопиб ташлади... Лаънат, лаънат, лаънат!.. — Чол ётган жойида юзини ерга уриб-уриб қичқирди-да, кейин дармондан кетиб жи-миб қолди.

Мамат нима қиларини билмай, «Кейин-чи, кейин нима бўлди?», деди-ю, ҳамхонаси бу гапларни эшитмаётганини кўриб, саволлари болаларча синчковлик эканини пайқагач, хижолатда ўтириб қолди.

Ҳаяжон ва газабдан бадани қизиб кетган эди. Сув қидирди. Чолнинг кичкинагина таҳорат қумғонидан ҳовучига жиндек сув олди, лекин ўз лабини ҳўллаш ўрнига, нам кафтини қариянинг пешонасига босди. Сув илоби қолган, пешона эса муздек эди.

...Фожияли ҳижоядан иккаласи ҳам анчагача ўзларига келолмай сўзсиз-содосиз ўтиришди. Бир оздан кейин Салим чорва яна илгариги ҳолатга тушди. Индамайди. Эшитмайди. Кўрмайди. Мастраплар уни терговга ҳам қақиришмаяпти. Чамаси, унутиб юборишган эди.

Пешинда, дарчанинг панжарасига соя тушгандагина чол базўр қимирлаб, жойнамозга чўқди. Унинг юпка лаблари ҳамон «Лаънат! Лаънат!», деяётгандек эди... Мамат бу жонсиз, қонсиз қиёфага узоқ тикилиб ўтириб, тоқати тоқ бўлди, оғриқларига қарамай, ўзида бениҳоя газаб кучини сезди. Иккинчи ҳўкиздек солдатнинг шафқатсиз тепкисини еб, ўласи бўлиб ётган бола вужудида ҳаёт иштиёқи жўшар, бу соппа-соғ одамнинг

эса кўнгли бўм-бўш, кўз қарашлари маъносиз ҳаётдан бир умиди, илинжи йўқ, тамом тугаган, мисли кўлан-кадек ўтирар эди. У ўлимга аллақачон кўнган, муддатини ҳам ўзи белгилаб олган эди. Бошқа ҳеч нимани кутмайди ҳам, тоқати чексиз, ўтмиши ҳам, келажаги ҳам йўқ, дамлари маъносиз, гўё атрофида жон эгаси, ҳаёт асари йўқ, руҳи тамом у дунёга ўтиб кетган эди.

Бу сафар уни ярим кечада, кўпқаридан чиққан қора улоқдай қилиб келтириб ташлашди. Бир қоп гўшт бўлиб шалвираб ётган Мамат қонталаш қовоқларини кўтариб кўзини очолмаса ҳам, яна авахтага келиб қолганини англаб, яшиқ бадани, зирқираган суякларини энди ваҳшиёна тепкилардан бир оз фурсат халос бўлиши мумкинлигини ҳис қилиб, ингроқ билан, дард ва хўрликлардан аста-секин аримоқчи бўлар эди.

Аммо дард босилмади, шунча калтакдан йиғламаган одам, энди хўрлиги келиб, ингроқ аралаш хўнграб юборди. Титроқдан аллақарларни лов-лов ўртаниб оғирди, бутун вужуди гўё ўт ичида. Ниҳоят, йиғи титроғи уни этик тепкиларидан баттар ҳолдан тойдирди, аъзон бадани чўғдек қизиқ, ҳатто тўлғанарга мажолли етмади. Кейин бориб ҳушини йўқотди, уйку элитди, ўчоқда биқсиган ўтдай сўниб қолди.

Шу заҳотиёқ босинқирай бошлади. Тушида сувга чўкиб кетаётганмиш. Ҳаммаёқ сув эмиш-у, ичи ёниб, нуқул: «Сув беринг, сув!», деб қичқиради...

— Сув... сув... — деган ўз товушидан уйғониб кетди. Тонг ёруғида доқадай оқариб, бошида Салим чорва ўтирар эди.

— Бой... бува...

Салим чорва қийғининг учини хўллаб, унинг қурқшаган лабларини арди. Чолнинг қўллари қалтирар, дармонсиз эди. Дарҳақиқат, уни бу ерда бутунлай унуттишганга ўхшайди. Ҳа, улар ҳозир Мамат билан овра, бир қути тилла турганда, мункайган чолни бошига урармиди, ўлимтик қариядан нима наф!

— Бой... бува... — Мамат қийнала-қийнала, лекин аниқ, оғир, битта-битта гапирарди. — Мени яна қақиришса, чидеш беролмайман. Ҳа, улар буни билмайди, мен биламан... Шунинг учун, сир ўзим билан кетмасин. Сизга айтаман... Худо одил экан, сизни менга ўзи рўпара қилди. Балки, гўдак гуноҳини ювиб кетсин, дегандир...

Мамат толиқиб, бутун баданидан тер чиқиб кетди. Вужудидан ҳовур кўтарилар эди.

— Садаф қутингиз бор эди-ку... дуржи бекунж... Ушани мен олганман. Уша менда...

Салим чорва буни эшитиб заррача ўзгармади. Қонсиз юзида Мамат кутган ҳайрат ифодасидан асар ҳам йўқ эди. Қарашлари ўша-ўша: маъносиз.

— Эшитдингизми, бой бува... нега индамайсиз? Олтинларингиз менда, деяпман.

Чол анчадан кейин жавоб берди:

— Дунё моли дунёда қолади, бўтам. Бандаси фақат гуноҳларини олиб кетади.

Мамат тарки дунё қилиб, дарвешга ўхшаб қолган Салим чорванинг бундай мулоҳазаларига парвосиз қараётган эди. Ўз ҳаёти қил устида турганини сезгач, бу гапларга диққат қила бошлади, улардан маъно қидирди. Энди уларда тубсиз ҳикмат борга ўхшарди. У ҳам ўз гуноҳлари ҳақида ўйлади. Сўнг барча саргузаштларини, гуноҳларидан кечишни ўтнаётгандек, ёлвориб оҳангида узок, қийнала-қийнала сўзлади.

— Бой... бува... биласиз, менинг ҳеч кимим йўқ... Симдаги уч юз етимчадан бўлак ҳеч кимим йўқ... Кутини ўшаларга, ўшаларнинг бир қорни тўйсин деб... олиб кетаётган эдим... Бўлмади.

— Менга йиғлама, бўтам, барига худо гувоҳ...

Салим чорва боланинг пешонасига теккан кўлини бирдан тортиб олди. Кафтига муздек тегди шекилли, чўчиб юзига тикилди. Маматнинг аҳволи ночор эди:

Одамнинг тирик туриб ўлишини кўриб ҳайратга тушган Мамат титраб кетди.

Шу пайт эшик очилиб, зах қоронғиликка лоп этиб офтоб тушди.

— Эй, малый, подь сюды! — деди бесўнақай солдат, сўнг Маматнинг қўлтиғидан кўтариб, судрагандек олиб чиқиб кетди.

15. ЎҚ ОВОЗИ

нафаси калта-калта, ўзи совуқ терга ботган, юзидаги чўтирлар кўкариб кўринар эди. Бироқ ҳуши жойида эди, сўнгги дармонни йиғиб, тишини тишига босди, кўксини тўлдириб келган ингроқни енгди-да, яна бе-мажол шивирлади:

— Бой бува... Мен сиздан узр сўрайман. Мен сизга сиримни охиригача айтиб улғуришман керак. Сиз менинг ягона, балки охириги гувоҳимсиз... Улар ҳозир дам олиб бўлишди, салдан кейин мени яна олиб чиқишади. Тилла деб, кўзи қонга тўлган, ҳеч нарсадан қайтмайди...

Мамат бир зум нафас ростлади.

— Бой бува...агар бу сафар қайтиб келмасам... қулоқ солинг, ёдингизда бўлсин... эшитяпсизми?

Салим чорва ўша-ўша ҳолатда, оппоқ оқариб, сийрак соқоллари селкиллаб, телбадай, бурчакка тикилганча ўтирар, фақат заиф, сарғиш бир кўли Маматнинг ёниб ётган кўксига эди.

— Эшитиб олинг: авлиё мазорнинг пастида, кунчиқишга йигирма бир қадам... йигирма бир қадам... ўпирилган қабрининг... сағанаси, хашак тагида... хуржун... эслаб қолдингизми? Нега индамайсиз, нега гапирмайсиз? Сизнинг ҳам... менинг ҳам заҳматим синган... тупроқда бенаф қолиб кетмасин... эгасига буюрган экан...

Гўё унинг гапи тугашини қутиб тургандек, қизил эшикнинг темир тамбаси шарақлаб тушидио ўша бесўнақай солдат ёнида шериги билан кириб, ҳушсиз ётган Маматни икки қўлтиғидан кўтарганча судраб чиқиб кетишди. Улар ҳар кирганда Салим чорвани гўё кўрмаётгандек, унга қайрилиб ҳам қарамай чиқиб кетишарди. Бу гал унинг мурдадек қимир этмай ўтирганини кўриб, бир-бирларига қараб олишди. Салим чорва эса болага тикилиб қолди: назарида, Мамат оёққа туриши билан алланечук тетик торгандек, ҳатто остонада ўзини суяб кетаётган солдатларни икки ёққа туртиб, дадил юриб кетгандек кўринди кўзига...

Улим олдидан куч йиғди бола, деб ўйлади чол. Лекин бу қувват қаёқдан келди!?

Салим чорва бирдан шуни ўйлай кетди. Маматнинг хаёли унинг миясида ҳам, дилида ҳам гўё лаҳча чўғ бўлиб ёнаётган эди. У ҳам ўлимини билар, ўлимини сўйлар, бўйнига олиб қўйган эдию, лекин ич-ичидан ўндан қўрқар, жуда ҳам қўрқар эди. Шу зимзиё авахтада ўлиб кетмасам бас, дерди кўнгида. Кейин-чи? Кейин, бошқа шароитда ҳам, бошқа жой, бошқа вазиятда ҳам шундай деб тилашини ўзи олдиндан билар эди. Улим ҳақидаги гаплари эса...

У бирдан сесканиб кетди. Қаёқдандир пақ-пақ ўқ овозлари келди. Узокдаги вагонларнинг гумбурлаб бир-бирига урилгани эшитилди. Яқингина муюлишда ҳам якка ўқ узилди, вокзал биносини янграган бақир-чақирининг акс садоси, от дупури, гурс-гурс қадам товушлари туйнукдан ёриб кирар эди. Ҳатто яшиқлар орқасидаги сичқон-қаламушлар ҳам патур-путур қувлашиб қочишди. Узокда ҳамон ўқ овозлари янграр, қвердадир қарсиллаб дарахт йиқилар, дераза синар, айёҳаннос кўтарилар эди.

Салим чорва калима келтирди. Бундай даҳшатли гала-говурни қишлоқни босмачи босганида ҳам кўрган эмасди. Маҳшар бўлса-чи? Бу зиндонда Салим чорвага ноил бўлган бола Мамат бўлмаса-чи? Унинг айтган сирли гаплари... Авлиё мазори, қабр сағанаси... Булар бари тасодиф бўлмай, бир нишонан замон бўлиб...

Шу пайт ташқарида гурс-гурс қадам товуши, гўнғир-гўнғир овозлар эшитилди.

— Қулф экан!

— Оч! Буз!

Эшикни шарақ-шуруқ уриб, қулфини буза бошладилар. Эшик қарсиллаб, ошиқ-мошиғи билан кўчиб ағдарилганда милтиқли бир киши кириб, аввал негадир яшиқларни тепиб кўрди. Шифтгача терилган бўш яшиқлар шовқин-сурон билан қулади. Омборхонада чанг кўтарилиб, эшикдан тушган қуёш нурида унинг оқиш-заррин гўжғони акс этди.

Бу одамларга нима керак экан, бурчақда қути ўчиб ўтирган Салим чорвани кўрмадилар ҳам. Милтиқларини шарақлатиб, шоша-пиша ўз йўлларига жўнаб кетдилар. Улар аскар эмас, лекин милтиқлари бор эди. Фақат орқароқда қолган бир ёшгинаси — ярим ҳарбийча кийиниб, энли камар боғлаган йигит — хонада чанг босилгандан кейин чолни кўриб қолиб, «Кимсиз?», деб сўради. Қўлтиғидан кўтариб, етаклаб ташқарига олиб чиқди. Чиқдию апиал-тепиал бир нарсаларни гапириб, «Кетаверинг, уйингизга боринг, бобой», деганча, шериклари орқасидан югуриб кетди.

Салим чорва қуёшда анчагача кўзини очолмай, салқинган қовоқлари оғриб, деворга суюнган кўйи узоқ турди. Мана, ёруғ дунё... У Салим чорвага керакми-йўқми? Бу одамларнинг бирортаси бундан сўрамади ҳам... Бу нарса ҳозир фақат Маматга боғлиқдек бўлиб туюлди унга. Мамат... қаерда экан? Бормикан? Тирикми?

У деворни ушлаб, охира юриб кетди. Қаёққадир бориши керак-ку, ахир! Зимзиё хонада ёлғиз ўтириб сужудга кетиши мумкин. Лекин бу ёруғ, кенг дунёда... Ҳалигилар ким эди? Салим чорва илгарилари ўзига бундай савол бермасди. Ким бўлса ҳам, осий банда, дерди. Энди эса ажратадиган бўлиб, ажратгиси келиб қолди. Бу нарса ҳам Маматга боғлиқдек бўлиб туюларди. Мамат... Қаерда экан! Бормикан? Тирикми?

Сурғалиб муюлишга етганида, тартибсиз сочилиб ётган тошлар, гиштлар орасидан чиқди. Гишт уюми ёнида, офтобда, чалқанча тушган Мамат ётарди. Салим чорва уни узоқдан, дилдан сезиб, таниди ва ўша томон юрди. Бориб, тепасида тўхтагач, боланинг оғзидан қон келиб ўлиб ётганини пайқадию гурс этиб ёнига йиқилди.

Маматнинг юзи ҳадсиз қийноқлардан кейин ваҳшиётна отиб ўлдирилган одамнинг юзига ўхшамас, нечүкдир кўп азобдан кейин ором топгандек сокин, кимдандир гуноҳини ўтиниби, «Розимисиз?», дея билинар-билимас жилмайиб турган каби беғубор эди.

Югуриб этиб келган милтиқли кишилар чолни қўлтиғидан олиб оёққа тургазишга уриндилар. Лекин Салим чорва турмади, чўккалаб бориб, яна Маматга ёпишиб, қалтираган бармоқлари билан унинг сарғиш қовоқларини сийпаб, ёлди. Узининг нурсиз кўзларида илгаригидай бўшлиқ эмас, маъно, биргина маъно — изтироб пайдо бўлган эди.

— Ҳа, бобо, ўғлингизми? — деб сўради кимдир.

Салим чорва гапни эшитмагандек, Маматнинг бошини кўтаришга, тиззасига олишга уринди, кейин бир ўликнинг юзига, бир одамларга илтижо билан қараб, ёшсиз, унсиз йиғлади.

— Ким ўзи бу, бобо? — деб яна сўрадилар.

— Қўйчивон... — деди Салим чорва эшитилар-эшитилмас, — қўйчивон эди.

Шу пайт вокзал биноси ёнидаги дарахтзорда музика янгради. Оғир, чўзиқ, юракни эзадиган мотам куйи гўё бутун дунёни ўзгартириб юборди. Ҳамма жим, ҳатто қушлар ҳам учмас эди. Бўлиб ўтган қисқа жанг қурбонларини бир-бир олиб ўтишди. Икки... тўрт... олти тобут. Милтиқли кишилар бош эгиб, оркестр кетидан эргашдилар. Гиштлар орасида, Маматнинг ўлиги устида фақат Салим чорва қолди, холос.

— Қўйчивонни ҳам олинлар биродарлик мазори-га! — деб қичқирди бўрк кийган биров.

Милтиқли кишилар шошқалоқ бўлсалар ҳам, ишчан эдилар. Учтаси келиб, чолни ҳўрмат билан четроққа чақиришди-да, рухсат сўрагандек унга қараб олгач,

марҳумни ечинтирдилар, иккита тахта устида ювиб, бирпасда кафанлаб, тобутга солишди. Мажолсиз чолнинг жаноза ўқиб бўлишини сабрсизлик билан бўлса ҳам кутиб турдилар. Кейин тобутни кўтариб, олдингиларга етказиб олдилар. Салим чорва оломонга эргашди.

У «биродарлик мазори»нинг нима эканини ҳам, бу одамларнинг кимлигини ҳам аниқ билмасди. Оломонга аранг этиб юрди, олдинга ўтолмади. Оёғини зўрға олар, йиқилиб қолмаслик учун бор кучини тиззаларига тўпалаб борар эди.

Бир маҳал ўқлар овозидан сесканиб тушди. Қараса — ҳеч ким ҳеч қаёққа қочмаяпти. У ҳам жойидан қимирламай тураверди. Яна ўқлар узилди, яна, яна... Фақат шундан кейингина одамлар секин, бош эгиб тарқала бошладилар. Ниҳоят, қабристонда ҳеч ким қолмади. Салим чорва ўзини каттагина янги қабр тепасида кўрди. Оёғига хас илашдими, дармони тугадими, қабрдан анча берироқда тиз чўкди... «Маматқул...», деб шивирлади.

Бояги ёшгина милтиқли йигит орқасига қайтиб:

— Бобо, ёрдам керак эмасми? — деб сўради. — Ҳолингиз етадимми?.. Майли, бирпас ўтиринг, қурбонларни дуо қилиб дардингизни ёзинг. Аммо-лекин, қибла бу томонда, — деб кун оғаётган ёқни кўрсатди-да, милтигини елкасига олиб югурди. Чолнинг жавобини эшитмади ҳам.

«Етса — ҳолим, етмаса — жоним, шу боланинг нияти менга қибла», деб пичирлади Салим чорва. Узоқ ёлғиз ўтириб, оят ўқидими, мудрадимми, ишқилиб, нафасини ростлаб олди.

Саҳар чоғи ҳаво салқин, шабнамдан чангллар босилган, олисдан вагонларнинг тарқалгани, паровоз гудоклари эшитилар эди. Неча ҳафтадан бери ҳувиллаб ётган вокзал харобаларида жонланиш; шошқалоқ йўловчилар, ҳарбийлар, юклар пайдо бўлган, яланғоч теракларда зағча галалари бу жонланишдан безовта, тинмай шовқин солар эди.

Салим чорва издан чиқиб ётган вагонлар орасидан, қоқина-туртина темир йўл бўйлаб юрди. Азонлаб шаҳар кўчиб чиққанми, юзлаб одамлар ёнган буғдой уюмларини кураб, замбилларда гишт, тупроқ ташиб, йўлларни тозалар эди. Баъзи вагонларга қорамол юкланган, баъзиларига замбарак ўрнатилган, бирида ёш аскарларнинг хушчақчақ сурони эшитилар эди.

Елкасида хуржун, бошида кулоҳ, жулдуз кийимда, чоригини судраб ўтаётган қарияга ҳамма қараб қолар, шпал кўтариб қорамойга беланган милтиқли кишилар шўхлик билан гап қотар эди:

— Ҳа, бобой, ҳажга отландиларми?

— Ҳа, рамазон тугаяпти, булар ҳам энди турнақатор бўлиб йўлга чиқишади, Қашқар, қайдасан, деб.

— Савобнинг оппа-осон йўли-да, қон кечиб юрмайди, сен билан менга ўхшаб.

— Бу дунёнинг айшини сурган, энди у дунёсини ўйлайди.

Салим чорва бу жойлардан ўтгунча терга ботиб кетди. Вокзал биноси ёнида отаравалар, қоп кўтарган ола-қуроқ одамлар гўжғон ўйнар, югур-югур, йиғиси, говур, сурон авжида эди.

Салим чорванинг ёнида от етаклаган киши пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум!

— Ваалайкум... — Чол бундай ўгирилиб қараса, кечаги — ярим ҳарбий кийимдаги камарбаста ёш йигит. — Ваалайкум ассалом.

— Йўл бўлсин, бобо? Поездга ўтирасизми?

— Ҳа, болам. Қайсиниси Симга юради?

— Симга? Ҳоз ана, товарнийга ўтиринг. — Йигит эшиги очик, одам тўла қизил вагонни кўрсатди. — Хуржунни қоқиб олинг! Қабристонда тунаб қолдингизми, нима бало?! — дея кулди у отини етаклаганча шошиб узоқлашаркан.

Салим чорва нурсиз кўзлари билан атрофга ўғридай аланглади-да, кафти билан хуржуннинг тупроғини аста сийпаб қоқди. Қути эшитилар-эшитилмас шикир-

ларкан, чолнинг дилида узоқ-узоқларда қолиб кетган бир ориқ — аламми, қониқишми, — ишқилиб, таниш бир туйғу кўзғалиб қўйди. Бу маҳал олисда узун чин-

қириб, паровоз кетма-кет гудок берди. Салим чорванинг кўпдан сўник руҳига аллақандай ғулғула тушиб, тиззаларига қувват келиб, қадамлари тезлашди.

16. ХОТИМА

Салим Аҳмедов ҳўжалик мудирни бўлиб келгандан кейин етимхонада биз қорнимиз тўйиб овқат ейдиган бўлдик. «Торгсиндан қоп-қоп оқ ун, оқ шакар келди. Мен фабриканинг сувратли печеньесини биринчи марта ўшанда еганман...

Лекин энди у кунларни ҳеч ким эсламайди. Илигимиз тўқ, кўнглимиз шўх. Аҳмедов ака ҳам бизга ўша берган нону қанд-курси билан эмас, болаларга беҳад меҳри билан қадрли бўлиб қолган.

Назаримда, у елкасида ҳали ҳам қандайдир юк олиб юрар, уни ташлаб ҳам юборолмас, хотиржам, енгил руҳ билан яшай ҳам олмас эди. Бошидан ўтган ўша воқеалар энди ўтмиш бўлиб узоқларда қолгандан кейингина, биз билан суҳбатларда бир оз ўзига келар, йўқотган оромли дамларини қайта топгандек бўлар эди. Биздан узоқлашиб ёлғиз қолганида эса, уни яна қандайдир хаёллар қийнаганини сезардик: хотирасида кечмиш воқеалар жонланиб, у ўшаларни виждон тарозисида қайта-қайта тортиб кўрар, ўз кўнглига қўлоқ солиб, алланималар учун ўзини қаттиқ айблар эди шекилли. Фақат биз атрофини қўршаб, одатдаги гурунги бошланганда, пешонасини сийпаб болалар ҳақида гап очганидагина руҳи енгил тортар, бизга Маматнинг саргузаштларини яна қайта ҳикоя қилар эди. Аммо ўшанда ҳам, биздан кўра кўпроқ ўзига, ўзи учун, ўзи ҳақида гапирётгандек туюларди.

— Мен ҳамма вақт ҳам бой бўлган эмасман, болалигимда қўй боқардим, — дерди у. — Отадан беш ўғил, бешовимиз ҳам қўйчивон эдик. Отамиз раҳматли бадавлат бўлсалар ҳам, қурумсоқроқми ёки эътиқоди шундайми, қўйчивон ёлламас, «Қўй кетидан ўзинг юрмасанг, биринг икки бўлмайди», деб яйловга бизларни ҳайдар эдилар. Акаларим бўзахўр, ялқов, ўтовдан чиқмай маишат қилишарди, қўй кетидан эса мен юрардим.

Чиндан ҳам, уларнинг бири икки бўлмади. Мен эса... Кимсан — Салим чорва!

Ҳай, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Шундай қилиб, қўй боқардик. Бир кунни яйловда кечаси тўсатдан қаттиқ довул, бўрон турди. Чайлаю хашак ғарамларимизни гирдибод чирмаб осмонга олиб чиқиб кетди. Чанг-тўзондан олам зимистон бўлиб турганда шундай жала қуйиб бердики, тепамиздаги қоп-қора булут бирдан яйловга тўнкарилиб тушгандай эди. Қўй дегани ғирт аҳмоқ бўлади, худди жаладан қочиб қутуладигандай, сурув сурувга эргашиб, боши оққан томонга қараб

оқаверди. От солиб сурувларнинг бошини қайириб келинмаса, ўзини қаёққа урганини, қаёқларга улоқиб кетганини билмайди. Акаларимни топиб боришга вақт йўқ, қозикдаги бедовни яйдоқ миндиму қоронғи тун қўйнига ўзимни урдим. Момақалдиқдан кўрқиб, сапчиб турган от ҳам бир қамчидан учди-кетди. Яйлов чексиз, тун зимзиё, бўрон, жала қутургандан қутуряпти, мен сурувларнинг бошини қайтаришни мўлжаллаб, таваккалига йўл солиб кетяпман. Отнинг қуюндай бебош ҳаяжони менга ҳам ўтди, туёғидан сачраган ўт кўзларимдан чиққандай туюлади. Бир маҳал еру кўкни ларзага солиб шундай қалдироқ гумбурладики, қоп-қора осмон тараф ёрилгандай бўлди, кетидан булутларни қайчилаб чақмоқ чақди. Қути ўчган бедов олдинги оёқларини тикка кўтариб осмонга сапчиганида, бир зумлик чақмоқ ёғдусида унинг нақ оёғи остиде... тубсиз жарлик ўпқондек қорайиб ётганини кўриб қолдим. От ҳам буни вужуди билан сезганми, чақмоқ ёритган лаҳзада кўриб қолдими, ишқилиб, орқа оёқда тикка турганча нечукдир четроққа қайрилди. Мен унинг ёнига ёпишиб, кўзимни чирт юмиб... ҳалокатни кутардим... Йўқ, оламини ёритган бир зумлик чақмоқ бизни сўнги лаҳзада қутқазди. Агар у бир сония кечикканда бедов билан бирга тубсиз жарлик қаёрига учган бўлардим...

Маматнинг ҳалокати ҳам мен учун ана шундай чақмоқ бўлди. Мен жар ёқасида турган эдим, у чақмоқдек ёниб ўчдию мен тубсиз ўпқонни кўриб, тирик қолдим...

Жасорат изсиз йўқолмас экан. У биргина лаҳза ялт этиб ёниб-ўчса ҳам, шуъласи анчагача одамларнинг йўлини ёритар, гоҳо ўлимдан ҳам сақлаб қолар экан.

Мамат... у ҳали на сизларни, на даврни, на Шўро ҳукуматини биларди. Юрагида эзгу ўт бор эди, холос. Менга у далда берди, хатарли йўлларга бошлаб чиқди. У сизларга интилди. Мен эса...

Мен шундай замоннинг кишисиманки, умр бўйи жамғарган бойлигимни бировга беминнат топширишим сира мумкин эмас эди. Аммо мен топширдим. Мен ўзгардим. Бунга оғир, шафқатсиз йўл билан, беомон қурбонлар воситаси билан келдим. Мен бунга сизлардек бир ўсмирнинг қаҳрамонона ҳалокати орқали келдим. Жасорат унга ўзи учун эмас, ўзгалар учун керак эди.

Сергаплигимни айбга буюрманглар, болаларим, жар ёқасидан қайтган, қайта тирилиб, қайта инсон бўлган одамнинг бошқаларга айтадиган гапи кўп бўлар экан...



МУҲАММАД АЛИ

«РАМАЯНА» ОҲАНГЛАРИДА

Шеърнинг яралиши

Зангор осмон. ям-яшил ҳаво,
 Мовий тусда Дондак ўрмони...
 Танҳо борар Валмики доно
 Хаёлида Рама достони.
 Тўхтаб қолди шоир баногоҳ,
 Қулогига чалинди-да сас:
 Дарахт узра бир жуфт қашқалдоқ
 Чирқилларди шодмон, басма-бас.
 Гоҳ модаси потрарди хушнуд,
 Гоҳ сўнаси ўчиб-қўнарди:
 Унут эди, кенг дунё унут,
 Васлу висол ичра ёнарди!
 Писиб келар сайёди сангдил,
 Мўлжал қилар, нияти ёвуз...
 Бас, бас, қушчам, роҳатдан тийил,
 Фароғатдан энди илик уз!
 Атрофингга боқсанг-чи бир бор!
 Париллаб ўқ отилган захот...
 Модасини бўзлатиб зор-зор
 Ерга қулар сўнаси... Ҳайҳот!
 Титраб кетди Валмики доно,
 Уртар эрди алам ва афсус.
 Не демаки билмас шу асно,
 Пурғазабки, тилга келмас сўз!
 Сўнг нелардир деди пичирлаб,
 Қарғаганин кейин англади:
 Дуонбад сўзлари, эжаб,
 Шеърини сатр бўлиб янград!
 Шеър яралди дунёда илк бор,
 Илк бор оҳанг шаклга кирди
 Ва майдонда қолди устивор,
 Кураш деган фаслга кирди!
 Кўнгилларнинг сийловисан, Шеър,
 Еруғ дәрдрлар ила тўлуғ сен.
 Эзгуликнинг яловисан, Шеър,
 Ёвузлинка отилган ўқ — сен!

Мендан - Вишну Нероно,
 Мен ҳаёту малайман,
 Дунёни мен дунёвазим,
 Сизга қилмадим
 Трилиш чинилар,
 Сизни шайтан усағар қилди,
 Мен Будаин қилдим
 Кўнбад Энци бу қилди...

Ушбу қилди "Рамаёна" эсон тўртинчи ушбу
 ишларини тўрайтиш мен бу дунё қилдим
 қилмадим қилди қилдим қилди қилди,
 Ошро қилдим қилди қилди Тўраи қилди
 қилди қилди бу шайтан қилди қилди
 "Билди"ра қилди қилди қилди қилди
 қилди қилди. Қилди қилди қилди
 қилди "Билди" қилди қилди қилди
 қилди қилди, қилди.

М. Али

Мангулик даъвоси

Худолар амритдан нўш этар бу дам,
 Ёлғиз мангу руҳлар насибаси ул.
 Мангу қолай дея иблис Роҳу ҳам,
 Пинҳон зар косага ўзатади қўл.
 Амрит — обихаёт, илоҳий шарбат,
 Улмас бўлиб қолур ким ичса уни;
 Нандани ўрмони аро бегурбат
 Мангулик ҳаётнинг сургай гашткин.
 Роҳу ича бошлар шарбатни шошиб,
 Қўшиб ичар келган севиш ёшини...
 Ногоҳ Вишну тангри ғазаби ошиб
 Қилич билан олди шартта бошини.
 Мангу қолмоқ қийин, қайгурма, инсон!
 Битта шарт бордир, оғирдир магар:
 Вишну қиличидан ким қолса омон,
 Мангулик ўшанга бўлмай мўяссар!

Ҳанумаън ва Сита

Уммон узра учиб ўтди Ҳанумаън,
Булут янглиғ кўчиб ўтди Ҳанумаън.
Буюк Рама илтижоси дилида,
Дўст деб жондан кечиб ўтди Ҳанумаън.

Елдай бўлгин, хилват ўрмон қолмасин,
Йўл қолмасин, сарой, қўрғон қолмасин,
Кўз илғамас шарпа каби шаҳар кез,
Кейин дилда чексиз армон қолмасин.

Сита қайда, ул моҳитоб кўз олар!
Сита десанг оламдай ғам кўзғолар.
Куйиб қолди шўрлик шундай бир ўтда,
Исинмоқда энди унда ўзгалар.

Ситани деб қараб-қараб Ҳанумаън,
Дарахтлардан борар сакраб Ҳанумаън.
Ашўқазор ўрмон ичра ниҳоят,
Муштипарни турар сўраб Ҳанумаън:

«Рама нотинч, кўнгли яримта, узик,
Берди хоси хотамини — зар узук.
Бу — узукдай аҳдим маҳкам дегани,
Узукни ол, тузукми, кўзи сузук!

Шай маймуну зўр айиқлар лашкари,
Буюк Рама — ул лойиқлар сарвари.
Соҳибжамол, ўз сўзингда турдингми!
Раванага ён бердингми ё пари!»

«Уйлай дедим, қирқ кун муҳлат сўрдим мен,
Демадим ҳеч, пешонамдан кўрдим мен.
Мен — Ситаман, Она ердан туғилган,
Ёт ёндошса, тупроққа юз бурдим мен.

Кўйлагимнинг бурмасида бир тош бор,
Тош бўлганда ақиқу лаъл, шуълавор.
Аваллари манглаймни безарди,
Сигмай қолди, ки манглайим экан тор.

Ушал тошни Рамага элт саломат,
Дегил, Сита бардошидан аломат,
Тошни олсин, фармон этсин лашкарга,
Ланка ёққа келсин энди валломат!»

Уммон узра учиб ўтар Ҳанумаън,
Булут янглиғ кўчиб ўтар Ҳанумаън.
Гўзал Сита илтижоси дилида,
Дўст деб жондан кечиб ўтар Ҳанумаън...

* * *

Хаёлимни, ўйларимни водийга сочдим,
Ажаб, водий яшнаб кетди, кўрк-чирой очди.

Гуруримни инъом этдим кўк ўпар тоққа,
Тоғ гердайиб назар солди йироқ-йироққа.

Осмонларга баланд қўйдим овозим бирдан,
Осмон яна юқорилаб кетди-ку Ердан!

Алашимни жарликларга солгандим тўкиб,
Жарлик бадтар чўкиб кетди, яна ҳам чўкиб...

Маркандеянинг туши

Маркандея, донишмандлар донишманди бир кун
Билмоқ бўлди бу дунёнинг сир-асрори, мазмунни.

Қурбонликлар қилди, тавоф этди азиз жойларни,
Айш-ишратдан илик узиб ўткарди не ойларни.

«Коинотни ким яратди!» деган фикр келган чоғ,
Боқса, тушиб бораётир Ернинг остига ногоҳ.

Қора бахмал янглиғ сувлар жаҳонни тутмиш эди,
На ер, на ой бор, барчаси гўё йўқ, битмиш эди.

Аммо, ана, сув устида ухлаб ётар бир одам,
Бор вужуди нурланарди ёритиб осмонни ҳам.

Тоғ деса ҳам бўлар эди, булут деса ҳам уни,
Маркандея таниб олди буюк тангри Вишнунни.

Яқин борди, шу он Вишну оғиз очганди, ҳайҳот,
Тортиб кетди донишмандни ичига ўшал заҳот.

Бир дам боқса, чиқиб қопти донишманд Ер юзига!
Тоғлар, боғлар, дарё, чўллар — бари таниш кўзига.

Ҳайратдан ёқа тутиб, йўқотганча эсу ҳуш,
Маркандея ўз-ўзига деди: «Бу туш, фақат туш...»

II

Бу дунёни чаппараста кезди яна донишманд,
«Коинотни ким яратди!» шу ўй уни қилмиш банд.

Ғаройиб туш кўрди тағин Маркандея бир кун,
Яна ўша қора осмон, бахмал сув, ел қўюни...

Шундай сувнинг юзасида ухлар бир бола, ёҳу,
Нигоҳларни ёндирарди ундан таралган ёғду.

Маркандея кўзларини қўли билан беркитди,
Бола дерди: «Уғлим, айт-чи, нима сени кўрқитди!»

Донишманднинг қаҳри келди: «Бу не гўстоҳлик, оё,
Ҳурматимни ўз жойига қўйгай Бароҳим ҳатто!

Сен кимсанки, она сути ҳали оғзида гўдак,
Нақ болага тенг қилдинг-а, ўзингдан кетиб жуда!»

Бола эса қаҳ-қаҳ урди: «Уғлим, бу мен — Паруша,
Сенинг авлод-аждодингни яратган зотман ўша.

Менман — Вишну-Нарояна, мен ҳаёти мамотман,
Дунёни мен яратганман, соҳиби коинотман.

Дунёни сув босганида ғаройиб сирли балиқ,
Ки Монунни халос этди — ўшал менман, мен — холиқ.

Раванани яқсон қилган паҳлавон Рама ҳам мен,
Кришна ҳам, Инсоншер ҳам, Парашурама¹ ҳам мен.

Тримурти менман, саъйи шаҳдим устивор қилдим,
Мен Бароҳим тимсолида йўқдан Ерни бор қилдим.

Вишну бўлиб бу оламни балолардан асрағум,
Шива бўлиб коинотни кун-паякун айлағум.

Бандаларнинг бир йил умри тангри учун бир кундир,
Коинотнинг умри эса жуда-жуда узундир.

¹ Паруша, Рама, Кришна, Инсоншер, Парашурама — Вишну тажассумлари (санскритча: аватара). Вишну ўндан ортиқ тажассумга эга бўлган ҳинд худосидир.

Шундай кундан пайдо бўлган ўн икки минг йиллик
вақт

Бароҳимнинг бир кунига тенг келади оқибат.

Кун тугаса Бароҳимнинг тунни бошланур, ҳайҳот,
Ҳайҳот, ҳайҳот, ҳалокатга юз тутгуси киннот!

Тонг отгунча ўтгай тағин ўн икки минг йил билсанг,
Киннотни босгай тамом сув, тупроғу кул, билсанг.

Тонг отганда киннотни такрор тузар Бароҳим,
Бу киннот кўп яралган, назар солсанг, қароғим.

Дастуримга амал айла, киннотни кезабер,
Вужудимда жо бўлмишдир бутун олам, осмон, Ер.

Жамолимда тажассумин аён этмиш киннот,
Бу сир эрур, шундай сирким, еча олмас бирор зот...»

...Вишну ютиб юборди сўнг Маркандеяни яна,
Ер юзига чиқди яна донишманди замона!

Боқса, тағин ўша олам, ўша боғ, ўша тоғлар,
Тағин нурли, жозибали имлар уни йироқлар.

Маркандея билмай қолди: Бу рўёми, нимадир!
Ҳайратидан бир лаҳзага кўзларини юмадир.

Қайси бири ҳақиқатдир: ёруғ дунёми магар,
Ёки Вишну кезиб юрган зулумотли тубсиз наър!

Маркандея худовандни тушида кўрдими ё,
Ва ё ўзи улуғ тангри рўёсими, ажабо!

«Киннотни ким яратди!» Кўзларин очса ногоҳ,
Яна тушиб бормоқдайди Ернинг остига, эвоҳ...

Бир маънони англам энди Маркандея: «Ё фалак!
Давру даврон елдиридир, дунё шундай чархпалак!..»

* * *

Бойликлар худоси Кубера бир кун
Чап кўз билан боқди гўзал Ҳумога.
Ишқ тугён урди-ю қалбида бутун
Уҳшаб қолди, шўрлик, мажнуннамога.

Дунёни унутди ишқнинг сеҳридан,
Тарк этди ошиқни андишаю ор.
Бироқ қайта қолар Шива қаҳридан,
Қочай деса унга уч олам ҳам тор.

Бари бир ўзини тиймади қургур,
Шиванинг ёрига кўз тикди пинҳон...
Ҳумо жамолида оловланди нур,
Кубера кўзини куйдирди ёмон!

Уша-ўша ожиз Кубера кўзи,
Ҳасрат-аламини ичга ютармиш.
Уэр хоҳишида туну кундузи.
Шивага сифиниш билан ўтармиш.

Гўзаллар шунақа бўлур дилозор,
Фақат истиғнолар — раво кўргани.
Истиғноси майли, куйдириши бор...
Бир умрга етар бир куйдиргани!

Пуруравас ва Урваши

— Сенинг билан айласак биз жасоратлар,
Эҳ, Урваши,

Дилмизда қолмасмиди асоратлар!
Ҳасратларнинг биқинига муштлармидик,
Учиб кетган орзуларни ушлармидик,

Эҳ, Урваши!
Сенинг билан айласак биз жасоратлар!

— Учиб кетган орзуларни ушлаганда,
Пуруравас,

Армонларнинг ўксиз кўнглин хушлаганда,
Дер эдикми: «Мунча кўпсан, орзу, орзу,
Ер ҳам орзу, кўи ҳам орзу, умр оз-ку,

Пуруравас!
Дер эдикми орзуларни ушлаганда!

— У орзулар орзумиди, саробмиди!
Эҳ, Урваши!

Севгимизга ё муносиб жавобмиди!
Худди қумда қурилган уй каби ночор,
Ё сув узра паға-паға ёғилган қор...

Эҳ, Урваши,
У орзулар орзумиди, саробмиди!

— Тақдирнинг бир ўйинидан учди-кетди,
Пуруравас,

Борса-келмас йўқликларга кўчди-кетди.
Бера олди на дилга ўт, на кўзга ёш,
Қаттиқ эди мисли ҳисси тоғ узра тош,

Пуруравас,
Тақдирнинг бир ўйинидан учди-кетди.

— Эҳ, адон тамом бўлди Пуруравас,
Эҳ, Урваши,


Апсарага¹ бир уйландим шу етар, бас.
Подшо эдим, фиరోғингда бўлдим-ку хас,
Улдим дейман, куйдим дейман, бари абас,

Эҳ, Урваши,
Эҳ, адон тамом бўлди, Пуруравас!

— Муҳаббатда менга подшо даркор эмас,
Пуруравас,

Қул бўлмоққа, билгил, асло йўқдир ҳавас!
Ишқ йўлида бир қоида бордир тугал!
У тенгликни хуш кўргуси азал-азал!

Пуруравас,
Муҳаббатда менга подшо даркор эмас!



¹ Апсара — самовий ҳурлар, рақосалар номл.



САЛОҲИДДИН
СИРОЖИДДИНОВ

МАРЖОН



ун ҳаддан ташқари исиди. Автостанцияда одам сийрак. Борлари ҳам ўзини офтобдан пананага олган. Алишер автобусларга бир-бир кўз югуртирди-да, четроқдаги, ярми қуриб қолган қайрағоч ёнига бориб, скамейкага ўтирди. Бирдан автобуслар орасида у ёқдан-бу ёққа чопиб юрган укасига кўзи тушиб,

чақирди:

ҲИКОЯ

— Маъмур!

Маъмур акасини кўргач, югуриб келди.

— Кетиб қолдингизми, деб қўрқиб, роса чопдим,— деди хансираб.— Энди қачон келасиз?

— Икки ҳафтадан кейин.

— Сумкам йиртилган, шунга айтмоқчи эдим...

— Мактабга боришингга ҳали анча бор-ку?

— Энди, айтдим-да.

— Бўпти, янгисини олиб келаман. Сен уйга бор, кўчада бунақа дайдиб юрма.

— Эсингиздан чиқмасин!

* * *

Оқшомда бошланиб, бир маромда эсиб турган шамол ярим кечага бориб авжига чиқди. Қўм аралаш қуриган ўт, думалоқланган янтоқларни олиб келиб эшик-деразаларга ура бошлади. Томга ёпилган шиферлар шамол зўридан тарақлайди. Қари толлар танасининг қирсиллагани эшитилади. Дарахтга илинган челақ ерга тушди, даранглаган товуши анчага-ча эшитилиб турди. Ертандир устига ёпилган қоплар учиб келиб деразга урилди.

Кечаси билан ухлолмай, инқиллаб чиққан чол ўрнидан турди. Алишер кўрпача тагидан бошини чиқариб унга қаради.

Чол ҳозир туриб фонусни ёқади. Кейин лапанглаб ташқари чиқади. Назиранинг уйи ёнига бориб, йўталади. Ёлғондакамига, албатта, қаттиқроқ йўталаман, деб ёлғонлигини билдириб қўяди. Бу билан Назирага «Қўрқма, мен уйғоқман», демоқчи бўлади.

Чўлни кесиб ўтган катта йўлдаги бу ягона манзилгоҳда бор-йўғи уч киши истиқомат қилади. Тўртинчиси — Носир тоға, лекин у кечкурун уйига кетиб, эрталаб келади.

Алишерни бу ерга онасининг илтимоси билан ўша — Носир тоға олиб келган. Улар асли бир қишлоқдан. Алишернинг дадаси йўқ, онаси мактаб полини ювиб топган пул оилани тебратишга етмасмиш. Онасининг гапи бу. Шунинг учун Алишер ёзги таътилга чиққанда чўлда ишлайди. Кундузи бу ер ғажум бўлади: йўлозчиларнинг бир гуруҳи кетса, бошқалари келади. Айниқса, катта шаҳарларга қатнайдиغان автобуслар дам олишга тўхтаганда кўринг, қўл-қўлга тегмайди. Чол чой сотади, Алишер — сомса. Автобус шофёрлари ичкари кириб, чол тайёрлаган шўрвадан ичишади. Бу вақтда Назиранинг дўкони ҳам қайнаб кетади. Ана шунақа! Кечга бориб эса яна уч киши қолишади. Алишер гўшт қиймалайди, чол пиёз тўғрайди. Эрталаб сомса туғишади. Назиранинг буларга алоқаси бўлмаса ҳам қараб турмайди, ҳамма билан баробар ишлайди...

Чол калишини оёғига илиб, эскириб қолган тўннини елкасига ташлади-да, ташқари чиқди. Шамол эшикни қаттиқ ёлди.

Чол бу ердагиларни беш бармоқдай билади. Бундай шамоллар ҳатто Назирани ҳам чўчитолмайди, лекин бари бир хабар олиб кўяди. Одат тусига кирган.

Назира бу ерга ўзича келмаган. Исломи деган шофёр йиғитни яхши кўриб қолган, ота-онаси эса унга беришга рози бўлмаган. Шунда Назира уйдан бош олиб кетиб, Исломи билан шу ерда турмуш қурибди. Улар ҳозир Назира ёлғиз турадиган уйда бир ойгина яшабдилар, холос. Исломи машинаси билан фалокатга учраб ҳалок бўлибди... Шу-шу, Назира уйига қайтиб бормалти. Чолнинг гапига қараганда, ҳар ойда бир қишлоғига бориб келаркан. Лекин ота-онаси уни бирон марта ҳам излаб келишмаган.

Чол Носир тоғани ёқтирмайди. «Унинг худоси — пул», дейди. Тоғага эмас, албатта, Алишерга айтади. Чол ўзининг нима сабабдан бу ерларда юрганни ҳеч кимга гапирмайди. Ёлғиз ўғли ва келини борлигини айтган, холос.

Чол ташқарида узоқ қолиб кетди. Шамол эрталабга яқин тинди. Ерга ёруғ тушиши билан атрофни тозалашга киришдилар. Носир тоға ҳам етиб келди. Ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб, сомса ёпилгач, Назира уйига кириб, атлас кўйлагини кийиб чиқди. У жудаям очилиб кетган эди. Бу кўйлакни бир йилда икки марта — Исломининг ва ўзининг туғилган кунинда кияди. Исломдан яна битта эсдалик қолган: момиқ ўйинчоқ кучукча. «Мен йўғимда зерикмай, ўйнаб ўтирасиз», дея ҳазиллашиб олиб келиб берган экан...

— Бугун Назиранинг туғилган кунини, — деди чол Носир тоғага қараб.

— Биламан. Сиз бориб шўрвани тезлатинг. Кеча битта автобус бу ерда тўхтамай ўтибди. Анави тоғорадаги сомсаларни кўряпсизми? Кимга сотасиз энди? Ҳамма гап шофёрларга муомала қила билишда. Ранжитманг уларни. Нима дейишса, хўп, денг, тушунарлими?

Чол ичкари кириб кетди. У ҳеч қачон Носир тоғанинг гапини икки қилмаган. Ҳатто нотўғри гапирганида ҳам.

Назира дўконидан зангори сумка олиб чиқиб, Тоғанинг ёнига келди:

— Носир ака, нима гап? Хафароқ кўринасиз?

— Анави сомсаларни қаранг, — деди Носир тоға тандир супачасида турган тоғорага ишора қилиб. — Автобуслар тўхтамай қўйди, миждозлар камайиб кетяпти. Ҳаммасига чол айбдор. Сал мулойимроқ муомала қилса бўлади-ку! Йўқ, бу кишим унақа қилолмайдилар. Шунинг учун ўз уйига ҳам сиғмай, қариган чоғида бу ерларда тентиб юрибди-да. Хўш, бунини ким тўлайди энди? Балогардон яна ўзим-да...

Назира индамади, қўлидаги сумкани ертандирга ўт қалаётган Алишерга узатди:

— Мана, Алишер, буюртманг.

— У-хў, ажойиб-ку! — Носир тоға бирдан шаштидан тушиб, жилмайди. — Бизнинг ўғилчага ҳам топиб беринг шунақасидан!

— Утган сафар омборчиларга тайинлаб қўйган эдим, кеча ташлаб ўтишди.

Алишернинг кўзлари порлаб кетди:

— Раҳмат, Назира опа, — деди қувониб. — Қанча тураркан?

— Бу сенга совға, келишдикми? — деди кулиб Назира.

— Йўқ, бунақаси кетмайди, — дея Носир тоға чўнтагига қўл солди.

— Хафа бўламан-а, Носир ака!

— Совғани мен қилишим керак эди, бугун туғилган кунингиз! — деди Алишер.

— Кейин, катта бўлганимда совға қиларсан. Нима олиб беришингни ўзим айтаман, бўлтимми? — деди Назира.

— Бўпти.

— Маъмуржонни бир хурсанд қиладиган бўлдинг-да. Қани энди бизнинг шунақа опаларимиз бўлса! — деди Носир тоға оғзининг таноби қочиб.

— Тоға, уйга қачон олиб кетасиз? — деб сўради Алишер.

— Хоҳласанг, бугун.

— Ростданми?

— Тоғанг бир сўзли одам, ҳалиям билмайсанми? — деди кулиб Носир тоға. — Гўштни қиймалаб, пиёзни тўғраб қўй. Эрта билан чол ўзи сомсани узиб, ичкарида сотаверади. Мана, меҳрибон опанг бор, қарашворада...

— Жоним билан, — деди Назира. Сўнг Алишерга қаради: — Менга пича ёрдам бериб юбор, майлими? Қанд олиб чиқишимиз керак.

Носир тоға тандир ёнида қолди. Алишер Назира билан дўконга кириб кетишди.

— Кеча олиб чиққан эдик-ку, дарров сотиб бўлдингизми? — дея ажабланиб сўради Алишер.

— Туғгани йўқ. Чой ичамиз, биласан-ку, ёлғиз ичолмайман.

Назира чой дамлади, пештахтага дастурхон ёзди.

— Назира опа, ўшанда нима олиб бераман?

— Уйинчоқ кучукча, каттаконидан!

— Ундан ҳам зўрини олиб бераман!

— Кўрамиз... Ундан чиройлисини тополармикансан?

Алишер дўкондан қайтиб чиққанда Носир тоға тандир ёнидаги курсида ўтирарди. Қўлида қандайдир нафис қутича. Алишер қутичага қизиқсиниб қаради:

— У нима, тоға?

— Шунақа нарсани ҳеч кўрганмисан? — деди Носир тоға қутичадан бир шода маржон олиб кўрсатар экан. — Жавоҳир-р-от!..

— Кимга бу, тоға? — Алишер ял-ял товланиб турган маржонга қўл чўзди. Носир тоға дарров уни пана қилди, сўнг:

— Чиройлими? — деб сўради.

— Жудаям.

— Назирага олдим...

Алишер маржонни Назиранинг бўйнида тасаввур этиб кўрди. Бугунги атлас кўйлаги, қип-қизил маржон!.. Кейин онасини эслади. Бунақа маржон онасининг тушига ҳам кирмаган. Бировларда кўрган бўлиши мумкин, аммо ўзи... Маржонга пул қаёқда! Яхши ишлаб пул топса, онасига албатта шунақа қизил маржон олиб беради. Онаси тақиб юради. Ҳамма унинг бўйнига — маржонларига ҳавас билан қарайди. Онаси: «Алишер олиб келди. Мендан яширинча пул йиғиб юрган экан. Топиши дуруст-да боламнинг!», дейди. Онаси шунақа, уни доим мақтайди.

— Қанча тураркан, тоға? — дея ийманиб сўради Алишер.

— Анча, — деди Носир тоға, сўнг маржонни авайлаб қутичага солди.

Кечкурун Назиранинг уйига йиғилишди. Чол кўп ўтирмади, чиқиб кетди. Носир тоға ёлғиз ўзи ичиб.



алжирай бошлади. Унинг қилиқлари Назирага ёқмаса ҳам, мезбон сифатида чидаб ўтирарди.

— Алишер, бор, машинага чиқиб дамингни ол, чарчагансан. Сен учун ўтириш тугади,— деди Носир тоға бир пайт.

Алишер ўрнидан туриб, ташқари чиқди. Чол ётадиган чойхонада чироқ ўчган эди. Одати шунақа, эрта

ётади. Алишер тандирнинг орқа томонида турган машинага чиқиб ўтирди. «Маржонларни бермади-ку?— деб ўйлади у.— Е ниятидан қайтдимикан? Шунақа бўлса керак, йўқса, атай чолнинг ёнида тутқазган бўларди. Унга ўзини кўрсатиб қўйиш учун. Бари бир ўтириш яхши бўлмади. Тоға бўлмаганида, бошқа гап эди. Чол, одати бўйича, эрта чиқиб кетарди. Назира

опа эса Ислом ака ҳақида гапирарди. Унинг топган гапи шу. Бошқа нарсалар ҳақида кам сўзлайди. Қандай қилиб учрашгани, қандай қилиб бу ёқларга бирга қочиб келгани ва яна кўп воқеалар ҳақида айтиб беради. Ислом акани ҳудда яхши кўради-да. Ҳеч кимга билдирмай йиғласа ҳам керак. Ахир ўзи айтади-ку: «Йиғласа одамнинг кўнгли бўшайди», деб. Демак, йиғлайди. Ислом ака ҳақида гапирётганда кўзлари намланганини кўрганман. Лекин зўрма-зўраки жилмайиб, билдирмасликка ҳаракат қилади. Онам-чи? Уям йиғлайди. Аиниқса, аза очилган кундаги йиғиси...

Алишернинг кўз олдида ўша кун гавдаланди. Онаси... Ҳар доим иккита қилиб ўриб юрадиган узун сочлари тўзғиб, елкаларини қоплаган. Кўйлагининг этаклари тикилмаган. Оппоқ, мотамсаро кўйлагининг узунлигидан оёғидаги маҳси-калиш зўрга кўзга чалинади. Белига кийимлик ўраб олган. Қаддини кўтармайди, дийдиё айтиб йиғлайди. Овози бошқача, давра қуриб йиғлаётган аёлларникидан ажралиб туради. Тиззаларига шапиллатиб йиғлайди...

Ушандан сўнг Алишер онасини фақат шу қиёфада туш кўрадиган бўлди.

Алишер яна бир воқеани сира эсидан чиқармайди. Ушанда уйга катта холаси келган эди. Ҳаммалари бир хонада ётишди. Қоронғи, фақат соат чиқиллайди. Алишерни ухлаган фаҳмлаб, холаси гап очди:

— Замира, ухламадингми?

— Йўқ, нимаиди?

— Болалар қийнаб қўймаптими?

— Нега қийнаркан?

— Ҳозир билинмайди-ю, кейинчалик... Отасиз, сенга оғир бўлармикан... Анави, Мухторжон бор-ку...

— Қайси?

— Универмагда ишлайдиган, иккинчи қаватда, кийимлар бўлимида...

— Ҳа, эсладим, яқинда хотини ўлган.

— Тунов руни ўшанинг онаси менга: «Гап солиб кўринг-чи, рози бўлса, Мухторжон билан жуфтлаштириб қўя қолайлик», деган эди...

Онаси индамади. Алишернинг қулоқлари динг бўлди. Соат ғашга тегиб чиқиллайди.

— Йўқ, опа, қўйинг. Алишер катта бўлиб қолган.

Яна жимиб қолишди. Бир оздан сўнг онаси айвонга чиқиб кетди. У йиғларди, пиқиллаган овози Алишернинг қулоғига чалиниб турарди. Холаси ҳам айвонга чиқди. Уни юлатган бўлди. «Нима қилишимни билмайман», деб йиғларди онаси.

Алишер туриб унинг ёнига чиққиси, юпатгиси, этакларига ёпишиб, «Дунёдаги энг яхши одам — сизсиз!», дегиси келарди. Алишер ҳамма нарсага тайёр: керак бўлса, ишлайди ҳам! Фақат...

Алишер Носир тоғани узоқ кутди. У чиқавермагач, Назиранинг уйи томон юрди. Эшикка яқинлашганида жувоннинг йиғламсираб, қаттиқ-қаттиқ гапирётгани эшитилди:

— Йўқолинг, ҳозир дод соламан!

— Сизни яхши кўраман, Назира! Етар шунча ёлғиз яшаганингиз! Сиз ҳам аёлсиз. Энди бирга бўламан, бошимга кўтариб юраман!

— Аёлман, лекин сиз ўйлаганлардан эмасман!

— Назира, жоним...

— Яқинлашманг, кўлимни қўйворинг!

Ичкари бирдан тўполон бўлиб кетди. Алишер ҳамон нима қилишини билмай, эшик ёнида турарди.

— Аблах, ифлос, қўйвор! Ердам беринглар! Алишер!

— Узингиз шарманда бўласиз, бақирманг.

Алишер шаҳд билан эшикка ёпишди. Ичкаридан беркитилганини сезгач, мушти билан ура бошлади. Тўтқични бир неча марта силтаб тортди:

— Очинг эшикни, тоға, очинг деяпман!

Ичкаридан Носир тоғанинг овози эшитилди:

— Бор, йўқол! Катталарни пойлаш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман сенга!

Алишернинг шашти пасайди. Носир тоға ҳеч қачон урмаган-сўкмаган бўлса-да, Алишер ундан доим ҳайи-

қиб турарди. Лекин ҳозир Назиранинг пиқиллаб йиғлаётганини эшитаркан, чидаб туролмади, ялингансимон оҳангди:

— Эшикни очинг, тоға,— деди.

— Кет, деяпман!— Носир тоғанинг овози таҳдидли эди.

Назиранинг илтижоси эшитилди:

— Алишер, кетма!

Бирпасдан кейин эшик очилди. Ичкиликдан башараси қузариб кетган Носир тоға Алишерга совуқ текилиб турарди. Хонадаги стол тўнтарилган, доимо текис турадиган чойшабининг ярми сирғалиб каравотдан пастга осилган, момик кучукча гиламда думалаб ётар эди. Назира эса юзларини кафти билан беркитганча йиғларди.

— Бор, Алишер, машинага бориб ўтир!— деб ўшқирди Носир тоға.

— Кетмайман, тоға!— Алишернинг кўзлари ғазабдан чақнарди.

Носир тоға эшикни беркитмоқчи бўлган эди, Алишер оёғини остонага тиради. Носир тоға болани туртиб юбориб, ташқарига юлқинган Назирани кучоқлаб олди ва эшикни ичкаридан беркитди. Алишер Назиранинг чинқирғидан оғриқни ҳам унутиб, ўрнидан сапчиб турди. Яна эшикка ёпишди:

— Очинг, тоға, Назира опамга тегманг! Қўйиб юборинг уни!

Кутилмаганда бўлган воқеадан ўзини йўқотиб қўйган Алишер нима қилаётганини билмас, бирдан-бир ўйи — нима қилиб бўлса ҳам Назирани Тоғадан қўтқариб қолиш эди. У ҳозир даҳшатли бир нарса юз бераётганини англаб турарди.

Алишер атрофга олазарак кўз югуртирди. Қўлига илашган хода билан жонхололда эшикни ура бошлади. Сўнг телбаларча гангираб, чол ётадиган хона томон чопди. Эшикнинг зарб билан очилишидан чол чўчиб уйғонди. Алишер чироқни ёқди. У дағ-дағ титрарди.

— Тез юринг! У ёқди...

Чол ёстиқ остидан эски чопонини олиб, калишини кийди-да, Алишерга эргашди. Назиранинг уйига яқинлашар экан, одатдагидек йўталиб қўйди. Ёлғондакам йўтал. Нима гаплигини дарров англаб етган, лекин ҳозир Носир тоғага рўбарў келишдан чол чўчиб эди.

Чол етиб бормасидан эшик очилди. Назира чолни кўриб хўнграб юборди. Бориб, каравотда сочилиб ётган маржонларни олди-да, чолга тутқазди. Маржонлар чироқ ёғдусида кўзни қамаштиргудай ялтирар эди.

— Унга беринг,— деди аста.

Чол маржонни олиб, остонада турган Носир тоғага узатди. Назира ўйинчоқ кучукчани ердан кўтариб, бағрига босганча каравотга чўқди. Унинг елкалари кўтарилиб тушар, овозини чиқармаслик учун юзини момик кучукчага босганча йиғлар эди.

Носир тоға чиқиб кетди. Чол билан Алишер Назирага тикилиб қолишган, унинг кўнглини кўтарш учун бир сўз тополмай қийналишар эди. Алишер пиёлага чой қўйиб, Назирага тутди.

Ташқарида машинанинг ўт олдирилгани эшитилди. Назира Алишерга қаради: «Кетмайсанми?»

— У билан кетмайман!— деди Алишер ер чизиб.— Эртага кетаман. Бугун сизнинг туғилган кунингиз-ку!.. Машина жўнаб кетди.

Бир оздан кейин Алишер ташқари чиқди. Осмон юлдузларга тўла. Чўл гармселининг иссиқ тафти юзга урилади. Қари толлар оҳиста чайқалади. Алишернинг кўзлари ёшланди. Уларини эслади. Онаси... Маъмур... У ҳеч ўзини босолмас эди...

Бир пайт орқадан шарпа эшитилиб, у ўгирилди. Икки-уч қадам нарида елкасига катта рўмол ташлаб олган Назира турарди. Болага яқинлашиб, уни бағрига босди:

— Алишер, йиғлама,— деди у синиқ товушда,— эртага сени ўзим йўловчи машинага ўтқазиб юбораман.

Мен ҳамма нарсани тайёрлаб қўювдим...

— У маст бўлиб қолди, мастдан хафа бўлма. Ие, кап-катта болаям йиғлайдимми?

— Назира опа, у яхши одам эмас. Мен уни ёмон кўраман! Бир кун ҳам бу ерда тургим йўқ. Лекин...

— Биламан, Алишер ҳаммасини биламан. Қўй энди, юрагимни эзвординг. Тўғилган кунимдаям йиғлайсанми?

Алишер Назирага ўғирилди. Кўз ёшларини артди.
— Юр энди,— дея уйга бошлади Назира. Алишер унга эргашди. Остонада чол ўтирарди. Уларни кўриб, ўрнидан турди.

— Кечир мени, қизим,— деди у ва чойхона томонга ўтиб кетди. Назира унинг ортидан хомуш тикилиб қолди.

* * *

Алишер уйларига эрталаб кириб борди. Онаси айвондаги супада ўсма қўйиб ўтирарди. Алишерни кўриб, унга пешвоз ўрнидан турди.

— Сени янаги ҳафта келади, деган эди-ку?— деди яқинлашаркан, кулиб.

Алишер бирдан тўхтади: онасининг бўйнида маржонлар бор эди!..

Она ўғлини қучди. Маржонлар Алишернинг юзига ботди.

— Юр супага, чой ичиб ол,— дея она айвонга қайтиб, ўраб қўйилган дастурхонни очди. Алишер базўр бориб унинг қаршисига ўтирди. Бу ўша, кеча Назира опа қайтарган маржонлар эди, у дарров таниди.

— Ҳа, сенга нима бўлди? Бирон жойинг оғрияптими?— деб сўради онаси.

— Йўқ, ўзим...

Она ўғлининг маржонларга тикилиб қолганини кўргач, жилмайди:

— Ярашибдимми? Кеча магазиндан олдим. Арзонгина экан, лекин тилладай ялтирайди.

— Ҳа, худди тилладай,— деди Алишер.

Она чой қўйиб узатди. Алишер бир пиёла чой ичган бўлди. Лекин кўнглига ҳеч нарса сиғмасди. Тезроқ бу уйдан чиқиб кетгиси келарди. Онаси, аксига олгандай, бўйнидаги маржонларни ушлаб-ушлаб қўяр, дам-бадам ўрнидан туриб, устунга осилган ойнада ўзини томоша қилар, Алишерга қараб жилмайганча «Қалай?» дегандай бош ирғаб қўяр эди.

— Бизга энди шунақаси ҳам бўлаверади,— деди онаси бир пайт кўзларига ёш олиб.— Даданг бўлганида тилласидан олиб берарди. Эҳ-х, бевафо дунё!

Алишер онасининг ўша аза очилган кундаги қиёфасини кўз олдига келтирмоқчи бўлди. Этаклари тикилмаган олпоқ қўйлак... Енглари узун-узун... Сочлари тўзғиган... Йўқ, тасаввур қилолмади. Нимадир ҳалақит

берарди, ниманидир... Ҳа, топди. Маржон! Шу! Қани, иложи бўлсаю онасининг бўйнидан уни юлқиб олса, ўша ялтироқ маржонлар ер билан битта бўлиб сочилиб кетса, кейин уни оёқлари билан эзгилаб-эзгилаб ташласа! Қани энди...

Йўқ, у узоқ ўтиролмади. Маъмурни кўришни баҳона қилиб, тез кўчага чиқиб кетди.

Унинг йиғлагиси келарди. Кимдир бўлса — унга яқинроқ бирор одам — ёнига борса-да, йиғлайверса. У сўраса, «Нима бўлди?», деса, Алишер айтмаса, йиғлайверса, юпатса, юпанмаса — йиғлайверса. Ёки кимсасиз жой бўлсаю ҳеч ким ҳалақит бермаса, тўйиб-тўйиб йиғласа... Шунда бир оз таскин топармиди?..

Алишер муюлишга етганда укасига дуч келди. Маъмур, бир ёнида эски, йиртиқ сумка, иккинчи ёнида туғунча, ўриндиқда ўтирарди.

— Нима қилиб ўтирибсан?

— Узим. Келдингизми, ака?— Маъмур қўл бериб кўриши.

— Сенга сумка олиб келдим, зангори, жуда чиройли,— деди Алишер унинг ёнига ўтираркан.

— Керакмас,— деди Маъмур. У негадир хафа эди.

— Нима бўлди?— деб сўради Алишер.

— Келганингизни Улуғбек айтди. Кетаётувдим, йўлдан қайтдим.

— Қавққа?

— Чўлга, ишлагани.

— Узи нима гап, мундоқ тушунтирсанг-чи?

— Мени олиб кетинг, ака!

— ...

— Сиз билан кетгим келяпти. Сизга ёрдамлашаман. У ерда Назира опа, чол бува бор, деган эдингиз. Доим уларни мақтайсиз. Олиб кетинг, ака. Сизлар билан ишлайман... Агар олиб кетмасангиз, ўзим қочиб кетаман!

— Аввал гапир-чи, нима гап?

— Носир тоға келади. Ароқ олиб келади. Уйде, ойим билан ўтиришади. Мени ошхонага чиқариб юборишади. Кейин ойим бизларни қарғайди. «Сен, етимчаларни деб, умрим хазон бўляпти», дейди. Йиғлаб-сиқтайди. Носир тоға кўпинча ётиб қолади. У келган кунлари мен ошхонада тунайман. Кечаям келди. Ошхонада ётгани қўрқаман, ака! Улар мени олдиларига киритишмайди, ичкаридан беркитиб олишади. Мен эса ёлғиз ётгани қўрқаман. Олиб кетинг, ака, сизга оғирлигим тушмайди. Айтганингизни қиламан. Фақат ташлаб кетманг. Ёлғиз ётгани қўрқаман...

Маъмур йиғлар, Алишер эса ёшли кўзларини укасидан олиб қочиб, тез-тез артиб олар, лекин яна ёш қуйилиб келаверар эди.

У йиғлаётганини укасига билдириб қўйишдан кўрқарди.

Чавандозлар



Болалик.

Меҳмонлар.

Гурунглр.

Гурунглр, гурунглр — отлар ҳақида.
Улар сўйлар кўзлари чақнаб,
Терлаб, порлаб сўйлашар улар.
Ташқарида титрайди кеч куз.
Дастурхонда — кечки узумлар.
Улар сўйлар,
Тинглайман бесўз.
Кўз ўнгимдан ўтар уюрлар.
Олис-олис тунларим ичра
Улар сўйлар завқланиб, тўлиб.
Мен тинглайман,
Кеч куз тугайди.
Улар сўйлар тинмай қиш бўйи.
Сўнг ўйғониб кетаман бир тун:
Бўш ўринлар...
Тўрт хомуш девор...
Тириллайди олис қирларда
Елғизгина трактор.
Баҳор.

* * *

Достонлар тилимни равон қилурлар,
Равон сувлар каби сўйлайди тилим.
Юраклардан тортиб тақдирларгача,
Тақдирлардан тортиб юракларгача
оппоқ наво янглиғ тўшалган
Жуманбулбул сатрлари —

бу менинг йўлим.


Бир чол май узатар менга —
бу Хайём.

Бир чол «Ичма», дейди менга —
бу бобом.

Тунни бошлаб берар эртақдаги байт,
Ойнинг нурларига чўмилар уюр.
Кетган кимсаларни эсдан чиқармай,
Қолган кимсаларни ёдимда сақлаб
мен йўлга чиқаман,

тилимда

нодир гавҳар каби тўғилар
Энг керакли шеърнинг керакли сўзи.
Шарқираб оққувчи сойлар — нутқимдир,
Қайнаб чиқаётган булоқлар — фикрим.
Улкан кўзгулардай — кўллар бўйида
Қизлар ўз сирларин менга очарлар
Ширин-ширин тиллари билан.
Шаршаралар шиддатида йигирма ёшим,
Йигирма ёшимда мени ранжитманг,
Мен ҳали ҳеч кимни хафа қилмадим,
Ширин сўзлар айтинг менга, дунёлар!
Пахса деворларда бармоқлар изи...
Асрий тоғлар суккути ичра



Сирожиддин
САИДОВ

Равон сувлар каби сўйлаган тилим —
Жим!

Пахса деворларда бармоқлар изи
Қадим ёзувлардай мени ўйлатар —
Шошилмай ўқийман бу ёзувларни...

* * *

Саъдий ғазалларин саҳроларидан
Бир садо келади: «Эй, сорбон...»
«Эй, сорбон...» изғийди қумларда,
Бир гадо кулади:
«Йўқ карвон».
«Эй, сорбон...»
Шаҳарлар ёнади.
Карвонсаройларда — тутунлар.
Саҳрода карвонни талайди
Қуюнлар.

Қуюнлар.

Қуюнлар.

...Булар тепалармас, дўнгликлар эмас,
Кўмилган туялар,

туялар...



Сулаймон
ОБЛОҚУЛОВ

Кичик ҳикоялар

ХАЁЛ



на, қўйинг шу ташвишларингизни! Қўйинг! Сиз ҳам бирор кун бундоқ, бизларни ўйламасдан яшанг!

Фикру зикрингиз — тўй, орзу-ҳавас. Уйга кирасиз — шуни ўйлайсиз, кўчага чиқасиз — шуни ўйлайсиз. Қўшнинг олдида ҳам шуни гапирасиз, пахта тераётиб ҳам шу ташвишда юрасиз.

Бошингизни ёстиққа кўясиз — хаёлингизда яна шу гап. Қўйинг энди, булди!

Бизнинг бировдан камчилигимиз йўқ. Келагагимиз эса ўзимизга боғлиқ. Ўзимиз яратамиз уни. Сиз сиқилманг. Унда кўра, у ёқ-бу ёқни ҳам кўринг, томоша қилинг, қувонинг.

Дунё бепоён, онажон, сиз эса ҳалигача ҳеч ерни кўргангиз йўқ. Ойда-йилда бир марта район марказига тушасиз. Шунда ҳам тўй учун, нимадир харид қилиш учун!

Курорт — сизнингча, бир... Америка! «Вой, нима қиламан у ерда?» Тошкентга боришга-ку, беш йилдан буён: «Ҳай, бир кун борарман, боллам, аввал ишларни санжоб қилайлик», деб асло унамайсиз.

Онажон, бундан кўп йиллар аввал қандай эдингиз-а! Ёдингиздами, акам, укаларим — ҳаммамизни бағрингизга олиб, давра куриб эртасанга айтиб берардингиз. «Чумчуқча»ни айттардингиз. «Бир кун чумчуқча инидан йиқилиб тушибди. Шунда кееқдандир бароқ мушук пайдо бўлибди...», дердингиз. Шу чўлчанни кўп айттардингиз. Биз ҳам қайта-қайта эшитиб тўймасдик. «Чумчуқчани айтинг, чумчуқчани!», дея чуғурлашардик чумчуқчалардек.

Уқувчилик йилларингиз ҳақидаги гапларингиз эсингиздами? «Усмон Носирнинг шеърларини бирам яхши кўрардим, бирам яхши кўрардим! — дердингиз (бу гапларни негандир ёлғиз менга айттардингиз). — Адабиёт муаллимимиз бир кун Усмон Носир қисматидан сўзларкан, тўсатдан синфдан чиқиб кетди: кўз ёшини яшириш учун. Аломат дарс берарди-да ўзиям...»

Урушда ҳалок бўлган шу ўқитувчингиз тўғрисида кейин узоқ-узоқ

Расми О. АСОМОВ чизган

сўзлаб кетардингиз. Мен нафас ютиб тинглардим.

Онажон! Қани ўша даврлар?! Қани ўша бизга эртак айтиб берган кезларингиз? Узғариб кетибсиз, онажон! Эллик ёшга кирмасдан кексайиб қолибсиз. Соғлигингизни ҳам ўйланг, ахир. Узингизни қийнаманг кўп. Қон босмингиз бусиз ҳам яхшимас. Бизларга бало ҳам урмайди.

Биласизми, онажон, мен доим сизга бир нарсани айтмоқчи бўламан-у бироқ ҳар сафар негадир айтолмайман. Нега бундай — тушунтириш қийин. Аммо яна Тошкентга қайтаётганимда айтмаганимга пушаймон қиламан. Йўл бўйи — поездда, самолётда ўз-ўзимга сўз бериб келаман... Онажон, биласизми, нима демоқчи бўламан? Мен тантиқман, ўжарман. Лекин мен сизни жуда яхши кўраман, онажон! Шундай демоқчи бўламан. Яна, яна...



Бахтиёрга уйдан телеграмма келди: онаси оғир ётган эмиш. Бахтиёр гангиб қолди. Кийинаётганида, кийиниб бўлиб пастга тушаётганида, ётоқхона йўлагига хонасининг калитини илаётганида баттар довдиради; кўчада, автобусда, ниҳоят, аэропортда — кўраётганлари, эшитаётганлари гўё тушида рўй бераётгандек туюлди. Самолёт осмонга кўтарилганда эса бирдан йиғлаб юборди.

Тасавурида — онаси: злу хешлар қуршовида, юзлари докадай оқарган, кўзлари юмук, ўзини билмай ётибди...

Бахтиёр йиғи аралаш шивирлади: «Агар онажонимни тирик кўрсам, агар онажоним соғайиб кетсалар, фақат яхши гаплар айтаман, доим ёнларида парвона бўламан...»

Икки соатлардан сўнг у, қилган аҳдини унутиб, айвонда онаси билан сўхбатлашиб ўтирар, суҳбат мавзуи «Ҳа, Тошкентдаям иссиқ», «Ҳозир яхшиман, шукр» каби одатдаги сўрашишлар, майда-чуйда янгиликлардан иборат эди.

Телеграммани ўқиётганида «Салом билан аканг» деган сўзлар Бахтиёрга бирмунча тасалли берган, юрагида ожиз бир илинж — нохуш хабарнинг хато ёки ёлғон эканига ишонч йилт этган эди.

Гумони рост бўлиб чиқди: онаси касал эмас экан. Бахтиёр акасидан ранжимади:

— Узим ҳам сездим-ов, агар онам ростдан бетоб бўлсалар, «Салом билан...», дейишга бало борми, деб...

Акаси ўйланиб:

— Сен Тошкентни кўй энди, ука. Бунинг учун Тошкент сендан хафа бўлмаса керак. Иш шу ердаям топилди,— деди.

Бахтиёр университетнинг сиртки бўлимида ўқир ва қурилишда ишлар эди. Акаси бундан норози эди, доим, шу ёққа келиб ишла, деб юрарди. Телеграммдан мақсад эса — саркаш укасини «бир кўрқитиб», ўз гапига кўндириш экан...

Орадан бир ой ўтиб, Бахтиёр акасидан тагин телеграмма олди: «Онам вафот этдилар».

Бахтиёр йўл бўйи илтижо қилиб борди: «Илоҳим,



ойиси билан дадаси қаттиқ-қаттиқ қичқиршарди. Уларнинг баъзи сўзларига Ғайрат тушунмасди. Бир куни: «Ойи, Андиша ким, оти нега Кўрқоқ?», деб сўраган эди, ойиси кулди.

Ана, улар ҳозир ҳам ғалати гапларни айтишяпти: «Аммамнинг бузоғи!», «Шайтонга дарс берасиз!», «Тўрт томонинг қибла!», «Осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юборинг!»

Кизиқ, дадаси қандай қилиб осмонни ташлаб юборди? Нега ойиси бунақа дейди?

Кеча Тошкентга қайтаётиб сизни қаттиқ хафа қилдим. Мени деб, йўлга чиқади, деб хамир қилдингиз, кулча ёпдингиз. Мен нодон бўлсам-чи, портфелимга солган кулчаларингизни олиб ташладим. «У ёқда нон йўқ эканми?», дедим.

Келаётиб қанча пушаймон қилдим! Доим шундай бўлади. Қилғиликни қилиб қўяману кейин пушаймон қиламан. Сиз билмайсиз, онажон, пушаймон қиламан! Ушанда индамай нари кетмасдан бир озгина койимайсизми? Ахир, болалигимда койирдингиз-ку, онажон? Ёки — биз энди катта бўлиб қолдигу бизга ақл кирганими?

Йўқ, бу хат ёзилмади. Бу хат ҳали дўстимнинг кўнгилида. Бу хатни дўстим онасига қачон ёзади?

Ёзадими?

Улградимми?..

ҲАЁТ

дарвозамиз олдида ҳеч кимни кўрмайин-да... Илоҳим, бу сафар ҳам хабар ёлғон бўлиб чиқсин-да...»

Канал ёқасидаги ёлғизоёқ йўлдан қишлоғи томон бурилганида қора кийинган аёлни мингаштирган бир киши мотоциклини тариллатиб ўтди... Кейин яна шундай либосли икки-уч аёл енгил машинада ўтиб кетди.

Бахтиёр уларга қарамасликка, уларни танимасликка ҳаракат қилди, танимади ҳам.

У тинмай илтижо қиларди: «Тошкентдан бутунлай келаман! Онам нима десалар шунини қиламан! Фақат ҳовлимиз олдида одам тўпланмаган бўлсин, хабар ёлғон бўлиб чиқсин».

Бир пайт ёнига мотоцикл келиб тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Қўшнилари — Маъруф ака... Тўн. Белбоғ. Дўппи. Кўзлари қизарган...

У мотоциклини индамай ортига қайтарди. Бахтиёр ҳам ҳеч сўз демай мингашди.

Чурқ этмай жўнадилар. Бахтиёр энди негадир йиғлаёлмасди.

Маъруф ака мотоциклини ҳайдаб бораркан, бир пайт тезликни хиёл пасайтириб, орқасига ўгирилди:

— Туппа-тузук юрган эдилар... Бизникига чиқиб, онам билан анча гаплашиб ҳам ўтирибдилар. Сенга пул юборамиз, ҳам дебдилар.

— Қачон?... («Улдилар», демади, деёлмади.)

— Кеча кечқурун.

«Билардим-ку! Аҳд қилган эдим-ку! Ёнларидан жилмайман, яхши сўзлар айтаман, деб ўзимни ишонтирган эдим-ку!»

Ҳа, у биларди: онасининг ҳамиша бетоблигини, касали оғир эканини, бир кунмас-бир кун тўсатдан йиқилиб қолиши мумкинлигини... Буларнинг барини жуда яхши билар, жуда яхши англар, эсига тушган кезларда ич-ичидан ачинар, қайғулар, баъзан даҳшатга тушар эди.

Бироқ, бунчалик бўлишини, ўлим — ғоят катта бир фожиа эканини, у ҳеч қачон, ҳеч нарса билан ҳисоблашмаслигини, ҳамиша доғда қолдириб кетишини бари бир ўйлаб кўрмаган, тасаввур этолмаган, билмаган, билолмаган экан...

БОЛА

У катта бўлганда-чи, ҳечам уришмайди. Ойисини, йўқ, хотинини сираям хафа қилмайди. Уришмасдан, кулиб гаплашади Лола билан. Лола — хотини. Аммаси шундоқ дейди-ку. Аммаси жуда яхши. Уни Ғайратнинг ойиси ҳам, дадаси ҳам «амма» деб қақирадилар, Лола бўлса «буви» дейди.

Ҳозир аммажони кепқолса соз бўларди-да! Ойиси дарров: «Бўлди, нафасингизни ўчириб, аммам келяптилар!» деб, уйни саранжомлашга тушар, Ғайрат эса аммасига пешвоз югурар, қўлларидан тортиқлаб уйга қистар эди. Аммаси билан бошлашиб хонага кираркан,



ойисининг кулиб турганини кўриб аввал ҳайрон бўлар, кейин қувониб кетар эди: қандай яхши! Аммажони келсалар қандай яхши! Ойиси билан дадаси доим ана шундоқ кулиб юрсалар-ку...

Аммаси уйга кирган заҳоти уларнинг уришиганини пайқайди. «Яна жиқиллашибсизлар-да, яхши эмас», дейди. Ойиси ҳам, дадаси ҳам индамайди. Кейин аммаси Ғайратга қарайди ва бирдан уни бағрига тортади-да, қулогига пичирлайди: «Лолани олсанми?» «Мен ҳали кичкинаман-ку!», дейди Ғайрат. Ҳаммалари кулиб юборишади. Мазза!

...Ойиси билан дадаси ҳамон жанжаллашишяпти.

Улар гоҳ бирдан жимиб қолишади. Шунда Ғайрат қувониб кетади: тамом, энди уришишмайди. Лекин бир оздан сўнг дадаси тагин сўз бошлайди. Гапираверади, гапираверади. Худди уришмаётгандай... Мана шундай аста гапираверсалар-ку...

Ойиси индамай ишини қилаётган бўлса-да, жанжал ҳали тугамайди. Мана, ҳозир бирдан бақириб бери-

ради! Эҳ, ойиси индамай ўтираверганда-ку, дадаси ўзича гапираверарди, гапираверарди, кейин уришаётгани эсидан чиқиб кетарди...

Бола, аммам келмаяптимикан, деб ҳовлига қаради. Кеч кириб, ташқарини қоронғилик қоплай бошлаган. Аммасидан эса дарак йўқ.

Боланинг хаёлига бир фикр келди, бориб аста эшикни очди-да, шиддат билан ҳовлига отилди, кўчага чиқиб, йўлак бўйлаб чопиб кетди.

Симёғочдаги лампочкалар кўча эшиклари саҳнани ёритиб турар, атрофда болалар чопқиллаб ўйнар эди.

Ғайрат ўйнаб юрган ўртоқлари олдидан югуриб ўтди-да, кўча адоғидаги кўк эшик олдига бориб тўхтади. Берк экан. Утиб бораётган бир амаки уни кўриб, қўнғироқ тугмачасини босиб берди. Эшик очилиб, остонада Лола пайдо бўлди.

— Уйда ҳеч ким йўқ. Бувим Комилларникидалар,— деди у.

Ғайрат югура кетди. Комилларнинг уйи яқин; у ҳам 1-«Б»да ўқийди.

Бола чопиб бораркан, кўз ўнгига шундай манзара турарди: Комилнинг ойиси билан дадаси ва Ғайратнинг аммаси чой ичиб ўтиришибди. Аммаси нимадир дейди, улар кулишади...

Комилларникига кириб борса... синфдошининг ойиси қўлини силкитганча қичқиряпти, ғазабдан афти буришиб кетган аммаси эса тинмай уни қарғаяпти...

Ғайрат секин аммасига яқинлашди:

— Амма, аммажон, бизникига юринг!

Аммаси уни пайқамасди. Бола унинг қўлидан тортди:

— Амма, аммажон...

— Нар и тур-э, жувонмарг!

Ғайрат бир зум анграйиб қолди... Сўнг аста орқасига қайтди. Бошини қуйи солиб бораркан, ўйлади: одамлар нега уришади? Ахир, уришиш ёмон-ку! Ахир, ўзимизникилар немисларни уруш қилгани учун ёмон кўришган-ку! Генерал Раҳимов кинода шундоқ деган эди. Ҳозир у уришаётган одамларни кўрса, қириб ташларди! Лекин Ғайрат аммасини отишга йўл қўймасди. «Уртоқ генерал, бир марта кечиринг, энди ҳечам уришмайдилар!», деб илтимос қилган бўларди. Кейин... ойиси билан дадасиниям кечирини сўрарди. Аввал уларга: «Энди сираям уришмаймиз», деб сўз беринглар», деб айтарди. Кейин ёнида автомат ушлаб турган генерал Раҳимовга: «Уртоқ генерал, майли, бошқа уришмайдилар», дерди... Эҳ-х!

Бола секин-секин, узоқ юриб борди. Бирдан ўпкаси тўлиб, пиқиллаб йиғлади ва орқа-ўнгига қарамай югура кетди.

Ҳовлилари жимжит эди. Бу жимжитлик уни баттар кўрқитди. Юраги бетламай эшик ёнига борди. Аста ичкарига кирди. Дадаси уйда йўқ, ойиси синган идиш бўлақларини жимгина йиғиб олаётган экан.

— Қаёққа гумдон бўлдинг!— деб сўради у хўмрайиб.

Бола дағ-дағ титради. Она югуриб келиб уни бағрига олди:

— Нима бўлди сенга, айланай!

Бола онасининг бағридан юлқиниб чиқди-да, кўчага отилди.

— Лола, менинг бу ердалигимни оймга айтма! Уйга бормайман энди!

— Бормасанг, қидириб юришади-ку?

— Майли, қидираверишин!

— Ақлинг йўқ сенинг. Менинг ақлим бор!

— Лола, мен катта бўлсам-чи, сени оламан!

— Биламан.

— Ким айтди?

— Бувим.

— Менга ҳам айтган эдилар... Биз-чи, Лола, катта бўлсак уришмаймиз, хайми?

— Хай.

— Уруш ёмон-а, Лола?

— Ёмон.

— Катталар нега уришади, э?



Бугунги навқирон ёшлар кечаги оловқалб болалардир. Шу боис иқтидорли шоир Пўлат Мўмин ижодидан баҳраманд бўлмаган журнал-хон топилмаса керак. Узбек совет болалар адабиёти тараққиётида Пўлат Мўминнинг ўзига хос ҳиссаси бор. Болалар дилини ва тилини, психологиясини чуқур билган шоир шеърини ўзининг жозибадорлиги билан минглаб ўқувчилар қалбидан жой олган. Шоир қирқ йиллик ижодий фаолиятида ўзининг қирққа яқин шеърини китобларини чоп этди. «Сайранг қушлар», «Офтоб чиқди оламга», «Одоб ва офтоб», «Барча бола дўст бўлса», «Олтмиш олти олтин қўл» каби асарлар шулар жумласидандир.

Адабий жамоатчилик Пўлат Мўминнинг олтмиш ёшлик қутлуғ тўйини нишонламоқда. Биз ҳам «Ёшлик» журналхонлари номидан қутлаб, шоирга узоқ умр, ижодига эса барака тилаймиз.

Ёшлик нима?

Ёшлик ўзи гул, дегани,
Ёшлик сўзи кул, дегани.
Гул очилса кўлиб турар,
Кўнгил ундан тўлиб турар.

Ёшлик сени чиниқтирар,
Ақлу ҳушинг тиниқтирар.
Ёшлик сени ўйлатади,
Ўйнатади, кўйлатади.

Ёшлик дейди:— Йўлингни топ,
Боғлардан ўз гулингни топ!
Ёшлик дейди:— Урган, ўрган,
Кўп билади кўпни кўрган.

Ёшлик фасли бахт, дегани,
Олтинга тенг вақт, дегани.
Ёшлик асли йўл, дегани,
Йўлга тайёр бўл, дегани.

Денгиз

каттакон ванна

Яширмайман мен сиздан,
Кўрқар эдим денгиздан...
Кенглигини кўргандурсиз!
Гапимни тўғри дерсиз.

Нақ, бошланса тўлқини —
Эўр деб билардим уни...
Чўмилганларни кўриб,
Четда турардим кўрқиб.

Нега чўкишмас, дердим,
Нега чўчишмас, дердим.

ПЎЛАТ МЎМИН

Қилишмай назар-писанд,
Чўмилишарди хурсанд.

Мен бўлсам-чи, ишонмай
Сирин бор деб, ҳарқалай —
Яқинлашмай қирғоққа,
Қочардим нарироққа.

Тушларимда кўрардим,
Денгиз узра юрардим.
Рост бўлса деб ўнгимда —
Ўйлар эдим кўнглимда.

Бошқалардан нимама кам,
Роса қиларди алам.
Сира-сира бўлмади,
Кўнгил қурғур тўлмади.

Ўйлаб турдим-да дилда —
Ўзимга бердим дўлда.
Ўшанда қирғоққа ўтиб,
Қараб қўйдим ҳар ёққа,
Ўхшаб роса қўрқоққа...

Нимасини айтай сизга,
Шартта тушдим денгизга!
Бир роҳатинжон экан,
Бир роҳатинжон экан,

Сувлари илиққина,
Танга ёқимликқина,
Тўлқини беланчақдай,
Тебратар экан, ҳай-ҳай...

Баданларини силаркан,
Соғлиқини яхшиларкан.
Аслида денгиз деган —
Каттакон ванна экан.



ШАРОФ
УБАЙДУЛЛАЕВ

СЕН МУҲАББАТ ЁШИДАСАН...

Бўлим эшиги оҳиста очилиб, йўлакда оқсоч боши ярим эгик, ўрта ёшли, бўйчан киши пайдо бўлди: унинг маънос ҳолатида «кирсамми-кирсамми?» деган савол ҳукмрон эди. У хонадагиларга сўзсиз жавдирар, бу нигоҳдан у кимнидир ахтаргандек ва айна пайтда ўз қадамидан ўзи шубҳада тургандай эди. Гарчанд кўзларида қатъият ва шитобий ҳислар қалқимаса-да, оғир кечган ҳаётининг, илм кишиларига хос тийран соддаликнинг ўзига хос кўриниш ва белгиларини пайқаш қийин эмас. Шу ҳолатда ҳам у пахтанинг янги навини яратиб баравар ҳаммининг тилига тушган олимлардан бирига жуда-жуда ўхшар, бу эса ҳайрат устига ҳайрат қўшиши табиий эди.

— Марҳамат, домла, марҳамат,— мен унинг бошқа одам эканлигига шубҳа қилмаган ҳолда таклиф этдим.— Хуш келибсиз.

Домла таклиф қилинган жойга оҳиста кўниб, бир бизга, бир қўлидаги ихчамгина папкага кўз югуртириб, секин бош кўтарди. Рўпарадаги деразадан айниб турган қиш ҳавосига чуқур разм солганча, қор учқунлашини энди кўраётгандек тикилиб қолди.

— Янги йилга қор ҳада этиб, табиат мардлик қилди,— дедим ўртадаги сукунатни чекинтириш мақсадида, деразадаги манзарага ишора қилиб.— Қорсиз янги йил— янги йилга ўхшамайди-да...

— Ҳа, яхши бўлди...— деди домла қисқагина маъқуллаб.

— Болалар яйрайди-да, бу қорни кўриб...— дедим этдим деразадан кўз узмай.

— Болалар...— Назаримда домла ингроқ аралаш айтиди бу сўзни.— Болаларнинг яйраганига нима етсин! Ҳар нарсанинг ўз вақти-соатида бўлгани яхши... Кечирасиз, адашмадимми, ахлоқ бўлими шуми?

— Тўғри келдингиз, домла.

— Яхши-яхши...— дея салмоқланиб маъқуллади домла менинг сўзларимни. Кейин жиддий қиёфада давом этди:— Ростини айтсам, ахлоқий мавзуда икки оғиз ҳасратлашадиган гапим бор эди, укам. Атайлаб нотаниш, холис одамни қидириб келдим. Сиз менинг кимлигимга, шахсимга эътибор қилмасангиз, илтимос қиламан, оддий одам сифатида дардимни эшитсангиз. Гапим бироз шахсийроқ бўлса, кечирасиз. Бироқ мен буни кўп йиллар «шахсий дард» деб ўз юрагимда сақлаб юрдим, ўз оловимда ёлғиз ўзим ёндим, куйдим. Бироқ, сочим оқарганда бунинг «шахсий дард» эмаслигига ишончим комил бўлди. Мени редакцияга оёқларим эмас, ғайри ихтиёрий қалбим етаклаб келди. Мен сизларга бир хат келтирдим. Бу хат кимларгадир асқотиши мумкин. Истардимки, уни ўн етти ёшлилар— муҳаббат ёшидагилар ўқисин. Муҳаббат оламига кирган ва ёки унинг сеҳри оstonасига қадам кўйган, кўяётганлар ўқисин. Фақат мен кетгач ўқийсиз. Илтимосим, мени аяб ўтирманг. Адолат билан ҳукм қилинг. Менга шу керак. Адолат, фақат адолат...

Сўхбатдошимнинг кўзларидан кўзимни олиб қочишга мажбур бўлдим, унинг, мана шу вазмин одамнинг киприклари учиде шабнамдек омонат ёш милтиллаб турарди... Домла юрагининг бир парчасини узиб олаётгандек кўйнидан бир хатни олиб стол устига кўйди. Мен сатрларга кўз югуртираётганимда у қандай чиқиб кетди, хайрлашдимми, йўқми, сезмай қолибман.

«Моҳидилга хат» деб номланган бу мактуб олимнинг узоқ йиллар бурунги хотинидан экан. Моҳидил— улар орасида қолган ягона қизалоқ фарзанд. Меҳр пайвандининг ёлғиз ва сўнгги ипи. Бу хатни ўқигач, ҳар қандай аёл ҳам умрида бир марта мард ва ростгўй бўлиши мумкин, деган фикр миямга урилди. Мард бўлмай турди, юракка кириб бўлмайди. Бу муҳаббат қонуни.

«Моҳидилим! Сенга бизнинг тақдиримиз ҳақида нималарни сўзлаб беришган, буни мен билолмайман. Лекин, тасаввур қиламанки, сен бу хатнинг ҳар қанақа якунидан ҳам ўқинасан, қийналасан. Лекин қачонлардир мен ҳам сенга бор ҳақиқатни айтишим керак, ахир. Бунинг учун эса ҳаммасини бошдан бошлаш керак бўлади.

Ҳозирда мамлакатга донги кетган олим отангни ўша ўзинг билган университетда, 26 ёшида топганман. У ўшанда биофакнинг IV курсида ўқирди. Урушдан сўнгги оғир йиллар эди. Мен эса худди ҳозирги сендек— 17 ёшда эдим. Буни муҳаббат ёши дейдилар, кўзим.

У Ойқордаги узоқ қишлоқдан келган, мен эса сен туғилиб яшаётган мана шу азим шаҳарда кўз очган эдим. Муҳаббат тақдири ҳаёт йўлимининг мана шу ерда ногаҳон бирлаштиради. Мен ўша 17 ёшимни қалбим зирқираб эслайман. Отанг институтни битирган йили икки қувончли воқеа юз берди— мен унинг ёрдамида университетга кирдим, сен туғилдинг... Мен учун биринчи бахтсизлик ҳам қараб турган экан. Уша йили Ойқордаги қишлоғига ўқитувчи бўлиб ишга отланди.

Моҳидилим! Ҳаётда қачонлардир, не сабаблардандир, кимлар учундир ёлғон сўзлаган бўлишим мумкин. Лекин сенга, ўз қоним ва сутимдан яралган фарзандимга хат ёзишга тутинганимда ёлғон сўзлашга тилларим тутилди, қўлларим титраб кетди. Оқ сут берган фарзандингга ёлғон сўзни раво кўролмас экансан. Ҳақиқатни айтганим учун сен онангдан юз ўгирмассан, деб ўйлайман.

Ушанда мен ўқишни баҳона қилиб Ойқорда узоқ турмадим. Отанг икки йил қишлоқда яшаб ишлашимизни айтиди, мен кўнмадим, рости кўниколмадим. Қишлоққа кўнгил кўя олмаганимдек, шаҳардан ҳам, ота-онамдан ҳам кўнгил узолмадим. Узимда шундай куч тополмадим. Сени олиб шаҳарга жўнадим. Сезиб турардим, отанг сен тўфайли келиб турарди. Лекин у аввалги отанг эмасди, бошқача эди. Умуман, ҳаётнинг абдий қонуларидан нималардир ўзгарган, нималардир ўчган, нималардир сингандай...

Авал отамнигида яшадим, бўлмади. Уз уйингга сиз-масанг оламга сизмайсан, деганлари рост экан. Квартира олиб кўчиб чиқдим. Бир йилдан сўнг отанг ҳозирги институтга аспирант бўлиб қайтиб келди, биз яна бирга яшай бошладик. Сезиб турардим, биз сен туфайли, фақат сен туфайлигина бирга эдик. Лекин, жисминиз биргаю, руҳимиз бўлак-бўлак эди.

Фарзандим! Мен бор ҳақиқатни айтишга қарор қилганим учун сен мени маломатга қўйишга шовилмагин. Сен энди ўн еттига қадам қўйдинг. Сенга энди ҳамма гапни руй-рост айтишим мумкин. Айтишим зарур ҳам. Чунки, менинг фарзандимсан, муҳими, сен энди муҳаббат ёшидасан...

Назаримда отанг мени эркалар-у, лекин аввалгидек севмас эди. Мен жонимни ҳада этиб бўлса ҳам ўша севиқли кунларни қайтармоқчи эдим. Уша кунлар деб яшадим. Билардим, бу менинг қўлимдан келарди. Чунки бу юракка ўзим йўл очганман, уни ўзим топган, ўзим севганман, севилганман. Муҳаббат алангаси унинг юрагидан буткул ўчишига ишонолмасдим. «Бундай бўлиши мумкин эмас!»— дерди ички бир туйғу. Ҳаётимиз секин ўз оқмига қайтиб борар, ҳаммаси изга тушаётган эди. Бу орада сенинг тилинг чиқди, ёқимли қилиқлар пайдо қилдинг. Сенинг бийрон тилинг, чиройли кулишинг, пилдираб чопқиллашинг, ҳамма-ҳаммаси, назаримда, оилада аёзли кунлар ортидан ногаҳон қуёш жилмайганга ўхшарди.

Энди, Моҳидилим, сенга умримнинг бурилиш нуқтаси ҳақида ёзаман. Ҳа, умрининг шундай нуқталари бўлади. Карвон равон йўлдан уфққа интилгандек (бу уфқ — охириқибат қайга элтишини тасаввур этсанг керак. Чунки, ойинг учун уфқнинг чети кўриниб қолди!) интилаверади, йўл жилован бир маромда тортилаверади. Лекин кутилмаган тасодиф ёки сабаб, ёки аллақайси алдоқчи мақсад ва иштиёқ (ва яна уни турлича изоҳлаш мумкин, лекин энг тўғриси — хатолик) бурилиш нуқтасига айланади.

Қўлим титрайди, юрагим зирқирайди, вужудим ёнади, на чора, бир бошдан сўзлайман. Бир гугурт чўпидан оламга ўт кетиши мумкинлигини, афсуски, кўплар билмайди, мен энди биламан, сен ҳам билиб қўй. Ҳа, шундай, олов олдиришга бир лаҳза кифоя, ўчиришга балки бор умрингни сарфласанг етмаслиги мумкин, ўз бошимдан ўтмаганида бунга мен ҳам ишонмасдим, лекин сен шак келтирма, ғамнинг келиши осон, кетиши қийин. Фалокат эшикдан руҳсат сўрамай кираркан-у, лекин сунгур билан уриб ҳайдолмайсан. Ишқор билан юзиб ҳам унинг изини тозалолмай қоларкансан. Ҳаётимнинг фалокатга юз ўтирган нуқтаси ана шу қадамдан бошланди. Энди билсам, ўша қадам умр карвонимни йўлдан урган бурилиш нуқтаси экан.

Араз. Дастлабки онларда мен унинг сархуш лаззатидан маст эдим. Назаримда уни ўзим ўйлаб топгандай, ҳеч кимнинг «аразлашуви» бизникига ўхшамас эди. Рост, аразимиз аввалига бир томонлама, яъни фақат мен аразлардим, у эса юпатиш ёки «гуноҳини ювиш пайида бўлар, булар шундай нозик, шундай нозик ҳиссиёт эдики, буни ҳозирги абгор ҳолатимда тасаввур ҳам қилолмайман. Сабабики, у ҳислар мени аллақачон тарк этиб кетган, тўғриси, мен у ҳисларга энди бегонаман, ўзим уларни ўз қалбимдан ҳайдаганман, бутун умр энди чорлаб ўтаман...

Дастлабки араз кўз қири билан ифодаланиб, бора-бора сўз оҳангига ўтганини элас-элас эслайман. Бу биринчи марта даданг мени сенлаб гапиришга ўтганида шундай бўлганди.

— Биласанми, Фоти...— деди у бир кунги сўз топишга қийнала-қийнала, — сизлагимда сендан йироқлашиб қолаётгандай, аллақандай бегона ҳиссиёт билан яшаётгандай бўламан. Хафа бўлмасанг, сенламоқчиман, сен деганда сўзлар негадир табиий, қийноқсиз ва сен мутлақо ўзимники туюласан. Сизласам-чи, сен кўнадаги бегона оҳанглр билан қўшилиб кетгандай улар ичида эса сени йўқотиб қўяётгандек бўламан. «Сен» деганда ёлғиз ўз номимдан сўзлагандек бўламан. «Сиз» эса мени бегоналар рўйхатига киритиб қўяди... Сен ва менинг ўртамизда бошқа ҳеч ким бўлишини истамайман. Сен осмонсан, мен эса сенга эрта-ю кеч термулган замин...

— Шонрлик қилмай тўғрисини айтиб қўяқолсангиз бўлмайдимми,— дедим араз оҳангини атайлаб чўзиб.— Ишим битиб, эшагим сувдан ўтди, десангиз-ку тўғри бўларди, мен ҳам ростгўйлигингизга тан берган бўлардим. Бунинг ўрнига эса зўр бериб мис кўзани тилла сувига бўяб, сирлаб, мени ҳам кароматингизга ишонтирмоқчи бўласиз. Суф-е, кароматингизга...

— Мен бунчалик оғир ботишини билмабман... Сизга Фоти...

— Қўйинг энди, сизламанг, ғашимни келтириб. Отимни ҳам бўлар-бўлмасга яримта-юримта қилаверманг. Худога шукр, ота-онам қўйган бус-бутун отим бор.

— Фотима Баратовна...— Аслида отамнинг исми билан қўшиб айтганда Фотима Ботировна бўлсам ҳам, атайлаб ўша кунларнинг оммабоп артистларидан бирига ўхшатиб менга шундай ҳазил қиларди. Бу менга ҳуш ёқса ҳам, билдирмасликка тиришаман, билдириб бўпман, ахир эркалар, биз, аёлларнинг оддий сўзлардан шунчалик қувоншимизни билишса борми, оппа-осонгина сўз овунчоғи қилиб олишади-қўйишади. Овунчоқ бўлишдан худо асрасин, мен нозик аразнинг эркаларга ёқишидан эса кўнглим тўқ эди, буни ўз ҳаётимда ҳам синаганман. Аразгўй келинларнинг қулоғига осонгина ёқут кўзли исирға, қўлларига олмос кўзли узук тақилганини дугонларимдан эшитганман, опаларим ҳаётида ҳам кўравериб кўзим пишган, лекин тақдир менга келганда хасислик қилганди. У киши тақин-тутинларга тушунмагани устига уларни астойдил суймас, тақинчоқларнинг умуман бебахоллигига аллақандай ички шубҳа билан қарарди. «Одамнинг одамийлигини камситадиган, қадрини туширадиган нарсалар-ку буларингиз! Қалбнинг, меҳрнинг, инсоний туйғуларнинг олдида нима қадри-қиммати бор бу совуқ тошларнинг», деганларига ўлайми? Ана шунча эди қишлоқи даданг!

Туғилган куним эди. Ҳойнаҳой бу сафар ҳам туғилган кунимга иккита гул кўтариб келса керак, деб эрталабдан шипшитиб қўйдим:

— Уйдан битта-яримтаси келиб қолиши мумкин,— дедим ишга кузата туриб маънолигина кулиб,— дўст-дўшманнинг олдида... вақтлриқ келинг, ахир ишдаги хўжайинларингизнинг ҳам хотини бордир, улар ҳам бир йилда бир кун хотинини хурсанд қилишни билишар.

— Шундоқ демайсизми, хоним.— У ҳазилга ўч эди, гапни шўхликка бурса сизлаб гапиришни одат қилган, ҳозир ҳам шунга кўра сизлаб қолди:— Бугун бутун идорамиз билан сизнинг қутлуғ ёшингизни ювамиз. Ё уларни ҳам шу ерга бошлаб келайми?

— Майли, бошлиғингизни бошлаб келинг.

— Директоримизини? Мункиллаган тепакан чолни-я?

— Менга бари бир, чолми, калми, сизни бундоқ тартибга чақириб қўйса бўлди: «Кўзингни оч, хотин дегани гунча деган гап, очилиши ҳам, сочилиши ҳам эрнинг қўлида» деб огоҳлантириб қўйса бўлган. Сизга ҳозир директорингиздан бўлак ҳеч кимнинг сўзи ўтмайди, хотиннинг гапи бир пул, қаёму қариндош бир пул, таниш-билишлар — ортиқча юк. На борди-келдини биласиз, на йўқловни биласиз, на одамгарчиликни...

— Бугун шу гапларнинг ўрними, Фотима, эртароқ келинг деганинг нима-ю, буниси нима?— Мени тўхтатмоқчи бўлди у киши, афтидан бу гапларга тоқати йўқ эди.— Яхшилик келтирадиган кунни яхшилик билан бошлаш керак. Яхши умр эса яхши кунлардан иборат бўлади, уни атайлаб ёмонга бурмаслик керак. Кел, мен ишга бориб келай, келадиган қариндош-уруғларга айт, мен қучоқ очиб кутиб олишга тайёрман.

— Ҳа-ҳа, сизнинг қучоғингизга зор бўлиб туришибди... Бир ман тушдим бу қучоққа, бошқани тушгулик қилмасин.

Инсоф билан айтиш керак, даданг камдан-кам одамга муяссар бўладиган даражада очиқ кўнгли, гина-оқурадсиз ва айни пайтда астойдил унутуш ва кечирриш қувватига эга бўлган одам эди. Гап устида ўжар, лекин сўз кетидан қувмас, жаҳолат ҳолатида ҳам орадан бир зум вақт ўтса кифоя эди, бир кўча айланиб келса, кўздан озгина йироқ кетилса бас, у гап-сўзни узилган жойидан бошлашни хаёлига ҳам келтирмас, аксинча

шаштидан тушган, ҳазиллашган ёки кўпинча: «Бизни кечирсинлар энди, маликам, бизга нима фармойиш қилдилар, уйга кирсак мумкинми, руҳсат этадиларми?» дея тегажогли қиларди. Бироқ ростини тан олишим керакки, оқ кўнглини мен қадрлай олмаганим, энг яқин одамлар орасида яшаши мумкин бўлган ҳазил-мутойбага рўйхушлик бермаганим сари, парвариш топмаган куртак каби, у ҳам, қилиқлари ҳам сўйли бошлади. Назаримда кўз ўнгимда у бошқа одамга айлана бошлади. Мен эса бутун қалбим билан аслида унинг бошқача бўлишини, жиддий қиёфага киришини истамасдим. Унинг тундлашган қиёфасини эса сира-сира кўргим келмасди, шундай пайтда у мутлақо бегона одамга ўхшарди, ёмон кўриб кетардим, у эса буларни тушунмасди. Мен ўрганган асл қиёфаси — меҳрибон нигоҳига қайтолмай у қийналар, куниколмай мен қийналардим. Юрагимда ғайри ихтиёр кечаётган бу ҳисларни унга тушунтиролмай ёнардим. Аслида эса шамнинг ёнгани чиройли, ўчиб-тутагани эса ёқимсиз бўларкан. У сўзсиз тутарди. Бу гал ҳам назаримда тутаб чиқиб кетди.

Моҳидилим, бугун, мана орадан лаънати ўн йиллар ўтиб, мен қўлларимда олмос кўзли узуклар, бўйнимда дўр-маржонлару кўзимда ёш ўрнига қон томиб сенга ушбуларни ёзаётирман. Сенга ёзиш баҳонаси билан юрагимни бу аламлардан бўшатиш мақсадида ҳасратимни қозоғга тўқялман. Сендан бўлак кимга ҳам очоламан бу дардли юрагимни? Сендан бўлак ким ҳам тушунарди мени? Узим ёққан ўтда ўзим ёнялман. Нафас олишим оғирлашяпти, бўйнимдаги маржонларим сиқяпти. Ҳаммаси бўғяпти, суякларимни синдиругдай бўғяпти, бошимни урсам тошни ёргудай бўляпти. Қани ўша тош, мени тушунадиган тош? Мен энди дуру гавҳарнинг қанчалик совуқлигини сезялман. Ахир улар одамнинг на кўз ёшини арта олади, на илик бир сўз айта олади, на кўнглини овлай олади? Энди биялман меҳрибон қўлнинг, инсон қўлининг сеҳрини. Отангинг бир оғиз сўзи учун мен уларнинг ҳаммасини тупроққа сочар эдим, қайтиб кўринмайдиган зулмат қаърига отардим, қани ўша бир оғиз сўз? Бироқ, олтин-кумушнинг даҳшатли ва совуқ ангалли қўлингга кишан, бўйнингга сиртмоқ бўлиб тушгач сезилар экан, афсус, унга қадар кўзингни узолмайсан. Сеҳрига илиндингми, бас, ўз йўлига солмай қўймайди.

Мана, умр карвонининг бурилиш нуқтаси, Моҳидилим!.. Қизим, кўзимнинг қарогисан, тақдиримдан, дунёдан тонишим мумкиндир, лекин сендан қандай тонаини? Умид юлдузисан! Сен мени қўлдан учган бахт қушим ва ўзим ҳазон этган боғим-бахсрим билан кўринмас ип бўлиб боғлаб турасан. Ер юзида мен учун энг азиз инсон — даданг сен туфайли томиримга томири туташ туюлади, унинг юрак тепишини туну кун эшитиб тураман. Хаёлимда сен ер билан осмонни бириктириб турган нурсан, куёшсан, бир-бирдан абдий айрилган икки қирғоқни туташтирган кўприксан. Шу туфайли, назаримда, унга ҳам оқ-зор билан сўнаётган юрагим садоси етиб тургандай... Лекин аллақандай руҳ, аллақандай шафқатсиз куч бир-бирига талпинган икки юракни қайта бирга тепишига, қайта бирга бўлишига имкон бермаётгандай... Бурилиш нуқтасининг — айрилиш нуқтасига айланиши балки мана шудир? Бир пайтлар бу дунёда фақат «Фотима» деб телган шу юрак эртами-кечми «ўз Фотимасини» тушуниб етар, қилган хатосини тўғри, эдолат билан баҳолар, кечириб мумкин бўлмаса ҳам шафқат кўзи билан қарашга имкон топар, деб умид қиламан.

Меҳру шафқат таъма қилишга балки ҳаққим йўқдир. Буни тан оламан. Бироқ қалбим муҳаббатни таниган кундан юрагим ёлғиз унинг ёди билан тепганини, севгида мен уни ҳеч кимга алмашмаганимни у ҳам тан олиши керак, эртами-кечми, бу унга аён бўлиши керак! Қизим, бунга сенинг номинг билан қошингда онт ичаман. Балки менинг бахтим каби оналик ҳақ-ҳуқуқим ҳам тўқис эмасдир, лекин муҳаббат ҳуқуқимни ҳеч ким рад этолмайдик. Отанг олдида поклигим шундаки, мен муҳаббатимга хиёнат қилмадим! Шунга сен ишоншингни астеймен, ахир сенга этимдан эт, жонимдан жон берганман, сен сезишинг керак, сени етим қилгандирман, лекин, отанга бўлган му-

ҳаббатимдан, биринчи ва охири муҳаббатимдан юз ўғирмаганимга кўксимда виждоним гувоҳ! Сенга сут берган ва бугун ёнаётган кўкрагим гувоҳ! Кўзингга нур берган икки кўзим гувоҳ!

Моҳидилим, бу ғайрилик учун мени лаънатлашга ошиқмагин, мен ҳали ҳаммасини айтишга улгурганим йўқ, сен тушуниб етишинг керак бўлган энг муҳим сир — ҳаётимнинг бурилиш нуқтаси ҳали юрагимда турибди, уни тилга олишга журъат этолмаётирман, иродам етмаётир. Лекин сенга айтмасам, сенга юрагимни ёрмасам, кимга ёраман? Узим билан кетмаслиги керак бу сир, сен уни билмасанг армонларим мени гўримда ҳам тинч қўймайди... Мен сен учун ҳаётнинг таққу лаънат болтасиге бош қўйишга тайёрман. Сен менга фақат фарзанд сифатида азиз эмассан, отангдан қолган ёлғиз ёдгоримсан, танҳо туморимсан. Оналар қизи дунёга келган кундан бисог йиғади. Энди сенга нималар керак? Энди менга нималар зарур? Бўйнимдаги дуру гавҳарларимни сенга раво кўрмадим, энди улар сенинг мурғак қалбингни заҳарламасин. Сенга оддий ҳақиқат — ҳаётимнинг бурилиш нуқтаси ҳақидаги ҳақиқат мерос бўлиб қолишини истайман. Уйлайманки, шу ҳақиқат ҳаётдаги ҳамма бисотлардан кўра сенга кўпроқ асқотиши мумкин. Моҳидилим, ҳаётим ҳақида ҳисоб беришдан мақсадим отанг билан айри тушган тақдиримиз ҳақида сенинг поэтика қалбингда ёрқин тасаввур қолишини истайман. Йиллар келиб, улғайиб, дунёга ёниқ кўз билан боқарсан. Шунда бу дард сени қинаганда, бу ҳаёт аталмиш чарҳнинг қисматлари ҳақида якяш бош қотирганингга оқсоч отанг ҳақида, бахти қаро оненг ҳақида равшан фикринг бўлишини истайман. Мен қолган умримни шу ҳақиқатни англаб етишинг йўлида садқа қилишга тайёрман. Начора, бу умр энди ҳеч ким учун, энг муҳими, мен истаган одамлар — сен ва отанг учун ҳаётда арзигулик қадр-қимматга эга эмас.

Лекин гап менинг қадр қимматини устида эмас, қизим. Мен бугун сенга, қора кўзим, ёлғизим, ҳаётдаги энг асосий нарса ҳақида, бири-бири учун тенги йўқ, бебаҳо, бошқаси билан алмаштириб бўлмайдиган, фақат бири иккинчиси учун яратилган одамларнинг тақдирини қандай айри тушиши мумкинлигини ёзмокчиман. Ҳа-ҳа, қандай қилиб этнинг тирноқдан, жоннинг танадан айрилиши ҳақида сўзламоқчиман. Менинг бошимга тушган айрилиқ жафоси сенинг бошинга тушмасин, буларни мен кўрдим, сен кўрмагин. Муҳаббатга тўла икки қалбинг бурилиш нуқталаридир бу.

Урмиш-жанжалсиз турмуш йўқ, қизим. Турмуш деган сўзнинг ўзагига боқиб кўр, турган-битгани мушт дегани эмасми ўзи бу? Бу балки яхши маънодаги муштдир, ҳаётни олға силжитувчи ҳаракат, одамни ниқтаб, илгари босишга, интилишга ундовчи зарурий қонуниятдир. Бироқ, турмушда олдинга кетиш фақат ёлғиз ўзингга боғлиқмикан? Агар шундай бўлса, кимнинг орқага кетгиси келарди? Ким ҳам ўз бошига ўзи фалокат ёғдиришини ўйлайди? Шу маънода, мен, бутун босиб ўтган умримни, бахтли ва бахти қаро кунларимни кўз ўнгимдан ўтказиб, ўзимнинг шу тақдирим учун кимлардир жавобгар дегим келади. Лекин ким, ахир? Тутилмаган ўғри — ўғри эмас, дейдилар. Ўз бошинга ёққан қорни ёлғиз ўзинг курашинг керак. Бу маънода эса ёлғиз ўзим айбдорман, албатта.

Мана, ҳаммаси, ўтган кунларим, қалбимда тош қотган онлар кўз ўнгимдан ўтаётир. Ҳаётим кечган йўллар мисоли бир кинолентаю мен уни қайта кўриб тургандайман. Унинг бурилиш нуқталари энди «Мана мен» деб аниқ бўртиб кўринаётир.

Жигарпорам, Моҳидил, сен уч ёшда эдинг. Мен эса сенинг вазжи қилиқларингни, шўхликларингни кўриб шодланувчи отангни гўё беқиёс қарздор қилган сезардим ўзимни. Сен улғайиб, сўзингга сўз, чиройингга чирой қўшилган сари тарозининг палласи мен томонга оғаётгандай бўлар, бахтимдан масрур эдим. Ҳаётнинг бурилиш нуқталари бошланганин, худди шу пайтда мувоозанат сақлаш санъатини унутганимни, оёғим остидаги бу бахт таранг тортилган дорнинг симлари эканлигини қайдан билибман. Шунда сиртдан қараган ҳушёр кўз

бўлиши, адолатли баҳо берувчи холис инсон — маслаҳат-гўй бўлиши керак эди, чамамда. Ойқордан келган ҳар бир шарпа нури ҳаётимга тушган соядек мени чўчитар, олисдаги тоғлар отангни эртами-кечми ўзига тортиб кетадиган, мени эса ўзим униб-ўсган йўлларимдан ажратадигандай туюларди. Шу туйғулар эшигимдан кирган ҳар бир тоғлик — беаёв қишлоқ бўлиб кўринар, ихтиёримда бор имконият билан — гоҳ кўзим қири, гоҳ кўлим ҳаракати билан уларнинг йўлини тўсишга шошилардим. Ҳеч бўлмаса, эшикни тарақлатиб ёпишим ёки, сени, ҳа, сени, жигарпорам, жерки солишим билан уларнинг бемавруд қадамига ишора қилардим. Улар келиб-кетишни кўймас, мен ўжарлигимни тарк этолмасдим. Ҳар сафар «қишлоқлар» келиб кетгач, исериқ тутатардим. Келтирган қурт ва тутмайизи борми, шафтоли қоқиси борми, кўчага ағдарганларим-чи?

— Фотима,— деди дадан бир сафар тоғлилар жўнаб кетгач,— яхши одамлар меҳмоннинг олдида мушугини қаттиқ пишт демайди, сен эса...

— Нимаси меҳмон шу қишлоқларингизнинг, сизни кўргани келармиди! Шаҳар кўргани келишади-да. Меҳмонхонадан жой олишолмайди, тайёр жой, тайёр хизматкор, бошлашиб, қўлтиқлашиб келишаверади-да!

— Келин деган номинг бор, қолаверса, одам бор жойга одам келади. Бунча феълнингги тор қилмасанг, буғдой номинг бўлмаса ҳам яхши сўзингни аяма, бир кун минг кун бўлмайди, ахир.

— Шуларга келин бўламан деб эрга текканим йўқ, тушимга ҳам киргани йўқ буларингиз. Турқи совуқ шу ёввойи қишлоқларингизни! Чопонини судраб келишаверади, келишаверади, нима бу уйми, карвонсаройми? Тагин қайси бирини сўраманг, тоға, жиян, амаки-памаки... Хола-холавачча, э, нима ўзи бу, ёмон қовуннинг нимаси кўп — уруғи кўп...

— Фотима! Уялмайсанми? Келин бўлиб бир кун шуларнинг қўлига сув қўйганинг йўқ, остона супурганинг йўқ. Узоқ жой бўлгач, кўргани келишади, инсон борки томирига тортади, борди-келди қилади. Сен ҳам узоқда бўлганинга балки шундай бўларди. Мана, сени ким сўраб келади, менинг ишим йўқ-ку. Қолаверса, сен эртаю кеч ота-онанг, опаларинг кўз ўнгидасан...

— Меникларни тилга ола кўрманг, улар билан буларнинг осмон билан ерча фарқи бор. Кимим келиб сизни безовта қиялти, чувалашиб келадиган ётоқ карвоннинг ҳаммаси сиз томондан келишади. Соғиниб келишадиган бўлса, ўзингиз бориб кўриниб келинг, менинг кўзим учиб тургани йўқ. Чопонни кўрсам кўнглим айнийдиган бўлиб қолди.

Мен отангни элидан — илдиздан айираётганимни, бу билан айна пайтда уни ўзимдан нари итараётганимни, орага абадул-абад музли қоя чўкаётганини жуда кеч англадим. Назаримда, бора-бора отанг бунга ҳам кўнлик-қандай бўлди, эшикларнинг қаттиқ-қаттиқ ёпилиши, баланда-паст овозимга ортиқча эътибор бермайдиган, хатто гоҳида, бевақт келган битта-яримтасини ўзи ҳам совуқ қаршилайдиган, мабодо кетаман деб қолгудай бўлса аввалгидай мэнзират қилмайдиган, бора-бора ҳеч кимнинг этагига ёпишмайдиган тунд қиёфага кириб борарди.

Ҳаётимнинг бурилиш нуқталари кўз олдимдан ўтаркан, мен ўзимни қай маънодадир қоралаб, қай маънодадир оқлагим келади. Оқлашимнинг маъноси шундаки, менга ҳар ким ўз тажрибасидан келиб чиқиб йўл кўрсатмоқчи бўлган, мен эса уни кўр-кўрона қабул қилганман. Ҳаётда эса ҳар кимнинг ўз қараш бўлишини унутганман. Ҳеч ким менинг бунга тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олмаган. Бирини опам деганман, иккинчисини жигарим деганман, ҳаётга улар кўзи билан боққанман, ва ҳқибат, дунёда менга энг яқин, энг азиз ва энг керакли инсон — умр йўлдошим бегона туюлган. Чунки унга бир зум ўз кўзим билан боқишни унутганман, агар менинг кўзим билан қаралганда кўп ҳолатлар бошқача, тамом бошқача кўринмасмиди?

Ва, ниҳоят, ўзимни кечиролмаслигимнинг боиси шундаки, мен, ҳар бир жуфти ҳалолнинг — умид билан бир ёстиққа бош қўйган икки инсоннинг, биринчи қадамданоқ оила сирин бўлиши ва у муқаддас саналишини ҳис қилло-

мадим. Буним ким ўргатиши керак? Бунинг учун мен кимни лъзнатлашим мумкин? Ёлғиз ўзимни. Ҳар бир инсон ўзининг буюк руҳий эҳтиёжларини ўз пайти-соатида англаб етиши, қалби билан ҳис қилмоғи лозим эмасми? Оила — Нон, Сув, Ҳаво каби буюк эҳтиёж эмасми? Шундай экан, унинг қадри учун кураш талаб қилинмайдими? Гина-кудурат, ғийбат, бўхтон оила шаънига муносибми? Одам Ато ва Момо Ҳавонинг муқаддас руҳига ҳар бир инсон ўз дилида таҳсин келтиради. Дунёга келган ҳар бир оила ўз ўрнида Одам Ато ва Момо Ҳаво бирлиги каби муқаддас эмасми?

Демак, шуларни ўйлаганда, кўча-кўйда одамларга баҳо беришда, дўстлар меҳрини аниқлашда, дугоналарнинг садоқатини белгилашда, умуман инсонни танишда унинг ўз оиласига содиқлиги, меҳри ва садоқати, ҳурмати ва эъзози энг тўғри мезон эмасми? Ўз оиласининг қадрини муқаддас тутмаган инсондан нима кутиш мумкин? Шу нуқтанга назардан мен қандай баҳога сазоворман? Ахир оиланинг покиза туйғуларига мен опаларимни шерик қилишдан аввало завқландим, кейин ўрганиб бордим, гапирмасам туролмайдиган бўлдим. Бора-бора «йриқларидан майда-чуйдаларга ўтди, кейинчалик турмушининг икки-чикирларини турли-туман тўсиқлари оиладан ёт кишилар қўлоғига тушди. Оқибат муқаддас туйғуларга, покиза руҳга зарар етди. Ҳар бир оила ўзи бир олам бўлиши, унинг иштирокчилари — эр-хотин, кейинчалик эса туғилган фарзандларнинг ҳар бири оиланинг муқаддас туйғуларига бевосита дахлдор ва айна пайтда унинг фидойи кўрқичиси бўлиши кераклигини, афсус, кеч билдим. Ҳаётнинг бурилиш нуқталари қўёшнинг нурига ўхшайди: сояси бор-у, ўзини кўрмайсан. Соя эса, афсуски, алдоқнинг сарбонинг ўзи бўларкан.

Моҳидилим, навбатдаги сўзларимни ҳижжалаб ўқисанг ҳам розиман. Энди ҳаётимнинг сўнги бурилиши — фожиага юз ўгирган нуқтасини сўзламоқчиман.

Кунларнинг бирида Наима опам келди уйимизга. Опаларим ичиде ёши катта бўлса ҳам у менга сирдош эди. «Уни севасанми?» деб сўраганини яхши эслайман. «Севаман», дедим ундан яширмай. «Рашк қиласанми?» сўради опам. Мен бош чайқадим. «Бу қандай севги бўлди, рашк қилмасанг? — ажабланди у. — Рашк муҳаббатни мустаҳкамлайди, севгини зангдан тозалайди. Рашксиз муҳаббат сўнади. Ҳар қандай одам ҳам қачондир бир-биридан зерикади. Инсон боласи шунақа...»

Мен дастлаб ўшанда рашк деган санъатдан сабоқ олдим. Рашк балоси ана шундай бошланди. Мен уни бало дедим. Чунки у менинг ҳаётимни кемирди, умримни ҳазон қилди, бахтимни соворди. Мен отангни рашк билан овора қилиб, муҳаббатнинг тотли, эҳтиросли кунларига қайтармоқчи эдим. Севгининг дарз кетган бўлагини тикламоқчи бўлдим. Афсуски, мен бу қадамларим билан кўнгиш шишасини чил-чил синдирганимни кеч, жуда кеч билиб қолдим.

Биз ёзги таътилда (мен ўқишни сиртқиға айлантирган бўлсам ҳам аслида университетни ташлаган эдим) Ойқорга боришга ҳозирлик кўрардик. Эрта тонгда поездга чиқишга иккита билет ҳам олинди. Кечқурун Наима опам келди... Тонг отди. Уша машъум тонг ҳамон кечгидек кўз ўнгимда. Уша тонгни отанг қандай қаршилагани менга қоронғу. Мен ёстиқ остига ушбу хатни кўйдиму саҳарда сени олиб ёлғиз йўлга чиқдим. Хат чамамда шундай эди: «Маҳмуд ака! Биз ортиқ яшай олмаимиз. Мен Моҳидилиннинг тақдирини ўйлашим керак. Энди унинг қисмати Ойқор билан боғланишини, ўзим эса, мендан сизни айирган ўша қишлоқни қайтиб қуришни истамайман. Мени тўғри тушунинг, лекин бошқа иложим йўқ. Мен шуни раво кўрдим. Илтимос, мени изламанг.

Номард одамгина ўз ёридан севги ва муруват тилайди.

Фотима»

Етти кунгача орқамиздан ҳеч ким келмади. Қўлоғим тиқ этган товушда, кўзим дарвоза йўлида эди. Аммо кутган одам йўқ. Мен ўзим бу йўлга ўтиб бўлмас тўсиқлар қўйиб келганини билардим-у, лекин тан олгим келмасди. Опаларим, бу ўтиришда сен эрингдан эмас, уйингдаги бисотларингдан ҳам ажраб қолишинг мумкин, у сени се-

виш, рашк қилиш у ёқда турсин, ориятсиз, ҳамиятсиз ҳам экан. Унда қалб йўқ. Сенинг қаяққа кетишинг, ким билан кетишинг унга аҳамиятсиз чоғи. Ундан кўра энди вақтни ўтказмай уйингга, бисотингга эғалик қил, дейишди.

Уша кўни сени кўтариб уйга қайтиб келсам, отанг соқоллари ўсган, ўзи уйга банди тушгандек, китобларга муккасидан кўмилиб ётарди. Хатни ўқиганми? Ёстиқ остида қолган хатни бир неча кундан кейин унинг ёнидан топиб олдим. Букланган, ғижимланган, сиёҳлари кўз ёши томгандай чаплаганди. «Ҳа-ҳа, рашк қилмайсан-а, куймайсан!» деб қўйдим ичимда опамнинг санъатига тан бериб.

Отанг бир оз қуюлгандай, ғам тортгандай, қишлоғи ҳақида гап очмас, назаримда, эҳтиёткор бўлиб қолганди. Кўзинг очилибди-да, дедим ичимда. Бироқ, у неғадир сени қайтиб кўрмайдигандай, бағрига босиб, ҳидлагани-ҳидлаган эди.

Отанг кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида бизга икки хонали шинамгина уй беришди. Энди биз бошпанали, муқим шаҳарлик бўлдик. Шу орада сен яна ҳам ширин бўлиб кўзга кўриндинг, уч ёшингни нишонлаганимиз эсимда, опаларим келишди. Лекин севинчимиз узоққа бормади.

Уша кунларида Наима холанг биз томонга серқатнов бўлди, ҳар сафар йигитларнинг рашки ҳақида турфа ҳангомалар топиб келарди. Ҳар бир мисол мени севгининг эҳтиросли кунларига қайта муяссар қилаоладиган ишончли кучга, сирли қудратга ўхшарди ёки менга шундай туюларди. Лекин адолат билан айтганда, мен энди уни ҳам койимаслигим, қораласлигим керак. Мен бу қисматни ўзимга ўзим яратдим. Кимки бу қисматга аралашган бўлса, мен унинг кўксидан итаришим, кимки қўл чўзган бўлса, мен уни қирқишим мумкин эди. Мен бу йўлларга ақлим билан ҳам, юрагим билан ҳам қадам қўймаганман. Мен кимларгадир ортиқ ишонганман, кўр-кўрона эргашганман. Лекин, афсуски, ўн етти ёшда — муҳаббат ёшимда қулоғимга қўйилган ақидалар, эшитганларим, кўрганларим узоқ вақт кўзларимни кўр, қулоғимни кар қилиб келди.

Рашк балоси мени яна ўз домига гирифтор этди. Мен бу орада Ойқордан ўғлини кўргани келган қайнонам — сенинг раҳматлик бувингни совуқ қаршилаб: «Ўғлингиз командировкага кетган, ўша ёқдан сизнинг олдингизга ҳам ўтмоқчи эди», деб келган йўлига қайтариб юбордим. Бу менинг тузатиб бўлмас ва бешафқат қадамим эди. Кейин бошқа бахти қароликлар такрорланди. Телефонда атайлаб унга эшиттириб дугоналарим билан «ошиқ-маъшук» бўлиб гаплашдим. Бегоналар номидан ўзимга-ўзим хатлар ёзиб, почтага ташладим. Шундай хатлардан бирини почталёвондан шахсан унинг қўлига беришини илтимос қилдим...

Уша кунлари у диссертация ҳимояси арафасида турган эди. Хатни очиб қўллари титраб кетганини сездим-у, бепарво ошхонадан чиқиб кўзга олдида тик туриб кўзимга сурма торта бошладим. «Қора қошим, қора кўзим Фотима! — деб ёзилганди ўша хатда. Мен бунга чап қўлим билан ихтиро қилганман. — Муҳаббатнинг шунча сеҳри ва қудрати борлигини илгари тасаввур қилолмасдим. Сизни кўрдиму ўзлимни йўқотдим. Ҳушим бегона бўлди.

**Нигорондир кўзлар йўлингда,
Тақдир тоши сенинг қўлингда.
Отсанг, жоним бўлсин фидойим,
Кўп кўрмасин сени худойим...**

ва ҳоказо, ҳоказо».

Моҳидилим! Шундан кейин нималар бўлганини айтишга энди ожизлик қиламан. Бу ёёига қудратим етмади. Балки шунча гапдан сўнг (отанга ўхшаб) энди менга ишонмасан ҳам. Лекин, вақти келиб, ҳаммасини охиригача билсанг, менинг, бечора онангнинг ҳоли нима бўлади, деб қийналдим. Бироқ, энди билсам, мен йўқотган бахт олдида бу хавф ҳолва экан. Мен ҳаётнинг завқини, ўткинчи,

эрмак завқини ҳаётнинг устунига алмашганимни, афсус, уни бутунлай йўқотгач англадим. Кўзим очилди, бироқ мен энди кўзи очик кўр эдим.

...У одатдагидек уйдан юпун чиқди-ю, лекин қайтиб келмади. Ойқорга кетгандир, деб тахмин қилдим. Сен ту-файли бари бир келади, деб кутдим. Хатоларимни юварман, деб ўйладим. Холанг, ҳаммаси яхши бўлади, рашк ҳаммасини янгилайди, холос, деб ишонтироқчи бўлар, мен ҳам шунга ишонардим. Лекин рашк балоси ўзининг маъшум вазифасини ўтаган эди.

Муҳаббат мотамида уни олти ой кутдим. Келмади. Ойқорга бориб ҳам уни топмадим. Москвага ўқишга кетган, дейишди. Мен ўшанда сени қишлоқдаги онангга ташлаб қайтдим. Зора сенинг сўзингни, кулишларингни кўрса меҳр ипи қайтиб уланармикан, деб ўйладим. Бироқ, рашк балоси ҳамма гулханларга сув сепган, буткул ўчирган экан. Бу дунёда меҳр гулхани бир ўчмасин экан...

Бу жудолик мени тақдирнинг янги балоларига гирифтор этди. Мен унга аччиқма-аччиқ яшашга қарор қилдим. Буни сенга айтолмайман, қизим. Буниси сенинг ўн етти ёшингда оғирлик қилади. Мен отангдан, сендан, оқибатда бахтимдан жудо бўлдим. Ҳижрон бошқа, жудолик бошқа, болам. Буни ёдингда тут. Чунки сен ўн етти ёшдасан, муҳаббат ёшидасан...»

* * *

...Журналхон сингилгинам, балки ёшинг ўн еттидадир. Балки, қалбинг муҳаббат савдоларига ошён, балки, бу туйғудан бегонадир. Мен ҳозир сенинг тақдирингдан фол очмоқчи эмасман. Лекин ўн етти баҳорга етган бўлсанг, икки оғиз сўзим бор. Бизнинг Советлар мамлакатининг «Оила ва никоҳ» қонунларида гап сенинг ёшингдан, ўн етти ёшлилардан бошланиши бежиз эмас. Шу сабабли ёшингни сўрадим. Ҳуқуқ китобидан сен кўпгина шартлар қаторида камолот ёшига, муҳаббат палласига қадам қўйганингни ўқирсан. Бироқ, мен истардимки, сен муҳаббат бурчингни унутмадингми? Бундай бурчни ҳеч бир китобда, ҳеч бир қонунда қайд этиб бўлмайди. Уни сен ўз қалбинг билан ҳис қилишинг лозим. У сенинг пок муҳаббатингни балолардан сақлайди, бахтингни бемавруд заволлардан асрайди.

Инсон дунёда икки нарсага — меҳр ва висолга тўймас экан. Лекин, шунга ёдингда тут, ҳаёт фақат меҳр ва висол дамларидангина иборат эмас. Акс ҳолда оламда ҳижрон ва нафрат бўлармиди? Лекин шунга унутмаки, ҳижронни енгганларгина висолга етганлар. Ундан чекинганлар эса умр бўйи меҳр-шафқатдан маҳрум бўлишган. Шунинг учун донолар меҳр гулханини ўчириш осон-у, ёқиш қийин дейдилар.

Севгини ҳеч ким ўргата олмайди, бу йўлда ҳеч ким бировга андоза бўлолмас ҳам. Лекин севги ҳақида кимлар бош қотирмаган, кимлар унинг йўлида зор қақшамаган, кимлар хато қилмаган. Баъзи «хато»лар бошқаларга сабоқ бўлиши мумкин эмасми? Хатоларни такрорлашдан мақсад нима? Балки унинг олдини олиш мумкинми? Ҳеч бўлмаганда оғоҳлантириш имкони бордир?

Шу мақсадда ушбу хатни муҳаббат остонасига эндигина қадам қўйган ва қўяётганларга — ўн етти ёшлиларга йўллашга қарор қилдим. Йўлладим-у, хатни келтирган олимнинг — муҳаббат бахти қулмаган инсоннинг: «Бу юк энди менга оғирлик қилади», деган сўнги ва қатъий оғоҳлантиришини эсладим. Бу пушаймондир, балки? Пушаймон... Пушаймондан оғир юк борми?! Ўзингиз баҳоланг, ким ҳақ, ким ноҳақ?

Муҳаббат бахти қулмаган бу одамнинг гуноҳи нимада? Ҳаётнинг бурилиш нуқтасида Фотима нега ёлғиз қолди? Наима опа нега бунчалар қалтис йўл тутди? Узгалар қалбдаги муҳаббат оловига косов бўлган бу аёл қандай жазога сазовор? У Фотимага дўстлик қилгани ёки душманлик? Моҳидил кимни оқлаб, кимни қоралаш керак? Бу ҳақда сиз унга нима маслаҳат берасиз!

Балки сиз ҳам муҳаббат ёшидадирсиз...



ЖУМАНИЁЗ
ЖАББОРОВ

Қомусий билим ва илҳом



Мақсуд Шайхзода билан яқиндан танишувимизга бир ижодий сафар сабаб бўлган. Минг тўққиз юз олтимиш биринчи йил охирларида домла Шайхзода бошчилигидаги бир қатор қаламқашлар Хоразм сафарига азму қарор қилдик. Сафар бошидаёқ Мақсуд Шайхзоданинг тарихни, халқ ва юрт ўтмишини миридан-сиригача — йилма-йил, асрма-аср, воқеа ҳам номларни чалқаштирмай ҳикоя қила олиш фазилатидан огоҳ бўлдим. Бораётган манзилимиз Хоразм эканидан суҳбатимиз бу қадим ва навқирон воҳа ҳақида эди. Суҳбатимиз десам балки хато бўлар, чунки фақат домланинг ўзи сўзлар, биз унинг сўзини бўлгимиз келмасди. Домла бизга Хоразмни Хоразмлигича, минг йиллар қадимги воқеалари, Ал-Беруний, Ал-Хоразмийдек алломалари тақдири, жангу жадаллар, нурли ва нурсиз кечган онлари билан, ойнаи жаҳоннамодагидек жонлантириб кўрсатарди.

Айниқса, мен учун турли дарсликлардан, тарих китобларидан, қомуслардан ўқиб, бағрида неча бор меҳмон бўлганим Хоразм билан Шайх домла тасвирлаган Хоразм ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Ҳайратга тушиб ўзимча ўйлар эдим: «Домла шунча донишмандлик, қомусона кенг кўламли билимларга қандай эришди экан!..»

Бу саволимга кейинчалик, уни — катта ҳаёт ҳам ижод йўлини босиб ўтган, ўзбек совет шеърлятида ўзига хос мактаб яратиб, шеърлятимизни янгича ранглар, дилбар оҳанглар, мазмун теранлиги, гўзал шакллар билан бойитган, унинг имкониятларини, уфқини кенгайтирган тўла нафас билан ёзилган ҳаёл ва фалсафа барқ урган шеър, драматик ҳам публицистик асарлари билан ўзбек маданияти хазинасига бебаҳо олмос қўшган, иқтидорли шоғирдлар чаманини яшнатолган устоз Шайхзодани яна ҳам яқиндан билганимдан сўнг ўзим жавоб топдим.

Хуллас, ўшанда суҳбат билан бўлиб, Хоразмга қандай этиб борганимизни ҳам билмай қолдик. Учрашувлар, Хоразм ва унинг дилқаш кишилари билан танишувлар, бу мулоқотларда Шайхзода домлага кўрсатилган ҳурмат ҳам эъзоз шоирнинг халқ учун, юрт учун, адабиётимиз учун қанчалар қадрли экани, қанчалар хизмати борлигининг сўзсиз исботидек дилларга ўрнашиб қолди.

Бизни Урганч меҳмонхонасига жойлаштиришди. Домла

билан бир хонага тушдик. Ижодий учрашувлардан, Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларидан қайтгач, меҳмонхонада яна тарих ҳақидаги суҳбатлар давом этади, мен эса сабоғи оламга татирли бундай лаҳзаларнинг охири бўлмаса, деб ҳаёл қилардим.

Якшанба кuni эди шекилли, тушликни меҳмонхонада, хонамизнинг ўзида тайёрладик. Дастурхон атрофида одатдагидек шеърят ҳақида суҳбат бошланди. Асосан, классик шеърят ҳақида, айниқса ғазал ҳақида суҳбатлашдик. Ҳаёлимга негадир бир савол келдию ўйлаб ҳам ўтирмай домлага мурожаат қилдим:

— Домла, мабодо, ҳозир давраимизга ҳазрат Навоий кириб келсалар, у киши билан ҳеч қийналмай, бир-биримизни тушуниб гаплаша олармидик?

— Шубҳасиз, тушунарлик, — деди домла кўлини сочиққа арта туриб, — фақат иккимизга бироз архаик сўзларни ишлатишимизга тўғри келарди холос. Бўлгани шу...

Домла дераза ёнига бориб, ташқарини кузата бошлади. — Ҳа... — дея оғир сўлиш олди бир пайт ва менга юзланди. — Ё, Жуманиёз, манови манзарани кўринг!

Деразага яқинлашиб, кўчага назар ташладим. Бир тўп оломон елкама-елка тобут кўтариб, қабристон томон ўтмоқда эди. Тобутга эргашганлар шошишар, бир-бирларига туртишиб кетишар, марҳумга бир нафас бўлса-да елка тутиб қолишга интилиб кетишмоқда эди.

— Замонанинг заб қизиқ ўйинлари бор-да, азизим, нима дедингиз? Мана, бир бандаси худди шу бугун, келиб-келиб, дам олиш кuni омонатини топширибди. Ке, дам олсам, бира тўла дам ола қолай, деганмикин?.. Балки ҳафта бошида қанчадан-қанча ширин ниятларини худди шу бугун амалга оширишни дилига тугиб қўйгандиру энди бу бечора сўнги манзили томон бораётганини ҳа-то ҳис этишдан ҳам маҳрум...

Сал туриб домла яна ҳорғинлик билан давом этди: — Тобут ортидан кетаётган, марҳумга хайрихоҳ анови одамлар орасида бечоранинг тирикчилигида дилига озор етказганлари йўқ дейсизми? Энди бўлса!..

Бирдан домланинг:

**Дўстлар, тирикларни авайлаб сақланг,
Салом, деган сўзнинг ҳурматин оқланг.
Улғанда юз соат йиғлаб тургандан,
Уни тиригида бир соат ёқланг!—**

деган сатрлари кўнглимдан кечди. Суҳбатимиз мавзуу шу кўйи умр ҳақида, қадр ва қиммат ҳақида кетди. Зеро, Мақсуд Шайхзода тирикчилик эмас, тириклик куйчиси эди.

Шу-шу, домла Шайхзода билан яқин муносабатларимиз бошланиб кетди. Қатор шоғирдлари қатори унинг суҳбатларидан ўзимга янгидан-янги кашфиётлар топардим.

— Шоир сувни ва сувнинг турли кўринишларини севиб тасвирлаб, тараннум этгани яхши гап, албатта! — дерди домла кўпинча. — У шўх ёмғирни, ўйчан кўллари, эрк-севаб булутларни, меҳнаткаш ариқларни, асов денгизларни, ифбатли булоқларни, интизомли каналларни, танбал ҳовузуларни, дostonворий дарёларни, нозик шудрингларни куйласин, майли! Аммо зиҳдор унинг байтлари «паспорт-сиз» суварга тўлиб кетмасин!..

Устоз бу ақидасини айниқса ёшлар давраларида кўп такрорлагувчи эди. Ёшларни, ёшликка ҳамроҳ жўшқинликни севаб эди!..

1964 йилдан «Совет Ўзбекистони» газетасида бўлим мудир бўлиб ишлаб бoшладим. Газета йўлланмаси билан Шайхзода домла иштирокидаги ижодий сафарларда яна бир неча бор бирга бўлдим. Айниқса, 1965 йили Чимкентга қилган сафаримиз мароқли бўлган. Алломе Фафур фулом бошчилигидаги ўша сафарда Миртемир ва Шайхзода домлалар даврадош эдилар. Ичакузди хангомалар, ҳазилу мутобалар, ижоднинг ҳали биз учун кашф

этилмаган жилолари... Эҳ-ҳе, уларни бу кичик хотирага жамлаш мушкул. Москвада ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасида ҳам худди шундай, тил билан тасвирлаб бўлмас, қайтарилмас лаҳзалар кечгани боягидек ёдимда турибди.

Қай бир сафардан қайтмайлик, албатта «Совет Ўзбекистони» газетаси учун бир саҳифа тайёрланарди. Умуман, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир домлалар учун газетамиз иккинчи ижодий лаборатория, балки ижодий бекат эди. Бу улуг ижодкорларнинг талай ажойиб асарлари бевосита редакциямизда ёзилганининг шахсан гувоҳиман.

Бир куни СССР халқ рассоми Урол Тансиқбоев юбилейи муносабати билан газетага шошилиш мақола тайёрлаш зарур бўлиб қолди. Қаёққа бош уришимни билмай, тажанг бўлиб турсам, Шайх ака келиб қолдилар.

— Э, ўларидан сўрасанг? Бу дейман, сал асабийроқ кўринадилар, а?

Сабабини айтиб, ким шундай мақолани тезроқ ва соз ёзиб бериши мумкинлигини сўрадим.

— А-ҳа... Мундоқ демасизми? Қани буюёққа бир даста қоғоз узатсинлар-чи!

Ҳайрон бўлдим. Домла доимий ҳамроҳи—«Қазбек» кутисини очиб, қўлида ҳали ўчиб улгурмаган папиросидан янгисини тутатди. Учаёзганини одатича кулдонга босди. Сўнг столга ўтириб, ёза бошлади...

Уша куни туни билан ҳулай олмадим: редакцияда, столда Урол Тансиқбоев ҳақида мақола ёзаётган Мақсуд Шайхзода сиймоси, хатти-ҳаракатлари, ёзаётгандаги ҳолати кўз ўнгимдан сира кетмас ва нуқул ўйлар эдим: «Наҳотки, ҳаммасини ёддан ёзди?!»

Ҳақиқатан ҳам, ўшанда Шайхзода домла бир ўтиришда Урол Тансиқбоев ҳақида, ҳеч бир нарсага қарамай, ҳеч бир факт-рақамни ё асарлари номини ҳеч кимдан сўрамай, шундай бир ажойиб мақола ёздиларки, унда: Урол Тансиқбоев ҳаёти лавҳалари ҳам, босиб ўтган умр йўли ҳам, биринчи асари қандоқ пайдо бўлганию қайси асари қай савияда ва, умуман, бу улуг рассом ижодини қандай тушуниш керак, асарларидеги жозоба сирлари нимада, ҳамма-ҳаммаси мужассам эди...

Домланинг ана шундай, илҳом ҳолатига кирган лаҳзаларини кейинчалик яна кўп кузатишга муяссар бўлдим ва ҳамон унинг бу қадар узлуксиз ишлаш сирига ҳайратланаман.

Домланинг ўзи ижод йўли ҳақида шундай деган: «Мен ўзбек поэзиясида «ёши катталар» деб аталган шоирлар авлодига мансубман. Бу авлод 20-йилларнинг романтик ҳавосида қад кўтарган, 30-йилларнинг қурилиш маъракасида чиниққан, 40-йилларнинг жанг синовида суяги қотган ва 50-йилларнинг тинч ижод муҳитида фаоллик кўрсатган авлоддир. Бу авлод коммунизм қурилишига туташиб кетган 60-йилларнинг буюк илҳомбахш вазифалари билан жўшаётган «эски гвардия»ни ташкил этади».

Шайх домла назаримда инсон руҳий оламининг ҳамиша бойиб, мукаммаллашиб ва тобора мураккаблашиб борувчи қомуси эди. Бу қомусда ойдин кечаларнинг рассомона тасвири, севинч ва қайғу шиддатлари, кураш ва энгиш илҳомлари, қаҳрамонлик ва фидокорлик, замин ва замоннинг барча муаммолари, совет кишининг жасоратли ишлари барча жозибаси билан ярқираб кўринади. Ҳозир ҳам шундай. Унинг шеърляти Ватанимиз буюклиги, ҳаёт ҳақиқати, мардлик ва матонат, севги ва гўзаллик гимнидек юракларга оқиб киради, олижаноб инсоний туйғулар раванқиға, камолига хизмат қилади. У кичик бир рубойий-оламча мазмунни ошкор этар, йирик дostonларида одам ва оламни бутун қўлами билан жилолантирар, сахна асарларида тарихларни тилга киргизарди. Ўткир навоий-ишунос олим, тарихчи ва педагог сифатида ғоят муҳим тадқиқотлари, илмий хулосалари, мўъжизакор қалами билан бизга намуна эди. Матбуотни у халқ билан, шеърляти ва адабиёт муҳлислари билан сўзлашиб туришининг юксак минбари, деб қадрлар эди.

Шайхзода домла ҳаётининг сўнгги йилларини даволаш санаторийларида, касалхоналарда ўтказди. Шу аҳволда ҳам энг яхши асарлар яратиб қолдирди. Биргина мисол. Эндликда «Ғазал мулкининг султони» номи билан маш-

ҳур Навоий ҳақидаги мақоласини домла хасталик тўшагида ёзиб, «Совет Ўзбекистони» газетаси илтимоси билан ётиб берган!..

Домла олис санаторийлардан туриб ҳам, Ўзбекистонга хат-хабар йўллар, адабий ҳаёт ҳақида сўрар, юртимиз об-ҳавоси билан тирик эди!

Бир куни у кишидан шундай хат олдим:

«Азизим, Жуманиёз!

Салом! Маззуният (отпуск)дан ёки Болқон саёҳатидан қайтганингизни мени келиб бу ерда зиёрат қилган йигитлар айтишди.

Мен Москвадаман. Кремль хастахонасида. Аҳволим анча яхши! Сентябрнинг охириларигача Москва атрофидаги санаторийлардан биттасида бўлармен. Аммо 12—15 гача бу ерданман. Бу ер аслида хастахона эмас, балки ғоят серсафо бир санаторийдан ҳам устундир. Ҳамма шароит муҳайё. Муолижа ҳам, ётоқлар ҳам, манзаралар (ўрмон, хиёбонлар), ирмоқ ҳам жойида. Мана шу шароитда яна шеърни машқ қилиб бир «даста» ёзилди. Илк шеър, кўпдан бери ўйлаб юрганам Ғафур Ғулом хотирасига бағишланган шеър бўлди. Зотан, Ғафур ҳақида бир нарса ёзиш ҳар бир Ғафур дўстининг виждоний вазифасидир. Айниқса, мен жим туролмас эдим. Уша мусибат юз берган кунларда шеър ёзишга тоқат ва қудрат йўқ эди. Зеро, боғда касалманд бўлиб ётиб эдим.

Шеър узунроқ туюлса адабиёт саҳифасида ёхуд яқшанба сонларидан бирида берсаларинг ҳам бўлади.

Илтимос, мисралар (12 бўғинли) бўлинмасдан терилсин. Лозим топилсагина «1-Арпаполя» билан «Чигатой»га изоҳ берилсин! Менингча, ҳожат йўқ. Бу адресларни ҳамма билади-ку.

«Ҳомид» эмас. Бу Абдулҳақ Ҳамид (2. 2. 1852—12.4. 1937) номли машҳур гуманист, турк шоиридир. Раҳматли Ғафур уни кўп яхши кўрар ва аксар ёддан билар эди. Бу шоир... Нозим Ҳикматнинг устози бўлган.

...Мақтубни, шеърни олганингиз, редакциянинг фикри ва унинг истикболи ҳақида 12—15-сентябргача хастахона адресига хат ёзсангиз улгурасиз! Авиачочта 2—3 кунда олиб келар экан. Аммо пурмаъний телеграмма юборсангиз ҳам бўлади...

Ҳар ҳолда мен шаҳарга кўчиб, меҳмонхонада бирон ҳафта турсам-да, адресини шу касалхонанинг почтасида қолдираман. Улар хатларини янги адресга жўнатурлар.

Хўш, шаҳарнинг аҳволи қалай? Кўп иссиқдир ҳали ҳам? Бу ерларда ҳаволар совуқроқ эди-ю, ҳозир жуда мулоим ва мўътадил бўлиб қолди.

Ҳамма дўстларга салом!
Ўзларини кучиб қоламан.
Дуойи хайр ила М. Шайхзода.
1966 йил, 2 сентябрь.

Москва».

Хатни ўқиб домла билан учрашгандек, овозларини эшитиб, ўғитларига яна бир бор кулоқ тутгандек бўлдим. Шу аҳволда ётиб ҳам ижод ҳақида, пахтакор ҳақида, шеърининг газетада қоқилмай-синмай чиқиши ҳақида қайғурганидан тўлқинланиб кетдим. Аммо мактубга дарҳол жавоб ёза олмадим. Сабаб: «Аввал шеър газетада чиқсин, сўнг бирга жўнатарман», деган андишага бордим ва шундай қилдим. Мана ўша хат:

«Қадрли домламиз Шайх ака!

Ассалому алайкум. Хатингизни олиб, соғлиғингизни билиб, беҳад хурсанд бўлдик. Янада соғайиб кетишингизни, узоқ умр кўришингизни, тезда дийдор кўришишни орзу қиламиз.

Ушбу хатни сал кечикиброқ ёзаётганлигимнинг боиси — шеър босилган газета билан юбормоқчи эдим. Мана шеър ҳам босилиб чиқди. Жуда катта ҳаяжон, ҳасрат, муҳаббат билан ёзилган бу шеър ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Бугунги, душанба летучкамизда ҳам самимий мақтовлар айтилди.

Ҳозир бутун республика пахта нашидаси ва муваффақият билан бошланган болгар декадаси нафаси билан яшамоқда. Олтин кузимиз ўзининг барча ранглари, нознеъматларини намоён қилган фасл. Ҳаво мўътадил, қуёш жилвагар, сувлар шаффофланган, гўзал, шоирона дамлар.

Тошкент қуриляпти. Зилзила йиқитган иморатлар ўрнида хиёбонлар, гулзорлар яшналяпти.

Янги шеърлар гулдастангизни ва ўзингизни мунтазирлик билан кутамиз.

Сизга мухлисларингиздан соғинчли салом!
Хатга қўшиб газетани ҳам юбордим.
Тезда Тошкентда учрашгунимизча хайр!
Сизни соғиниб, чин кўнгилдан кучиб,

уқангиз Жуманиёз.
12. IX. 1966».

Афсуски, хатим шифохоналар алмашганлиги туфайли, домлага вақтида етиб бормаган. Шу орада яна бир мактуб олдим:

«Е, Жуманиёз!

Салом! Мен узоқда бўлсам-да, фикрим-зикрим юртга банд! Илгари юборган шеърим чиқибди ва одамларда анча яхши таассурот қолдирибди, шекилли. Раҳмат! Бироқ буни мен шу кунлардагина, бу ерга келган министрлардан билиб қолдим. Е, шоир! Ахир менга бу тўғрида икки энлик хат ёзишга ижодий фурсат тополмадингизми? Хўп, майли. Бу асосий гап эмас!

Ҳозир сизга пахта ҳақидаги манзумани юборяпман. Лекин сарлавҳа баъзи ўртоқларга ғалати туюлса-да, шундоқ қолиши яхши! Пахтани ҳамкоримиз, дастёримиз маъносида «хурматли» дейишим янгилик бўлса керак, мантиқан ҳам тўғри!

Мен ҳозир яхши, дуруст бўлиб қолдим. Ойнинг охирларида Москва атрофидаги санаторийлардан биттасига бориб, 24 кун дам олинади. Сўнгра «шаҳри ларзон»га қайтамиз!

Ҳамма ўртоқларга соғинчли саломлар! Хурмат билан,
М. Шайхзода.
1966. 24.IX».

Домла Москва атрофидаги санаторийлардан бирига кўчиб ўтгач, яна дарҳол редакцияга хат йўллабди:

«Салом, Жуманиёз!

Сизга ва бутун редакция коллективига соғлиқ ва ишда зўр ютуқлар тилайман.

Мен ҳозир Москва атрофида, қойилмақом санаторийда дам олмақдаман. Соғлиғим дуруст.

Бу ерда 27 октябргача бўлурман. Сиздан илтимос: пахта манзумаси текстини қирқиб ёхуд иложи бўлса, бутун сонни юборсангиз.

Умуман, Тошкентда, адабиёт оламида нима гаплар! Мендан ҳамма ўртоқларга салом!

Эҳтиром билан, Шайхзода.
9.X. 1966».

Хатни ўқиб, яна домланинг чеҳрасини кўз ўнгимга келтирдим. Сухбатларда, сафарларда, минбарларда айтганлари, ёшлар билан гурунглари бир-бир кўз олдимдан ўтаверди. Тагин, Мақсуд Шайхзода дейилганда, кўз ўнгимизга беихтиёр машҳур «Тошкентнома» келиши, халқимиз ҳаёти социалистик пойтахтимиз, қудратли дўстлигимиз қасидаси, симфонияси бўлган бу дoston забардастлиги, замонавийлиги, етук фазилатлари билан қалбларимизни мафтун этгучи бу асарда шоирнинг бениҳоя кузатувчанлиги, файласуфона ақл-идроки, чегара билмас фантазияси ва хаёли, тенгсиз ғалабаларимиздан фахрланиш ҳисси бутун салмоғи билан намоён бўлиши ёдимдан ўтди. Яна, Мақсуд Шайхзода дейилганда, кўз олдимизда Улуғбек юлдузи ярқираб, Улуғбек тимсолида ўзбек халқи тарихининг муҳим бир босқичини ёритиб берган, халқнинг доҳиёна ақлини, илму донишга, прогрессга интилишини ўзида мужассам этган ўрта аср буюк олими образини реалистик гавдалантирган, яхшилик ва адолатнинг зулм ва адоват билан асрий курашини, халқнинг енгилмас руҳини ҳаётий саҳналарда талқин этолган сиймо бўй бериши назардан кечди. Дарҳақиқат, умрини поёни йўқ тарихий манбалар, архив материаллари, олам-олам қомус ва луғатлар билан ишлашга, тинимсиз ижод қилишга бағишлаган Мақсуд Шайхзоданинг қомусий олим ва устоз ижодкор эканлиги эндиги ёшларимизга сир эмас.

ЮСУФ ШОМАНСУР

Шайхзода сабоқлари



Мен адабиёт майдонига кириб, ёзган унчамунча китобларим билан эмас, балки шу адабий тақдир баҳона, буюк ўзбек совет ёзувчилари ила суҳбатдош, шахсан таниш бўлганимдан фахрланаман. Ойбек, Ғафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор билан кўп марталар суҳбатлашганим, маслаҳатлар олганимдан ғурурланаман.

Адабиётимизнинг ана шундай мўътабар оқсоқолларидан Мақсуд Шайхзодага эса у кишининг ўз тиллари билан айтганда, «шахсан шогирд» бўлганман. Домла Шайхзода жуда катта олим ҳам шоиргина эмас, шогирдпарвар ва меҳрибон муаллим ҳам эдилар. Домланинг яна кўплаб шогирдлари борки, «шахсан шогирд» иборасини ўқиб, улар мендан ранжимасликлари керак. Негаки мен бевосита домланинг кўлларида, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кечки бўлимида ўқиган шогирдлариданман. Азиз дўстим, хассос шоир Хайридин Салоҳ ҳам педагогика институтида ўқиган, у ҳам домланинг энг севимли шогирдларидан эди. Домла иккаламизни суйиб, «Навқирон шеърятимизда Ҳасан-Хусансизлар», дер эдилар. Учрашган бошларимизда иккаламизни икки қанотларига олиб сўз вақтлар эдилар. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийга ҳамнафас бўлган улкан шоир ва адиб, биринчи устозимиз Ғайратий ҳам иккаламизнинг бу тақдиримиздан

Мақола Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан нашрга тайёрланяётган «Шайхзода замондошлари хотирасида» китобидан олинди.

шод эдилар: «Мен сизларни темирқанот қилдим. Бу ёғига яна омадингиз юришибди, Шайх жуда бақувват шоир, доно одам. Ундан кўп нарса ўрганишнинг пайидан бўлинглар», (Гап шундаки, биз — Хайридин Салоҳ, Эркин Воҳидов, Сайёр, Анвар Эшоннов, Анвар Исроилов, Тамилла Қосимова, Тўлқин ва мен пионер ёшимиздан Н. Островский номидаги Республика пионерлар саройи қошида Ғайратий домла бошқарган адабиёт тўғарагида тарбия топганмиз).

Дарҳақиқат, 1955 йилдан то 1960 йилгача, беш йиллик ўқиб давомида, дарс соатлари ёхуд адабий тўғарак машғулотларидагина эмас, домла Шайхзода билан суҳбатда ўтган ҳар бир дақиқада бирор фойдали фикр, қизиқарли нақл, ҳали оҳори тўқилмаган, новатор шоир Шайхзодагагина хос янги ибора билан таниша бордик.

Бу улкан ижодкорнинг энг кенжа шогирдлари сифатида, хотираларимизни мен бир китобча, дўстим Хайридин эса Мақсуд Шайхзода образини прототип қилиб олиб, бир қисса ёзишни ният қилган эдик...

Ҳозир ўша ёзилажак китобчанинг айрим саҳифаларинигина варақлаб ўтаман.

Домлани биринчи кўрган вақтимни эслолмайман. Албатта, биринчи учрашувим китоб саҳифасидан, у кишининг шеърларини ёд олишдан бошланган. Болаларга бағишланган шеърлар китоби «Шуъла» ҳеч қўлимдан тушмасди. Гарчи у пайтларда ҳали автори ким эканлигига эътибор бермаган эсам-да, дадасининг қўлини қўйворгиси келмаган гўдакдай қўлимда китоб, шавққа тўлиб на кўча-

га, на уйга сизмай югурардим. «Қандай гўзал учмоқ деган сўз!» дея такрор-такрор қичқирардим ўзимча.

Маълумки, домла файласуф шоир эдилар. Сатира ва юмор ҳеч қачон у кишининг ижодида катта ўрин тутган эмас. Сухбатда ҳам шундай, ҳеч қачон қизиқчилик учун гапирмас эдилар. Аммо домла шундай бир лутф билан сўзлар эдиларки, беихтиёр жилмайиб тинглар, ҳузур қилар эдик. Мулойим, таъбир жоиз бўлса, олижаноб бир юмор домланинг тилида етти ранг камалакнинг бир жилосидек товланиб турар, сухбатдошининг юрагини или-тарди.

Минг тўққиз юз эллик бешинчи ўқув йилининг биринчи соатлари. Шайхзода домла худди эски танишлардек кириб биз билан саломлашдилар. Мақсуд Шайхзода учун биз чорак асрдан мўл вақт ичида тайёрланган шогирдларнинг давоми эдик. Бу дарс домла учун босиб ўтилган неча мингинчи погонанинг яна бир зинаси, биз учун эса домла адабиёт оламининг сирли йўлларида олиб ўтадиган мўъжизакор етакчи эдилар.

Домла, лекция бошлашдан аввал, рўйхат бўйича ҳар биримизни номма-ном чақириб таниша бошладилар.

— Исмнингизнинг маънисини биласизми?— деб сўрардилар домла ҳар бир студентдан. Сўнг ўзлари ҳар бир исм, фамилиянинг луғавий маъносини, келиб чиқиш тарихини тушунтириб берардилар...

Домла сухбат давомида, талабаларнинг қаерда туриши, у турган жой номининг нима учун шундай деб аталгани билан қизиқдилар. Айниқса, тошкентликларнинг гапни берилиб тингладилар. «Қазбек» папириси кутчасига нималарнидир ёзиб олдилар. Кейинчалик маълум бўлишича, Шайх ака «Тошкентнома»га материал йиғиб олган эканлар. Достон битгач, ҳаммадан аввал бизга ўқиб бердилар. Бу ҳақда алоҳида хотира ёзаман, деган умиддаман...

Шундай қилиб, биринчи дарсдаёқ домланинг биров билан сухбатлашганда албатта унга бир янгилик бериш за албатта нундан бирор янгилик олишга интилишдек иккита олижаноб фазилатини билиб олдим. Мендек ёш ёзувчига бу икки фазилат амалда фоят қимматли эди.

Юзаки қараганда, «Адабиётшуносликка кириш» курсининг илк дарсида, домланинг исм-фамилиялар мазмунини тушунтиришдан, луғатдан иш бошлаганлари баъзи бировларга эриш туюлиши, ўрта маълумотлилар ўтирган бўлса-ю, ўз исми-шарифининг маъносини билмаса, деб таъна қилиши ҳам мумкин. Аслида бундай таънага ўрин йўқ. Минг афсуски, мактабларимизда адабий луғатга жуда кам эътибор берилади. Исми-шарифининг маъносини билмайдиган ўқувчиларгина эмас, ҳатто адабиёт ўқитувчилари ҳам топилади. Домла буни яхши билганларидан жиндай юмор, озгина киноя билан «Кўзингизни очинг, адабиётшунослик сўздан бошланади», демоқчи бўлганлар.

Уз қасбининг қадрига етган, адабиёт илмини муқаддас билган улкан олимгина сабоқни луғатдан, сўзнинг маънисидан бошлаши мумкин. Шу дарснинг ўзида домла Шайхзода айтган бир гап ҳамон қулоғимда жаранглаб турибди: «Инсоннинг маънавий бойлигига ҳеч нарса тенг-лашолмайди. Мана шундай бир мисол: машинада шофёр ва шоир кетяпти. Йўлда машина бузилди. Шоир тушиб машинани тузатиб беролмаса, бунинг айби йўқ. Лекин шу ўтирган шофёр ё инженер Навоийни эшитмаган, уни ўқимаган бўлса, бу айб ҳисобланади».

Тўғарагимиз машғулотларига бутун институт бўйича, барча ёш қаламкашлардан ташқари, ҳали бирор нарса ёзмаган, умуман ёзишни ўйламаган айрим ўртоқларимиз ҳам кириб ўтирардилар. Улар тўғарак машғулотини, фикримча, домла Шайхзода билан учрашиш, унинг дилкаш сухбатидан баҳраманд бўлиш учун қулай бир жой, деб ҳаёл қилардилар. Бундан беҳабар домламиз эса «Қани шеърингиз!» «Нимага кўрсатмайсиз, тортинманг», «Қандай ёрдам керак?», деб куйинганлари-куйинган эди. Хайридин Салоҳ иккаламиз тўғаракда старосталик вазифасини бажарардик. Машғулотда энг юқори баҳоланган асарларни домла Шайхзода кўмағида матбуотда эълон қилдириш ҳаракатида бўлардик. Бир сафар «Ёш ленинчи» газетасига саҳифа тайёрладик. Домла ҳамма шеър ва ҳикояларни ўқиб чиқиб, мени шундай сарволга тутганлари эсимда:

— Шомансур ўғиллари, таржима йўқ-ку, таржима?

— Домла, шартмикин?

— Ана холос! Ҳали шунча бефарқлик дегн?!!

Қип-қизариб кетдим. Домла тўғарак машғулотларида бизга таржима санъатининг сирлари, сеҳрлари ҳақида кўп гапирар эдилар. Дарҳол кеңирим сўраб, эртасигаёқ Константин Симоновдан бир шеър таржима қилиб келиб, домлага кўрсатдим. Шайх ака чизиб берган сатрларни қайта ишлагач, «Ёш ленинчи» газетаси учун тайёрланган саҳифага ўзимнинг илк таржимамни қўшиб қўйдим. Ана шу сабоқ боис тезда тенгдошларим орасида дурустгина таржимон бўлиб олдим. Тарас Шевченко, Николай Тихонов, Расул Ҳамзатовдан таржималар қилиб, матбуотда чоп эттирдим.

...Бир минг тўққиз юз олтиш олтинчи йил. Москвада М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институтининг икки йиллик Олий курсида таҳсил олаётган эдим. Байрам каникулида Тошкентга келсам, домлани Москвада, Кремль касалхонасида даволаняпти, деб айтишди. Москвага қайтишим билан домлани изладим. У киши бир оз соғайиб, «Метрополь» меҳмонхонасида дам олаётган эканлар. Ҳар кун икки марта кўришиб, сухбатлашиб турдик. Ҳали оғир касалликнинг асорати сезилиб турар, қовоқлари салқинган, кўзлари ҳорғин кўринарди. Аммо дардни ортиқча писанд қилмай, кунига бир шеър ёки «Беруний» фожиасидан бир саҳифа ёзар эдилар. Ҳеч бўлмаганда, бир китоб ўқиб туширар ё мени бирор янги спектаклга бошлаб борар эдилар.

Врачлар Москвадан бир неча километр наридаги Шёлково қишлоғига жойлашган санаторийга путёвка берганларида ҳам, Шайх ака уч-тўрт кунгача шаҳарда юравердилар. Охири, Шёлковога у кишини ўзим кузатиб қўядиган бўлдим. Худди шу кунги домла кутубхонага кириб, тўқсон жилдли машхур бир эски луғатга ёзилдилар. Оғир касал ҳолатдаги одамнинг шунчалик маърифатга ташналиғи мени ҳайратда қолдирди. Шу ҳақда бир шеър ёзишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Тақдир экан, бу шеъримни домлага ўқиб бериш насиб қилмади. Тантанавор куч билан ёзилиши керак бўлган шеър, минг афсуски, 1967 йилнинг 20 февралда, Мақсуд Шайхзода қазо қилган куннинг эртасига қайғу ва мунг аралаш, марсия тарзида ёзилди:

Олтиш олтинчи йилнинг октябрида
Москвада кўришдим устозим билан.
Оқшомлари сайр этдик куз ёмғирида,
Шёлково ўрмонларин яшил бағрида,
Сухбатимиз обод, шеър, назм билан.
Гоҳ тўсатдан тутарди мия санчиги
Суялганча қоларди домла қайинга,
Жон деганининг қасдида шум ажал тиги.
— Тузукмисиз, домлажон!— Устоз дард чоғи:
— Узларидан сўрасак, — деярди менга.
Бир қўлда таблетка, бир қўлда қалам,
Кейин оппоқ тонгача ёзар эди шеър.
Ёноқлари оқарар оқ қозодан ҳам,
Аммо дардни енгарди раҳмсиз илҳом,
Тирик сичқондан афзал ўлик арслон, шер.
Касалхонадан чиққан домла Шайхзода
Тўғри келди Кузнецк кўприги томон.
— Шомансур ўғиллари, — деди, — дунёда
Тўқсон жилдли луғат бор ноёб, зиёда,
Мутолаа этмоқлик юракда армон,
Китобхонага кирсак, ўша луғатга.
Харидорларни ёзарди нозанин бир қиз,
Домла дер: — Лутфан қўшинг мени навбатга,
Ва лутфан йўлланг уни тезроқ Тошкентга,
Етмиш етти йил шундоқ турсин ҳуснингиз!
Аммо афсус, минг афсус, донишманд устоз
Сигмади кўп бизларнинг пешонамизга.
Тошкентда зумрад баҳор киймасдан либос,
Кўзин юмди Шайхзода, қўлида қозоқ...
Аза очдик бел боғлаб остонамизда.
Улим олдида шоир қўшиқ айтса шод
Тўқсон жилдли китобга кетса талпиниб,
Бўғзида жон талашса ажал ва ижод,—
Жангмасми бу! Оловга, ўққа на ҳожат,
Аталмасми бу ҳаёт қаҳрамонлик деб!!



Александр
МИХАЙЛОВ,

«Литературная учеба» журналининг бош
редактори

ШАКЛ— ТОМИР, МАЗМУН— ҚОНМИ?

ЛИТЕРАТУРНАЯ

УЧЕБА



Ёшлик

БИРЛИК ФОРМУЛАСИ



ундай қилиб, Лев Аннинский тўғри деб ҳисобланган икки ҳол ўртасидаги зиддият — санъаткор учун миллийлик «ягона мақсад эмас, ва айти пайтда ягона мақсад-дир» деган қарама-қарши фикрни ўртага ташлайди. Турган гапки, бу парадокснинг жавоби идеалларининг умумийлиги ва чинакам интернационализм руҳи билан суғорилган мамлакатимиз кўпмиллатли адабиётларининг бирлиги феноменида яшириниб ётибди. Бироқ ғоявий умумийлик, ягона метод — социалистик реализмнинг партиявийлик ва халқчиллик сингари асосий принциплари адабиётни миллий ўзига хосликдан маҳрум қилмайди. Интернационал совет маданиятининг (ва унинг узвий таркибий қисми сифатида адабиётнинг ҳам) бойлиги шундаки, КПСС Марказий Комитети «СССР ташкил топганининг 60 йиллиги тўғрисида» қабул қилган қарорда таъкидланганидек, у «миллий маданиятларнинг ўзига хос аънавалари ва умум аҳамиятга эга бўлган ютуқларини ўзида мужассамлайди».

Шундай қилиб, бу — диалектик бирлик, ранг-баранглик замиридаги бирликдир. Совет адабиёти худди шу нуқта назардан тушунишни тақозо қиладиган катта тажриба тўплади. Миллий ва интернационал муаммолар моҳиятини англаб етиш ёш адабиётчилар ижодининг шаклланишида, истеъдодларининг ўсишида муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Биз Л. Аннинскийнинг мунозарали мақоласини тақдим этарканмиз, масала муҳокамасини ўзбек тупроғида ўтказишга қарор қилдик, бундан мақсад — истеъдодлар ва аънаваларга бой ўзбек адабиёти мисолида иттифоқдош республикалар ёзувчиларининг бадий ижодида миллий ва интернационал диалектика вужудга келишининг умумий қондаларини кузатишдир.

Биз бу муҳокамани Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг адабий-бадий, ижтимоий-сиёсий журнали «Ёшлик» билан биргаликда ўтказмоқдамиз. Журнал янги: у СССР 60 ёшга тўладиган йилда чиқа бошлади. Зеро, у партиямиз ва жамиятимиз ижодкор ёшларни шакллантириш ҳамда камол топтириш борасида кўрсатаётган ғамхўрликларининг яна бир амалий намунаси дир.

Бизнинг мунозарамиз — назарий масалани жонли адабий жараён билан боғлашга бир уриниш, холос. Албатта, у мавзуни тугал очиб беришни даъво қилмайди, бироқ, янги материалларни муҳокаманинг авж нуқтасига кўтариши, шу билан ёш ижодкорнинг бадий нигоҳи уфқини кенгайтириши ва янги назарий тадқиқотлар учун туртки бериши мумкин. Айти пайтда икки журнал саҳифасидаги бу чиқиш КПСС Марказий Комитетининг «Адабий-бадий журналларнинг коммунистик ҳурилиш тажрибаси билан ижодий алоқаси тўғрисида»ги қарориди таъкидланган «...Журналлар иттифоқдош ва автоном республикалар-

нинг бадий ижод соҳасидаги тажрибасини яна ҳам тўлиқроқ акс эттиришлари лозим» деган даъватга амалий жавоб бўлади. Ҳамкасбам, «Ёшлик» журналининг бош редактори, шоир Эркин Воҳидов суҳбатимиз мавзусини яна ҳам аниқроқ қилиб белгилаб беради, унинг иштирокчилари билан таништиради, деб ўйлайман.

Эркин ВОҲИДОВ:

«Ёшликнинг биринчи сони Шароф Рашидовнинг эзгу тиллаклари билан очилган, унда шундай самимий истақлар билдирилган эди: «Ёшлик» журнали адабиётимиз гулшанида ўзига хос бир боғ бўлиб қолсин. Бу боққа қадам қўйганлар ундан ҳаммиша хушнуд, кўнгли мунаввар бўлиб чиқсин. Унда амал олгувчи ниҳоллар чинор мисол гуркираб ўссин ва чинордек умри боқий бўлсин... Вақти келиб, келажакда катта адабиётимизнинг йирик намоянадалари ҳам фахр-ифтихор билан, ижодимни «Ёшлик»дан бошлаган эдим, деб айта олсинлар».

Ҳақиқатан ҳам дарҳол журнал атрофига иқтидорли ёшлар тўплана бошлади. Бир мунча танилиб қолган Нурали Қобул, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, Хайридин Султонов каби ёзувчилар, Усмон Азизов, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн сингари шоирлар ўз қўлёмалари билан келдилар. Янги номлар ҳам пайдо бўлди. Мисол учун Салоҳиддин Сироҷиддинов ва Маъсума Аҳмедова сингари умидли қаламкашлар ўз асарларини биринчи марта бизнинг журналимизда эълон қилдилар.

Биз ёшлар қўлёмалари устидан узоқ, машаққатли иш олиб борамиз. Негаки, «Ёшлик» Ўзбекистон учун аини пайтда ҳам «Юность», ҳам «Молодая гвардия», ҳам ўзига хос «Литературная учеба»дир. Дастлабки сонидек у ёш ёзувчи ва шоирлар учун бамисоли бир лаборатория бўлиб қолди. Редакция ҳар бир ёш қаламкашга маҳоратни эгаллашда, ўзлигини топишда ёрдам беради. Шунинг учун ҳам кундалик «иш устида» ёшлар ўз изланишларини тўғри ўзандан олиб бораётганлари-йўқми деган саволга дуч келинади. Хўш, улар миллийлик ва интернационалик муаммоларини қандай ҳал этмоқдалар! Уларнинг ижодий тўғри йўлга тушиб олишларида ахир бунинг бевосита алоқаси бор.

Биз адабиётимизга мен ва менинг тенгқурларимдан сўнг, урушдан кейин туғилган «ўттиз ёшлилар» авлоди — янги авлод кириб келганининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ҳозирги ёшларнинг омади чопган. Нега десангиз, биринчидан, улар тинч осмон остида вояга етдилар, ўзларини бутунлай ўқиш-ўрганиш ва адабиёт ишига бағишлаш имкониятига эга бўлдилар.

Яна бир жиҳатдан уларнинг иши ўнгидан келди. Бу авлоднинг бахтига тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа рўй берди. Мен КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида» чиқарган қарорини назарда тутаялман. Ана шундай ғамхўрликлар кўрсатилиб турган бир пайтда истеъдод албатта юзага чиқади. Барча нашриёт ва журналлар ёшларга эшикларини ланг очиб қўйди, улар учун турли хил нашрлар, альманахлар очилди, ранг-баранг семинарлар, учрашувлар, йиғинлар ўтказилмоқда. Мен Ёшлар билан ишлаш республика кенгашининг раиси сифатида бу ишлар жуда асосли ва жиддий йўлга қўйилганини яхши биламан.

Шоир ва ёзувчилар янги авлоднинг ижодий қиёфасида қандай жиҳатлар кўзга ташланади! Масалан, уларнинг ақл-заковатига, билимдонлигига менинг ҳавасим келади. Улар жаҳон адабиёти, рус ва чет эл адабиёти, классик ва замонавий адабиёт ютуқлари билан яхши таниш. Улар ўткир мулоҳазали, мустақил. Улар оригинал бўлишга, ноанъанавий, ностандарт фикрлашга мойил. Буларнинг ҳаммаси яхши. Бироқ мен бошқа бир нарсадан кўрқаман. Бизда яна шундай бир ақида ҳам бор: аллақандай ўзга, кенгроқ бир миқёсга, яъни миллийлик чегарасидан чиқишга интилиб, ёшлар баъзан жуда узоққа кетиб қоладилар, оёқлари остидаги миллий заминни йўқотиб қўядилар. Ёш дўстларим прозасини ўқир эканман, кўпича унда туз — миллий ўзига хослик, она тилимиздаги бойлик ва колорит етишмаслигини ҳис қиламан. Баъзан шу қадр силлиқ ёзишадикки, одам таржима асар ўқигандай бўлган. Миллий илдизга эга бўлмаган истеъдод ўсиб-униб кетиши қийин. Ўзбек тили ҳаддан ташқари бой. Айтайлик, Ойбек, Абдулла Қодирий ижодида тилимизнинг ифода имкониятлари жуда аниқ-равшан кўринади... Бу адибларнинг асарлари бизда қайта-қайта ўқиши бежиз эмас. Шунинг учун ҳам биз ёшларни тез-тез устодлар қолдириб кетган ибратли анъаналарни ўрганиб туришга, устозлар маҳорати ва тажрибасини нутиб юбормасликка чақириб тураемиз. Шу мақсадда «Ёшлик» ўз саҳифаларида таниқли адибларга ўрин бериб туради. Кўпича уларнинг ижодий лабораториялари тўғрисида ёшларнинг ўзлари ёзадилар: журналхонни ижодий лабораторияга бошлаб кириш баҳонасида ўзлари ҳам устоз адибнинг маҳорат «сирларини» чуқурроқ англайдилар ва билиб оладилар.

Бугунги ёш авлод ижодининг камол топиши учун ҳамма зарур нарса бор. Фақат унинг ривожини тўғри йўлга солиши керак. Худди ана шу борада «Ёшлик» ёш ижодкорга ёрдам беришга интилади. Биз журнал саҳифасида қобилиятли ёзувчи Нурали Қобулнинг кейинги пайтларда ёзган қиссаларининг муҳокамасини ўтказдик. Мурод Муҳаммад Дўст ўзининг илк йирик асари «Галателага қайтиш ёхуд саодатманд Ғайбаров ривоятини редакциямизга тақдим этди. Асар то журналда чиққан вариант ҳолига келгунча автор қўлёмани бир неча марта қайта ишлади. Асар концепциясини белгилашда миллийлик ва интернационалик масаласи Мурод Муҳаммад Дўст учун охири ўринлардан бири бўлиб қолган эмас. Адабиётга кириб келадиган ҳар бир ёзувчи олдидан ана шу масала кўндаланг туради. Буни, шубҳасиз, баҳсимиз иштирокчилари, «Ёшлик»нинг ижодий активи ҳисобланган машҳур ёзувчи ва шоирлар — Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Темур Пўлатов, Абдулла Орипов, адабиётшунос ва танқидчилар — Матбабул Қўшқонов, Иброҳим Ғафуров, ёш прозаиклар — Нурали Қобул, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзамов, шоирлар — Омон Матжон, Муҳаммад Солих, Собит Мадалиев, танқидчи ва ёзувчи Аҳмад Аъзам ҳам тасдиқлайди. Бу ижодкорларнинг баъзилари анъанавий шакллари ривожлантирадилар, баъзилари эса — қуттилмаган янгиликка экспериментга майл билдирадилар. Лекин бу ўринда табиий ва узвий равишда аниқ кўринадиган миллийлик туйғусини йўқотмаслик, уни бадий ишонарли ҳамда тушунарли қилиб акс эттириш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

МИЛЛИЙЛИК «СУБСТРАТИ» ЁХУД ПИЁЗ ЎЗАГИДА НИМА БОР?

Муҳаммад СОЛИХ. Лев Аннинский гапни парадоксдан бошлади: миллийлик, дейди у, «пайқалмаган тақдирда ҳам яшаш қобилиятига эга...» Хўш, бу фикрни дарҳол рад этиш керакми? Ким учун «пайқалмас» эканлигини аниқлаш маъқулроқ эмасмикан? Хўш, ким учун? Китобхон учунми? Йўқ, ёзувчи учун. Ёзувчи учун бўлганда ҳам — аини унинг ижодий жараёнида пайқалмайди. Ёзадиган одам учун бу чиндан ҳам — «қон оқиб турган томирларнинг пайқал-

маслигидир». Носир ёки шоир ўз тилини ҳис этади, уни қанча кўп ҳис этса, «ўзининг миллийлиги ва маҳаллийлиги» хусусида шунча кам ўйлайди. Дарвоқе, шундай экан, у ҳолда, ижодий изланишларида ёзувчининг миллийлик чегарасидан чиқишга интилиши она заминини йўқотиб қўйиш хавфини туғдиради, деб ҳисобловчи Эркин Воҳидовнинг ташвишлиниши беҳуда.

Яқинда бир роман муҳокамасида ёш авторни ноанъана-

вийликда, Лотин Америкаси ёзувчиларининг таъсирига берилганликда айбладилар, сал бўлмаса уни тақлидчига чиқариб қўйдилар. Бироқ ўзбекча ёзадиган ёш қаламкаш Лотин Америкаси адабларини ҳар қанча севмасин, уларга қанчалик тақлид қилмасин, ҳеч қачон уларга ўхшамайди, ўхшаши мумкин ҳам эмас. Чунки, тил қонунлари биз ўйлагандан кўра шафқатсизроқ: кўпинча тилни худди ўзимизга бўйсундириб олгандек бўламиз, уни истаган кўйимизга сола олишимиз мумкиндек туюлади, лекин ўзимизнинг унга боғлиқ эканлигимиз, вақти келса ўзимиз унинг «нағмасига» ўйнашимиз мумкинлиги ҳаёлимизга ҳам келмайди. Уртоғимиз ҳозирча «тақлидий романи»ни ўзбек тилида ёзар экан, унга лотин америкаликларнинг тақлидгўйи бўлиб қолиш хавфи таҳдид солмайди. Менингда, тилга, унинг имкониятига чуқурроқ кириш керак. Тақлиддан қутулишнинг ягона йўли ва миллий бўлишнинг бирдан-бир имкони ана шу.

Эркин АЪЗАМОВ. Шундай қилиб, ёзувчи ҳозирча (Муҳаммад Солиҳнинг фикрини қайтараман) «тақлидий романи»ни ўзбек тилида ёзар экан, «унга лотин америкаликларнинг тақлидгўйи бўлиб қолиш хавфи таҳдид солмайди». Яхши бўларди, агар бу рецепт ҳаётда ҳамма вақт ҳам ҳеч сўзсиз амал қилса. Афсуски, доим ҳам шундай бўлавермайди. Бизга, «Ёшлик» редакциясига аксариятида Европа, баъзан Лотин Америкаси адабиётининг акс садолари эшитилиб қоладиган қўлёмалар келиб туради. Тўғри, улар ўзбек тилида ёзилган, уларда фикр, характер, тасвир бор. Бундан чиқди, ҳаммаси жойида экан-да! Йўқ, жойида эмас! Бошловчи ижодкор ҳамма вақт ҳам тил «нағмасига» ўйнайвермайди, ҳамма вақт ҳам Қодирий, Ойбек, Гафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор каби сўз санъаткорлари сабоғини ёнда тутавермайди.

Айрим ёш авторлар «ихтиро қиладиган» сюжетдаги ясамалик, зўрма-зўракилик кўпинча уларнинг тилида ҳам акс этади. Мана, «Ёшлик»ка келган баъзи қўлёмалар: «Илҳом Зокирович ўзидами?», «У қизга севгисини айтди». Бир қарашда ҳамма сўзлар ўзбекча, фикр ҳам гўё шубҳа уйғотмайди. Лекин гап шундаки, бу жумлалар ўзбекча қурилмаган, йўқ. Бундай жумла тузиш ўзбек тили табиятига ёт. Мисол учун, «ўзидами?» деганда биз кўпроқ «эси жойидами?» деган маънони тушунамиз. Иккинчи жумла эса ўзбек тилига мутлақо тўғри келмайди. Чамаси, булар — ўйламай-нетмай русчадан калька қилиш, тилга, унинг табиятига бепарволик билан муносабатда бўлишнинг оқибати.

Шунга ўхшаш қўлёмаларда жуда кўп қутилмаган ҳолларга дуч келасан киши. Улардан бирида қаҳрамон яхши кўрган қизини тўппа-тўғри уйига етаклаб келади-да: «Ойи, танишинг, бу — менинг севгим, яқинда биз турмуш қурамыз», деб эълон қилади. Бизда бундай одат йўқ, бу қилиқ миллий анъаналаримизга тамоман зид. Бундай ошиқ-маъшукларни она ҳатто уйга ҳам киритмайди. Қолаверса, ўзбек йигити онаси билан бундай гаплашмайди.

Бошқа бир қўлёмлада отасининг таъзияси куни келиб-кетиб турганларнинг қилиқларидан истеҳзоли кулиб ўтирган қаҳрамон билан танишамиз. Она, эрини кўма сола, дарров «яшаб қолиш» пайига тушади, болаларини интернатга беради. Албатта, ҳаётда шундай ҳодисалар (тошбағирлик) бўлиши, шундай одамлар ҳам учраши мумкин. Лекин ҳамма гап авторнинг маънавий позициясида, китобхонни ўзи ёзган сўзларга ишонтира олиш қобилиятида. Ваҳоланки, айрим ёш авторлар ўзларини қуршаб турган ҳаётни тасвирласалар ҳам чинакам миллийлик туйғусини ишонарли чиқара олмайдилар.

Аҳмад АЪЗАМ. Чиндан ҳам, миллийлик туйғусини бадий асарда қандай бериш керак? Балки, ҳаётнинг ташқи томонларини — этнографик моментларни, миллий турмуш атрибутларини акс эттириш лозимдир? Тасаввур қилинг: жазирама саратон ойи. Бошларида салла ёки каштали дўппи, оёқларини чалиштириб, қайрағоч соясига, гулдор кўрпачаларда чордона қуриб, ҳар бири ўз пиёлада-сида, гуллар қадимги мадраса, мачит, миноранинг нақшларига ўхшаб кетадиган пиёлада хушбўй кўк чой ичиб ўтирган оқуқоқ чоллар. Ҳақиқатан ҳам шарқона манзара! Бироқ бу фақат европалик китобхон диққатини тортадиган манзара. Хусусан, унга яна эски арава, аччиқ тезак

тутуни, тупроқда ағанаб ётган эшак ҳам қўшилса, ёки сал нарироқда осойишта мудраб турган бир туя ҳам тасвирланса — ундан ҳам яхши бўлади.

Бироқ бунга ўхшаш экзотик манзара ҳозирги ўзбекистонликнинг асл қиёфасини, маънавий оламини, дунёқарашини ифодалай олмайди. У бошқа ёқдан келган киши учун ғайри табиий бўлган бундай олақуроқ деталларга кўникиб кетган.

Агар ёзувчи ана шундай деталларга суянса, юзаки тушунилган миллий колоритнинг сохта манзараси пайдо бўлади. Миллийликнинг моҳиятини бериш учун ўз халқининг ҳаётини чуқур ўрганиш керак. Биз асарда ана шу моҳиятни яққол ҳис қила оламизми, идрок эта оламизми? Лева Аннинский бадий асарнинг «вужуди» тўғрисида фикр уриштириб, «Соф ҳолдаги субстрат»ни алоҳида ажратиб олишга уриниб кўрини — у шундоқ кўз олдингида ғойиб бўлади. Унинг пўстини худди пиёзга ўхшаб арча бошлайсиз ва бордию «пиёз ўзағига» етиш насиб этса, нуль натижага эга бўласиз», деб огоҳлантиради.

Хўш, миллий «субстрат» пайқалмаслиги ростми? Мисол учун, XIX аср япон шоири Реканнинг бир шеърини ўқиб кўрайлик:

Мендан кейин,
Нима қолади!
Баҳор ила — гуллар,
Тоғларда каккулар,
Кузак ила — заранг япроғи.

Биз бу ерда маълум миқдорда шоирона қалб ҳолатини тасаввур қила олишимиз мумкин, бироқ миллий «субстрат»ни бехато аъзоларга бўла олишимиз даргумон. Ҳозирги замон япон ёзувчиси Ясунари Кавабата бу шеърни таҳлил қилар экан, уни «ўйлаб топилмаган, ҳатто таъкидланиши ҳам оддийгина, ёнма-ён қўйилган, бироқ ўрин алмашиб келиб Япониянинг ҳақиқий моҳиятини берадиган оддийгина сўзлар, оддийгина образлар», деб баҳолайди. Албатта, бу моҳиятни тушуниш учун япон образли тафаккури табиятини билиш керак. Бундан чиқадики, демак асарда миллий «субстрат»ни аниқ кўрсатиш мумкин...

Асқад МУХТОР. Миллий «субстрат» мураккаб масала. Ўзининг миллийлигини «бегона»дан ҳимоя қилиш нотўғри. Шунинг учун нотўғрики, «соф ҳолдаги» миллий тарих ҳам, маданият ҳам, психология ҳам, ниҳоят, миллий тил ҳам йўқ. Киши одамлар орасида яшаганидек, миллат ҳам бошқа халқлар орасида туғилади ва яшайди. Аннинский «полиэтник материалда ҳам миллийлик вужудга келиши мумкин», деб жуда тўғри айтади.

Шунга қарамай, миллий «субстрат» бор! Фақат, Аннинский маънада берганидек, уни ажратиб кўрсатиш, асардан қават-қават қилиб «арчиб» олиш мумкин эмас. Ҳеч нарсани «арчиб» олишнинг кераги йўқ! Акс ҳолда, ўша «субстрат» нимадан иборат бўлади? Ахир тил материали ҳам, этнографик материал ҳам, тарихий «қатлам» ҳам, миллатнинг руҳий қиёфаси ифодаси ҳам, унинг тафаккур тарзи ҳам ўша «субстрат» ичига киради. Ана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, бир-бири билан қўшилиб-чатишиб кетган ҳолда миллий «субстрат»ни келтириб чиқаради.

Хусусан, ёшларга бир гапни айтиб қўймоқчиман: олиф-тагарчилик қилиш керак эмас, ўз миллий хусусиятларини бировдан рашк қилаётган қиёфага кириб ёздайиш ярамайди, ёки аксинча, «бутун инсониятнинг граждани» бўлиб кўринишнинг ҳам кераги йўқ. Булар жуда қалтис, нолик нарсалар: зиғирдай сунъийлик ҳам дарҳол кўзга ташланади, кўнгилни совутади. Бизда улусифатлик касали бор: айрим ўзбек шоирларининг шеърларида лирик қаҳрамон нақ инсоният тимсолига айланади ва ҳоказо. Албатта, миқёсли тимсоллар билан ҳам «ишлаш» мумкин, бироқ ердан узилмаслик керак-да. Бу ижодкорни қуритиб қўяди. Ҳаммаси юракдан, табиий, самимий бўлиши керак. Энг аввал одам ўзини топиши лозим. Агар сен, қани, бир миллий характер яратай-чи, деб ўз олдинга махсус мақсад қўймасдан, асарингда характерли ҳаётий ҳолатларни, реал тўқнашувларни акс эттирсанг, миллийлик асарнинг бадий тўқимасида юзага чиқади. Менга Аннинскийнинг: ўзбек бўлиш ёки «умуман инсон» бўлиш учун

маҳсус қайғуришнинг кераги йўқ, деган фикри жуда ёқди. Ҳамма яхши миллий нарсалар ўз-ўзидан умуминсоний нарсалар бўлади, ҳақиқий миллийлик ҳамма вақт интернационалликни ҳам англайди. Миллийлик ва интернационаллик — маҳсулот ўраб бериладиган қоғоз ёки ташқи белги эмас. Бу — халқнинг маънавий йўли.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ. «Миллий негизнинг маъноси кўп. Турмуш тарзимиз, урф-одатларимиз шундоққина кўз ўнгимизда ўзгариб бораёттир. Ўзбек ҳужжатли фильмининг асосчиси Худойберган Девонан ва ҳозирги замон ҳужжатли кино устаси Малик Қайумовнинг хроник кадрларини кўрганда, 20-, 30-йилларга оид унниқиб кетган фотосуратларини кўрганда, беҳтиёр ҳайратга тушасан киши: одамлар, кўчалар ва шаҳарлар қиёфаси нақадар ҳайрон қоларли даражада ўзгариб кетган. Кўриб туриб, ўзбекка, Осиёга, Шарққа хос колоритнинг азалдан узвий фарқи бўлиб келган, муқаррар аломати ҳисобланган қанчадан-қанча нарсалар манғу қайтмас бўлиб кетганига гувоҳ бўласан. Янги социалистик воқеликда нимагаки ўрин қолмаган бўлса, ўша кетди, ўзбек халқи фаолиятининг барча соҳаларида асрлар мобайнида ортирилган жамияти яхши нарсалар яшаб қолди ва янги жамиятда ҳам ривож топаёттир.

Чинакам бадий асарда миллийлик бўртиб туриши, ҳадеб кўзга тушавериши керак эмас. У санъаткор ўз асарини — фарзандига жо қилган маъно тагида, ичдан кўриши керак. Одам ўзига ёққан ҳар қандай замонавий либосни кийиши, ўзига маъқул ҳар қандай ишни қилиши мумкин, бироқ бу унга ўзининг миллий дунёқарашини ифодалашда халақит бермайди. Муҳими — ана шундай қаҳрамоннинг ички, маънавий ҳаётини яратиш ва худди ана шундай миллийлик аломатларини илғаб олиш ҳамда уни китобхонга беришдир. Менинча, чинакам санъат, у тасвирий санъатми, кино ёки адабиётми — бундан қатъий назар, бошдан-оёқ ана шундай бўлиши керак.

Баъзан шундай гаплар ҳам қулоққа чалинади: гўё иттифоқдош республикаларнинг адабиётлари ўз миллий аломатларини йўқотаётган, уларни бир хил қилиш, бир шаклга солишнинг ўзига хос жараёни кетаётган эмиш. Бундай эмас, албатта.

Бироқ жараённинг борлиги рост, фақат мен уни бошқача — яқинлашиб жараёни деб атаган бўлардим. Чиндан ҳам, ахлоқий ва ғоявий проблемаларни таҳлил қилиш ҳамда дунёқараш жиҳатидан адабиётимизда умумийлик бор. Хўш, буни нуқсон деб ҳисоблаш тўғри бўладими? Менинча, йўқ. Фикран 20-, 30-йилларга кўчайлик, ва, айтилик, ўн-ўн беш миллатнинг ёш вакиллари бир жойга тўплаб, назар солайлик: кимнинг кимлиги дарров кўринади-қўяди. Бордию улардан ҳар бирининг маънавий оламига назар ташлаш насиб қилса, у ҳолда ҳам ораларидаги фарқни кўриб, ёқа ушлаш мумкин бўлар эди. Қани, энди ҳар хил миллат вакилларидан бугунги ўн-ўн беш ёшни қатор қилиб қўяйлик-чи (бу ҳам фикран албатта), кимнинг кимлигини, яъни, ким — қайси миллат вакили эканлигини дарҳол айтиб бўлармикан? Қайдам. Маънавий олам масаласига келсак, бу ерда миллий фарқни аниқлаш яна ҳам қийинроқ, чунки уларнинг дунёқарашлари, ҳаётга ва бошқа жуда кўп нарсаларга қарашлари ҳаддан ташқари ўхшашдир. Фарқ жуда ҳам йўқ эмас, лекин уни пайқаб олиш жуда қийин.

Одамларнинг ўзи шундай бўлгандан кейин бадий асарда бу лаънати фарқ юзага бўртиб чиқмаган бўлса, авторга таъна тошини отишга ҳақимиз борми? Ўзбек керами — демак, марҳамат, чуст дўппи билан чойхона, қозоқ керами — марҳамат, тумоқ билан бир сурув қўй ўлаб юрган сахро; кирғиз керами — марҳамат, намаз қалпоқ билан ёғли бешбармоқ. Шундайми? Балки, аввал ҳаётга синчиклаб қараб, ундан кейин адабиёт ҳақида ҳукм чиқарсак, тузукроқ бўлар? Бу билан мен адабиётларимизнинг ўзига хос хусусиятларини, миллий фарқ ва аломатларини йўққа чиқармоқчи эмасман. Бундай аломатлар олдин ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Аммо биз адабиётларимизнинг миллийлиги интернационалликка, умуминсонийликка асло зид келмаслигини, аксинча ҳали, Асқад Мухтор айтганидек, у интернационаллик ва умуминсонийликни бир мунча тўлиқ ҳамда

чуқур гавдалантириш воситаларидан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Нурали ҚОБУЛ. Менинча, адабиётдаги миллийлик албатта ўзининг борлигини билдиради. У китобхонни туйғуларнинг ҳамма ранглари қўшиб тасвирланган нарсаларни — баҳор ёмғирининг ҳиди ва қадрдон ўлка гўзаллигини ҳис қилишдан тортиб, ҳатто беғона бўлса ҳам, ўзига яқин бўлиб қолган ҳаёт моҳиятини тушуниб олишга мажбур этади. Мисол учун, ҳар бир жойнинг ўз ёмғири, бу ёмғирнинг ўзига хос шиддати, бошқа жойнинг ёмғирига ўхшамаган ҳиди бўлади. Бордию сиз тошларнинг ҳидини ўзига сингдириб олган тоғ ёмғири тўғрисида ёзсангиз, Жанубий Америкада яшаётган одам сизнинг асарингизни ўқиб, шубҳасиз, бундан хурсанд бўлади ва унинг ёдига қуруқ субтропикларга хос қадрдон ёмғирлар ҳақидаги хотиралар қалқиб чиқади. Ёмғир, қуёш, қор — ҳамма учун бир бўлганидек, менинча, умуминсоний туйғулар ҳам ҳамма учун бир. Умуминсонийликка мурожаат қилиб, ўз миллийлигини бериш муҳимроқдир.

Омон МАТЖОН. Баъзан бир қишлоқ, бир дарахт ёки тош ўша халқнинг маънавий оламига элтувчи йўлнинг кўрсаткич белгиси бўлиши мумкин.

Темур ПҮЛАТОВ. Аннинский бизга миллий «субстрат»ни «соф ҳолда» ажратиб кўрсатиш мумкин эмаслигини исботлаб беришга ҳаракат қилади. Мен бу фикр унчалик тўғри эмас, деб ўйлайман. Албатта, бадий ижодда миллийлик фақат аллақандай аниқ кўрилган, хотирада тинтилган бирор нарсадангина пайдо бўлмайди. Миллийлик — бир мунча нозик ва баъзан зўрға илғаб олинмаган, бироқ, шунга қарамай, мавжуд ҳодиса. Афтидан, уни асло асар мазмунидан эмас, тасвирий воситалар билан, жанр хусусиятлари билан боғлиқ, хулласи калом, авторнинг дунёни ҳис қилиши орқали ифодаланмайдиган аллақандай шаклий хусусиятларидан излаш керак.

Мен миллийлик прозадан кўра поэзияда кўпроқ ифода топади, деб ҳисоблайман. Нега десангиз поэзияда, лирик негиз муқаррар равишда бўртиб туради, худди ана шу авторнинг эмоционал ва руҳий оламини ўзига хос бир мўъжиза билан ўқувчи қалбига етказилади. Поэзия бамисоли ўзида халқнинг умумий мажозий тафаккурини, унинг мезожини ва кўнгил оламини акс эттиради. Шунинг учун ҳам у прозага қараганда миллийликни кўпроқ ифода этади. Очигини айтганда, мен учун рус тилида ёзадиган ўзбек шоирларининг кизиғи йўқ. Мисол учун, Ўзбекистон ва ўзбек ҳақида рус тилидан фойдаланиб ҳикоя қиладиган Раим Фарҳодидан кўра, менга, ўзбек тилида, асл нусхада ҳам ўқий оладиганим Абдулла Орипов қимматлироқ. Рус тилида ижод қилувчи шоирлар кўпинча зарур миқдорда ўз миллий қиёфа ва хусусиятларини ифодаламайдиган ўрта тилда ёзадилар.

Собит МАДАЛИЕВ. Темур Пўлатов миллийликни «асло асар мазмунидан эмас, унинг қандайдир шаклий хусусиятларидан» излашни таклиф қилади. Бу фикр унчалик тўғри эмас, деб ўйлайман, чунки: хўш, қандай қилиб шакли мазмундан ажратиб бўлади, деган савол туғилади.

Темур Пўлатовнинг фикрича, поэзия миллийликни прозага қараганда кўпроқ ифодалар эмиш. Агар у ўртага ташлаган фикр мантигидан келиб чиқилса, драматургия миллийликни яхши ифодалай олмайди, ёки умуман ифодаламайди, деган фикр чиқади. У ҳолда Островский, Горький драматургиясини нима қиламиз? Ахир улар ўз пьесаларида рус миллий руҳини ҳатто ўз замондошларининг прозасидан ҳам кучлироқ ифодалаб берганлар-ку. Темур Пўлатов ўз фикрини поэзияда автор дунёқарашини, лирик негиз алоҳида бир мўъжиза билан бўртиб чиқади, деб исботлайди. Ахир лирик негиз прозада ҳам, хусусан, ривоят прозада ҳам бўртиб кўринади-ку. Масалан, Темур Пўлатовнинг ўз қаламига мансуб «Мулк» ривоят-қиссасини олайлик. Унда авторнинг миллий дунёқарашини ўзида мужассамлаган лирик, аниқроғи, лирик-фалсафий асос аниқ ажралиб туради. Адабиёт тарихи адабиётнинг барча тур ва жанрлари миллийликни ифодалашда бир хил имкониятга эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ. Шубҳасиз. Агар ёзувчи ўз халқининг миллий руҳини яхши тушунаса ва тўғри акс эттирса, албатта у ана шу халқнинг ёзувчиси деб аталишга

ҳақли бўлади. Уз асарини бошқа тилда ижод қилиши ҳақидаги факт эса, ҳолос унинг интернационал диапазонини кенгайтиради. Худди ана шу маънода Чингиз Айтматов ҳеч сўзсиз — қирғиз, Улжас Сулаймонов — қозоқ, Темур Пўлатов — ўзбек ёзувчиси ҳисобланади. Кўриб туриб-мизки, давр адабиётда икки тиллилик проблемасини алоҳида илгари сураётир.

Темур Пўлатов. Ҳозир икки тиллилик тўғрисидаги гап-сўзлар, баҳслар шу қадар кўпайиб кетдики, худди бу масала бугун, аллақандай ўткинчи модага ўхшаб, бизнинг давримизда туғилган мутлақо янги муаммо деган таассурот уйғонади кишида. Ҳолбуки, бу жуда қадимдан келаётган анъана. Бахтга қарши, орамиздан эрта кетган истеъдодли тадқиқотчи Эргаш Рустамовнинг «XV асрнинг биринчи ярмида ўзбек шеърляти» деб номланган китобида мен ҳозирги Ўзбекистон территориясида яшаб, икки тилда — ўзбек ва форс тилида ижод қилган шоирларнинг бутун бир плейадасига дуч келдим. Шулардан бири Шарқда машҳур «Гул ва Наврўз» достонининг муаллифи Лутфий. Ёш Навоий ҳам ана шу шоирлар орасида бўлган, уларнинг шеърларини эшитган, улардан ўрганган. Бутун бошли ўша даврнинг кўз ўнгимда қад ростилаши учун зуллисонан замонда яшаб ижод қилган икки буюк сиймо — Жомий ва Навоий номини тилга олишимнинг ўзи кифоя. Навоий замонасига келиб, шеърлятда ҳатто ўзига хос янги — муалламаъ жанри пайдо бўлган. Китобхон ҳар иккала тил жозибасини нозик ҳис этиши учун баъзан бутун бошли достонларнинг бир мисраи — ўзбек, бир мисраи — форс тилида ёзилган.

Адабиётдаги икки тиллилик — бир пайтнинг ўзида ҳар икки тилда ҳам ижод қилиш деган гап эмас. Худди тақдирга ўхшаб ёзувчининг тили ҳам битта бўлади. Унинг ўзи ижод қиладиган тил билан муносабати шу қадар чуқур, шу қадар мураккабки, тил ёзувчи учун: — хиёнат қилиш — гуноҳ, алдаш — ноинсофлик ҳисобланадиган иккинчи ватанга айланиб қолади. Жонли тил ўч олади. Ижод завқини иккинчи ватан қилиб олсанг, яъни, ёзиш ишқи билан яшасанг, қайси тилда ижод қиладиганингнинг аҳамияти қолмайди, бинобарин, санъатнинг олий тилига дахлдор бўласан.

Узлаштириб олинган, атай ўрганиб эгалланган тил орқали халқининг руҳияти ва тафаккур тарзини, ёзувчи онига қон билан, она сути билан кирган тилининг қадрдон оҳанглари, рангин товланишларини, мусиқасини бера билиш нақадар муҳим. Уз тажрибамдан келиб чиқиб, олдиндан айтиб қўяй: бу жуда мураккаб жараён. Ижод дақиқасида болалигингда она тилда айтилган олам образи пайдо бўлади, кейин бу образлар интуитив ҳолда, совуқ мушоҳада иштирокисиз, ҳаёлда рус тилига таржима қилинади ва рус тили воситасида ёзувда ифода этилади. Менинг болаликдаги тилим — ўзбек ва тожик тили; уларнинг ўзига хос оҳанги, мусиқаси, шиддати. — ҳаммаси ёдимда. Хуллас, рус тилида ҳам рус бўлмаган авторнинг ўзига хос миллий тафаккур хусусиятлари аниқ-равшан кўриниб турадиган қилиб ёзиш мумкин.

Мўхаммад СОЛИҲ. Темур Пўлатов тўғри таъкидлади: икки тиллилик қадимги анъана. Лекин ҳамма вақт ҳам биз уни тўғри изоҳлаймизми? «Русча» шеърларига қараб, Рилькени рус шоири, ёки аксинча, агар Россияда туғилган немис Рильке рус тилида ёзса-да, биз уни немис шоири деб атасак, бундан қандай фойда чиқади? Тўғри, Алишер Навоий форсча шеърлар ҳам ёзган. Бироқ у бу шеърларига Фоний деб тахаллус қўйган. Фоний — ўткинчи дегани. Аммо Навоий ўз тилида ўткинчи эмаслигини яхши билган. Бир пайтнинг ўзида икки тилда, хусусан, шеърлятда камолотга эришиш мумкин эмаслигига ақли етган. Шоир ўзини биргина худога — она тилга бағишлаган кўрбон. Гюго айтганидек, «динлар ўтаверади, худо қолади». Тил одамлар учун — гоё эмас, у — ватан: Аннинский аниқ-равшан ифодалаб берганидек, у «халқнинг жамланган маънавий тажрибаси». Коирад поляклар ҳақида ёзмагани учун эмас, йўқ, худди мана шу маънода инглиз ёзувчиси дидир.

Ёзувчининг миллатга мансублиги масаласи Аннинский мулоҳазаларида аллақандай ночор мунофиқлик тусини олади. Мисол учун, танқидчи, Друцэ ҳақида худди молда-

ван ёзувчиси ҳақида гапиргандай гапирди: «чунки у умуминсонийликнинг молдаван қирраси ҳақида фикр юритади», дейди. Агар Аннинский мантиқидан келиб чиқади-де, бўлса, тил, унинг сўзлари билан айтганда, «шунчаки гайри табиий фикр ташувчи қурол эмас», балки «халқ характери, маънавий тажрибаси жамланган тирик организм»; демак, рус тилида ёзадиган молдаван рус халқи характери ва маънавий тажрибаси орқали ўз халқининг маънавий тажрибаси ва характерини акс эттиради. Агар бу ёлғон бўлса, рус тили бошқа халқ учун фақат фикр «ташувчи»дир, деб фарз қилишдан ўзга чорамиз қолмайди. Хуллас, Аннинский икки тиллилик проблемасини изчил изоҳлаб беролмаган.

Аҳмад АЪЗАМ. Аннинский илгари сурган муаммонинг мураккаблиги сезилиб турибди. У «русча ёзадиган қозоқ, ўзининг қозоқлигини яна ҳам чуқурроқ ҳис қилади, чунки у «тил девори» билан муҳофаза этилмаган. Тил йўқ, лекин «нимадир бор», деб ҳисоблайди. Нарироққа бориб, у «хеч нима» киймайдиган ва ўз ичиде «сақламайдиган» қатламлар ва кийимлар» ҳақида гапирди. Аммо бу «кийимлар ва қатламлар» ўзларининг мавжудликлари ҳақидаги фактда «нимадир» сақлайди. Бу «нимадир»ни эса ажрати олиб бўлмайди», деб уқтиради танқидчи.

Бироқ миллий моҳиятни акс эттирувчи ана шу «нимадир»ни рус тилида ижод қиладиган ёзувчи текстда ажратиб олиш мумкин эмас, чунки ўша «нимадир» унинг ўз халқи тилида қолиб кетган бўлади. Миллийлик фақатгина миллий тилда яшайди. Ана шу тил оламга шунғимаган киши ҳамма нарсаи англаб етиши қийин. Масалан, рус китобхони Абдулла Орипов шеърларидаги «Ўзбекистон — ватаним маним» нақоратидан, агар у сўзма-сўз таржима қилинса, қандай завқ олади? Нарироққа, авторнинг ватанга бўлган фарзандлик меҳри ҳақидаги оддий бир хабар-да. Ўзбек тилида эса бу мисрадаги товуш бойлиги қалбни тўлдирди, тўлқинлантирди, ўзининг ифодавийлиги билан ҳайрон қолдиради. Абдулла Орипов шеърлятининг чуқур миллий жарангини, ундаги уйғунликни тушунтириб бериш қийин, уни фақат ҳис қилиш мумкин.

Абдулла ОРИПОВ. Шеърлятимиздаги ифода имкониятларининг ҳаммаси — тилимизнинг бойлигидан. Бу бойлик нимада кўринади? Мисол учун, синонимларда. Ўзбекчада қуёшни беш сўз билан айтиш мумкин. Ойнинг ҳам беш-олти синоними бор. Ернинг ҳам. Алишер Навоий ўзбек тилида йиғининг ўн тўққиз хили ва номи борлигини, ҳар бири қандайдир бир ҳолатни билдиришини ёзган.

Асқад МУХТОР. Тил — ёзувчининг миллатга мансуб эканлигини билдирувчи дастлабки муҳим белгилардан бири, албатта. Бироқ адабиёт дегани фақат тилдан иборат эмас. Унда ҳақиқатлар ҳам бор: ҳаётий ҳақиқат, бадий ҳақиқат, тафаккур мантиги ҳақиқати, ниҳоят, психологик ҳақиқат. Чинакам миллийлик ана шу психологик ҳақиқатда кўринади. Ёзувчи ана шу ҳақиқатларни ҳис қилиши, ўз халқининг тарихий тажрибаси ва руҳий қиёфасини, унинг дунёни идрок этиш тарзини, урф-одатларини, маданиятини билиши керак. Буларнинг ҳаммаси ёзувчининг миллатга мансублигини билдирувчи белгилардир. Бордию, айтайлик, ўзбек рус тилида ёзса, бинобарин, ўз халқининг дунёқарашини кўрсатса — у бизнинг ёзувчимиз, миллий ёзувчимиз бўлади.

Ҳар бир ёзувчи, қайси тилда ёзишдан қатъий назар, доим ўз китобхонини назарда тутди, яъни, ўз асарининг кимга қаратилганини ёдда сақлайди. Аннинский «рус китобхонининг қалби» тўғрисида бекордан-бекор гапиргани йўқ. Рус тилида ёзадиган ўзбекнинг кўз олдида биринчи галда рус китобхони туради. Шундай экан, у бунга ҳисобга олади, рус китобхонига миллий ҳаёт тўғрисида ҳиқоя қиладиганини эсдан чиқармайди, тўғридан-тўғри ўзбек китобхонига қарата, ўзбек тилида ёзадиган ўзбек ёзувчиси-дан унинг фарқи ҳам мана шунда. Бу, айниқса, рус тилида ёзадиган ёзувчи асарини ўзбек тилига таржима қилиш пайтида яққол кўринади. Унинг ҳамма ёзганлари ҳам ўзбек китобхони дидига тўғри келавермайди, ўзбек китобхони уларнинг ҳаммасини ҳам қабул қилавермайди, шунинг учун ниманидир ўзгартириш, ниманидир қисқар-

тириш, ниманидир қайта ишлаш, меёрига етказиш керак бўлади, нега десангиз, — энди китобхон бошқа.

Иброҳим ҒАҒУРОВ. Рус тилида ёзадиган миллий ёзувчи ижоди ўз халқ маданиятининг узвий қисми ҳисобланади, албатта. Айни пайтда бундай икки тилли ёзувчи рус маданияти намояндаси ҳамдир. Бу сўзсиз унинг ижодида аксини топади. «Дружба народов» журналида (1982 йил, 3-сон) Андрей Битов Темур Пўлатов ижодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида ажойиб фикрлар айтди. У Темур Пўлатовнинг ёзувчи сифатида миллатга мансублиги тўғрисида фикр юритади. «Уни, — деб ёзади А. Битов, — рус ёзувчиси деб бўлиш-бўлмаслигини билмайман, лекин уни рус прозаиги деб аташ мумкин. Темур Пўлатов деган ўзбек прозаиги йўқ... Ўзбек ёзувчиси бўлиши мумкин... Бироқ у рус прозаиги».

Темур Пўлатов. Биласизми, икки тилли ёзувчилар тўғрисида фикр юритар экан, Андрей Битов Аннинскийга қараганда бир мунча аниқроқ таъриф берганга ўхшайди. Аннинский тил ва дунёқараш билан чекланиб қолиб, «касбий» жиҳатларни (шоир, прозаик, драматург) ҳисобга олмайди. Битов эса икки тушунчани — кенг маънодаги ёзувчи ва унинг қайси «касбга» оидлиги тушунчасини бири-бирдан фарқлашни таклиф этади. Мен тўғримда гапирар экан, у бир мунча тор тушунчани — соф «касбий» маънодаги «прозаик» сўзини ишлатади: иншо, тил жиҳатидан — рус прозаиги; материал, дунёқараш жиҳатидан — ўзбек ёзувчиси. Бунда қандайдир аниқлик бор.

Нурали ҚОБУЛ. Яқинда Тошкентда ўзбек ёзувчиси Раим Фарҳодийнинг «Қайсар ҳўтик Қорақўз» деб номланган насрий қиссаси босилиб чиқди. Ўзбекистонда, Урта Осиёда, умуман, бутун Шарқда ҳам эшакка ном бериш расм эмас. Раим Фарҳодий эса эшакка одамнинг исмини қўйишни лозим кўрган. Бу нима? Новаторликми, аъёнага қарши чиқишми ёки ўз миллий урф-одатларини билмасликми? Ваҳоланки, Қорақўз исми янги туғилган қизалоққа — кўзлари тим қора чақалоққа қўйилади. Бундан чиқадики, рус тилида ёзадиган миллий ёзувчи умр бўйи Шарқда яшаган бўлишига қарамай ўз халқининг айрим урф-одатларини билмаслиги ёки писанд қилмаслиги мумкин экан-да?

Тўғри, рус тилида ижод қилувчи ёзувчини мен «ўзимизнинг» ўзбек ёзувчиси деяверишим мумкин, чунки биз ҳамқасабалармиз. Лекин у, айтилик, деҳқон учун «ўз ёзувчиси» бўла оладими? Масаланинг бу томони ҳам бор, негаки, халқ аъёнага, тарихга, урф-одатларга жуда эҳтиёткорлик, эҳтиром билан муносабатда бўлади. Яна бир гапни айтиш керак. Кўпинча рус тилида ёзадиган миллий ёзувчи адабий тил қондаларини бузади, рус тилининг барча нозикликларини чуқур ҳис қилмайди. Билмадим, бундай ёзувчилар қайси миллат маданияти ривожига ҳисса қўшади? Рус маданиятигами? Қайдам. Бу маданият шу қадар улканки, унга дахлдор бўлиш учун биргина истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун яна чуқур маънавий илдизлар ҳам бўлмоғи зарур.

Одил ЕҚУБОВ. Миллийлик ёзувчи ўзи яратган ҳаётий ситуация ва конфликтларни фақат ишонарли тасвирлай олган бўлсагина умум аҳамиятга молик муаммоларни ҳал қилиш жараёнида ўзини кўрсатади. Миллий аломатлар тарихий мавзудаги асарларда айниқса кўзга яққол кўринади. Халқ тарихига мурожаат қилишнинг ўзи ёзувчининг унинг тақдирини, миллий илдизларини ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Бинобарин, автор ўзи ҳам билиб-билмасдан ўзи тасвирлаган ўтмишни бугунги ҳаёт билан таққослайди. Маълум бўладики, кўпгина замонавий муаммолар, айтилик, бундан беш юз йил олдин ҳам мавжуд экан. Мен бунини «Улуғбек хазинаси» романи устида ишлаётган кезларимда билганман. Ҳозир хоразмлик қомусий олим Беруний ва буюк файласуф, аллома ҳамда шоир Ибн Сино замонасига бағишланган янги тарихий романини тугатаёзим. Унда мен минг йил орқага «чеки-

ниб», олис ўтмишга нигоҳ ташлар эканман, бугунги кунда бизни ташвишлантираётган: софлик, ҳалоллик, севғи-муҳаббат, дўстлик, буюк ғояларга садоқат, адолат сингари масалалар ўша даврда ҳам жуда долзарб бўлганига ишонч ҳосил қилдим.

Миллий тарих материаллари ичига «шўнғир» экансан, ҳар қадамда «мангу» масалаларга, умуминсоний муаммоларга тўқнаш келасан. Ана шу масала ва муаммоларни чуқурроқ мулоҳаза қилишга ёрдам берадиган ижодий йўл, муносиб шакл топгинг келади. Ривоят ва афсоналарга мурожаат қилиш — ана шундай йўللardan биридир. Бу тарихий романимда мен кўпдан-кўп афсона ва ривоятлардан, эртақлардан фойдаландим. Назаримда, улар роман тўқимасига етакчи фикр жарангини яна ҳам ошириш, инсоний характерларни яна ҳам кенгроқ, миқёслироқ кўрсатиш учун кирди.

Афсона ва ривоятлардан фойдаланиш — жуда самарали йўл. Бироқ биз бунини эндигина тушуна бошладик. Илгарилари афсона ва ривоятлардан жуда кам, ўшанда ҳам кўрқа-писа фойдаланар эдик. Энди бўлса бу усулни суистеъмол қилишми: ўрни келса-келмаса асарга афсона ва ривоятларни тикиштиравемиз. Шунга қарамай, ёзувчиларимизнинг афсона ва ривоятлар сари интилишини қўллаб-қувватламай бўлмайди.

Асқад МУХТОР. Чингиз Айтматов ижоди афсона ва ривоятларни бадиий тушуниш жиҳатидан намуна бўлади. Аннинскийнинг айтишича, «ҳозир прозага сузиб кираётган» афсона ва ривоятлар «ҳақиқий фалокат» эмиш. Мен бунга қаршиман, бу — фалокат эмас. Ахир афсона ва ривоятлар — миллий психологиянинг асрлар давомида тўпланган қаймоғи, маънавий куч-қудрати эмасми? Афсона ва ривоятларнинг ёзувчиларни ўзига тортаётган жозиба сеҳри шундаки, улар ҳар доим миллий, айна пайтда, умуминсонийдир. Бу гапнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини билиш учун ҳиссиёт меёри бўлиши лозим. Ҳар гал бунга конкрет ёндашиш керак. Бир ёзувчи ўз асарини бошдан-оёқ афсона ва ривоятлар асосига қуради, бошқаси эса — афсона ва ривоятларни асарининг у ер, бу ерига «селип» қўяди. Ҳамма гап афсона ва ривоятларнинг ёзувчи яратган тўқиммага қай даражада узвий сингиб, чағишиб кетишида. Масалан, Чингиз Айтматовда афсона ва ривоятлар асарнинг образли ва композицион қурилишига чағишиб кетади. Лекин Раим Фарҳодийнинг Юсуф ва Зулхайхо тўғрисидаги шеърини қиссасида афсона ва ривоятлар чуқур маъно касб этмаган, уларнинг «ишламаётгани» очикдан-очик кўриниб турибди.

Темур Пўлатов. Афсона ва ривоят асарини безайдими ёки унга «ямоқ» бўлиб тушадими — бари бир, Моҳиятига кўра, ҳар иккала ҳол ҳам, ҳар икки ақида ҳам ўринли. Бироқ, менингча, афсона ва ривоятларни «ямоқ» қилиш кўпроқ «мода» бўляпти. Халқ афсоналарига замонавий маъно бериш намуналарини кўрсатган ёзувчи ҳам баъзида ана шу «ямоқни самарали «ишлата» олмайди. Мен Чингиз Айтматовнинг сўнги романини кўзда тутаяман. Унда манқурт ривояти реалистик текстга «ямалган», бошқа томонда эса — космосда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги репортаж-ҳикоя. Автор ниятига кўра, булар бари бир-бири билан узвий «куланиб кетиши» керак эди, бироқ айрим ўринларда «тўғноғичлар»нинг бўртиб туриши шаклдаги атайинлиқни билдириб қўяди. Агар асар ривоят-роман бўлганда бошқа гап эди. Ўз дунёқарошига, ўз стилистикасига кўра бундай автор — ривоят ижодкоридир. Бу ерда энди афсона ва ривоят «ямоқ» эмас, у асарнинг бошдан-оёғигача ўқоя бўлиб ўтади. Худди ана шу йўл, менингча, самарали бўлиши мумкин.

Бадиий адабиётдаги мифлар, ривоятлар ҳақида гапирар эканмиз, бу билан биз ўз-ўзидан миллийлик тўғрисида ҳам гапирган бўламиз. Мен худди ана шу ривоят, масал аввало Шарққа хос бўлган деб ҳисоблайман! Мажознинг ана шу шаклида Шарқ намоян бўлади.

ШАКЛ «ЗУЛМИ» ВА ИЗЛАНИШ ЭРКИ

Мурод МУҲАММАД ДУСТ. Энг яхши миллий анъаналар адабиётимизнинг ҳаётий кучини камайтирмайди. Улар ёзувчи бадий буюқларини бойитади, унинг изланишларини ижодий истиқболли йўлга солиб юборади. Ёзувчи ўтмиш ёзма ёдгорликларидан жуда кўп ва хўп нарсалар топади. Уларда қанчадан-қанча шакл имкониятлари бор! Турган гап, фақат ижодий ёндашилсагина. Аллақачон тўлаб, деярли тўла нашр этилган, ҳамма топиб ўқиши мумкин бўлган дostonларда ҳали қўл урилмаган бой қатламлар бор. Улар диди, савиясидан қатъий назар ҳар қандай стилист ҳавас қиладиган даражада халқ оғзаки шеърятини ва насрининг гўзал намуналаридир. Дунёвий ва диний наср ўта такаббурлик, суҳанбозлик, дабдабозлик билан ажралиб турган бир пайтда насрий дostonлар теран демократик руҳда бўлган. Уларни халқнинг ўзи яратган. Уларда ҳамма нарса: реаллик ва фантастика, кўзёш ва қувонч, истеҳзо ва қулги... бор. Баёндаги оҳангдорлик одамни ҳайрон қўлдиради. Афсуски, ана шундай оҳангдорлик замонавий ўзбек насрида (Ғафур Ғулом ҳикоялари ва Худойберди Тўхтабоев қиссаларини ҳисобга олмаганда) сезиларли из қолдирмаган. Бизда Европа адабиётидан ўзлаштириб олинган ва алоҳида «пиширилмаган» шунинг учун ҳам кўпинча суҳт ҳамда зерикарли бўлган пухта-воқеабанд баён усули қўлланилади. Кўпчилик асарлар бир-бирига икки томчи сувдай ўхшайди: бир хил ритм, бир хил оҳанг — фарқ деган нарса йўқ!

Асқад МУХТОР. Мен анъаналарни ўзлаштиришга инсон қонцепцияси, адабиётдаги шахс қонцепцияси нуқтаи назаридан қарашни тақлиф қилар эдим. Қадимги ўзбек классиклари яратган саҳифаларда нақадар миқёсли образлар бор! Навоийнинг Фарҳоддини олайлик. Бу — замонда ҳам, маконда ҳам чегара билмас даражада улкан шахс — улкан қаҳрамон. Мен, ҳозирги чинакам санъатнинг ана шундай чегараси йўқ деб ўйлайман. Навоийнинг Фарҳоди миллий қобиққа тушиб қолмаган: ўзи хитой шахзодаси, арман қизини яхши кўради, садоқатли дўсти эса — эрони. Фарҳод замонда ҳам чегара билмайди: у Арастунинг шогирди сифатида кўрсатилади, Суқрот ҳузурда бўлади. Искандар Зулқарнайн билан учрашади. У ҳам шахзода, ҳам тоштарош, ҳам файласуф, ҳам сув иншооти муҳандиси. Шарқ Уйғониш даври вужудга келтирган бу образ ҳозирги замон ижодкори учун мавзудаги бачканалик, сохта қаҳрамонликлар кўрсатиш, турмушавийлик (кўряпсизки, адабий жараёндаги «касал нуқталарни» тилга олялман) билан кураш олиб боришда ажойиб ижодий сабоқ бўлади. Замонавий адабиётдаги барча чинакам янгилликлар — энг яхши анъаналар ривожидир. Бизнинг Ҳамзамиз буни биларди. Исбот тариқасида унинг «Бой ила хизматчи» пьесасидаги қаҳрамон Ғофирни келтирирман. Ҳамза бизга қаҳрамон шахсининг ўсиб боришини кўрсатади — Ғофир батрақликдан инқилобчи даражасига кўтарилади, бинобарин, у биринчи планда кўрсатилган йирик шахс. Бунинг илдизи «Фарҳод ва Ширин» дostonи муаллифи Алишер Навоийнинг эпик дунёқарашини билан боғлиқ бўлган миллий анъаналарга бориб туташади.

Аммо ўтмиш меросига бир ёқлама ёндашиш мумкин эмас. Унда замонавий ижодда барҳам бериш керак бўлган қолақ анъаналар ҳам бор. Эски Шарқ адабиётини қаҳрамон кўпинча аллақандай яққаю ягона бир фазилат эгаси, биргина сифат тимсоли тариқасида схематик тарзда чизилган. Биз Юсуфини — гўзаллик, Мажнунни — муҳаббат, бинобарин, телбаликкача олиб борадиган ошиқлик тимсоли сифатида биламиз. Уларда ҳеч қандай психологик мураккабликлар, инсон фель-атвори рўёбга чиқишининг хилма-хиллиги йўқ. Маълум ва машҳур шарқона образлар — эзулик ва ёзулик тимсоли. Шунга ўхшаш схематизм қолдиқларини гоҳо бугунги адабиётда ҳам учратиш мумкин.

Лекин ўзбек адабиётининг энг яхши асарларида анъаналар умри давом этмоқда. Улар янги давр — дунёни ижтимоий қайта қуриш даврига ҳамоҳанг меҳнат кишининг горькиёна қонцепцияси билан бойитилди. Анъаналарнинг ана шундай янгиланиши, уларнинг ижодий қайта

тушунилишига Ойбек, Шароф Рашидов, Одил Ғекубов, Пиримқул Қодиров романлари, Абдулла Қаҳдор қисса ва ҳикоялари, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Эркин Воҳидов дostonлари, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Зулфия, Абдулла Орипов шеърлари гувоҳлик беради. Мен умумиттифоқ адабий жараёнини ана шу асарларсиз тасаввур қилолмайман. Халқ ҳаётидаги туб ўзгаришларни акс эттираётган ҳозирги замон ёзувчилари ижодида миллийликнинг ўзи ҳам янгидан тараққий этмоқда.

Адабиётимизнинг фаол ижтимоий қаҳрамонга, унинг ҳаёт билан турли-туман муносабатларини очишга бўлган қизиқиши тобора зўраймоқда. Буни воқеликнинг ўзи «айтиб турибди». Воқеликнинг ўзи бизга шундай йирик, кўламли қаҳрамонларни берадики, уларни тасвирлаш пайтда адабиётимиздаги энг яхши миллий анъаналарни, тоштарош ва муҳандис — Фарҳодни эсламаслик мумкин эмас.

Темур ПУЛАТОВ. Тўғри, санъаткорнинг вазифаси — миллий анъаналарда ўткинчи бўлмаган, тирик жиҳатларни пайқаш, кўришдан иборат. Ҳа, айнан тирик нарсаларни! Зеро, санъатдаги анъаналар — майда-чуйдалардан, кераксиз нарсалардан тозаланган ва мангулик осмонига олиб чиқилган замонавийликнинг ўтмишга айланиб қолишидан бошқа нарса эмас. Агар замонавийлик билан янги-ланмаса анъана моғорлаб қолиши ҳам мумкин. Бизда баъзан ҳаддан ошиб кетилади: ё ҳар қандай анъанани улоқтириб ташлаб, қандайдир ўта янги, ўта замонавий бирон нарса ўйлаб топиш учун тиришадилар, ёки замонага боқмасдан нуқул анъанани ёпишиб оладилар. Ёзувчи ўз ижодий интилишларини, ҳатто изланишлари ўта новаторона бўлса ҳам, ўз халқининг маънавий эҳтижига қанчалик тўғри келиш-келмаслиги, миллий маданиятга қай даражада узвий «уланиб-уланмаслиги» жиҳатидан текшириб кўриши керак.

Шу нуқтада бошқа бир савол туғилади: ўзбек адабиёти, унинг тараққийоти учун бошқа адабиётларнинг анъаналари қандай самара беради? Айтилик, сарбастга қизиққан ўзбек шоири француз шеърятидан нимадир «олади» ва буни ўз миллий шеърятига тадбиқ этишга уринади — демак, унинг изланишларини муҳокама қилиш керак, тўғри эмасми? Ўйлайманки, бу ижодий натижанинг қанчалик табиий чиқишига боғлиқ. Бордию верлибр ўзбек шеърятига сингишадими, унинг узвий бир қисми бўлиб қола оладими, деган шубҳа уйғонса, шу захоти: хўш, нима учун сиз Италияда пайдо бўлган сонет ўзбек шеърятига сингишиб кетади, деб ўйлайсиз, деб жавоб бергинг келади. Ахир ҳеч қачон Шарқ шеърятини бундай шакллар бўлмаган, кўриб турибсизки, олиб келинди: бизда сонет ёзадиган кўпдан-кўп шоирлар пайдо бўлди, сонет ёзиш биз учун аллақачон одат тусига кириб қолди. Демак, янги шакллардан қўрқмаслик керак. Албатта, ижодий тажрибаларни асосан ёшлар ўтказмоқда. Бундай қизиқишлар «болаларча касаллик» бўлиб қолаверадими, ёки бадий ўзига хослик оламига ўсиб кирадими — буни энди вақт кўрсатади. Агар бу қизиқиш адабиётга кираётган ёзувчининг ижодий уфқини кенгайтирсин, ўз овозини топишга ёрдам берса — муҳими шу.

Иброҳим ҒАФУРОВ. Ўзбек шеърятини сарбастни 70-йиллар ёшлари кашф этди, десак, адолатдан бўлмайди. 20-йилларнинг ўрталаридаёқ адабиётга кириб келган ўзбек шоирлари ижодида янги шеърини шаклларига ўтиш, хусусан, сарбаст вазнда ёзишга интилиш кўринади. Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир, Уйғун каби шоирларнинг кейинчалик «совиб» кетишини эмоционал кайфиятнинг «совиб» кетиши билан изоҳлаш мумкин эмас. Бунинг илдизи чуқурроқ. Ўзбек шоирлари орасида сарбаст миллий шеърятга сингишиб кетадиган шакл эмас, халқ уни қабул қилмайди, у оҳангдор, қофияли, хуллас, қонун-қондаси жойида бўлган батартиб шеърларга ўрганиб қолган, деган фикр тармоқ отиб кетган эди. Шунинг учун ҳам сарбаст сезиларли ривожланмади.

Фақат 70-йилларга келиб, сарбастга қизиқишда жонланаш рўй берди. Унинг ажойиб намуналари пайдо бўлди. Сал бўлмаса сўлиб қолаётган анъана қайта қад ростла-

ди. Уни пайдо бўлган янги истеъдодлар, қайтадан кучлироқ бўлиб туғилган қизиқишлар, бир мунча саркаш адабий дидлар ва тўғри фикрлар ҳаётга қайтарди. Шунингдек, миллий адабиётлар ўртасида ривожланган муносабатлар, ҳозирги кунда яна ҳам жадаллашган ижодий тажриба алмашилар ҳам бунга ёрдам берди. Шу тариқа ижодкор фикри бойинди, бу фикрни ифода этиш шакллари кўпаяди.

Мухаммад СОЛИҲ. Бизда «Сарбаст бўлиши керакми, бўлмаслиги керакми?» деган муаммо йўқ. Сарбаст бор, у яшайпти: жуда кўп ёшлар ва ўрта ёш шоирлар сарбастда ёзаётирлар. Иккинчи томондан, ҳар қандай экспериментда бўлгани сингари (ҳатто у агар умумбашарий бўлган тақдирда ҳам) бунда бир муҳим хавф яшириниб ётибди-гап шундаки, ўзбек шеърляти учун аънавий бўлган бармоқ вазнининг «золимона» ҳукмидан халос бўлган шоир ўзида аллақандай эринчоқликни эслатувчи, «мутлақ озодликка» ўхшаш бир ланжлик сезади. Бундан шоирни фақат шаклни ҳис этиш туйғуси қўтқариши мумкин. Тери халта бўлиб осилиб қолмаслиги ёки суякларинг бўртиб чиқиб қоладиган даражада «тор» келиб қолмаслиги учун шаклни кийимга ўхшаш эмас, баданга ўхшаш, худди ўз терингга ўхшаш доимий равишда ва теран ҳис қилиб туришинг керак. Хуллас, шакл «зулмкорлиги» сарбаст вазнда ҳам иштирок этиши лозим.

Рауф Парфи — ҳозирги ўзбек сарбастининг устаси. 60-йилларда унинг шеърлари худди синдирилган бармоқ вази оҳангига ўхшаш эшитиларди: равонлик бузилган, қофиялар эса биз кўришга ўрганиб қолган жойда бўлмасди. Бу қонимизга сингиб кетган, аънавий шаклдан чиқисга уриниш эди.

Эркин ВОҲИДОВ. Тўғри, ижодий изланишлар керак. Бинобарин, бу изланишлар миллий аънамамиз ичида олиб борилиши лозим: ахир бу аънавалар ўзида ҳали қанчадан-қанча очилмаган, бой имкониятларни яшириб ётибди.

Абдулла ОРИПОВ. Бинобарин, бундай имкониятларни «қотиб» қолган шакллардан ҳам топиш мумкин. Ҳазални олайлик. Нақадар қадим аънаваларга эга у! XV асрда ўзбек шоири Лутфий севги ғазаллари ёзган. Уша пайтда у тўқсондан ошган эди. Бу ғазалларни у, қари одам, бирор қизни севиб қолгани учун ёзмаган. Йўқ, асло бундай бўлмаган. Лутфий аънавани давом эттирган: ғазал шаклининг ўзи севги мавзуга лирик муносабатни талаб қилар эди. Лутфий — ғазал устаси, бу рост. Бироқ унинг аънавий шаклга ёндашишини кўр-кўрона бизнинг замонга кўчириб бўлмайди. Ҳўш, нима қилиш керак — ғазалдан

воз кечиш керакми? Лекин лирик шеърнинг ана шундай турфа ранг-баранглигига ижодий ёндошилса, бошқача айтганда, эски мешга ҳам янги шароб солиш мумкин. Фақат шоирда танланган шаклга жавоб берадиган мазмунни янгица ифодалаш эҳтиёжи бўлса бас. Ҳозир ҳам айрим шоирларимиз ғазал ёзади. Эркин Воҳидовнинг «Ёшлик девони» деб номланган ғазаллар китоби бунга яхши мисол бўла олади. Бу китоб шоирнинг эътироф этилган ижодий ютуғи. Унинг дарров оммалашиб кетгани ҳам бежиз эмас. «Ёшлик девони»га кирган ҳамма ғазаллар (улар етмишдан ортиқ) радио, телевидениеда қўшиқ қилиб айтилади, — ҳар бири ўз мусиқасини топан. Бу қўшиқларни Ўзбекистоннинг исталган бурчагида эшитиш мумкин.

Эркин ВОҲИДОВ. Ростдан ҳам республикамизнинг қайси жойига бормай, мени ғазаллар муаллифи сифатида таништиришади. Ахир мен бошқа китоблар ҳам ёзмаман. «Ёшлик девони» чиққанига эса ўн икки йилдан ошиб қолди. Мен шу нарсани таъкидламоқчи эдимки, адабиётимиздаги аънавалар ёш ёзувчилар учун ўз индивидуаллигини ёрқинроқ намойиш этиш, миллийлигини теранроқ ифодалаш учун имкон беради.

Аҳмад АЪЗАМ. Ана шу миллийликни тили бошқа бўлган, айтايлик, рус китобхони ҳар доим ҳам илғаб ололармикан? Афсуски, баъзан шундай ҳам бўлади: асарнинг чинакам миллий ўзига хослиги таржимада йиралашиб кетади, кўпинча эса буткул йўқолади. Бенхтиёр ўйлаб қолсан: Аннинский ҳақ бўлиб чиқса-чи, миллий «субстрат»ни соф ҳолда ажратиб олиб бўлмас-чи, демак, асарни бошқа тилга таржима қилганда уни яққол етказиб бериш мумкин эмас экан-да? Наҳотки мумкин эмас? Агар ҳатто асар бадиийликка бой, серқирра, серқатлам, мукамал бўлса ҳам-а? Яна Аннинскийнинг гапини эслайсан: «...пўстини худди пиёзга ўхшаш қават-қават арча бошлайсиз ва бордию «пиёз ўзагига» етиш насиб қилса, нуль натижага эга бўласиз...» Ахир бу қаватлар бошқа тилга таржима пайтида олиб ташланади-ку. Мана, мисол учун энг яхши шоирларимиздан бири Абдулла Орипов шеърларини олайлик. Ҳозирча унинг шеърлари рус тилида — ўртача, адабий жиҳатдан саводли шеърлар, холос. Ўзбек тилида эса улар жуда бой, ўта ўзига хос! Ҳалиги ўша миллий «субстрат» шундоққина асл нусхада қолган, рус шеъронига етиб бормаган. Бу гап Абдулла Орипов шеърлари таржимасигагина тааллуқли эмас. Масалан, Рауф Парфига ўхшаш жиддий шоирларимизнинг шеърлари ҳам ҳануз ўз таржимонларини кутиб турибди.

«ЎЗГА ТИЛНИНГ ЎЗИНИКИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ»

Абдулла ОРИПОВ. Таржима ҳақида гап очилса, кайфиятим бузилади. Ўзингиз ўйлаб кўринг: рус тилида менинг учта китобим чиқди. Бироқ уларнинг бирортасидан ҳам кўнглим тўлган эмас. Бу шеърлар меники эмас, бошқа бир одамникига ўхшайди. Тўғри, танқид қилиш осон, лекин таржима ишининг қийинлигини бошга тушган одам яхши билади. Ўзим ҳам таржимонман. Дантенинг «Илоҳий комедия»сини она тилимга ўгирдим. Таржима нақадар машаққатли иш эканлигини биламан: аввало, унинг шаклини, турган гапки, асл нусха руҳини бера билиш керак. Бу — фақат мазмундагина эмас, шеърнинг ритмик қурилиши, товушлар уйғунлиги, образлилигини сақлаган ҳолда шоирнинг миллий дунёқарашини китобхонга етказа олиш дегани. Одатда таржимон, асл нусхага мурожаат қиларкан, биринчи навбатда ундан фикр ахтаради. Ва тўғри қилади. Аммо кўпинча у ана шу фикр шеърда ш о и р фикри сифатида иштирок этаётганини унутиб қўяди. Шеърдаги асосий фикрни «ғалбирдан ўтказиб» олади, эстетик жиҳатлар эса кўп ҳолда бир чеккада қолиб кетади. Оқибатда поэзиянинг ўзи йўқолади.

Худди шу сабабли ўзига хос миллий шоирлар рус китобхони қалбидан жой олмаётир. Мисол учун, Рауф Парфи олайлик — гапнинг очиги, у рус тилига таржима қилиб бўлмайдиган шоир. Унинг шундай ажойиб шеърлари борки, шоир уларда ғирт ўзбекча ўйлайди: гапни аста-секин, узоқдан бошлайди, кейин худди бирдан чўққига чиққандай бўлади, охирида яна аста-секин туша бошлайди. Ибтидо, авж, тушиш — бу бамисоли унинг шоирона фикридаги уч нуқта. Унда ҳеч «Оҳ, воҳ!» йўқ. «Оҳ, воҳ!» ғирт русча туйғу ифодаси, ўзбек ҳеч қачон бундай демайди.

Собит МАДАЛИЕВ. Бундан анча йил олдин мен Асқад Мухторнинг бир туркум шеърини рус тилига таржима қилган эдим. Ушанда шоирнинг ўзи таржималаримни ўқиб кўриб: «Биласанми, Собит, — деган эди, — таржималар жуда аниқ, жуда айнан бажарилган. Улар ҳаддан ортиқ сиққ, таранг. Уларни ўқиб, ўзим ҳам таранг тортиб кетдим, сиқилиб кетдим. Уларда бадиий эркинлик, ҳаёт йўқи».

Мен шоирнинг ҳар бир сатрини кўр-кўрона ўгирган

эдим, аслида бу шеърларни батамом рус тили ихтиёрига топшириш лозим эди. Мен Асқад Мухтор шеърларининг қофия системасини сақлашга тиришибман, аслида бундай қилмаслик керак экан. Шоир айрим шеърларида иккинчи ва тўртинчи сатрларни қофиялайди. Қофия системаси сақлаб ўғирилса, рус китобхони учун аллақандай ночор бир шеър пайдо бўлади.

Чамаси, Константин Симонов ўзи «эркин таржима» қилиб чиқарган ўзбек шоирларининг шеърлар тўплами (1960 йил, Москва, «Дўстлар овози») сўзбошисида: «Хар қандай шеърий таржима, яъни бошқа, жуда узоқ бир тилда ёзилган асарларни рус шеъри қонуниятларидан келиб чиқиб, рус тилида қайта яратиш учун бўлган уриниш, айнанликдан йироқ, эркин таржимадир. Агар шеърни шеър билан таржима қилишга ҳаракат қилинса бошқача бўлиши мумкин эмас», деб ёзганида ҳақ эди.

Айнан таржима тузуқкина хомаки таржимадан бошқа нарса эмас. «Эркин» таржима, К. Симонов таърифи билан айтганда, икки истеъдоднинг ўзаро рақобатидир. Бироқ эркинлик билан эркинликнинг фарқи бор. Мен шoirга ўзини, ўз манерасини, руҳи ва ўзига хослигини кўрсата оладиган эркин таржимани тан оламан.

Асқад МУХТОР. Прозани таржима қилганда ҳам асл нухсага кўр-кўрона эргашиш ярамайди. Бунда ҳам асл нухса ва таржимада муқаррар тафовутлар бўлади. Ана шу тафовутларни таржимон билан бирга ўтириб кўп марта муҳокама қилишимга тўғри келган. Менинг «Чинор» романимни рус тилига Борис Балтер ўғирган. У диққатимни бир саҳнага жалб этди: мен бир жойда бозорни, қўқон арагани тасвирлаганман. Сотувчи арава соясидаги кўрпачага ўтириб, қовун сўйди, деб ёзганман. Балтер менга: шу ерда тўхталиш керак, буларни батафсил тасвирлаш керак, деб қолди. Мен, бу ҳолат ўзбек китобхонига тушунарли, шу бир оғиз гап билан бутун манзара унинг кўз олдига келади, дедим. Балтер, бу рус китобхонига тўлиқ тасаввур беролмайди, деб мени ишонтирди. Мен бутун бошли бир саҳнани икки оғиз гап билан кўрсатганман. Таржимонининг фикрига қараганда, бу манзарани камда уч бетнинг нари-берисиде чизши: сотувчи пичоқни қандай ушлаганини, қовунни қандай сўйганини, ундан қандай хушбўй ҳид таралганини... ҳикоя қилиб бериш керак эмиш. Тасвирланган нарсани «томошабоп» қилиб тасаввур этишга интилган таржимоним ҳақмиди-йўқми, буни билмайман. Ахир ёзувчининг ижодий манерасини ҳам ҳисобга олиш керак-ку.

Аҳмад АЪЗАМ. Таржимоннинг талабини тушуниш мумкин: ана шу томошабоп нарсалар ҳалиги миллий колорит деганимизнинг кўзга биринчи бўлиб ташланадиган белгилари ҳисобланади. Таржимон кўпинча адашди: нигоҳини кира олмасдан фақат сиртигагина тушадиган худди ана шундай «кўзга тез ташланадиган» деталлар орқали миллийлик хусусиятларини бермоқчи бўлади. «Кўзга тез ташланадиган» деталлар — кўпинча худди шу таржималарда юз кўрсатадиган (асл нухсада улар йўқ) ортиқча этнографизм, ортиқча экзотиканинг акс этишидир. Аниқсини адолат юзасидан миллийликнинг юзага келишида «ёмон аломат» сифатида қайд этган ўша «қуйқа»ни худди ана шу этнографик деталлар ҳосил қилади.

Иброҳим ҒАФУРОВ. Биз Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Ғафур Ғулумга ўхшаш адибларнинг рус тилидаги асарларини улар миллий ўзига хосликларни сақлаб қолганми-йўқми, деб куюнчақлик билан синчиқлаб ўқиймиз. Бизда ёзган нарсаларни чинакам миллийлик тўғрисида гаплашиш учун жиддий сабаб бўла олмайдиган қиёфасиз авторлар ҳам бор. Бахтга қарши, бутуниттифоқ китобхонининг кўзига кўпроқ шулар тушади. Бироқ уларнинг асарлари санъаткорнинг ижодий камолотига ҳалақит берадиган, умрини яшаб бўлган, жонсиз асарларни эслатади. Мисол учун, айрим шоирларимизнинг шеърлари яланғоч ўғитлар «оҳанжамали донишмандлик», аниқроғи — донишмандлик эмас, сохта донишмандлик билан тўлиб-тошган. Улар гўё ўзларича Шарқ адабиётининг қолақ анъаналарини давом эттирмоқдалар: услубнинг ортиқча «гўзал» бўлишига интилоқдалар. Бу «гўзаллик» назмбознинг жимжима сўзларга ружу қўйишида, атай шоирлик қилишга бўлақча бир меҳри борлигида кўринади. Шу тахлит дабдабабоз-

лик оқибати сийқаликка, ортиқча суҳанбозликка, сўз исрофгарчилигига олиб келади.

Матёқуб ҚУШЖОНОВ. Гоҳо: таржимон авторга ёрдам берган эмиш, «қулоғидан чўзиб олиб чиққан эмиш», деган гаплар қулоққа чалиниб қолади. Уша авторнинг ўрнида мен бўлсам уятдан ерга кириб кетар эдим.

Ўзбек ёзувчиларининг кўплари улар билан бирга ишлаган таржимонлари шаънига миннатдорчилик сўзлари айтганини эшитганман. Ҳамкорлик авторлар дунёқарашини кенгайтиради. Шарқда қарс икки қўлдан чиқади, деб бекорга айтмайдилар. Таржимон билан ишлаш фақат бизнинг мамлакатимиздагина эмас, ундан ташқарида ҳам танилган Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев, Давид Кугультинов, Мустай Карим сингари адиблар учун ҳам изсиз кетмаган деб ўйлайман.

Эркин ВОҲИДОВ. Шоир таржима қилган асарини ўз миллий маданиятининг мулкига айлантириши керак. Гёте-нинг «Фауст» асари таржимаси устида ишлар эканман, бу асар ўзбек ўқувчисига ҳамisha асқатадиган китоб, унинг ўз китоби бўлиб қолиши учун ҳаракат қилдим. Тили бошқача бўлган автор асари худди шу таржима қилинган тилининг ўзида ёзилгандай жаранглаши керак. Шунинг учун, зарур бўлганда, таржимон, турган гап-и, унинг бадий хусусиятларини сақлаган ҳолда, асл нухсадан бироз чекинишга ҳақли. Кичкина бир мисол. Мен Сергей Есениннинг «Форс тароналари»ни алоҳида бир меҳр билан таржима қилганман. Ундаги шеърлар шарқлик китобхон дилига жуда яқин. Унда шундай сатрлар бор:

**Кўйла фақат ўз созинг билан
Кўрбақадек бўлса ҳам ҳатто.**

«Кўрбақа» сўзи ўзбекчада хунук эшитилади, бунинг устига одамда нохуш таассурот уйғотади. Руслар эса уни бошқача қабул қилади (Малика Кўрбақа ҳақидаги рус эртагани эсланг). Россияда кўллар кўп, бизда эса кам. Ўзбек шеърхони ўзига яхши таниш бўлган гул билан булбул турган жойда кўрбақани кўриб ҳайрон қолиши табиий. Бу сўзни тушириб қолдириш ҳам мумкин эди. Бироқ мен Есенин образини сақлаб қолмоқчи, уни китобхонга малол келмайдиган қилиб текстга сингирмоқчи бўлдим. Мен Есениннинг шўх табассуми билан чекланиб қоқолмасдим, китобхонимни бир «туртиб» қўйиш учун таққосни кучайтиришим лозим эди. Шунинг учун мен «ҳатто» сўзига кўшимча урғу бериб, «кўрбақа» сўзини махсус ажратиб кўрсатдим: мендаги «ҳатто» Есениндагига қараганда бошқача, кўпроқ зидловчи сўз. Ҳалиги сатрларни «Кўйла фақат ўз созинг билан, кўрбақадек бўлса ҳам ҳатто» деб таржима қилиб, мен Есениннинг «Ҳатто кўрбақаникидай бўлса ҳам ўз овози билан куйлаш керак» деган фикрини алоҳида таъкидлаган эдим.

Таржимон ўзига яқин шоирларнинг асарларини ўғиритиш керак. Таржима ишида илгари тутқич бермаган ҳақиқий омад ана ўшанда ўз оёғи билан келади. Масалан, бир вақтлар бизда Маяковскийни таржима қилиб бўлмайдиган шоир деб ўйлашарди. То ўзбек шеърятининг классик мусиқавийлигини узуқ-узуқ, зарбли оҳанглар билан «бузган» шоир Асқад Мухтор истеъдоди пайдо бўлгунга қадар бу фикр ўзгармади. Маяковский туфайли шоир Асқад Мухтор пайдо бўлдики ё Асқад Мухтор истеъдоди туфайли ўзбек тилида Маяковский пайдо бўлдики, билмадим. Лекин факт фактлигича қолади: Маяковский унинг таржимасида ўзбекча сўзлади.

Асқад МУХТОР. Маяковскийнинг ўзбек шеърятига келиши жуда зарур эди. Биз ҳали-хануз шарқ шеърятига хос «чиройилик», чучмаллик, суҳанбозликдан тўла қутулмай ётибмиз. Буларнинг барига барҳам бериш, серҳашам предметсизликдан халос бўлиш учун бизга «залварли, дағал, кўримли» поэтик қурилишга эга бўлган Маяковский зарур эди. Шоирларимизнинг бадий нигоҳида ҳам унинг покловчи ва тароват бахш этувчи таъсири сезилади. Шу муносабат билан Ғафур Ғулумнинг мана бу эътирофи диққатга сазовор: «...Мен ўзимни ҳаммадан кўра кўпроқ Маяковский шогирди дегим келади... Маяковский мен учун шеърнинг товуш қурилиши, образлилиги, сўзга бойлиги, оҳангдорлиги борасида ҳеч туганмас» ва ранг-баранг имкониятлар очиб берди... Мен унинг мубо-

лағадорлигини, дадил мажозийлигини, оҳангдорлиги ва оҳангларидаги нотикона мардона қудратни, сиёсий серзавқлигини ўзимда жамулжам этишга ҳаракат қилиб келдим».

Ҳозирги ўзбек рус адабиётини асл нусхада ўқийди. Бироқ бу рус ёзувчиларининг энг яхши асарларини ўзбек тилига ағдарилганини кераги йўқ, деган маънони билдирмайди. Яхши таржима — шунчаки яна битта китоб эмас. У — адабий ақида ва тил материали, ҳар бир ёзувчи учун фойдадан холи бўлмаган адабий мактабдир.

Эркин АЪЗАМОВ. Таржима — бамисоли миллий адабиётлар икки томонлама ҳаракат қиладиган кўприк. Буниттифоқ миқёсига чиқадиган ёш ёзувчининг тақдирини худди ана шу ҳаракатга боғлиқ. Мен бир оғайним билан Буниттифоқ ёш ёзувчиларининг VII анжуманига тавсия этадиган ҳикояларимни сўзма-сўз таржима қилган эдим. У ерда мен Виктор Астафьев семинарида қатнашдим. Ҳикояларим билан танишган семинар раҳбарлари: «Сиз рус тилида ёзасизми?», деб сўрашди. «Йўқ, ўзбек тилида», дедим мен ҳайрон бўлиб. «Ия, булар ҳали таржима қилинмаганими?» «Йўқ, булар хомаки таржималар». Раҳбарлар бир-бири билан кўз уриштириб олиб, елка қишди: «Ўзингиз таржима қилдингизми?» «Бир оғайним ёрдамлашди» дедим мен ва ўша оғайним билан ҳар бир сўз устида тортишларимизни, унинг рус тилидаги муқобиллини ахтариб ўтказиб машаққатли онларимизни эсладим. Семинар раҳбарлари ҳикоянинг тили тозаллигини, раванлигини қайд этиб, обрўли журналлардан бирига тавсия қилишди. У ерда эса таржима «китобий» деб баҳоланди. Семинарда айтилган гап мен учун ҳали ҳам жумбоқлигича қолган: бу — мақтовмиди, қоралашмиди..

Нурали ҚОБУЛ. Ёш миллий ёзувчи учун марказий журнал саҳифасида чиқиш нақадар муҳим! Мен таржимон билан ҳамкорликда қиссамни нашрга тайёрлаган «Юность» журнали ходимларидан жуда миннатдорман. Ана шундай «чиқишдан» сўнг қардош республикалар ёзувчиларининг марказий матбуотда кўринишини қизиқиб кузата бошлайсан киши. Шунчаки кузатмайсан, албатта, уларнинг ижодий тажрибаларини ўрганасан, ўзингга «қиёслайсан». Мен Чингиз Айтматов ижодини доим катта қизиқиб билан кузатиб бораман. Валентин Распутин билан Грант Матовсяннинг фалсафий прозаси ҳам менга ёқади.

Мурод МУҲАММАД ДУСТ. Қардош республикалар ёзувчиларининг тажрибалари мен ҳали Адабиёт институтида, Григорий Бакланов семинарида таҳсил кўриб юрган пайтларимдаёқ диққат марказимда бўлган эди. Семинарда фақат рус прозаикларигина эмас, тожик Ҳафиз Сайфуллаев, арман қизи Карина Зурабовага ўхшаш дўстларим ҳам бор эди. Уларнинг ҳар бири ўз адабий қизиқишига эга эди. Бироқ — Лев Толстой, Чехов, Бунин каби рус классиклари дарсига бўлган зўр қизиқиш ҳамма бирлаштириб турарди. Менга ва менинг ўртоқларимга Григорий Бакланов семинари берган энг асосий ижодий сабоқ — ижодга ана шундай юксакдан ёндашиш, ёзувчи сифатида ўзингга талабчан бўлишидир.

Василий Шукшин, Василий Белов каби ёзувчиларнинг ижодий тажрибаси ёш қаламкашга кўп нарса беради. Шукшин ёш ўзбек прозасига сезиларли таъсир кўрсатди. Бироқ таъсир билан таъсирнинг фарқи бор: маъносига чуқур етиб, тушуниб олинган сабоқ бошқа, кўр-кўрона қилинган тақлид бошқа. Тақлидлар тўғрисида гапирмоқчи эмасман. Мен учун бошқа нарса муҳим: Шукшин замонавий прозага қандайдир сингиб кетди, у чинакам маънавий кадр-қимматни намоен этадиган ижодий экспериментлар қилишга ундайди, ўткинчи, бефойда нарсаларни ҳақиқий нарсалардан фарқлашни ўргатади. Мен, Шукшин бизга ҳатто Абдулла Қодирий ижодий меросининг, хусусан, кичик ҳикояларининг қадрига етишни ҳам ўргатади, деб ҳисоблайман.

Мамлакатимиздаги ҳар бир ёзувчини, қайси тилда ёзишидан қатъий назар, рус адабиёти ўзига жалб этади. Бу қонуний ҳол: у тўплаган тажриба ҳаддан ташқари бой,

ранг-баранг. Бинобарин, рус тили биз учун — нафақат миллатлараро муомала воситаси, у мамлакатимиз ташқарисига — кенг оламга очилган дарвоза ҳамдир.

Одил ЁҚУБОВ. Ёш ёзувчиларимиз рус тилини яхши биллади, рус тилида ўқийди. Шунинг учун ҳам рус ёзувчиларининг ижодий изланишлари уларга яқин. Замонавий мавзунини тушуниш жиҳатидан ҳозир Валентин Распутин ёшларимизга катта таъсир кўрсатаётир. Чингиз Айтматов, Нодар Думбадзе сингари бошқа республикалар ёзувчиларининг ҳам таъсири сезилиб туради.

Менинча, бизнинг бугунги кўп миллатли адабиётимизда буюк рус адабиётининг самарали таъсирига берилмаган бирор жиддий ёзувчининг ўзи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Албатта, бу таъсир ҳар хил кўринишда намоен бўлади. «Улуғбек хазинаси» романи устида ишлаётганимда ўтмишдаги улуғ зотлар ҳақида ёзилган тарихий романларнинг бутун бошли бир кутубхонасини қайта ўқиб чиқдим. Бу китоблар ичида Алексей Толстойнинг «Петр Биринчи» романи бутун борлигимни ларзага солди. Диққатимни тортган нарса шу бўлдики, бу ажойиб ёзувчи Петр характеридagi зиддиятларни ўша олис давр мураккабликларига тамоман мувофиқ ҳолда, чуқур, ёрқин ва аниқ тасвирлайди. Алексей Толстой романи билан танишув бир-бирига тўғри келмайдиган хусусиятлар — улуғ алломага хос донишмандлик ва ҳукмдорларга хос ҳокимиятпарастликни ўзида мужассам этган одам — Улуғбек характерини тушуниб олишим учун менга катта ёрдам берди.

Иброҳим ҒАФУРОВ. Рус адабиётининг таъсири тўғрисида гапирар эканмиз, бунинг ёзувчиларнинг ўзлари эътироф этсалар, қиммати янада ошади. Шароф Рашидов ўзининг адабиётдаги муаллимлари ҳақида мана бундай ёзади: «М. Горький шундай устоз ва дўст, муаллим ва юксак ибрат бўлдики, у бир умр менинг авлодим ҳаётига кириб қолди. Александр Фадеев эса мен учун бошқа бир илҳомбахш намуна ва чин муаллим бўлди». Фадеевнинг «Тор-моридagi қизил партизанларнинг инқилоб ишига бўлган садоқати, характеридagi букилмаслик, мардлик ҳамда унинг ўлмас ёш гвардиячилари ўзбек ёзувчисига ҳамма вақт катта завқ бағишлаб келади. Адибнинг «Ғолиблар», «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин» романиларидagi Ойқиз, Бахор, Пўлат каби қаҳрамонлар Фадеев қаҳрамонларига қандайдир ўхшаб кетиши бежиз эмас. Танқидчилар Ш. Рашидов қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатида «Корчагин қони» борлигини тўғри пайқаганлар. Ёзувчининг ўзи эса бунинг эътирофи этган ҳолда, бу масалага янада чуқурроқ қарайди ва «совет кишиларининг бир неча авлодида ҳам «Корчагин қони» борлигини таъкидлайди.

Бу замонавий ўзбек адабиёти шаклланиши ва камол топишида рус совет адабиёти атоқли адибларининг ижод соҳасидаги тажрибаси нақадар муҳим аҳамият касб этганлигидан далолат берувчи жуда намуналар бир мисолдир.

Темур ПУЛАТОВ. Бизнинг асримизда ўз қобиғини ёриб чиқолмаган ва бошқа халқларга фойдали таъсир кўрсатолмаган адабиёт бир чақага арзимади. «Ҳар бир миллат, — деган эди Робиндранат Тагор ўз вақтида, — дунё қаршида ўз миллий моҳиятини намоен этишга мажбур. Бордию миллат дунёга ҳеч нарса бермаган бўлса... бунинг инсоният тарихи кечирмайди. Миллат ўзидаги ҳамма яхши нарсаларни умумбашар мулкига айлантиришга мажбур...» Ишонаманки, руснинг ҳам, ўзбекнинг ҳам улуғ ёзувчилари доим шундай ўйлаб, шундай ишлаган. Лев Толстой, Алишер Навоий... Улар ҳар бир миллий адабиёт ўзига хослигини, ўзининг тақдорланмас жозибасини йўқотмасдан, ҳам теранлик, ҳам сифат жиҳатидан жаҳон адабиётининг энг яхши намуналари даражасига кўтарилдиган шундай давр келишини орзу қилганлар. Шундай давр бошланганга ўхшайди, биз ҳозир кўпмиллатли адабиётимизни теран ва баркамол ҳолда кўриб турибмиз.

Суҳбатни А. БАНКЕТОВ ва Л. ВОРОНИН ёзиб олган.



ШУХРАТ РИЗАЕВ,
БОБИР АЛИМОВ

Бош мезон — маънавият



ёдор Михайлович Достоевский акасига ёзган хатларидан бирида, мабодо бутун ҳаётимни инсонни тушунишга сарф эта олсам, ўтган умримга заррача афсусланмаган бўлур эдим, деган экан. Дарҳақиқат, инсонни тушуниш — мураккаб ҳам олижаноб фазилат. Гоҳо инсон ўзгалар у ёқда турсин, ўз-ўзини ҳам тушунолмай ўтади. Мана шу ожизликни тан олиш эса пировардида даҳшат! Ким билсин, балки ҳар бир хатти-ҳаракатимизда, айниқса, у ножўя бўлса, тушунмаслик нишониси бордир. Умримиз тушунмай бажарилган хатти-ҳаракатлар йиғиндисидан иборат бўлиб қолса-чи? Гап мавзуини Эркин Аъзамовнинг 1981 йили Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти томонидан чоп этилган «Отойининг туғилган йили» қисса ва ҳикоялар тўпламига кўчирар эканмиз, бу фикрлар ана шу китобда бевосита акс эттирилган, демоқчи эмасмиз. Аммо бу китобча ҳам, Достоевский ақидасидаги каби, инсон ва унинг моҳиятини тушуниш йўлидаги бир интилиш эканлиги шубҳасиздир. Зеро, китобда қалаштира ташланган «жумбоқларни тушунишга, чинакамига адолатли, социалистик ҳаёт учун қўли етган қўнғироқлардангина бонг ураётган инсонни тушунишга муайян ишоралар мавжуд.

«Отойининг туғилган йили» қиссаси гўё тўсатдан пайдо бўлдию фавқуллода диққатни жалб этди. Бунинг боиси, аввало адабиётимизга ўзига хос услубнинг (агар Буффонинг: «Услуб — одам демакдир», фикрини назарда тутилса, албатта) кириб келаётганида, аксарият ёш ҳам тажрибали ёзувчиларимизда етишмаётган дадилликнинг ниҳоят пайдо бўлаётганида эмасмикин? Ёзувчи бош қаҳрамони тимсолида бугунги ҳаётимизда авж олаётган салбий ҳодисаларга қарши чиқади.

Қисса қаҳрамони — студент Аскар ҳаётда кўп ҳам учраб туравермайдиган (айниқса, сўнги пайтларда) бетга-чопар, бирон кимса билан мулоқатда бўлган заҳоти унга «кўзгу» тутадиган, яъни унинг қандай одамлиги, у ҳақдаги фикри ва муносабатини шу ондаёқ бетига очиқ айтадиган қизиққон, саркаш йигит. Ноҳақлик, кўзбўямачилик, хушомад каби иллатларнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан ўз нафратини яширмайди, яширолмайди. Ноҳақликни кўра била туриб, индамасликдан, юз хотирдан, андиша қилишдан орланади. Беш боласи билан хотинини уйдан ҳайдаб, бемаврид ёшлик шўхликларини кўмсаб қолган тоғасига, мол-мулкка ҳирс қўйган «севгилиси»га, илм

оламида адашиб юриб, қандайдир йўллар билан қўлга киритилган илмий даражалари панасида олимлик даъво қилгучи чаласавод домласига ҳақиқатни кескин, рўй-рост айтишдан тоймайди. Асарнинг равон, кўтаринки кайфиятда ўқилиши, қочирик ва киноларга бой юмористик ифода усули, қолаверса, бир-бири билан эгизак турли асарлардаги схематик қаҳрамонлар ҳақида қайта-қайта ўқийвериш меъдасига теккан китобхон учун бу характер тамомила янгича бўлиб туюлади. Бироқ мазкур ҳодиса моҳиятига ўз шахсимиздан келиб чиқиб, ёндашсек-чи? Умуман, биз бундай шахсни тушуна оламизми? Ҳаётда шундай кишига дуч келсак, уни беғараз қабул қила олармидик? У танлаган усулга қўшилиш қийин, албатта, чунки инсон табиатига кўра хилма-хилдир, аммо ҳеч бўлмаса, қалбдан бундай кишиларга хайрихоҳимизми? Қийин гап! Ахир, мурғаклигимиздан бошлаб, онгимизга ҳақиқат, адолат тушунчалари муттасил сингдириб борилган-ку! Бу яна қандай жумбоқ бўлди? Бизнинг олий ақидаларимиз танта-наси бу хилдаги жумбоқларни олтмиш йил муқаддам ечиб ташламаганмиди?! Нега бугунги кунга келиб, ўша, ҳал қилинган жумбоқларни яна қайта ечишга, бир неча йн йиллар аввал одатий бўлган характерлар, шахсларни янгичадек қабул қилишга, ўзига хос характер, дея талқин этишга тўғри келмоқда? Биз, ўша адолатпеша авлодларнинг қонуний меросхўрлари эмасмизми?! Нега ўзаро ҳалоллик асосига қурилган меҳр-оқибат, бир-биримизнинг тақдиримизга, келажагимизга холис жонкуярлик туйғуларидан сусайиш пайдо бўлаётир (бу масала айниқса, «Жиян» ҳикоясида тобора емирилиб бораётган инсоний муносабатларга нисбатан катта ташвиш билан қаламга олинган). Нечун бепарволик, лоқайдлик касали бемалол томир отмоқда? Нима учун олий илм даргоҳларида тирговиччилар кўпайиб, шахсий манфаат ғаразиде юрганлар унвон зинаполярларидан бемалол кўтарилмоқда? Ёзувчи ўз қаҳрамони ҳаракатлари орқали ўқувчини ҳаловат тилагида иллатлардан кўз юммасликка, аксинча, ўз вақтида кўзни каттароқ очиб, қатъий, мурасасиз курашга чорлайди.

Балки кимдир, ҳақиқат йўлидаги саркашлик, бетга-чопарлик — бу ҳали нуқсонларга қарши кураш усули эмас, дея эътироз билдириши мумкин. Шу муносабат билан «Литературная газета»нинг 1981 йил, 18 ноябрь сониде эълон қилинган Озарбойжон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ҳ. А. Алиев суҳбатидан қуйидаги фикрни келтириш ўринли бўлар эди: «Мен Юрий Деточкинга хайрихоҳман. Албатта, у якка ҳаракат қилиб, хатога йўл қўяди. Бироқ ўзга чорани билмаса керак. Сайфи ҳам ўзгача йўл тутмапти. Жонли одам янглишиши мумкин. Ҳамма нарса унинг қандай ахлоқий мулоҳазаларга суяниб, иш қўришига боғлиқ.

Деточкин ва Сайфи қабилар туфайли, салбий ҳодисаларга қарши кураш муваффақиятли олиб борилмоқда. Гарчанд улар курашнинг форма ва методларини танлашда янглишсалар ҳам, бепарволардан кўра, шундай одамларнинг кўпроқ бўлгани яхши».

Маълумки, «Автомобилдан сақланнинг» фильмининг қаҳрамони Юрий Деточкин ҳам, «Сўроқ» фильми қаҳрамони Сайфи ҳам нуқсонларга, ноҳақликка қарши курашда ғайриқонуний йўл тутадилар. Эркин Аъзамов қаҳрамони ҳам охириги пайтларда «андишасизлик» деб, сунъий равишда муомала маданиятидан чиқариб ташланаётган, ҳақиқатни кескин, очиқ қилиб бетга айтиш принципини тутди. Амалий чора кўришдан ожиз экан, тубан иллатларга қарши ўз нафратини тап тортмай, дадил айта олиш ҳам бугунги кунда ноёб жасорат. маънавий, ахлоқий поклик учун курашнинг ўзига хос бир тури бўлиб қолмоқда. Аксинча ҳар қандай нуқсон ва ноҳақликдан кўз юмиш охири оқибатда маънавий қашшоқликка сабаб бўлади. Бундай беозор душманликдан кўра, жиддий ўзгаришлар ясамаса ҳам, ҳаққоний гапни очиқ айтиб, шаккоқлик саркашлик йўли билан курашмоқ афзал. Ҳар қалай, бу

хил одамлар лоқайд бўлмайдилар. Шу ўринда Л. Толстойнинг умр бўйи қатъий амал қилиб, қайта-қайта таъкидлагани куйидаги фикрни эсламоқ жоиз: «Халол яшамоқ учун интилиш, янглишиш, уришиш, хато қилиш, бошлаш ва инкор этиш, қайтадан бошлаб, яна қайта инкор этиш, мангу курашмоқ ҳамда воз кеча билмоқ керак. Хотиржамлик ботинан қабиҳликдир». Ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқилса, ёш адиб бир персонажи тилидан: «Бунақалар керак, ох, кўп керак!», дея ҳайқирганида тамомила ҳақдир. Бу хитобга жавобан минглаб товушлар қўшилишини истайсан. Бинобарин, миллионларнинг эътиқоди ана шундай акс-садони тақозо этади.

Ўз навбатида, мазкур қисса муваффақиятини таъмин этган яна бир жиҳатни айтиб ўтиш зарур. Бу — реалистик методнинг ҳаётийлик асосларини янада чуқурлаштириш ниятида, қаламга олинаётган ҳодисани моҳият эътибори билан тадқиқ этиш принципитга муаллифнинг имкон қадар амал қила билганлигида кўринади. Умуман, яратувчилик фаолиятининг энг муҳим қирраларидан бири шундаки, ёзувчи ҳодисаларнинг ҳамма учун аён бўлган ташқи белгиларини бадийий образли тасвир этиш билангина чекланиб қолмасдан, балки ҳодиса моҳияти, ички боғланишлари оқибат сабабиятини ҳам синчков, оқилона нигоҳ билан оча боришга интилади. Айниқса, реалист ёзувчи учун ҳар бир асарда тадқиқотчилик табиатини намоеён қила билиш муҳим шартдир. Мана шу хусусиятдан маҳрум асар воқеликнинг бадийий нусхаси, образли ифодасигина бўлиб қолаверади.

Аммо биз зинҳор «Отйининг туғилган йили» қиссаси ҳар қандай камчиликлардан холи, демоқчи эмасмиз. Биринчи навбатда қиссани композицион жиҳатдан мукамаллаштиришга тўғри келади. Асарнинг проблематик характери ва ифода тарзи муаллиф эътиборидан бошқа жиҳатларни бирмунча узоқлаштириб қўйган. Қаҳрамон бошидан кечган воқеалар, тасодифлар ўз ҳолича тарқоқ. Уларни фақат асосий қаҳрамон иштирокигина боғлаб туради. Ички, мантиқий боғланишлар заиф. Ёзувчи ўзини ташвишга солаётган кўпгина масалаларни баъзан гоёт қабариқ образларда ўртага ташлашга эришади, аммо бу проблемаларни кўпинча бир-бирига алоқасиз, алоҳида-алоҳида воқеалар тарзида ифодалаш охир-оқибатда воқеалар ривожидида изчилликини йўқотади.

Эркин Аъзамов ижодда эпик кўламдан кўра, сиқикроқ формаларда фикрни ифодалашга, «бутун бошли воқеага тенг деталлар» (Вл. Новиков) орқали иш кўришга мойил ёзувчидир. Мазкур қиссада ҳам шу хусусият яққол сезилади. Бош қаҳрамон билан юз бераётган деярли ҳар бир воқеа муайян тугалликка эга. Асардаги персонажлар фақат маълум воқеадагина қатнашадилар. Уларнинг ҳар бири ўз қарашлари, фикрлаш ва яшаш тарзи, ўз характери билан ажратиб гавдалантирилади. Гарчи ҳар бир воқеа, ҳар бир персонаж, маълум даражада асосий қаҳрамон характери билан бўрттиришга, унинг бирор қиррасини очиб беришга хизмат қилса-да, узвий бирлик касб этмайди. Воқеликдан алоҳида-алоҳида олинган ҳаётий парчалардек таассурот уйғотади. Бу хусусият бевосита ҳикоячиликдан орттирилган тажриба ва кўникманинг натижаси, албатта. Ёзувчининг эпик жанрдаги изланишлари эса ҳали давом этади...

Еш адибнинг кичик жанрдаги энг катта ютуғи шундаки, у ҳикояларида жанр талаби ва имкониятларини ҳар томонлама чуқур ўзлаштириб, шу мезон асосида фоявий-бадий мақсадни тўла амалга ошира билиш хислатини намоеён этган. Тўпلامдаги «Совуқ», «Жиян», «Остона» каби ҳикоялар фикримиз далилидир. Айниқса, «Совуқ» ҳикояси ўқувчи қалбини титроққа сола оладиган даражада тинчи ва таъсирли. Автор ҳикояни бошлашдан аввал ёш шоира Қутлибека Раҳимбоева шеърдан икки мисра келтиради ҳамда ана шу аниқ танланган эпиграфдаёқ, китобхонни ҳаётий бир лаъха воситасида ўзи айтажак муҳим фикрга, изтиробли дард изҳорига тайёрлай олади.

Ҳаётда турмуш «қулайлик»ларига эришишини уйдасидан чиқа олмаган Урмонов учун қиш, аёз табиатнинг энг даҳшатли шафқатсизлиги. Совуқ деган сўзни зшитса, бутун вужудидида оғриқ туради. Шундай кезларда унинг ягона орзуси иссиққина хона. Нима қилсинки, бўшлиги,

кўнгилчанлиги доим панд беради. Шу боис хотини ҳам унга «лапашанг» деган лақабини тақади. Қизчаси борлигига қарамай, турмушлари бузилади, аниқроғи, у оиласини ташлаб чиқиб кетади. Ўша интиқ орзуси — иссиққина хонадан, иссиқликдан маҳрум бўлади. У кўнгилчан, раҳмдиллиги эвазига арзимас эса-да, қандайдир рағбатга сазовор бўлишига ишонади. Ўзига ажратилган янги квартирани яқиндагина ишга келган хизматдошига беришларини сўрайди. Ўзи ижарага олинган совуқ уйда ҳар қанча азобланса ҳам, инсоф юзасидан, ўша касбдошига уй зурроқ деб билади, қонуний ҳаққидан воз кечади. Унингча, тақлиф этишлари муқаррар деб билгани, ўша хизматдошининг уй тўйида қаҳратон ташвишдан бир неча соатга бўлса ҳам қутилиб, яйраб ўтириш ҳаёли совуқдан жунжиккан баданига илиқлик бахш этаётган ягона илинжи, айна замонада улкан олижаноблик эвазига етарли мукофотдир. Бироқ ўша хизматдоши «соғлом коллектив» иштирок этадиган «уй тўйида» битта сўққабоснинг иштирокини ножоиз деб топади. Худди мана шу лаъҳада акс этган юксак инсонийликка жавобан курсатилган раҳмсиз муносабат китобхон қалбини ларзага келтиради, гоё салмоғини, таъсирини кучайтиради. Гарчи ҳикоядаги воқеа табиатнинг муайян кўриниши билан қаҳрамон руҳияти ўртасидаги муқояса фонидида ривожланиб борса-да, пировард мақсад табиий совуқлик эмас; балки инсоний муносабатлар ўртасидаги совуқлик, қалблар совуқлиги ҳақидаги ташвишли ўйларга қаратилган. Гўё муаллиф маълум табиий иқлим билан маънавий муносабатларни қоғиштиради ва табиатнинг аёвсиз таъсиридан кўра, инсонлар ўртасидаги эътиборсиз совуқ муносабат даҳшатли ҳам ҳалокатлироқ, деган қарорга келади. Бу фикр ҳикоя сўнгида, қуёш чарақлаб турган баҳор иссиғида «улкан бир шаҳардаги улкан бир бино деразиси олдида... қалт-қалт титраётган» қаҳрамон тасвири эпизодада яна ҳам ойдинлашади.

Инсонийлик, меҳр, оқибат масалаларига бағишланган яна бир ҳикоя — «Жиян»да автор қаҳрамон аҳвол-руҳиясидаги ички қарама-қаршилик, яъни турмуш икир-чикирлари билан одамийлик туйғулари ўртасидаги зиддиятни ёритишга интилади.

«Вақтинча ҳар қанақа ошна-оғайнигарчилигу майда чуйдаларнинг баҳридан ўтиб» илмий раҳбарининг қўшимча боб хусусидаги «сертахдид ўгитларини ўйлаб бораётган аспирант Даврон Бўроновнинг кўзи ногоҳон автобус ойнасидан бекат чеккасида қўлида чамадони билан атрофга ҳайрон ва ғарибона мўлтираб турган қизчага — жиянига тушадиган саросималаниб қолади. Нима қилиш керак, автобусдан тушиб унинг олдига борса, тез орада ёзиб топширилиши лозим бўлган қўшимча боб учун ажратилган вақт жиянини институтга жойлаш ташвишига кетади. Агар «у эмас» дея ўзига таскин бериб, юзини шартта ўгирганча ўтиб кетса, бу машабадан қутилади-қўяди. У шундай қилади ҳам. Аммо қандайдир ички бир куч тинчини тамомила ўғирлайди. Шахсий манфаат, худбинона ҳаловат ҳисси билан инсонийлик туйғулари ўртасида кескин кураш бошланади. Ички зиддият қўшимча боб ҳақида ўйлашга мутлақо имкон бермайди. Ҳар қалай, одамийлик ҳисси устун келиб, жиянини излаб кетишга мажбур этади. Уни тополмай қайтгач эса ўз худбинлиги учун виждонан азобланади, эзилади.

Оддий бир воқеа, табиий бир ҳолат. Лекин шу воқеа орқали ёзувчи айтётган фикр — турмуш икир-чикирлари кўпинча инсоннинг энг асосий фазилатларидан, инсонлик моҳиятидан устун келиб қолаётгани, ҳатто баъзан маънавият ва меҳр туйғусининг емирилишига сабаб бўлаётганлиги ҳақидаги ташвишли мулоҳаза бугунги кун учун гоёт муҳимдир.

Умуман, Эркин Аъзамов ижодида, ҳар бир истёдодли адибда бўлганидек, фикр вазни, гоё салмоғи белгилувчи омил. Ёзувчининг бугунги кун муаммолари билан ёниб яшаётгани, эҳтирос билан қалам тебратаётгани унинг китобхон қалбидидаги ўрнини тобора мустаҳкамламоқда. Бежиз эмаски, мазкур китоби учун адиб 1982 йил Узбекистон Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлди. Бу эса ўз навбатида, ёзувчи зиммасига яна ҳам кучлироқ масъулият юклайди.



ФИДОЙИ

линглар. Ҳаракатларингиз пухта, мимикаларингиз яққолоқ бўлсин!» Мана шу жиддий ўйинларнинг ҳаммасида ҳам Малика олдинда борар, чўлоқми, беморми, итми, мушукми, хўрозми, болами — барчасини усталик билан ифодалар эди. У инсон камчиликларини эшак, тулки, бўри, курка каби жониворлар ҳаракатлари орқали кўрсатиладиган этюдларни маҳорат билан ижро этарди. Ана шу тақлидларни Малика ҳозир ҳам севади. Бунинг ўғилчаси Шерзод ҳам ўрганиб олган...

Пуртов Маликага бош ролларни топширарди. В. Шукшиннинг «Уша йироқ жойда...» ҳикоясини сахналаштирилганларида, ўн беш ёшли Малика ўттиз ёшли бахтсиз жувон Ольганинг мураккаб психологик ролини ижро этди. Шогирдининг муваффақиятларидан фахрланган Пуртов: «Малика — бизнинг ўмидимиз, ишончимиз», деб тақдорлашдан тинмасди.

Ун олти ёшида Малика, озгина бўлса-да, малака касб этган актриса эди. Бу эса унинг Островский номидаги Театр ва рассомлик институтига киришига имкон берди. Кириш имтиҳонинда у Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» драмасидан Ғофир монологини ижро этди. Жамила монологини эмас, Ғофир монологини ижро этди. Чунки, Шукур Бурҳон ижросидаги Ғофир образи Малика ақидасидаги маҳоратнинг энг юксак чўққиларидан биридир. Малика ўзини лол қолдирган шу сатрларни завқ-шавақ билан ўқирди: «Наинки дунёда адолат, ҳақиқат деган нарсалар шунчалар оёқ ости қилинса! Шунчалар бўкилса! Йўқ, ҳақиқат бўкилар, лекин синмас!.. Бу жабр-жафоларнинг охири борми! Мен қон ютган, қон қусган халқ номидан гапираман!»



Огаси Маликани кичкиналигиданоқ ҳаққонийликка ўргатган эди. Шунинг учун, заррача бўлсин, сохталикни ёқтирмайди, мурасасозлик деган нарсани билмайди.

Оилада улар олти эдилар: бешта қиз ва бир ўғил. Шулардан уч опа-сингил актриса бўлиб етишдилар. Телевидениедаги роллари билан танилган катталари Дилором Каримова Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида ишламоқда. Кичиклари Нилуфар яқинда кинофильмда муваффақият билан бош ролда суратга тушди.

Малика «шумтака» бўлиб ўсди. У ерга урса осмонга сапчийдиган шўх, бир жойда тиниб-тинчиб турмайдиган жонсарақ, аралашмаган иши, тегажаклик қилмаган одами бўлмас эди. Гоҳ бойўғли бўлиб сайрар, гоҳ тиланчилардек қийниб кўча айланар, гоҳ жодугар қиёфасига кириб кўпларнинг ўтаксини ёргудек бўлар эди. Шўхликда ўғил болалардан ҳам ошиб тушар, бир қарасангиз, велосипедни ғизиллатиб кетаётган, бир қарасангиз, мотоцикль минаётган бўлар эди...

Кейин у бирдан китобхонликка берилиб кетди. Қўлига тушган китобни бош кўтармай ўқийверди... Шу тариқа, унда машаққатли йўллардан бориш иштиёқи туғилди. Зўр актриса бўлиш учун, назарида, кўп азоб-изтироблар чекиши керак эди.

Маликани «Ўзбекфильм» ҳузуридаги студияга ўқишга бердилар. Бу ерда мураккаб киноактёрлик санъатида зарур бўладиган нарсаларнинг барчасини ўргатишарди, атрофлича таълим беришарди. Усмирлар енгил атлетика ва сувда сузиш, қиличбозлик ва дзюдо билан шугулланишар, машина ҳайдар, парашют билан сакрар эдилар. Уларни ашула айтишга, рақс тушишга ўргатар эдилар.

Малика кўпроқ актёрлик маҳоратидан дарс берадиган режиссёр Юрий Пуртовнинг сабоқларини ёқтирарди. Бу муаллим болаларни жуда сева, уларда ижод иштиёқини уйғотар эди. «Қани, бугун кўчада нималарни кўрдинглар! — дерди у. — Бозордаги мевафурушлар нима деб қиқчиришади! Қайси бирларинг Чарли Чаплинни кўрсата оласизлар! Сулурги қандай ҳаракат қилади! Чой қуйилган пиёла-чи! Хўп, жуда яхши... Энди бўшаган пиёлани кўрсатинглар-чи... Гавдаларингизга эътибор қи-

Қабул комиссияси аъзолари орасида Сора Эшонтўраева ва Шукур Бурҳонов бор эдилар. Сўнгра улар Ҳамза номидаги театр сахнасида бирга ўйнадилар. Малика Иброҳимова Шукур Бурҳонов қатнашадиган спектаклларнинг барчасида иштирок этди. У Шукур Бурҳонов бош ролда чиқиб барчани лол қолдирган «Шоҳ Эдип» спектаклидаги умумий сахналарда қатнашишдек бахтга мўъассар бўлди. Ёш актрисага назари тушган устоз санъаткор Маликани телевидениеда бериладиган ижодий портретида иштирок этишга таклиф қилди. А. Чеховнинг «Ваня тоға» пьесасидан олинган парчада Бурҳонов Войницкий ролини, Иброҳимова Соња ролини ижро этдилар. «Мен у вақтларда кўп нарсаларни тушунмасдим,— деб эслайди актриса.— Менинг актёрлик техникаси ҳақидаги тушунчам жуда заиф эди... Биринчи репетицияда жуда ташвишга тушиб, қаттиқ ҳаяжонландим. Рус ҳаёти, маданиятини яхши билмасдим. Чехов ижоди, унинг асарларидаги муаммолар билан таниш эмасдим. Шукур акамга ўғирилар экан, унинг изтиробли юзини кўриб, титраб кетдим. Унинг кўзларидан ёшлари шашқатор бўлиб оқарди. Ички бир туйғу билан Войницкий— Бурҳоновнинг гўзал қалбини ҳис қилдим. Йиглаб юбордим. Шу билан анча энгил тортиб кетдим. Узимни бирдан меҳнат-машаққатдан боши чиқмайдиган, бахт нималигини билмайдиган хунук қиз Соњадек ҳис қила бошладим. Унинг оламда биттаю битта сўянчиги — Ваня тоғаси бор экан. Ваня тоғага қаратилган таскин сўзлари ўз-ўзидан кела бошлади, улар қалбимдан қуйилиб келарди, булар Соњанинг сўзлари эмас, менинг сўзларим эди...»

Парча муваффақиятли чиқмоқда эди. Машҳур санъаткор билан бошловчи актриса бир-бирларини тушуниб етган эдилар. Бу орада тасодифан Маликанинг оёғи шикастланиб қолди. Бурҳонов бошқа актриса таклиф қилдирмади, суратга олишни тўхтатириб, бир ой кутди.

Биз Шукур Бурҳоновнинг гримхонасида ўтирибмиз. У менга Малика Иброҳимова ҳақида ҳикоя қилиб бермоқда: «Малика студентлик вақтларидаёқ, ўзини ўйланувчан актриса сифатида кўрсатган эди. У кекса актёрлар мактабига тўла-тўқис амал қилади — ишга бус-бутун берилади. Бугун навбатдаги спектакль бўлса, куни бўйи кечқурунги спектаклни ўйлаб юради. Санъатда ўз мавзуга эга бўлган оқила, самимий актриса. Мен унга ҳа-

миша: «Ошиқма, разм сол, ўйла — ролдаги биринчи, иккинчи, учинчи планларни қидир», дердим. У қидирарди, топарди. Унинг барча спектакллардаги ролларини кўриб, театрдагиларга: «У қатнашадиган спектаклларини албатта кириб кўринглар. Бундай актрисаларни тарғиб қилиш керак», дердим. Нега бошқа ёқлардан актриса қидириб юрасизлар! Мана олдигиналарингизда Малика турибди-ку! Туриш-турмуши — актриса!», дердим».

Мен Шукур аканинг сўзларини иштиёқ билан эшитаман. Қаршимда афсонавор сиймо — доваруғи кетган Ғофир, Фарҳод, Шаҳар ҳокими, Ғамлет, Фучик, Брут, Улугбек, Швандя, Олеко Дундич ва ниҳоят шоҳ Эдип ўтирибди. Номи жаҳонга машҳур актёр театрга чинакам меҳр-муҳаббатдан таълим беради, у эстафетани эртаги кунга олиб борадиган ёш актриса ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Шукур Бурҳонов Малика Иброҳимовага кучли таъсир кўрсатди. У устоз санъаткордан сахнавий тасвирнинг ёрқин, қаҳрамонона характерларнинг романтик, ҳаяжонли, реалистик драма қаҳрамонлари психологик анализининг нафис чиқишига эришишни ўрганди.

Малика устозининг кино борасидаги тавсияларидан фойдаланолмади. У «Ёш гвардия» театрида ишлаб бошлади. Театрнинг собиқ бош режиссёри, ўз ишнинг фидойиси Эргаш Масафоев актёрлар билан кунига ўн икки соатлаб ишларди. Маликанинг театрдаги ишидан алаҳсишга имконияти йўқ, киностудиядан келадиган кўплаб таклифлардан воз кечишга мажбур бўларди. Ваҳоланки, унга қанчадан-қанча роллар, ҳатто бош роллар таклиф этишган эди.

Сиртдан қараганда, Эргаш Масафоев билан Малика Иброҳимова бир-бирларининг аксидек. Иш устида улар қаттиқ тортишиб қолишар, ҳатто бир-бирларини аямас эдилар.

Маликанинг характери мураккаб. Унинг бадиҳачилик истеъдоди кучли. Муболағасиз айтиш мумкинки, бир мавзунинг ўнлаб йўллари билан ҳал этади. Доимо изланади, гоҳ ундай, гоҳ бундай ўйнаб кўради, иштиёқ билан репетиция қилади, қидирганини топади-да, таассуфки, кўпинча шерикларидан ўтиб кетади. Ҳозирги режиссёр учун энг муҳими — спектакль бир бутун ансамбль ҳолида амалга ошиши керак. Ана шундай кезларда уларнинг баҳси яна ҳам қизғин тус оларди.



Саккиз-тўққиз йиллик ҳамкорликлари мобайнида, Масафоев ва Иброҳимова ўттизга яқин роль яратдилар. Бу уларга чинакам ижодий қониқиш бахш этди, уларни ўзбек сахнасининг новаторлари сифатида танитди. Эргаш Масафоевнинг ижоди — ўзбек сахна санъатида янги бир тўлқиндир. У режиссёр сифатида Георгий Товстоногов, Олег Ефремов, Анатолий Эфрос, Юрий Любимовнинг кучли таъсири остида шаклланди.

Малика Масафоев режиссёрлигида мўъжизалар яратарди. У Маликага шундай ролларни топширардики, актрисанинг яқин танишлари ҳам уни сахнада таниёлмай қолардилар. У драмада ҳам, трагедияда ҳам, комедияда ҳам ўйнар, ашула ҳам айтар, рақсга ҳам тушар, бир хил ижодий иштиёқ билан гўзал қизларни ҳам, қари кампирларни ҳам акс эттирар, ижобий ролларни ҳам, салбий ролларни ҳам ижро этар эди. Унинг учун бир дақиқали роль билан сахнага чиқиш ҳам, икки соатли бош роль билан чиқиш ҳам баб-баробар эди. Театрга хос ёрқун ифода замирида ёш актрисанинг ҳар куни кечкурун нима учун сахнага чиқиш сабаблари аён кўриниб турарди. У ижро этган ролларда аниқ граждэнлик мавқеи намён бўлиб сохталик, қалбакилик, зўрлик, мурасозлик ва манфаатпарастликка қарши норозилик темаси бошдан-оёқ яққол зухур этарди.

Ўткир Ҳошимовнинг «Баҳор қайтмайди» пьесасида Малика бирдан икки ролни — бош қаҳрамон «севиклиси» ўн саккиз яшар Клара билан қирқ яшар отарчи хотин ролларини ижро этди. Пул топиш учун ўз инсоний қадрини ерга уришдан ҳам қайтмайдиган отарчи-яллагичларнинг чиркин қиёфасини серифода воситалар билан фош қилди. Малика Иброҳимованинг бу роли жамоатчилик орасида қизғин фикрлар туғдирди. Масафоев ва Иброҳимова театрда қадам-бақадан мавқеларини йўқотадиган кимсалар ҳақида, бундайларнинг ижодий ўлимга маҳкум эканликлари ҳақида баҳс бошлаб бердилар, дейиш мумкин.

Ян Соловичининг «Мудҳиш вазият ёки кўчага чиққан гап» пьесасида режиссёр билан актриса эски дунёга қарши чинакам жанг очдилар. Автор пьеса жанрини комедия деб белгиллаган эди. Унда ҳақиқат учун тинмас курашчи Долинник Крючковнинг тарихи ҳикоя қилинади. Уни муттасил вазифадан вазифага пасайтириб борадилар, ниҳоят, туйқусдан ўз ўғли Радован унинг бошини ёриб қўяди! Масафоев ва Иброҳимова асарни трагикомедия сифатида талқин қиладилар. Улар оиладаги кулгили, ҳатто баъзан тўтуриксиз ишлар орқасида, отаналарнинг тарбия методлари ҳақидаги битмас-туганмас тортишувлари ёки оталар ва болаларнинг тўқнашувларидан кўра зўрроқ нарсаларни кўрадилар. Улар оилани эскилик билан янгилик кураш олиб борадиган майдон, деб биладилар. Эски дунёнинг мавқеи учун ўтакетган бидъатчи Ангелика Крючкова кураш олиб боради. Малика ўз қаҳрамонини мурватли кўғирчоқ сифатида ифодалайди. Табиийки, бу кўғирчоқ ғайри инсоний овоз билан гапирар, унинг ҳаракатлари ҳам ясама, сунъий эди. Кўлага каби бу персонаж воқеалар марказига интилар, бу билан одамлар руҳини майиб қилар эди. Крючкованинг қилмишларидан аввало ёнидаги одамлар — болалари, эри озор кўрар эдилар...

Афанасий Салинскиининг «Фидойи» («Барабанчи қиз»)ида Масафоев жангчиларимизни жасорат кўрсатишга даъват этувчи она-Ватан образини кўрди. Бош қаҳрамон Нила Снежко ролини Иброҳимова ижро этди. Унинг қаҳрамони нафрат фанини ўзлаштирар, шу билан бирга мардлик, садоқат, фидокорлик каби олий фазилатларни касб этар эди. Актриса ўз ролини юксак маънавий жўшқинлик билан мужассамлаштирарди. Пьесанинг мазкур театрдаги талқини бугунги томошабинларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида республика қандай яшагани ва курашганини яққол ҳис қилишларига ёрдам берди.

Малика Иброҳимованинг театр санъатига мислсиз фидойилик фазилатини сахнада самарали татбиқ этиб келадилар. Николас Е. Базрининг «Метродаги воқеа» («Тўқнашув») киносценарийи бўйича сахналаштирилган спектаклда Иброҳимова Алиса ролини ижро этади. Автор

ремаркасида таъкидланганидек, бу иккинчи даражадаги роль. Ҳаддидан ошиб, қутирган гангстерлар Коннорс ва Ферроне метрода кеч қайтаётган йўловчиларга ёпишиб, уларни чиркин қилиқлар билан таҳқирлайдилар. Улар қизин ҳам пайпаслаб, эзгилаб, ўпиб, турли йўллар билан хўрлайдилар. Қиз дадил кўринган йигити Тони Гоянининг сотқинлигидан ҳанг-манг бўлиб қолади. У бир неча оғизгина сўз айтади, ўзи эса ожиз, аламинин йиғидан олади — актриса шуларнигина ижро этиши керак. Бу ролни истаган студент қиз, «Еш гвардия» театрида энди иш бошлаган ёш актриса бажариши мумкин эди. Аммо уни театрининг етакчи актрисаси, ёши ўттиздан ошган Малика Иброҳимова адо этди. Театр санъатига фидойилиги учун...

Саҳна ва ҳаёт Малика учун бир бутун яхлитликни ташкил этади. У театрининг муваффақиятсизликларидан, «чала» муваффақиятларидан қаттиқ куйинади. Эргаш Масафоев спектакллари кўпинча замонавий ўсўлда, декорациясиз кўярди. Танқидчилар ва мутахассисларнинг юксак баҳосини олган бу спектакллар, афсуски, ўз вазифасини адо этмас, негаки, томошабинлар уларни идрок этишга тайёр эмас эдилар. Шундан сўнг Масафоев ва Иброҳимова спектакль олдидан сахнага чиқиб, томошабинларни ҳозирги замон театри эстетикасининг алифбеси билан таништирадиган бўлдилар. Театр бошланғич комсомол ташкилотининг секретари Малика Иброҳимова мантаблар, корхоналар, муассасаларга қатнар, райондаги комсомол ташкилотларида иш олиб борар, билетлар тарқатар, театр ва унинг спектакллари ҳақида сўзлаб берад, ҳар бир томошабин учун курашар эди...

Малика — сериштиёқ, серзавқ одам, болалардек соддадил... У ҳамманинг сўзига ишониб кетаверар, даста-даста билетларни насияга улашиб юбаверар, ҳеч қаерга қайд этмас эди. Оқибатда, 300 сўм пул етмай қолди. Дирекция бу пулни ундан ундириб оладиган бўлди. Малика театрда уч ойча фаррош бўлиб ишлади. Ишлаганда ҳам ғайрат билан астойдил ишлади. Уша кезларда театр «Барабанчи қиз»ни кўйишга тайёрламоқда эди. «Иброҳимова! Саҳнага!», деб қичқирарди Масафоев сабрсизлик билан. Спортчилар трикосидаги Нила Снежко [М. Иброҳимова] қўлида супурги билан сахнага югуриб чиқарди. Актёрлар қаҳ-қаҳлаб кулиб юборишар, Малика эса дарҳол образга кирар, репетиция ўз маромида давом этар эди...

Малика Иброҳимованинг Эргаш Масафоев билан биргаликда амалга оширган энг яхши ишлари шулардан иборат эди. Яъни биринчиси — Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Биринчи бўса» пьесасидаги Роҳат роли, охириги эса Дурел Баранганинг Экспериментал ёшлар театри «Илҳом» сахнасида кўйилган «Жамоат фикри» комедиясидаги тўртта ролдир.

Роҳат ролини Малика ўн йилдан зиёд вақтдан буён ёлғиз ўзи ижро этиб келмоқда. Шунча вақтдан буён бу ролни у ҳар гал зални тўлдириб ўтирган ўқувчи ва студент қизлар қаршисида маҳорат билан бажармоқда.

Бу спектакль нима ҳақида! Қисқа қилиб айтсак, замонавий ёш ўзбек аёли ҳақида. Томошабин Роҳатнинг ўн олти, йигирма уч ва йигирма олти ёшларда кечирган ҳаёти билан танишади. Дастлаб у шўх-шотир, соддагина ўқувчи қиз. Актриса қаҳрамонининг туйғу тўлқинлари, жўшқин кайфиятининг оний ўзгаришлари, қийқириқ-қичқирликлари, ерга урса осмонга сапчиб, жонсаралик билан югуриб юришларини ҳайратда қоларли даражада аниқ ифодалаб беради. Роҳатнинг қалби ҳаёт шомоллари, довуллари, қувончлари қаршисида ланг очил. У муҳаббатнинг илк аччғини тотган ёқимтой йигит Шокир билан ана шундай вазиятда танишади. Оламнинг ўзидек синашта воқеа содир бўлади. Шокир Роҳатнинг туйғуларига эрмакдек қараётган экан. Қиз алам устида, аспирант Қосимга турмушга чиқади. Шу тариқа, учовларига ҳам ҳаёт бемаъни кўринади.

Актриса спектакль давомида олти марта кийинади. Олти марта ҳам кўз ўнгимизда мутлақо бошқа одам намён бўлади. Унинг нутқи, ҳаракатлари, юришлари, энг муҳими, Роҳатнинг ўзи ичдэн ўзгаради, бошқа одам

бўлиб кетади. Таассуфки, бу ўзгаришни яхшилик томон қўйилган қадам, деб бўлмайди.

Малика Иброҳимова қаҳрамонининг соддадил, покиза қизалоқликдан дунёда кўрмаган иши қолмаган маккоро хотин даражасигача босиб ўтган фавулодда ва қонуниятга хос йўлини ғоятда нафис, табиий воситалар билан кўрсатади. Бу ўзига ўзи хиёнат қилган одам ҳақидаги ҳикоядир. Бу чинакам ва сохта муҳаббат ҳақидаги баҳс-дир. Бу ота-боболаримиздан қолган муросан-мадора қабилидаги ақидаларга қарши қатъий норозилиқдир. У бизлардан ҳар биримиз ҳар бир хатти-ҳаракатимиз учун жавобгар эканлигимизни эслатиб турадиган аччиқ ибратдир.

Малика Иброҳимова ўзининг тажассум этиш санъатининг моҳир устаси эканлигини кўрсатди. Яна у сукут сақлаш маҳоратининг устаси эканлигини ҳам намойиш этди. Малика саҳнада ҳамма нарсани — сўзлашни ҳам, қичқиришни ҳам, юришни ҳам, рақсга тушишни ҳам, куйлашни ҳам, йиғлашни ҳам, ҳушдан кетиб йиқирилишни ҳам, ўлишни ҳам профессионал маҳорат билан адо этади. Аммо сукут сақлашда ғоятда маҳорат кўрсатади. Одатда, бундай дақиқаларда у қарахт бўлиб қолгандек кўринади. Бироқ унинг қалбида ҳаёт жўш уриб туради, сўз тугилиб келаётган бўлади. Қаҳрамони ҳали нималар бўлаётганини аниқ тасаввур қилолмайди, у саросимада, тарадудда... Бу замирий, машаққатли жараён муқаррибларнинг луқмалари таъсири остида жадал суръат билан давом этади. Ниҳоят, актриса бошини сал орқага ташлайди, мушт бўлиб тугилган панжаси аста-секин ёзилади — демак, керакли сўз топилди! Қаҳрамонининг ўт нафасли сукути ёлқинида вужудга келган қаҳрли монологи жўшқин шалола каби отила бошлайди! Актриса инсон руҳининг тугёнларини ана шундай воситалар ёрдамида ҳасослик билан акс эттиради.

Табиийки, Бухарест, Москва ва Ленинградда қўйилган «Жамоат фикри» спектаклидаги тўрт аёл ролини маълум ва машҳур актрисалар зўр муваффақият билан ижро этганликларини Малика Иброҳимова яхши биларди. Аммо бу ролларни у румин драматурги махсус Маликага атаб ёзиб бергандек ижро этди. У ролдан ролга ўтаркан, бир онда ўзгариб кетарди! Ана шу маҳорати туфайли, у зўр муваффақият қозонди.

...Ижтимоий аҳволи жиҳатидан, Никулина Гологан — уй бекаси. М. Иброҳимова талқинида у — сексуал эркинлик ҳамда меҳмонхонавор тийқисиз сафсатабозликнинг сохта романтикасига берилиб кетган, даврининг ваҳшиёна, ҳамладор, ашаддий мешчанкаси, хавфли ижтимоий иллат. Мана, у газета редакциясига елиб кириб келади, хона хирқироқ, чинқироқ шовқинга тўлиб, тўс-тўполон бўлиб кетади. Пат қистирилган гўлос шляпа остида маккор, ёвуз кўзлар бежо аланглаб туради. Никулинанинг кўкка интилган кўлларида — ҳужжат. Уни ҳақли деб даъво қиладиган шу қоғозни кўтарганча, бюрократ бошлиқнинг столи томон эмаклаб кетмоқда. У ҳаёт гирдобиде йўлини топиб юради. Мабодо, бу даргоҳда муддаосига эришолмаса, бошқа жойда албатта эришади.

Худди шу актрисанинг бир неча дақиқада, либосини ўзгартиргач, паррандабоқар Марчика Тунсу ролини ижро эта бошлаганига ишонгингиз келмайди. Ранги кетган, ғамгин Малика — Марчика бутун саҳна давомида бамисоли ҳайкалдек қилт этмай туради. Уқраб йиғлаб юборгудек овози қалтиради...

Бу иши билан актриса сохталик, ёлгон, зўрлик, инсон қадр-қимматини оёқ ости қилишга қарши норозилик унинг ижодидеги асосий тема эканлигини яна бир бор исботлади.

Аслини айтганда, актрисанинг ана шу жанговар гражданлик эҳтироси, режиссёр Толибжон Ҳамидов билан биргалликда, телевидениеда амалга оширган ишларида яққол намоён бўлади.

Александр Блокнинг 100 йиллик юбилеи муносабати

билан М. Иброҳимова улуг рус совет шоирининг «Ун икки» поэмасини ўқиди. «Ўқиди» ибораси бу ерда унча тўғри келмайди, шекилли. Бунда бир актёр театри тўғрисида фикр юритсак тўғри бўлар. Режиссёр унда актрисанинг дарҳол ва ишончли тажассумлантира билиши, яъни навбатдаги персонажнинг ўзи бўлиб кетиш салоҳиятидан тўла-тўқис фойдаланган.

А. Блок — Маликанинг севиқли шоири, унинг шеърларини болаликдан иштиёқ билан ўқийди. Ўзбекистон халқ ёзувчиси А. Мухтор Блокнинг «Ун икки» поэмасини таржима қиларкан, асарнинг новаторлигини, маромини, латофатини чуқур ҳис қилиб, унинг юксак революцион руҳини жангдор оҳангда берган. «Ун икки»нинг таржима қилиниши ўзбек шеърлятида салмоқли воқеа бўлди.

Актриса томошабинни революция давридаги Петрограднинг қор босган кўчаларига даъват этади. Кўз ўнгимиздан ўнлаб характерли персонажлар бирин-кетин ўтади: булар — кампир, буржуй, айюханносчи адиб, тунд поп, қорақўл мўйнали бека, гапдон Ванька, шўх-шотир Катька, дайди ит, оч бўри... Аста-секин эски олам — дайди ит, оч бўри ҳалок бўлиши мавзун юзага келмоқда. Ҳалокат аён-ошкор босиб келмоқда. Актриса қувонч билан қичқиради: «Ўйнаб қолди изғирин. Уҳ, бўрон, бўрон, бўрон! Кўришолмай бир-бирин қилишар шовқин-сурон!» У ана шу юксак пардада: «Мўлжаллаб отайлик ҳаромхўр Русни, диндор Русни, қориндор Русни!», деган мисраларни қаҳр, сурур билан айтади. Иброҳимова «Йиқилобий сафлар, бос қадам! Душман тинмас, ухламас бир дам!», сатрларида ифодаланган Революция темир одами мавзунини қирк минутли фильм давомида юксак қатъият, шиддат, ишонч билан олиб боради.

Актриса ҳукмфармо тарзда бизни революцион ўтмишимиз томон бошлайди. Дафъатан тасаввуримизда иккинчи план вужудга келади: «Революция тугалланган эмас. Революция давом этади!» Маълумки, ўн иккилар сафининг олдида бораётган Исо кўпгина танбачаларга сабаб бўлган эди. Малика Иброҳимованинг моҳирона ижросини кўраркансиз, тасаввурингизда беихтиёр равишда шундай бир қиёс туғилади: ўн икки қаҳрамоннинг мардонавор одими «Оптимистик трагедия»даги Комиссарнинг қалби орқали ўтган экан! Бинобарин, революция шу тариха давом этади.

Малика Иброҳимованинг яна бир ижодий муваффақияти Л. Зориннинг «Варшава таронаси» пьесаси асосида яратилган телефильмдаги Ҳелена образидир.

«Варшава таронаси»ни СССР ва чет эллардаги 150 дан ортиқ театр сахналаштирган. Ҳелена ролини Алиса Фрейндлих, Юлия Борисова ва Ада Роговцева, венгер актрисаси Мари Тёречик, болгар актрисаси Невена Коканова ва бошқа санъаткорлар моҳирона ижро этганлар. Маликада ҳам машҳур салафларига хос бўлган заковат, латофат, назокат, нафосат, маъсумлик каби фазилатлар йўқ эмас. Аммо у образни мужассамлаштиришда ўзигагина хос бўлган бир руҳни ифодалади. Малика замонасидаги хотин-қизлар учун чин муҳаббат йима эканлигини том маъноси билан акс эттирди. Қачонки, муҳаббат маҳаб бўлар экан, инсон ҳам маҳаб бўлади — Малика Иброҳимованинг Ҳеленаси ана шу фикрини гавдалантиради. Унинг қаҳрамони Ҳелена қалбида муҳаббат туғилган илк онлардан бошлаб фожиаги оқибатдан хавотирланади. Ташвишли тушлари ўнг кела бошлар экан: биз энди тирик одами эмас, бир вақтлардаги Ҳеленанинг суратини, шарпасинигина кўрамыз.

Малика Иброҳимова ўн беш йилчадан буён зўр завқ-шавқ, иштиёқ билан ижод йўлидан келмоқда. Бу фидойи санъаткорнинг театр, кино ва телевидениеда ижро этган ролларини томошабинлар, танқидчилар самимият билан кутиб олдилар. Уни олдинда янги ижодий изланишлар, янги чўққилар, ёрқин уфқлар кутади.

Ю. ДАВИДОВ



ОМОН
МАТЖОН

Сочилган дурлар диёри



Ўғулистонни кўришни кўпдан орзу қилар эдим. Уланбатордан ғарби-жанубий аймақлардан бири Боёқўнғирга самолётда учаётиб, қуйидаги манзарани кузатдим: бора-боргунча бир соат давомида ўнча тик бўлмаган тоғлик ва қияликлар. Яшил ёнбағирликлар, камсувгина жилғалар иланг-биланг жимирлаб қолади. Ана шу феруза ёнбағирликларда аҳён-аҳёнда бир тўп-бир тўп оппоқ, ўртаси қора холли, юмалоқ нуқталарни кўрдим. Гўё самовий бир гўзаллик соҳибаси тоғу қирлар аро сарсари-сарсон югуриб ўтгану оқ марварид дурлари йўл-йўлакай бутун Мўғулистон ерларига сочилиб қолган. Самолёт пастлаганда билсам, бу оқ нуқталар ўтовлар экан! Сочилган дурлар диёри деганимнинг маъниси шу.

СССР ва Мўғулистон ёш ёзувчиларининг ўзаро учрашувида иштирок этмоқ учун биз Москвадан Уланбаторга учиб кетдик. Делегациямиз тўрт кишидан иборат бўлиб, москвалик шоира ва таржимон, мўғул тили бўйича мутахассис Людмила Букина, бошқирдистонлик шоир, болалар газетасининг редактори Сафуан Алибоев, иркутсклик шоир Михаил Трофимов ва камина (делегация бошлиғи)лар эдик. Учрашув СССР ташкил этилганлигининг олтамиш йиллигига бағишланган тадбирлар сирасида ўтказилаётган, яъни бироз тантаналироқ кўламда бўлса-да, муҳокама қилиниши лозим бўлган мавзу гоёт муҳим ва актуал эди. Бу — ёш ижодкорнинг ҳозирги замон воқеа-ҳодисаларига фаол позицияси масаласи. Бу мавзу совет адабиётининг турли намояндалари томонидан кўп бор муҳокама қилинган, партияимизнинг қатор ҳужжатларида қайд қилинган. Зеро ҳаёт олдимизга кўндаланг қилаётган муаммолар тобора мураккаб ва ранг-баранг бўлиб бормоқда. Қолаверса, биз ҳар биримиз географик шароитлари кескин фарқ қилувчи, муайян миллий анъаналарига эга бўлган халқлар вакиллари эдик.

Москвадан кечкурун, ҳали кўёш чарақлаб турган пайтда учдик. Новосибирск аэропортига қўнганимизда аллақачон тонг ёриша бошлаган эди. Бирор соат ўтмай яна осмонда эдик. Энди Иркутск томон учар эканмиз, янги кун нурлари атроф оламини аллақачон ёритган эди. Пастликларда буюк Сибирь тоғ ва ўрмонлари, юзасини юпқагина туман қоплаган ғаройиб кўллар аста-секин ўрин алмашарди. Гўё табиатнинг ўзи бизнинг назаримизни аллақандай бир мўъжизага тайёрламоқда. Мўъжиза чиндан ҳам содир бўлди. Фақат сал кейинроқ — Иркутскдан Уланбаторга учаётганда кўрдик уни. Бу — табиатнинг ажиб мўъжизаси — Байкал кўли эди! Бой кўл! Сибирининг юраги десакми, кўксидеги жавоҳир десакми, бундаги ҳаётнинг аввал боши десакми, шомрона ташбиҳлардан нечасини тизиб ташласак, не нафис сўз айтсак ярашадиган буюк мўъжиза!

Тоғлар устида учиб борар эканмиз, мен булутларнинг шаклига эътибор қилдим. Юмалоқ-юмалоқ, бир томони сал чўзиқ. Худди қадимги япон-хитой миннатураларидагидек. Бўлак-бўлак, пахмоқ.

Уланбатор тоғлар оралиғида — худди коса ичида жойлашгандек экан, қат-қат булутларни ёриб ўтиб. анчагина

кенг яшил қирга — мўъжаз аэродромга қўндик. Бизин бир гуруҳ мўғул ёзувчи ва шоирлари шод-хуррамлик билан кўтиб олишди. Улар билан ораимизда ҳеч қандай бегоналик йўқдай, худди аввалдан таниш кишилардек апоқ-чапоқ бўлиб кетдик. Уларнинг кўпчилиги рус тилини билиши муомаламизни осонлаштирди. Машиналарга ўтирар эканмиз, шаррос ёмғир қўйди. Йирик-йирик, тиниқ томчилар... Ғалати овозда, шағиллаб момоқалдироқ гулдирди. Мезбонлар баттар очилиб кетишди: «Яхши одам ёмғирни эргаштириб келади. Бу йил ёғин-сочин оз бўлди. Чорвадорларимиз андак қийналиб қолишар экан...» Биз ҳам ёмғир ҳақида халқимиздаги яхши ғиримларни айтиб бердик.

Пойтахт аэропортдан ўн километрча нарида экан. Яшил сайхон узра кетган текис асфальт йўл кўзни қувонтиради. Бу ердан Уланбаторни ўраб турган уч тоғ аниқ кўришиб туради. Ривоят қилишларича, бу уч тоғ шаҳарни қўриб-асраб ётган илоҳий кучлар билан боғлиқ эмиш. Шаҳар этагидан катта дарё ўтади. Унинг сувлари гоҳ ҳаддан ташқари тинч оқар, гоҳида эса кутилмаган тошқинлар келтирар экан.

Эртасига Мўғулистон ёзувчилари союзи фаолияти билан танишдик. Правление раиси, таниқли носир ва шоир Цедев союзнинг иш қўлами ҳақида батафсил гапирди, ёшлар билан ишлаш масаласига кенг тўхтади. Биз ҳам республикаларимиз ҳаёти, ёзувчи ҳамкасбларимизнинг ютуқлари, наشريётларимиз чоп этаётган китоблар ҳақида гапириб бердик.

Ёзувчилар союзида давра мажлисига тўпландик. Ёш мўғул адабиётшуноси Дўлам «Ҳозирги замон шеърини ва ёш ёзувчининг ижтимоий ҳаётдаги актив позицияси» мавзусида чуқур ва атрофлича доклад қилди. Нотиқ ҳозирги замон мўғул адабиёти, ундаги илғор тенденциялар, унинг тараққиёт тарихида буюк совет адабиёти ва умум-совет адабиётининг улкан хизматини таъкидлади. Қуруқ риторика, декларатив сўзбозлик иллатларидан анча халос бўлган мўғул адабиётида эндиликда бадий юксак асарлар яратилмоқда. Шунингдек, Дўлам ва ундан кейин сўзга чиққан нотиқлар ёшлар шеърини билан боғлиқ бирмунча проблемалар устида тўхтадилар.

Маълумки, йигирманчи аср шароитида жаҳондаги турли халқлар тақдирини, [улар ер кўррасининг қайси бурчагида, қандай жўғрофий ва ижтимоий тузум шароитида яшашларидан қатъий назар] бир-бирларига ё у ё бу тарада боғлиқдир. Адабиёт турмушининг сезгир манометри, метрономи сифатида ундаги ҳар қандай тебранишларини маълум маънода аниқ қайд қилиб боради. Бу тебранишлар кенс авлоддан кўра ёшлар ижодида кескинроқ ва буртбироқ кўзга ташланади. Ёш авлоднинг ўзи жамият учун янгилик бўлгани каби ўзи ҳам жамиятдан ҳар қандамда янгилик, ўзгариш ахтаради. Эҳтиёжлари ва имконлари ўртасида номуносивлик юз беради. Бу эса баъзи ҳолларда энг юксак идеалларга ҳам бирмунча ишонинқирамай қарашларга олиб келади. Ҳатто бадий асар қорилишига умидсизлик, тушкунлик унсурлари кириб қолади. Гоҳо эса, шеърини мавзу ижтимоий ҳаётнинг ўз табии оқими — воқеа-ҳодисаларидан олинмайди. Оқибатда шоирнинг ўз нуқтаи назари ва ташқи муҳитга муносабати сояда қолиб кетади. Худди шу нуқтадан лабиринтизм иллоти, яъни ўқувчинини гоёвий чигалликлар кўчасига мажбурлаб тортиш содир бўлади.

Шоир каттами-кичикми, ўз ички дунёсига чуқурлашуви шарт. Бу ўта зарур. Лекин бу чуқурлашуви қаҳрамон қалбида шундай ғаройиб, нафис нуруналарни кашф этсинки, атрофдагиларга ҳам тегсин ёруғликдан! Денгиз бўйида яшовчи халқлар сув остидан марварид олиб чиқувчиларни яхши биладилар. Улар ташқарида кўкракларини ва кўзларига йиғиб олган ҳаво ва ёруғлик билан қоронғу сув остига тушадилар. Не-не машаққатли изланишлар, захмат сўнггида бир неча ғаввосга кўз қамаштирадиган марварид донасини олиб чиқиш муяссар бўлади.

Мен яна учрашувимизга қайтаман. Адабий алоқалар деганда, шубҳасиз, биринчи мақсад — таржимачилик ишлари. Бу ўринда таржиманинг қўлами, сифати ҳусусида гапириш керак бўлади. Агар биз адабиётимизнинг дунё

бўйлаб кенгроқ танилишига интилсак ёки жаҳон адабиётининг етук намуналари бизнинг маданиятимизни бой-тишини истасак, таржима ишларига адабий жараёнимизга кўрсатаётган эътиборимиздан кам бўлмаган диққат ва меҳримизни беришимиз керак. Бу фақат фактларни, конкрет ишни талаб қиладиган соҳадир. Акс ҳолда ҳамма гапларимиз предметсиз, баландпарвоз ва сийқа пафослигича қолиб кетаверади.

Рус совет адабиётининг кўп йирик намояндалари мўғул адабиётининг таржимонлари бўлишган. Бу аъёна ҳозир ҳам давом этапти. Шунинг билан бирга мўғул ўқувчиси қўлида рус совет ва жаҳон классикларининг ўйрилган нажиб ва нафис таржима асарлари мукамал йиғилган. Алишер Навоий, Ғафур Ғулום, Шароф Рашидов, Зулфия, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Туроб Тўла каби намояндаларимизнинг асарлари ҳам алоҳида китоб ёки туркумлар тарзида нашр этилганлиги мени кўп қувонтирди.

Уланбатор анча санжоб ва кўркэм шаҳар. Гул кўп, дарахт кўп. Озода, ихчам. Бу ерда ҳам қурилиш ишлари кенг қўламда олиб борилляпти. Юқорида айтганимиз турли маданий қатламларнинг учрашуви, иморатларда ҳам сезилади. Бугунги европача услубда қурилган уйлар орасида будда ибодатхонасининг бурама-бурчак нақшларини ёки бутун бошлиқ ўтов-маҳалларини кўриш мумкин. Маданий ёдгорликларга алоҳида муҳаббат ҳар қадамда сезилади. Уланбатор унча катта шаҳар эмаслигига қарамадан бениҳоя улкан ва бой музейлар, кутубхоналарга эга. Бу ердаги Марказий кутубхонада 3 миллионга яқин қўлёзма бор экан. Кўргазма залидамиз. Турли даврларга мансуб тарихий, диний, жўғрофий, тиббий ва бошқа соҳаларга оид битиклар, жилдлар, ёзма тахталар... Мўғул арифмоси ҳам замонлар, даврлар тақозоси билан бир неча бор ислоҳ қилинган ёки бутунлай ўзгартирилган. Бу гоҳ маданий тараққиёт талаб-эҳтиёжлари боисидан, гоҳида турли боқинлар ва таъйиқлар таъсирида содир бўлган. Мазкур кўргазма халқнинг ижодкор руҳи тарихнинг ҳар қандай қийин шароитларида ҳам сўнмаслигини яққол кўрсатиб турибди. Қоғозга, чармага, металлга, тахтага, матога тилла билан, ипак билан, ўчмас сиеҳлар билан зарб этилган, тикилган, битилган ҳарфлар, сўзлар, жумлалар, лавҳалар, тарихлар... Бу ёзмаларнинг ҳар биттасини айрим санъат асари дейиш мумкин. Уларнинг сақланиб қолганига асосан ғандинлар — ибодатхоналар сабаб бўлган. Гарчи бу ерда макон тутган ламалар кўплаб ноқис ва машъум одатларнинг давомчилари бўлиб хизмат қилган бўлсаларда, ўқиш-ёзиш шу ерда ўрганилган, китоблар, ёзмалар шу ерга йиғилган ва сақланган.

Мен бу фонdda Урта Осиё тарихига оид гоёт кўп қўлёзмалар борлигини олдинроқ эшитган эдим. Бу табарруқ жилдларга ҳеч бўлмаса кўзимнинг қири билан қараб кетиш истаги шу қадар кучли эдики, меҳмоннинг одоб доирасидан озроқ чиқиб бўлсам, кўргазма ҳақида ҳикоя қилиб бераётган кишига орзумини айтдим. Бу паст бўйли, қотма, билимдон ва кўв одам кулиб: «Қўзисода Румийни биласанми!» деб қолди-ку! Хурсанд бўлиб кетдим. Бизга ҳамроҳ бўлиб юрган, ҳамма ишимизга бошқош Мерген: «Мен, ҳозир...» деганча чиқиб кетди. Мерген (ўзбек тилидаги мерган деган сўз) ёш шоир, рус тилида белалол гаплашади. Машҳур адабиётшунос ва таржимон Хосботирнинг ўғли (Хосботир ҳақида кейинроқ тўхталаман) Мерген қайтиб келди. Маълум бўлдики, араб ёзувидаги қўлёзмалар фонди ремонтда экан, қолаберса, у ерга кириш учун юқори идоралардан қоғоз ҳам даркор экан... Сирли оҳанрабо бўлиб мени тортаётган, ҳали бирон кишининг тадиқ назаридан ўтмаган, балки тарихимизнинг, улуғ сиймоларимизнинг не-не дониш гапларини, юрак зарбларини асраб келаётган жилдлар шу яқиндагинада, бир қадам жойда эди. Лекин орадаги девор бениҳоя қалин, асрлар уни яна қалинлаштирган эди.


Кутубхонадан кучли таассурот билан чиқдик. Эшик олдида улкан ҳайкал. Одатига кўра бир қўлни кителига тикиб олган ўрта бўйли киши. Тош кўзлар. Мўйловлари, боши, елкаларида овоз қушларнинг қўни ўтган излари...

Мерген ҳамроҳлигида табиат музейини ҳам бориб кўрдик. Мўғулистонни бир қарашда тоғ ва даштлар юрти

деб ўйлаш мумкин. Лекин музейда йиғилган экспонатлар шу қадар кўп ва турли-туман, ўрин-ўринлатиб намоён этилганки, ер юзидаги табиати энг бой дийёрлар билан бемалол беллашадиган. Мўғулистон ҳали очилмаган қитъа, ерининг атиги бешдан бир қисмидагина турли тадқиқотлар қилиб улгурилган. Ер устида турли иқлимлар ва маданий йўналишларни учраштираган табиат ер остини ҳам бесаховат қолдирмагандир, деб ўйлайман.

Табиат музейидаги икки экспонат ҳақида гапириб ўтай. Бир кичик, бири бениҳоя катта. Биринчиси — «улар» деб аталувчи ғалати қуш. Катталиги тустовуқ билан хўроз оралиғида. Ғоят ноёб, нодир, кам сонли парранда. Ғушти истеъмол қилинса ярани тез битказади. Чингизхон ўз юришларида шу қушлардан бир нечасини қафасларда олиб юрган. Яраланган лашкарбошиларга едирган. Энди мана бу динозаврга эътибор қилинг: улкан залнинг боши, оёғи, шифтгача тутиб-энлаб турибди. Оёқ суюгининг битта бўғини қўлоч этмас чинордан қирқиб олинган тўрт метрлик ғўлага ўхшайди! Шундай оёқ устида жойлашган гавда билан каллани тасаввур қилаверасиз! Лекин минг афсуски, динозаврларнинг улғувор оёқларига на улкан боши ва на чўнг гавдаси вафо қилди. Хуллас, динозаврлар қирилиб кетди. Ривожланмаган олдинги икки қўлчаларини кўкрагига босиб, баланд икки оёғида туриб: «Уэр, бизнинг тарихий миссиямиз тугаган...» дейётгандай. У бир қараганда қушга ҳам ўхшаб кетади. Ким билади, балки ҳозирги қушлар ўша динозаврларнинг эвара-чевара авлодларидир!! Гоби саҳросида олимлар яқиндагинада кутилмаган кашфиёт қилишди. Динозаврлар қабристонини топилди. Бир неча ўнлаб бу маҳлуқлар бир жойга йиғилиб ҳалок бўлишди. Динозаврларнинг бу қарори ҳали ҳам сирлигича қолмоқда. Балки бирданга ўзгарган иқлим уларни бу ерларга ҳайдаб келгандир! Балки номаълум овчилар ғаласи, олишувлар уларни адо қилгандир!

Умуман, мўғул дўстлар музейларини миллий ғурур даражасида авайлаб-асраб, бой ва кўрмилли туттишлари, фахрланишларини сездим. Ғоят киройли, миллий услубда қирилган замонавий бинода инқилобий аъёнлар, В. И. Ленин, Сухебатвор ҳаёти ва фаолиятларидан жуда кўп маълумотлар олиш мумкин. Бу ерда совет-мўғул дўстлиги тарихининг ҳақиқий солиномаси яратилган.



Халқ расмони Цултэм.

Мен шаҳардаги ғоят бой этнография, санъат ва адабиёт музейлари ҳақида, Мўғулистонни озод қилишда қатнашиб ҳалок бўлган совет жангчиларига қўйилган улғувор ёдгорлик ҳақида, миллий опера санъатининг муваффақиятлари ҳақида анча гапиришим мумкин. Уланбаторда ибодатхо-

налар ҳам бор, шаҳар четроғидаги шундай ибодатхоналарнинг бирини бориб кўрдик. Анча гавжум. Ҳовлида зиёратчилар қиялаб қўйилган тахталарга ётиб-ётиб, сирли тарзда ибодат қилишмоқда. Ғандининг ичкариски ҳақиқатан ҳам одамини ҳайратга солади. Қатор супа-катлар, тахта бўлмалар, ҳар бирида қизил кийимдаги лама ўтирибди. Жами эллик-олтмиш чоғлик одам. Ҳар бирининг кўлида энли қоғоз варақлар. Шуларни маълум вақт ҳижжалаб ўқишади. Бир жойга келганда ҳаммалари ҳу-ҳулашиб сирли овоз билан тилловат қилишади. Бу жараён анча давом этади. Зиёратчилар эркин кириб-чиқиб туришади. Уч-тўрт ёш йигитча митти идишларга сув қуйиб юрибди. Одам бу ерда бирданга замоналарнинг, вақтнинг ҳисобини унутиб қўяди. Қўҳна дунё эртақларида иштирок этаётгандек сезасан ўзингиз.

Биз Мўғулистоннинг жануби-ғарбий аймақларидан Боёнқўнғирга учиб кетдик. Боёнқўнғир осмони яна бизни ёруғ ва дона-дона ёмғир томчилари билан кутиб олди. Дала аэропорти. Болалар тутчан гуллар. Хушнуд сиймолар. Бу шаҳарча унча баланд бўлмаган тоғлар орасида жойлашган. Бу аймақ аҳли ҳам, асосан, чорвачилик билан шуғулланади.

Боёнқўнғирда биз келишимизга мўлжаллаб ёш ёзувчилар семинари қақирилган экан. Самимий шеърлат байрам бошланиб кетди. Биз мўғул шеърининг турли овоз ва оҳанг тебранишларидан баҳраманд бўлдик. Икки кун давомида ёш мўғул шоирлари билан яқиндан танишдик. Уларнинг шеърларида қофия сатр бошига тўғри келади ва ўқилганда ўзига хос овоз бирикмаларини яратади. Адабий алоқаларимиз ҳақида Уланбаторда бошланган сўхбат, баҳс бу ерда ҳам давом этади. Биз кўп масалалар ҳусусида фикр олишдик. Катта шеърлат кечаси бўлиб ўтди. Одамлар шеърга, санъатга ташна экан, бу ўларнинг диққат-эътиборидан шундоқ яққол кўрникиб турарди. Аймақ санъаткорлари қўйиб берган концерт кучли таассурот қолдирди. Моринхур музыка асбобида ижро этилган «Тўёқлар дупури» куйи киши хаёлида кенг қирлар, чорвадорларнинг мураккаб ҳаётини жонлантиради. Худди шунингдек, хомий — бўғиз билан, сўзсиз ижро этилган қўшиқ ҳам кишини ҳайратга солади. Умуман мўғул халқ қўшиқларида чексиз бир нола, соғинч, мунг бор. Бу, балки поёнсиз тоғу қирлар ичида, гавжум мамлакатлардан, улғу океанлардан олмасда яшаётган қадимги халқнинг қалб индосидир. Бу, балки манжурларнинг шафқатсиз зулмидан ёдгор ғамлардир. Балки Чингизхон олмас ва борса келмас сафарга олиб кетган юз минглаб ёш йигитларнинг кўнгил армонлари ҳам бордир бу хоншларда...

Ҳаракат, бу жами гўзаллиқнинг ибтидоси. Яна йўлга тушдик. Энди машҳур Гоби саҳроси томон кетмоқдамиз. Бу саҳро ҳақида кўп ўқиганим бор. Таниқли фантаст ёзувчи Александр Белаяевнинг «Олхой дорхой» деган хичоғси болаликдан эсимда. Поёнсиз жазирама саҳро. Чўндан қизиб ётган ясси тоғлар. Узидан электр импульсига ўхшаган кўринмас нур отиб, одамларни жонсарақ этувчи, қўлга тушмас ҳайвон. Биз пастқам тоғлар ўраи ичидан кенг кафтдек текис қирга чиқдик. Иссиқ тобора забтига ола бошлади. Паст бўйли қўнғир, буталар. Аҳён-аҳёнда паришон туялар ғаласи. Боёнқўнғирни ўраб турган тоғлар ҳам кўздан узилди. Ана энди қаёққа қарасанг — бир хил манзара. Ҳадсиз, теп-текис дашт. Машинани хоҳлаган томонга бур, рулдан қўлингни ол, фарқи йўқ, кета беради. Бу саҳрода мўлжалини йўқотиб, адашиб қолган йўловчининг аҳволини тасаввур қилинг. Мен, ўттизинчи йилларда бениҳоя машаққатли экспедицияларда қатнашган, Мўғулистон табиати ва географиясини ўрганиб, бебаҳо маълумотлар тўплаган рус совет олимларининг жасоратларига яна бир марта таҳсинлар ўқидим.

Хосботир аввалига одамови, индамас оқсоқол бўлиб кўринган бўлса, йўлда унинг бутунилай бошқача одам экани маълум бўлди. Бу ғоят билимдон, универсал фикрловчи, беш-олти тилда эркин гаплаша олувчи олим, кескин феълли, равшан табиатли киши назаримда фақат мўғулгина эмас, бутун япон, хитой халқлари донишмандлигини ҳам бир қадар ўзида умумлаштирагандай бўлиб кўринди. У билан истаган мавзуда хоҳлаганча баҳсга кири-

шиш ва кўп нарсалардан аниқ хабардор бўлиш мумкин эди.

Олисида тоғ тизмаси кўринди. Сал берида, қияликда тўрт-беш ўтов ва бир икки уй пайдо бўлди. Бу — Гобида жойлашган Баацаган номли қишлоқ хўжалиги бирлашмаси. Дашт бўйлаб учиб бораётган ўнлаб отлиқларни кўрдик. Пойга бўлаётган экан. Чавандозларнинг кўпчилиги



Пойга.

болалар. Тезда улар маррага бориб қайтиб келишди. Қуёш ва саҳро шамолида қорайган, чақноқ кўзли миқти йигитчалар, қизлар.

Чойга таклиф қилиндик. Чорвадорларнинг меҳмоннавозлиги бизга қизиқ туюлди. Дастурхондаги ҳамма нарса юз фоиз сўт маҳсулотлари! Пишлоқ-патир, қурут-нон шаклида, зогора-сузма. Хуллас, қаттиқ юмшоқ неъматларнинг бари сўт, сузма, қаттиқдан пиширилган эди. Мен минг йиллик удумимизни ўйлаб, дастурхонга қўл чўзолмай турдим. Чунки нон йўқ эди. Ҳатто чой ҳам сутлик эди. Мўғулча меҳмондорчиликдан сўнг, мезбонлар кулишиб бизга чойнинг ўзини дамлаб беришди.

Чорвадорларнинг мўъжаз, камтар клубида шеърят кечаси ўтди. Ҳамроҳларимиз орасида Гобида туғилганлари ҳам бор экан. Ҳамюртлари уларни олқишлаб кутиб олдилар.

Аргалент тоғи этагида кекса ёзувчи Баст Аргалант тоғи билан Бонцаган қўлининг тарихини гапириб берди. Мўғулистонда бир пайтлар сон-саноксиз қўллар бўлган. Замонлар ўтиши билан ҳаммаси саёз торта бошлаган. Шунда Аргалант [мазмунини Она тоғ] қўлларга хитоб қилибди: «Айрим-айрим яшаяпсиз, жигарларим! Бу аҳволда тезда қўриб битасиз! Бирлашинлар!» Қўллар хитобни қабул қилишибди. Ҳаммаси бир-бирларига интилишибди. Мана шу Бонцаган [Оқ йиғин] шундай пайдо бўлган экан. Бу ривоят менга рамзий туюлди, бирдамлик, халқлар ўртасида иттифоқ, дўстлик ҳақида ўйлаб кетдим.

Гоби ичкарасидаги шу улуғвор қўл бўйида тўнайдига бўлди. Қўл атрофида минг-минглаб қўй сурувлар, йилқилар уюрлари, чорвадорлар ўтовлари.. Мезбонларимиз бежирим ўтовлар қуриб қўйишган экан. Уч-тўрт кишидан жойлашдик. Қўл шовиллаши баралла эштилиб туради. Минглаб қўшларнинг овозлари. Олис йўл чарчоғи. Ҳосботир яна тиниб-тинчимайди. Бадиҳа шеърлар учун конкурс эълон қилади. Яна қизиқарли айтишувлар, кашфиётлар, совринлар.

Бу орада мезбонлар уришиб галати бир овқат тайёрлаш билан овора эдилар. Катта қўйни сўйиб нумталадилар. Кейин саксовул ёқиб, оловга муштдай тошларни уйиб қўйдилар. Гўшт майдаланиб тайёр бўлгунча, оловдаги тошлар ҳам салкам чўғ ҳолига келди. Гўштни катта флягага солиб, устига ҳалиги қизиган тошларни тўқдилар. Фляганинг оғзини зич бекитиб, чайқашга тушдилар. Бу машғулот ярим соатча давом этди. Бир қўйнинг гўшти ўша қайноқ тошларнинг иссиғи билан пишиб қолар экан. Ҳар кимга бир пиёладан шўрва тортишди. Бир патнисда уша тошларни ҳам иелтиришди. Улар ҳали қўл куйдирарди. Айтишларича, бу тошларни совуғунча қўлдан-қўлга олиб, кафтда тутиб турилса, даво бўлар эмиш. Хуллас бодок деб аталган бу таом, тишлар орасида озроқ тошғирлашларини айтмаганда, бениҳоя хўштаём, мазали, иштаҳали экан. Буни Мўғулистонда энг ҳурматли меҳмонларга тайёрланади.

Яна шеърхонлик, кетидан шу ерлик бадиний ҳаваскорларнинг концерти бўлди. Дўстона суҳбатлар, адрес алмашинувлар, дастхатлар..

Бир вақтлар фарзандларини бирлашишга чорлаган Аргалант тоғи бугун биз — турли халқ фарзандлари дўстлик туфайли, шеърят, эзгулик туфайли бир оила фарзандларидек, оға-ини бўлиб, бирлашиб кетганимизни кўрди. Бонцаган қўли ҳам ўз мамнунлигини оқчарлоқларининг абадий чағ-чағлари билан ифодаламакда. Ой ҳам тўлишиб, очилиб, қўл мавжларини кумушлантириб, чўмилишга, тўлқинлар устида қулоч отиб сузишга тушди. Йўл чарчоғи барибир ўзини билдирди. Лекин кўзларимиз илнар-илнимас, ўтовлар оралаб хитоб янгради. «Дўстлар! Тонг отди. Гоби устида қуёш чиқишини томоша қилинлар!» Ҳамма ташқарига чиқди. Бирларимиз ўтовга суяниб, биров яшил ўтлар устида, қўл бўйида туриб, текис саҳро қобигини ёриб кўтарилаётган қуёшни томоша қилдик. Қуёш ўз мангу ва оддий юмушига киришмоқда эди. Биз эса бу заминда ўтган кунларимизни чамалаб кўрдик. Улар оддий кунлар эмас. Биз уларни унутилмас кўришишлар, ҳаяжонли суҳбатлар, кашфиётлар билан безаган эдик.



КАСБИНГНИ АРДОҚЛА

«БЕҲУДА ҲОМИЙЛИК ЁКИ ПАЙРАҲА ҲИДИ»

«



еҳуда ҳомийлик ёки пайраҳа ҳиди» мақоласидаги Азаматнинг мактуби мени ўйлантириб қўйди.

Бейхитёр бир воқеа эсимга тушиб кетди. Автобусда кетаётган эдим, кейинги бекатда башанг кийинган икки аёл чиқиб олдинги ўриндиққа ўтиришди. Улар бир маҳаллада туришар экан шекилли, ҳасратларини келган жойидан давом эттира кетишди.

— Адаси, ўғлимизни инженерликка ўқитамиз, дейдилар, мен рози бўлмадим, энди ТошМИга киритмоқчимиз.

— Ўғлингизнинг ўзи-чи, нима дейди!— сўради иккинчи аёл.

— Уми! Узига қолса ким бўлмоқчи, денг! Ишчи бўлармиш, заводга бораман, дейди. Ҳа, шунча йил ўқитиб, сени қора ишчи қилиб қўямизми! Тушингни сувга айт, дедик. Адасининг «Фалончи» деган номи бўлса-ю бу киши «ишчи» бўлармишлар. У ҳали ҳаётда нимани биллади!

Бу нотаниш аёлнинг гапларини эшитиб, тушадиган бекатимга қандай етиб келганимни ҳам билмай қолибман. Унинг башанг кийими, оғзидаги ярақлаган тишлари, фикрларига ҳамоҳанг, енгил-елли эди, кишининг нафратини келтирарди.

Узи-ку, енгил ҳаётга ўрганибди, энди ўғлини ҳам шундай ҳаётга ўргатмоқчи. Худди Азаматнинг дадасидек ўғлининг хоҳишини инобатга олмайди, ўғлини врач қилмоқчи. Талантсиз шоир, нўноқ ўқитувчи бўлиш мумкин, лекин ёмон врач бўлиш жиноят-ку, ахир. Наҳот одамлар бу оддий ҳақиқатни тушунмайди!

Азаматга келсак, у жуда ҳам тўғри иш қилган, қачонгача у дадасининг айтганини қилади! Азаматнинг олдида ҳали кўп машаққатли доvonлар турибди. Довонлардан ошиш учун фақат чидам, матонат керак. Ана шундагина инсон ўз кўзлаган мақсадига эришади. Касбининг яхши-ёмони йўқ! Касбинини севсанг—шунинг ўзи катта бахт!

Муҳаббат ТУРДИҚУЛОВА,

ТошДУ журналистика факультетининг
студенти

ОТАМДАН МИННАТДОРМАН



Азаматнинг мактуби мени аллақандай ҳаёллар гирдобига ташлади. Ҳа, унинг дадасига ўхшаган кишилар йўқ эмас орамизда. Уйлаб кўрилса, ота ўғлининг олдида қўйган ниятларини чиппакка чиқаряпти. Ота ўғлининг кейинги ҳаёти қандай кечиши ҳақида ўйламаяпти. Инсон ўзининг севимли касби ва ҳалол иши билан жамиятимизга фойда келтиради. Мен ҳозир олий ўқув юртларининг бирида таҳсил кўряпман. Ота касбим—ўқитувчиликни танлаганман. Бу касбни мен отамнинг хоҳиши билан танлаганим йўқ. Аксинча, менинг севган касбимни эгаллашим учун отам шароит яратиб, йўл-йўриқ, маслаҳатлар бериб турди. Бунинг учун мен у кишидан бир умр миннатдорман. Барча тенгдош дўстларимнинг оталари менинг отамга ўхшаш бўлишини хоҳлайман.

Тақдирин қўл билан яратур одам,

Ғойибдан келажак бахт бир

афсона,—

деган эди отахон шоиримиз Ғафур Фулом. Бизлар тақдиримиз пойдеворини қўйгимиз келади.

Анорбой НОҒҚУЛОВ,

Тошкент

Журналимизнинг 8-сонида ёзувчи
Нусрат Раҳматовнинг
«Беҳуда ҳомийлик ёки пайраҳа ҳиди»
сарлавҳали мақоласи босилган эди.

Маъриални журналхонлар илиқ
кутиб олдилар.

Редакцияга келаётган
кўплаб хатлар ана шундан
далолат бериб турибди.

Қуйида биз журналхонларимиз
хатларидан айримларини диққатингизга
ҳавола қиламиз.



Тошкентдаги 200-мактабда Азиз [исмини шундай деб қўяқолайлик] деган бола яхши ва аъло баҳо-ларга ўқир эди. Саккизинчи синфини битираётганда мактаб коллективи бошқаларга ўрнак бўлсин, деб унга 63-хунар-техника билим юртига йўлланма берди. Ота-она «Ҳа, майли, хунар ҳам ўрганади, билим ҳам олади»,— деб розилик беришди. Азиз тенгқурларидан ажралиб, дурадгорлик бўлимида «хунар» ўргана бошлади. Дурадгорлик ҳар ҳолда ёқди унга. Аммо, Азиз назарий билими пишиқ, амалиётдан эса, нўноқ чиқиб қолди. Ахир унга ёшлигидан бу касбга қизиқиш йўқ эди-да! Унда орзу йўқ эди. Бу ота-она ўз фарзанди билан касб танлаш тўғрисида илгарироқ шугулланмаганининг оқибати бўлса керак.

Азиз ҳозир ўз йўлини топиб олди. Билим доираси кучли бўлгани учунми, ҳар ҳолда у олий маълумотли методист бўлиб етишмоқда.

Азаматга эса айтадиган фикримиз бор: инсон умрининг охиригача ўз касбини севиши, ардоқлаши керак.

Мен қаердадир ўқиган эдим: Нозим Ҳикматдан «Бахт нима!» деб сўраганларида у «Эрталаб ишни соғиниб, шошилиб бориш, кечки пайт эса ишдан кўнглинг тўлиб, ҳориб-чарчаб қайтиш — мана шу бахт» деган экан. Уз касбинини севмасанг — ишни соғинишинг мумкинми!

И. УСМОНОВА,
Ф. АҲМАДАЛИЕВА.



Мен эндигина 19 га қадам қўйдим, балки тушунчаларим унчалик тўғри эмасдир. Мақолада менинг ёшимдаги ҳар бир кишини ўйлантирадиган масала кўтарилган. Азамат ва унинг отаси ҳақида ўқиб, анча хаёлга толдим. Ҳа, ҳаётда бундай воқеалар оз бўлса-да, учраб туради. Турмушимиз фаровон, замонамиз тинч, аммо мана шундай гўзал турмушимизда, афсуски, мол-дунё, текин даромад, мансабдан бошқа нарсани ўйламайдиган кимсалар ҳали ҳам учраб туради. Улар ҳамма нарсани: эътиқодни ҳам, имонни ҳам, орзу-истак, виждонни, ҳаттоки бахтни ҳам пул билан ўлчайдилар!

Мен бир нарсага ачинаман: ўзлари эндигина 18-20 ёшга борган «мустақил ҳаётга қадам қўйиб улгурмаган айрим тенгдошларимиз Азаматнинг отасига ўхшаган кишиларнинг «таълим» ва «ўғит»лари натижасида «пул бандаси» бўлиб қоляптилар. Мана мисол: мактабни бирга тамомлаган бир қиз билан йигит учрашиб қолибдилар. Ушанда йигит қизга:

— Институтга ўтибсиз, ўқитувчи бўлармишсиз, табриклайман,— дебди.

Қиз завқ ва гурур билан:

— Ҳа, болагимдан ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Устозларимга ҳавасим келарди, мен ҳам уларга ўхшасам, дердим. Мана энди ниятимга етадиган бўлдим,— деб жавоб берибди.

Шунда ҳалиги йигит айтибди:

— Мана сиз 4-5 йил ўқийсиз, сўнг юз сўмининг нариберисида маош оласиз. Мен-чи, мен 2 йил ўқийман-у, ҳафтасига йеги юздан тушираман. Кимга фойда, кимга зарар!

Бу воқеани ўша қиз айтиб берди.

Ҳалиги йигитга ўхшаганларга қараб туриб, беихтиёр «эсиз умр!» деб юборасан киши.

Мен Азаматнинг юрфакка киролмаганига қувондим. Ҳа, қувондим. Чунки ундан яхши юрист чиқмасди. Ахир ўз ишига лаёқатсиз бўлса, ишхонага «кунини ўтказиш» учун келса, у қандай қилиб кишилар тақдирини билан шугулланади-ю, адолат соқчиси бўла олади!

Ҳа, ҳозир таниш-билиш орқали, ота-онасининг пули билан ўқишга кираётганлар йўқ эмас. Шундай ота-оналар борки, улар ўзлари емай-ичмай, тийинлаб жамғарган пулларини ялина-ёлвора текин томоқларга топширадилар: ишқилиб ўғли ё қизи ўқишга кириб олса бўлди.

Яна бир мисол: бир бола мактабда ўқиётган пайтларида «мен врач бўламан, дунёда бундан кўра олижаноброқ касб йўқ» деб юрарди. Йиллар ўтиб, мактабни ҳам тугатди, аммо шуниси қизиқки, у ҳужжатларини — савдо институтига топширди. Чунки отаси шунини хоҳлабди! Орадан анча вақт ўтгач, йўлда кўриб қолдим. Маълум бўлишича инженерликка ўқиётган экан. «Нега!» деган саволимга «Таниш «зўр»роқ эди, шу ерга келдим» деб жавоб берди.

Энди бу йигитдан «қойилмақом» инженер чиқса керак!

Ҳа, Азамат ҳаётда қоқилди. Бунда отасининг ҳам айби бор, албатта. Лекин биринчи айбдор — Азаматнинг ўзи! Негача у дурадгор бўлишдек эзгу орзусида қатъий турмади! Тўғри, отаси уни тушунмади, балки тушунишни хоҳламади. Азамат эса мана шунини рўкач қилиб, дуч келган биринчи тўсиқдаёқ орқага чекинди, ўз маслаги йўлида курашмади.

Ниҳоят, у энди тўғри йўлини топибди, ҳаёт сўқмоқларида адашиб-адашиб, катта йўлга чиққандай бўлибди. Агар у бундан кейинги ҳаёт синовларига сабот ва чидам билан бардош берса, ўз ишига масъулият билан қараса, ундан келажакда яхши уста етишиб чиқади. Уни порлоқ истиқбол, юксак бахт кутаётганига ишонаман.

Маҳбуба САФАРОВА

КИШИ ҲАР НАРСАГА ҚОДИР



ликни.

унёда касблар хилма-хил. Ҳар ким ўзига ёққанини танлайди. Ёшлиқда дам космонавт бўлишни орзу қилсан, дам врачликни, дам эса инженерликни.

Ҳаётга мустақил қадамни ташлаётган пайтингда ўша орзу қилган касбларингдан биронтаси юрагингга биринчи муҳаббат каби қаттиқ ўрнашадию. шу касб эгаси бўлишга қаттиқ аҳд қилсан. Лекин, орзусига мустақил интилувчилар ҳам, айни пайтда кимларингдир ёрдамига кўз тикувчилар ҳам бор. Мен бу борада икки воқеани сўзламоқчиман.

Абдулла 10-синфини аъло баҳолар билан тугатди. Уз севган касби бўйича ўқишга кириш учун пойтахтга кетди. Кўп қийинчиликлар билан ўқиди. Қишлоққа қайтгач, ёр-биродарлари уни табрикларди.

— Танишинг «зўр» шекилли, ўқишга кириб олдинг. Қанчага тушди!— дея сўраганлар ҳам бўлди.

Абдулла бундай сўроқларга жавоб бериб, ўз билими билан кирганлиги ҳақида айтар ёки энсаси қотиб, нима дейишга ҳам ҳайрон бўларди. Тавба, одамлар тўғри гап-гаям ишонмайди-я!

Ана сизга калтафаҳмлики! Ҳар ким вазиятни ўз тарозуси билан ўлчайди. Киши интилган нарсасига албатта эришиши ҳақида ўйламайди.

Энди иккинчи бир воқеа. Колхоз раиси Раҳим ака ўғлини катта бир институтга «жойлаб» келди. У «жойлаб» келганини ҳеч кимдан яширмади ҳам. Угли мактабни ҳам «бир нави» битирган, отасининг аралашуви билан аттестат олган эди. Бу ёғи нима бўлди дерсиз! Угли 2 йилдан кейин институтдан ҳайдалди.

Олдига қўйган мақсадга эришиш ҳар кимнинг ўз қўлида. Қийинчиликларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз енгиш— бу мардлик. Мардлик эса қўнт ва иродани талаб этади.

Ҳайдар ХУШМАТОВ,
Тошкент қишлоқ хўжалик институ-
тининг 5-курс студенти.



а, мана буни Янги йил деса бўлади! — дераза ортида ёғаётган паға-паға лайлак қорга тикилганча, диванда узала тушиб, сигарета тутатаркан, ўйланарди Шукуржон, — қиш ҳам, танбаллик қилмай, ўзига топширилган вазифани бажарсин-да!

Ҳар йили қишки каникулда ўғилчаси Ғайрат «Дада, қор қачон ёғади, қачон чанада учамиз?» деб хархаша қилаверарди. Қор магазиндаги музқаймоқ эмаски, дарров сотиб олиб бера қолсанг. Бу йил эса, ана қору мана қор! Мақсадингга етдинг, ўғилча, роса маза қилиб ўйнаб ол!

Дадаси айтмасаям Ғайрат эрталабдан ҳовлида Қорбобо ясаш билан овора эди.

Шукуржон оиласи билан Янги йилни мактабдош дўстиникида кутиб олди. Утган йили улар келишган эди, бу йил булар боришди. Ҳайир-қулги, рақс, зиёфат қизигандан қизиди. Тонготарда уйга қайтишди.

— Ҳой, аяси, маставангиз пишадиган маставами ўзи?

Ошхонада куймаланиб юрган хотини узоқдан жавоб қилди:

— Ҳозир, дадаси, ҳозир.

Шукуржон эринибгина ўрнидан турди-да, телевизорнинг қулоғини буради. Келиб, ўзини яна диванга ташлади.

— Бир неча минутдан кейин «Спортлото»нинг янги йил тиражи ўтказилади, — деган овоз келди экран ортидан ва дақиқа ўтар-ўтмас хушрўй диктор қизнинг ўзи ҳам жилмайиб кўринди. «О, дикторлар бунчалик гўзал бўлишмаса! — кўнглидан ўтказди Шукуржон, — ўзиям чертиб-чертиб, танлаб олсалар керак-да».

«Спортлото, спортлото... Сен вафо қилмадинг-қилмадинг».

Шукуржон уч-тўрт йилдан бери бу ўйинга қанчадан-қанча пул сарфлаганини эслаб, хўрлиги келиб кетди. Ҳар ойда ўн беш сўм, йигирма сўм. Кўзга кўринмайди, аммо... «Спортлото» карточкаларига рақамларнинг кўпдан-кўп вариантларини чизиб кўрди, узунасига ҳам, энига ҳам, кўндалангига ҳам... Баъзи-баъзида бор-йўғи учта рақамни тўғри топади. Фақат бир марта тўртта рақамни тўғри топган, шу билан бир йил-ярим йилгача хотинининг «тилини қисик» қилиб кўйган эди.

Зангори экранда, ойна қалпоқ остида эса оппоқ шарчалар жон бордай типирчилаб ўйнашарди. Шукуржон бир нарсани эслади.

Янги йил олдидан хотини иккаласи бозор-ўчар қилгани тушишган, кўпдан-кўп магазинларни оралаб, кунни ўтказишган эди. Ушанда, бозор ўртасидаги «Спортлото» дўкончаси ёнида одамлар қатор навбатга туришиб, карточкаларни тўлдиришаётганди.

— Янги йил кунни тиражи бўлади, кейин ғафлатда қолманг, — деб кўярди дўкон мудир.

— Келинг, аяси, биз ҳам омадимизни бир синаб кўрсак, — таклиф қилди Шукуржон. — Кетса бир сўм кетибди-да!

— Кўйинг шу «ўйин»ингизни, рўзғорга бозор қилишгани тушганмисиз, ё... — жеркиб берди хотини.

Шукуржон, ичи куйиб турса ҳам, ноилож хотинининг гапига кирди.

Мана, ўша ўйиннинг тиражи бўляпти.

Шарчалар ҳамон қалпоқ остида диконглаб ўйнар, бири-иккинчисидан баланд сакрашга интиларди.

— Минг ишва қилма, барибир алдайсан, — деди Шукуржон диванда чўзилиб ётганича ва фараз қила кетди...

Хўп, ўша кунни хотинининг гапига кирмай, ундан минг таъна эшитиб, икки-уч карточка тўлдирган эди ҳам дейлик. Қизик, бугун нима бўлар эди? Хўш қайси рақамларни чизарди у? Ҳозир ўйлаб кўради-да!

ОМАД КУЛИБ БОҚ- ҚАНДА

Қувноқ Қитмир
ҳангомалари

Шукуржон кўйнидан ручка чиқариб, диванинг бир бурчагида газета четига ёза бошлади.

Айтайлик, беш. Чунки ўғли Файрат мактабда нуқул «5»га ўқийди. Сўнгра, ўн бир. «Пахтакор» командасида, умуман ҳамма футбол командаларида ўн биттадан ўйинчи бўлади. Хўш, кейин. Ун олти. Ойнинг ўн олтинчи куни. Шу куни маош берилади. Иннайкейин, йигирма икки. Бу трестдаги «шеф»нинг эшиги устидаги рақам. Ниҳоятда баджаҳл, кўрс одам. Ёзаверамиз, тўнка бўлса ўзига, рақамларда нима гуноҳ? Давом этдик. Уттиз икки. Ун беш йилдирки, Шукуржон ишга нуқул 32-автобусда қатнайди. Ва ниҳоят, қирқ тўққиз. Туғилган йили. Тамом, вассалом!

— Ишлар шунақа, қадрдоним «Спортлото», — деди у телевизор экранига голибона қараш қилиб, — бу сафар карточка сотиб олганим йўқ. Бир сўм ҳамёнда. Қани диконглаётган шарларингдан бирини тушириб юбор-чи!

Худди шу буйруқни кутиб тургандай, шарларнинг бири эшилиб-эшилиб, ноз билан пастга тушди. Белида 22 рақами қорайиб кўринди.

— Ҳе, туркинг курсин, — деб юборди Шукуржон тўнка «шеф»ни эслаб. 22 рақами бехос ўша кўполнинг қаншари устига қўндирилган кўзойнакка ўхшаб кетди.

Ойна қалпоқ остидан иргишлаб-иргишлаб чарчаган шарлардан яна бири сирғалиб тушди: 49.

— Ҳа, мана туғилиб ҳам олди, — кўнглидан ўтказди Шукуржон.

Ундан кейинги шарнинг рақами 16 эди. Шукуржон бунга унчама хурсанд бўлмади. Чунки учта рақамни у ҳаммиша топиб келган. Ачинишга ҳам арзимайди...

Ойна қалпоқчадан 32 рақамли шар юмшоққина юмалаб

тушганида Шукуржоннинг юраги бир жизиллаб кетди.

— Ана, автобусимиз ҳам етиб келди... Аттанг, аттанг.

Ундан кейинги шар пилдираб-пилдираб келиб тўхтади. Сатҳида қўш қозикдай иккита «1» турибди, Ун бир! Шукуржоннинг нафаси бўғзига тиқилиб қолди.

— Ҳа «Пахтакор»нинг бу йилги ютуқларида хосият бор эди-я! Эҳ, аяси, бозорингиз курсин, бозорингиз!

Шукуржон энди кўзлари тўртта бўлиб эмас, саккизта бўлиб экранга тикилди. Юраги қиндан қақиқ кетай дерди. Олтинчи шарнинг тушиши бир неча дақиқа эмас, миллион йилга чўзилиб кетди чамаси. Ниҳоят, сўнгги шар уч-тўрт думалаб олди-да, шериклари ёнига етиб келиб, қаторга қўшилди. Белидаги рақами аввалига «2»га ўхшаб туюлди. Аммо тиражни ўтказаетган қиз кўли билан тўғри-лаб қўйган эди, «5» рақами жилмайиб кўринди.

— Беш! Беш!!!

Шукуржон қандай қилиб ўрнидан сакраб турганини ҳам билолмай қолди.

— Аяси! Файрат! Беш! Нодонсиз, аяси, калтафаҳмсиз! Йўқ, биринчи, нодон ўзимман, сизнинг гапингизга кирган... Ун минг-а! Ун минг!

Хотинининг капалаги учиб, ошхонадан ичкарига отилиб кирди. Эрнинг сочлари тўзиб, ранги сутдай оқариб кетганини кўрдию, кўлидаги қошиқни ташлаб, жанжалда дераза томон чопди. Пастга бир қараб олгандан сўнггина юзига сал қон югурди.

— Вой бунча ваҳимачи бўлмасангиз! Файратингиз ўйнаб юрибдику кўчада! Ана, Қорбобосини ясаб бўлибди. Юрак-пурагимни ҳам чиқариб юбордингиз-а! Нима бўлди ўзи?

Шукуржоннинг тили калимага келмас эди.

АНВАР МУҚИМОВ

Тўйдан кейин ноғора

ИНТЕРМЕДИЯ



ажлисда қисса муҳокамаси кетаяпти.

БОЙМАТОВ. Ана шунақа гаплар, азизлар.

МАЖЛИС РАИСИ (Қалам билан графинни чертиб).

Вақтингиз тугади, ўртоқ Бойматов!

БОЙМАТОВ. Ҳозир. Бир оғиз гапим қолди (залга). Хуллас, «Азим дарё» қиссасини автор буткул қайта ишлаши лозим. Иложи бўлса, қўлёмзани ўчоққа ташлаб, ёқиб юбориш керак! Ана ундан кейин янгидан ёзишга ўтириш лозим. Гапим тамом.

МАЖЛИС РАИСИ. Сўз Шокир Алиевга!

АЛИЕВ. Уртоқлар, мендан олдин сўзга чиққан нотиқлар орасида Исмоил Қоплоннинг «Азим дарё» қиссасини мактаб, кўкка кўтарувчилар ҳам учради, уни йўққа чиқарувчилар ҳам бўлди. Мен, асосан, танқидий фикрларга қўшиламан. Ҳали бу ерда кимдир «Асарнинг мавзуси оригинал» деб ўтди. Тўғри, бизда товуқбоқарлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи мустақил қисса яратилгани йўқ эди. Лекин асар темасини рўкач қилиб, нуқсонларидан кўз юммаслигимиз керак. Масалан, мен қўлёмзани қийналиб, минг азобда ўқиб чиқдим. Муаллифнинг мақсади туманли. У нима демоқчи эканини ўзи билмайди. Воқеалари сохта, айқаш-уйқаш. Мана, битта эпизодга қўлоқ солинг. «Азим дарё»нинг бош қаҳрамони товуқбоқар Зебинисо хола колхознинг умумий йиғилишида кўкрагига муштлаб нутқ сўзлайди. «Ҳар бош йирик тожли паррандадан бир кунда ўнтадан «юмалоқ олтин» етиштиришга сўз бераман», дейди. Кейин эзгу мақсад йўлида белини маҳкам боғлаб, ишга шўнғийди. Бироқ унинг ёстиқдоши холанинг ташаббусига тўғаноқ бўлади. Яъни чоли тушмагур тухумларни яширинча еб қўяверади. Кампир чолни «жиноят» устида қўлга туширади ва судга бериб жазолати. Шундан сўнг кампирнинг ишлари юришиб кетади, Зебинисо хола зафар қучади. Қўлёмза ана шунақа гаплар йиғиндисидан иборат.

«Азим дарё»нинг тили ҳам расво. Биргина жумлани айнан ўқиб бераман: «Жасур Зебинисо хола жаҳлига чидолмай, иккита тухумни синдириб қўйган эзкисига қасос-

корлик билан пичоқ урди ва уни тилка-пора қилгач, эчки шўрлик, «Нима гуноҳ қилдим экан?», дегандай дарғазаб кампирга норози қиёфода бир қараб қўйди ҳамда самога боқиб нафосет ила йиқилди ва у дунёга равона бўлинди». Бу жумла ўрта мактаб ўқувчисининг иншосида учрагудай бўлса, муаллим иккиланмасдан «бир» қўярди.

Умуман, «Азим дарё» бадиий асар эмас. Бунақа гапларни Исмоил Қоплонга илгариги асари ҳақида ҳам айтганмиз. Минг афсуски, у кимларнингдир кўзини шамғалат қилиб, китобини чиқариб олган эди. Барча танқидий фикрларимиз самарасиз қолган эди. Уйлайманки, Исмоил Қоплон бугунги дўстона танқиддан тўғри хулоса чиқаради.

МАЖЛИС РАИСИ. Сўз авторга.

ИСМОИЛ ҚОПЛОН (қўлини кўксига қўйиб илжайди). Раҳмат, азиз биродарлар! Дўст ачитиб гапирди, дейдилар. Ҳамма гапларингизга юз фоиз қўшиламан. Танқидий фикрларингизни, маслаҳатларингизни тўла инобатга олам. Қиссамни қайта ишлаш жараёнида улардан унумли фойдаланаман. (Қуллуқ қилиб, жойига ўтиради). Тағин бир бор раҳмат, яхшилар...

МАЖЛИС РАИСИ (ўрнидан туриб). Демак, кўпчиликнинг маслаҳатига кўра, «Азим дарё» босишга эмас, қайта ишлашга тавсия этилади. (Ёнидаги йигитга). Мажлис қарорини ўзингиз келиштириб ёзиб қўясиз-да, Равшанбек?

РАВШАН. Албатта, домла.

МАЖЛИС РАИСИ. Шу билан мажлисимиз ёпиқ.

Мажлис аҳли тарқала бошлади.

ИСМОИЛ ҚОПЛОН. Йигитлар, шовилманглар, кичкина гап бор... (Портфелидан иккита китоб олиб узатади). Арзимас соғва. «Азим дарё»нинг уч-тўртта нусхаси келган эди. Сизларга атаб, дастхат ёзиб қўйибман. Эсдалик... (У шовиб жўнайди).

АЛИЕВ (китобга боқиб ажабланади) Во, ажаб! «Исмоил Қоплон! «Азим дарё». Аллақачон босилиб чиқибди-ку! Биз бўлсак, вайсаб етибмиз!

АЛИЕВ. Мана сизга дўстона танқиднинг меваси!

Янги лауреатлардан янги йил интервьюси

Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ:

Кўтардим кўп муаммони даст,
Муаммолар юки, оҳ, оғир...
Йўқ, журналист оқбилак эмас,
Бечоранинг елкаси яғир.

Эркин АЪЗАМОВ:

Гап-сўз — тамом. Навбат ўйинга!
Дўстлар, маълум қиламан шунки:
Нишонлар менинг уйимда
Отининг туғилган кунки.

Собит МАДАЛИЕВ:

Оҳ, дилми қилмиш шайдо
Москванинг шаки жамолки.
Унутмабди мени аммо
Ўзбекистон комсомолки.

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР АНСАМБЛИ:

Тор эшиб хом теридан,
Дуторга тортиб олдики,
Омонёр.
Фабриканинг йўлидан
Мукофот топиб олдики,
Омонёр.

Интервьюни ёзиб олувчи
Анвар ОБИДЖОН

ҚУВНОҚ ҚИТМИР САВОЛЛАРИ

1. Янги йил оқшомида нимани орзу қилсангиз орзулигича қолавериши мумкин!
 2. Ёш йигит уйланса кўёв бола дейлади, эллика кирган одам ёш қизга уйланса-чи!
 3. «Тухум аввал пайдо бўлганми, товۇқми!» деган жумбоқ аллақачон ҳал бўлган. Лекин ферма мудирининг қорнида тухум тез ҳазм бўладими, товۇқми! Ана бунки топинг.
 4. Агар бирон ташкилотга бошлиқ бўлиб қолсангиз, хотинингизни секретарь қилиб олармидингиз!
 5. Бурни қизил қорбобони учратганмисиз!
 6. Коллективингизда ота изидан бораётган ёш ва умидли порахўр борми!
 7. Танқид келажакнинг меваси, дейишади. Уша мевадан еганмисиз, таъми қандай!
 8. Қайнонанинг қабри устида йиғлашга қодирмисиз!
 9. Адабиёт дастурхонидаги пашшани кўрганмисиз!
- Юқоридаги анкета саволларига тўғри жавоб топсангиз, Қитмирнинг махсус мукофоти бор.

АВТОРЛАРИМИЗ

Асқад МУХТОР. 1920 йили Фарғонада туғилган. Кўплаб роман, қисса ва шеърли китобларнинг аuctори. «Опа-сингиллар», «Туғилиш», «Давр менинг тақдиримда», «Чинор» каби йирик асарлари бир қанча қардош халқлар ва чет эл тилларига таржима қилинган. Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати.

Муҳаммад АЛИ (Муҳаммадали Аҳмедов). 1942 йилда Андижон областининг Бўз райониде туғилган. Москвада Горький номидаги Адабиёт институтини битирган. 1967 йилдан буён Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаб келмоқда. Ундан ортиқ шеърли китоблар муаллифи. Машҳур ҳинд эпоси—«Рамаяна»ни таржима қилган. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати.

Сулаймон ОБЛОҚУЛОВ. 1955 йили Бухоро область Шофиркон райониде туғилган. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида таълим олган. Ҳозир Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлайди.

Сирожиқдин САИДОВ. 1958 йили Сурхондарё область Саринсий райониде туғилган. 1980 йилда Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тугатган. Шеърлари газета ва журналларда эълон қилинган. «Ёшлик» саҳифаларида илк марта иштирок этиши. Ҳозир «Тошкент оқшоми» газетасида ишлайди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ. 1959 йилда Андижон область Балқичи район Чинобод қишлоғида туғилган. 1979 йили Тошкент Давлат Маданият институтини тамомлаган. Журналистик саҳифасида «Тўсиқ» (1982 йил, 5-сон) деган ҳикояси билан қатнашган.

АВТОРЛАРИМИЗ



Шоирнинг арчаси.
Расми Б. ТОЖИЕВ чизган

«Ёшлик» («Молодость») —
ежемесячный литературно-художественный и общественно-политический журнал

На узбекском языке

Орган Союза писателей
Узбекской ССР

Рассом: Ҳ. СОЛИҲОВ

Техник редактор: В. УРУСОВА

Корректор: М. НАБИЕВА

Адресимиз: 700000. Тошкент — П.

Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Бош редактор Уринбосари —
32-54-73

Масъул секретарь — 32-26-06

Проза бўлими — 32-57-34

Шеърлият, адабий танқид ва
санъат бўлими — 32-56-41

Ижтимоий-сиёсий бўлим — 32-54-73

Редакция ҳажми 12 босма листдан ортиқ роман ва 8 босма листдан зиёд қиссалар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма листгача бўлган асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда

«Ёшлик»дан олинди» деб

изоҳланиши шарт.

Босмахонага туширилди 24.11.82.

Босишга рухсат берилди 6.01.83.

Офсет босма усулида чоп этилди.

Р—07009. Қоғоз формати 84×108^{1/16}.

Қоғоз ҳажми 5,25 лист

Тиражи 45140 нуска.

Шартли ҳисоб листи — 12,5.

Буюртма № 4679. Баҳоси 50 тийин.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий
Комитети нашриётининг Меҳнат
Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент, 700029. «Правда Востока»
кўчаси, 26.

«Ёшлик», № 1, 1983.

«Ёш гвардия» нашриёти.